

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ
ХАЛҚАРО БЕСТСЕЛЛЕРИ



МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

РАҶОБАТЧИЛАРСIZ БОЗОРНИ ТОПИШ ЁКИ
ЯРАТИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

В. ЧАН КИМ | РЕНЕ МОБОРН

*Жаҳон иқтисодиётининг халқаро
бестселлери*

В.Чан Ким, Рене Моборн

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

Рақобатчиларсиз бозорни топиш ёки яратиш стратегиялари

(таржимон: Алишер Равшанов ва Эргашбой Матёқубов)

**“Илм-зиё-заковат”
Тошкент – 2021**

УЎК: 330.112.22.

КБК: 67-2

К 80

В.Чан Ким, Рене Мобори. “Мовий океан стратегияси” / бизнес ва тадбиркорликка доир илмий-оммабоп кўлланма / инглиз тилидан **Алишер Равшанов** ва Эргашбой Матёқубов таржимаси / “Халқаро бестселлерлар” туркуми –

Т.: “Илм-зиёзаковат” нашриёти, 2021. – 384 б.

Нашрга тайёрловчи, қўйинчча изоҳ ва иқтибосларни киритувчи:
Эргашбой МАТЁҚУБОВ

Ушбу китобнинг муаллифлари тадбиркорлик ва бизнеснинг “мовий уммон стратегияси”га қандай эришиш мумкинлиги ёрkin мисол ва таҳлиллар оркали кўреатиб беришган. Бунинг учун улар 30 дан ортиқ соҳада 150 га якин тадқиқотлар ўтказишган, тадқиқот натижаларни таҳлил қилишган.

Мазкур китобда “мовий уммон стратегияси”га эришиш йўллари, иктисадий хатарларнинг олдини олиш усуллари, рақобатчиларсиз соҳаларни яратиш йўналишлари ҳакида батафсил маълумот берилган.

Ушбу қўлланма 3.5 миллион нусхада сотилиб бешта китъада жуда кенг тарқалди. Китоб шу давр ичida 43 тилга таржима қилинди, бу эса ўзига хос рекордdir. Натижада “Мовий уммон” атамаси тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ва бизнес соҳасида мустаҳкам ўринга эга бўлди. “Мовий уммон стратегияси”га жаҳон миёсида (интернет, газета, журнал, радио ва телевидение) 4000 мингдан ортиқ ижобий фикрлар колдирилган ва бу ракамлар янада ўсиб бормоқда.

УЎК: 330.112.22.

КБК: 67-2

ISBN: 978-9943-6656-4-4

© В.Чан КИМ, Рене МОБОРН
© “Илм-зиёзаковат”. 2021 йил.

МУНДАРИЖА

Вой-дод! Менинг уммоним алвон рангга кирмоқда	5
Биринчи нашрға сүзбоши	20
 Биринчи қисм. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ	
1-бөб. Мовий уммонларни яратиш	25
2-бөб. Таҳлил воситалари ва моделлари	54
 Иккинчи қисм. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИНІ ЯРАТИШ	
3-бөб. Бозор сарҳадларини янгилаш	84
4-бөб. Рақамларга эмас, балки умумий қўринишга эътибор қаратиш	130
5-бөб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиш	158
6-бөб. Тўғри стратегик изчилликка амал қилиш	176
 Учинчи қисм. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИНІ АМАЛГА ОШИРИШ	
7-бөб. Асосий ташкилий тўсиқларни енгиб ўтиш	215
8-бөб. Амалга ошириш жараёнини стратегияга киритиш	247
9-бөб. Қиймат, фойда ва инсон омилиниңг мувофиқлиги	270
10-бөб. Мовий уммонни янгилаш	288
11-бөб. Алвон уммон тузоқлари: улардан қандай қутулиш мумкин	304
 ИЛОВАЛАР	
1-илова. Мовий уммонларнинг тарихий қўринишлари	318
2-илова. Қиймат инновацияси. Стратегияга янгича ёндашув	343
3-илова. Қиймат инновацияларининг бозор динамикаси	348
Изоҳлар	352
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	366
Миннатдорчилик	377
Муаллифлар ҳақида	382



ВОЙ-ДОД! МЕНИНГ УММОНИМ АЛВОН РАНГГА КИРМОҚДА.

“Вой-дод! Менинг уммоним алвон тус олмокда!”

Бу жараён жаҳон миқёсида раҳбарларни, компания менежерларини, нотижорат ташкилот бошқарувчиларини, шунингдек, хукуматнинг йирик мансабдор шахсларини ташвишлантираётган долзарб муаммо. Улар вақт ўтган сайин аёвсиз ракобат уммонида чайқалар ва бу вазиятдан бартараф этиш йўлларини излашар эди.

Бизнеснинг даромади пасаймокда...

Ракобат кучайган...

Чакана савдодаги маҳсулотларни энди улгуржи савдога кўйиш керак....

Нархларни кўтаришга мажбур бўлишилик...

Ходимларга иш хақлари ошмаслигини айтиш ва х.к.

Буларнинг барчаси барчага маълум бўлган ноҳуш ҳолат, албатта.

Хўш, юзага келган бундай муаммоларни қандай ҳал килиш мумкин....

Бу масалада мазкур “Мовий уммон стратегияси” китоб – дарслар, йўл-йўриклар ва унинг методикаси – сизга иқтисодиётнинг қайси соҳасида фаолият юритишингиздан катъий назар ёрдам беради. Ушбу китоб оркали шафкатсиз ракобатнинг алвон уммонидан чикиб ракобатбардош, янгича талаб, барқарор ривожланиш ва бизнесингиз даромадининг юксалиши учун барча имкониятлар мавжуд

ВОЙ-ДОД! МЕНИНГ УММОНИМ АЛВОН РАНГГА КИРМОҚДА.

бўлган бозорнинг мовий сувларига тушишни ўрганасиз.

Алвон ва мовий уммон атамаларини рамзий мъянода танла-
ганимиз сабабини куйидагича оддий тушунтириш мумкин:

Алвон уммон – айни вақтда рақобатларга бой, даромади
эса қониқарсиз бўлган тадбиркорлик ва бизнес субъектларидағи
ҳақиқий ҳолатни билдирувчи рамзий атама.

Мовий уммон – рақобатбардош тадбиркорлик ва биз-
неснинг – агар шу тадбиркорлик, бизнес ва ишлаб чиқаришнинг
шаклланган давридан то ривожланган давригача бўлган фаоли-
ятини кўздан кечирсангиз – чексиз имкониятларини кўрсатувчи
рамзий атамадир.

Мазкур китобнинг биринчи нашрини ўн бир йил олдин
тайёрлаганмиз ва 3,5 миллион нусхада сотилиб бешта қитъада жуда
кенг таркалди. Китоб шу давр ичida 43 тилга таржима қилинди, бу
эса ўзига хос рекордир. Натижада “Мовий уммон” атамаси тад-
биркорлик, ишлаб чиқариш ва бизнес соҳасида мустаҳкам ўринга
эга бўлди. “Мовий уммон стратегияси”га жаҳон миқёсида (ин-
тернет, газета, журнал, радио ва телевидение) 4000 мингдан ортиқ
ижобий фикрлар колдирилган ва бу ракамлар янада катталашиб
бормоқда.

Ушбу қўлланма китобхонни ўзига ром этувчи китобдир.

Бу китобни ўкиган ва ундаги кўрсатмаларга амал қилган
кичик бизнес эгалари ва оддий кишилар дунёқараашларининг ўзга-
риб бизнесларини проффесионал даражага олиб чиқканликларини;
топ-менежерлар “Мовий уммон стратегияси” уларнинг “кўзларини
очгани”, яъни ўз бизнес фаолиятларини алвон уммондан олиб
чикиб, бизнес соҳасида мутлако янги талаблар асосида тадбиркор-
лик фаолиятини йўлга қўйганликлари; хукуматнинг катта мансаб-

ВОЙ-ДОД! МЕНИНГ УММОНИМ АЛВОН РАНГГА КИРМОҚДА.

дор шахслари “Мовий уммон стратегияси” орқали одамларнинг турфа ижтимоий соҳаларда, қишлоқ ва шаҳарларда турмуш сифатини яхшилаганликлари, минимал харажатлар билан катта ижобий ўзгаришларни амалга оширишганликлари, ички ва ташқи иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлаганликлари, мамлакатнинг иқтисодий бўлинищлаларини қайта ислоҳ қилганликлари ва бунинг ижобий натижа бергани ҳақида дунёнинг турли хил бурчакларидан бизга ёзиб туришибди¹.

Биз “Мовий уммон стратегияси”нинг биринчи нашрида кўрсатилган йўрикномадан фойдаланган ташкилотларга мурожаат килдик: кўплари билан бевосита фаолият юритдик, бизнинг йўрикнома асосида шакллантирган бизнес фаолиятлари билан танишдик, шунингдек, улардан кўп нарсаларни ўрганиб ҳам олдик.

“Мовий уммон стратегияси”ни жорий этишда улар дуч келаётган муаммолар қуидагича эди:

- “Мовий уммон стратегияси” доирасида компаниянинг барча фаолиятини қандай бирлаштириш керак?
- Мовий уммон алвон рангга айланса, нима қилиш керак?
- “Алвон тафаккур” таъсирига қарши курашиш ва унга тушиб қолмаслик – биз буни “Алвон уммон тузоги” деб атаемиз – ҳатто “Мовий уммон стратегияси”дан “Алвон уммон”га тушиб қолмаслик учун нималар қилиш керак?

Айнан шу саволларнинг долзарблиги бизни ушбу китобнинг тўлдирилган ҳолатда қайта нашрии тайёрлашга унлади. Сўзбошида, аввало, китобга қандай янгиликлар киритилганлиги ҳақида гапириб ўтамиз, кейин “Мовий уммон стратегияси”нинг асосий, ўзига хос ҳусусиятларини қисқача айтиб, нима учун унинг ҳозирги даврда долзарблиги, илгари вактда бўлмаган даражада зарур ва муҳим эканлигини тушунтириб ўтамиз.

БУ НАШРГА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР КИРИТИЛДИ?

Биз иккита янги бобни қўшдик, натижада китобнинг ҳажми учдан бир қисмга кўпайди.

Кўйида эса менежерлар дуч келадиган асосий қийинчиликлар ва муаммолар, шунингдек, булар хақда бизнинг фикрларимиз баён этилган:

Мутаносиблик: бу нима, нима учун долзарб ва унга қандай эришиши мумкин? Биз “Мовий уммон стратегияси”ни тўлақонли яратиш учун ўзларининг бизнес фаолиятларини – шу жумладан, ташки шерикларнинг потенциал тармоғини – мувофиқлаштириш ва бирлаштириш қанчалик қийин бўлганига бир неча бор гувоҳ бўлганмиз. Компаниянинг барча асосий хусусиятларининг – нарх-навонинг, фойданинг, одамларга етказиб беришининг – барчасини ўзида акс эттирадиган, мувофиқлашган кўринишда мовий уммон стратегиясига олиб борадиган, оддий, аммо кенг камровли йўналиш мавжудми? Бу жуда муҳим, чунки ҳар қандай компания ўз фаолиятининг муайян соҳаларига алоҳида эътибор беришга одатланган бўлиб, бошқа соҳалар билан шуғулланишга – гарчи уларсиз стратегиянинг муваффакиятли чикмаслигини билса-да – камроқ эътибор беради. Биз шуларни ҳам хисобга олган ҳолда кенгайтирилган нашрга “Мовий уммон” йўрикномасига мутаносиблик масалаларига багишлиланган маҳсус бобни киритдик. Шунингдек, ушбу янги нашрда “Мовий уммон стратегия”сининг нафакат муваффакиятли, балки муваффакиятсиз ечимларини ҳам кўриб чиқдик, сабаби биз ғалабага, шу жумладан, мағлубиятга ҳам олиб борадиган услубларни-да кўрсатишни мақсад қилдик. Мутаносиблик масалалари учун тўкқизинч боб маҳсус киритилди..

Янгиланиш: мовий уммонни қачон ва қандай янгилаш керак. Ҳар қандай компаниянинг юксалиши ва таназзулга тутиши унинг раҳбарияти қабул қилган ёки қабул қилмаган стратегик дастурлар билан белгиланади. Бироз вақт ўтгач, ҳар қандай мовий уммонга таклид қилювчилик пайдо бўлади ва у алвон тус ола бошлайди (*соддороқ қилиб тушунтирилганда рақобатчилар пайдо бўлади*), яъни компания олдида савол пайдо бўлади: мовий уммонни қандай қилиб янгилаш мумкин? Ушбу янгиланиш тамоийиллари аниқ шакллантирилса, мовий уммонларни яратиш тасодифий муваффақият бўлмай колади, яъни компания давомий янгиланиб, узлуксиз ўз тарккиётини шакллантирадиган жараёнга айланади. Биз янги кенгайтирилган нашрда мовий уммонни тасодифий муваффақиятдан қандай қилиб узлуксиз янгиланиш жараёнига айланиши хакида гаплашамиз – ҳам хусусий бизнес, ҳам корпорация¹ даражасида (кўп тармоқли компаниялар мисолида). Биз янгиланишнинг узлуксиз, изчил жараёнини мовий уммонга чиққан тор фаолиятли компания билан алвон ва мовий уммонларда бир вақтнинг ўзида фаолият юритиб мувозанатни саклаши керак бўлган кенг тармоқли ташкилотларнинг иктиносидий фаолиятини тақкослаш орқали кўрсатамиз. Шу билан бирга, алвон ва мовий уммонларнинг стратегиялари ҳозирги кунда компаниянинг фойдасига қандай таъсир кўрсатишини ва келажакда баркарор ривожланшишига ҳамда нарх-навога қандай ҳисса кўшаётганига эътибор каратамиз. Янгиланиш масалаларига маҳсус ўнинчи боб бағишлиланган.

Алвон уммон тузоқлари: қандай кўринишда бўлади ва уни қандай қилиб айланаб ўтиш мумкин? Биз мовий

¹ Корпорация (латинча: corporatio – бирлашма, ҳамжамият) – бозор иктиносидёти ривожланган мамлакатларда (АКШ, Канада каби) акциядорлик жамияти.

ВОЙ-ДОД! МЕНИНГ УММОНИМ АЛВОН РАНГГА КИРМОҚДА.

уммон стратегиясини шакллантиришга харакат қилаётган компаниялар тушадиган энг кенг тарқалган алвон уммон тузокларини изохлаймиз. Ўз имкониятларингизни амалга оширишда ва мовий уммонни шакллантириш учун ушбу тузокларни билишингиз керак. Бу тузоқни айланиб ўтишнинг бирдан бир йўли. Ўзингиздаги барча потенциал воситалар ва техникаларни юкори аниқлик билан ишлатинг хамда кемангизни мовий уммон сувларига олиб борадиган тўғри окимлар томон йўналтиринг. Алвон уммон тузоқлари хақида ўн биринчи бобда сухбатлашамиз.

БУ КИТОБНИНГ БОШҚА БИЗНЕС КИТОБЛАРДАН ҚАНДАЙ ФАРҚИ БОР?

“Мовий уммон стратегияси”нинг мақсади оддий: ҳар қандай -- катта ёки кичик, янги шаклланган ёки олдиндан мавжуд – ташкилот кичик хавф билан катта имкониятларга эга мовий уммон стратегиясини амалга ошириши мүмкун. Ушбу китобга стратегиянинг илгаридан машҳур бўлган ва кенг тарқалган ғояларини хам киритдик. Агар буларнинг ичидан бешта энг асосийларини белгилаш зарур бўлса, биз буни куйидагича тасвиirlадик:

Рақобатда “бурчакка тиқилмаслик” керак. Компанияларнинг стратегик режалари ҳаддан ташкари ракобатга асосланниб қолади. Компаниянинг алвон уммондан чиқиб кетиши учун рақобатга йўналтирилган стратегияси фойда бермайди, аксинча кўпинча халал беради. Бу мовий уммон стратегиясида аник кўрсатилган. Бундай компанияларнинг стратегияси асосида рақобат ётади, мижоз эмас. Охир-окибат компания факатгина ракобатчилардан кутулиш учун харакат кила бошлайди, аслида эса харидорларга асосий эътиборни каратиш керак, яъни улар учун чиқарилаётган

ВОЙ-ДОД! МЕНИНГ УММОНИМ АЛВОН РАНГГА КИРМОҚДА.

маҳсулотлар ва хизматлар сифатини оширишлари керак.

Мовий уммон стратегияси ракобат занжирлари асосида шаклланмайди. Китобда ёритилган асосий масала – ракобатдан қочиб, янги бозор яратиш. Шунда ракобатчилик ўз-ўзидан йўк бўлади. Биринчи марта бу ҳақда 1997-йилда “Нарх-наволар инновацияси”² маколасида ёзганмиз. Биз ракобатдан кочаётган компаниялар деярли ўз ракибларини қандай тўхтатиш, мағлуб этиш ёки улар билан ракобатда устунликка эга бўлиши хақида деярли қайғурмасликларини пайқадик. Улар ракибларидан ўзиб кетишлари шарт эмас – уларнинг максадлари бошка. Чиқараётган маҳсулотларини, хизматларини сифатини ошиш устида ишлаб ракобатчилик учун умуман имкон колдиришмайди. Инновациялар йўналиши ва ракобатчилар билан доимий таққослашни рад этиб, компаниянинг ўз соҳасидаги ракобат омилларини таҳлил килиб, унинг (ракобатнинг) компаниянинг маҳсулот ва хизматларига истеъмолчиларни жалб этишда фойдали томони йўклигини билишган, шунинг учун улар рақобатдан қочишган.

Мовий уммон стратегияси кўплаб компаниялар таниш бўлмаган стратегик парадоксни ҳал килишга имкон беради: рақобатчилар билан канча кўп рақобатлашсангиз, уларга етиб олишга қанчалик кўп харакат килсангиз, шунчалар уларга ўхшаб бораверасиз. Мовий уммон стратегиясида шундай дейилган: “**Рақобатчиларга эътибор берманг. Янгиликларни яратишга харакат килинг: шунда рақобатчилар сизга ета олмайди**”.

Компания соҳасининг тузилиши ўзгармас бўлса, унга қандай таъсир ўтказиши мумкин? Узок вактлар давомида ҳар қандай стратегияни ишлаб чикишда унинг асосига соҳа таркибининг ўзгармаслиги олинган. Таркибни ўзgartириб бўлмаса, демак, стратегияни таркибга мослаштириш керак. Кўпинча ушбу стратегия шубҳали равишда сектор таҳлилини, яъни

“беш куч модели”¹ ёки SWOT-таҳлилини эслатади. Аслида эса бу стратегия компаниянинг кучли ва заиф томонларини соҳадаги мавжуд имкониятлар ва таҳдидлар билан боғлаб тадқик қилиш учун ишлаб чиқилган. Одатда, компаниялар ўз стратегиясини “0”дан бошламайдилар, аксинча инқирозга юз тутган бошқа компанияларнинг ўрнини эгаллайдилар, чунки бозорда жой кам, бозор “чегара”сидан чиқишнинг эса имкони йўқ.

Мовий уммон стратегияси ишлаб чиқаришни кандай шакллантириш, бунинг учун компанияга нима кераклиги ва янги бозорларни яратиш йўналишларини кўрсатади. Бунда бозор чегаралари ва компания фаолиятининг таркибий тузилиши қатъий белгиланмаганлиги ва у бозор иштирокчиларининг (ракобатчилар ва истеъмолчиларнинг) хатти-харакатлари ҳамда қарашлари аососида ўзгариши мумкин бўлади. Ҳар кандай тадбиркорликнинг шаклланиш босқичларини кўринг: ҳар куни янги бозорлар пайдо бўлади ва улар фақатгина истеъмолчилар омилига боғлиқ. Шуни таъкидлаймизки, истеъмолчилар мавжуд имкониятлар ва тадбиркорлик соҳалари ўртасида эркин харакатланадиган, шу соҳалар чегарасидан чиқмайдиган фаолиятни ёқлашмайди. Истеъмолчилар талабларига мослашган компаниялар эса бу чегаралардан ошиб ўтиб эски фаолиятларини ташлаб янгиларини яратадилар. Натижада “0”дан бошланган стратегия кутилмаган ижобий натижаларга олиб келади. Бундан ташқари энг даромадсиз тадбиркорлик ҳам, агар унда ишлайдиган компаниялар маълум бир янгиликларни амалга ошириши-са, сердаромад бўлиб қолиши мумкин. Бу шуни англатадики, алвон уммон ҳамиша ҳам алвон рангда қолмайди ва бу бизни китобнинг учинчи асосий принципига олиб келади.

¹ “Беш қудрат” модели Майкл Порттер томонидан 1980-йилда бозорда мавжуд бўлган ракобат шароитларини таҳлил қилиш воситаси сифатида киритилган.

Стратегик яратувчанликни изчил амалга ошириши мумкин. Шумпетер давридан бери якка ҳолда ижодий фикрлайдиган, инновация ва яратувчанлик қиёфасини шакллантирувчи тадбиркор кўп жиҳатдан ўрганилмаган, аҳамиятсиз ва тушунарсиз ҳолат сифатида кабул килинган³. Ушбу ёндашувдан ҳар қандай стратегия, аввало, мавжуд бозорларда ракобатлашишга ва рақибларга карши курашишда муваффакият козонишга ёрдам берадиган аналитик восита ва тизимларнинг бутун тўпламини яратишига қаратилганилиги ажабланарли эмас.

Ижодкорликни “кора кути”⁴ деб аташ мумкинмикин?

Илмий кашфиётлар соҳасидаги санъат ёки ижодкорликни тушунса бўлади (бир эслаб кўринг: Гауди черковининг бекиёс гўзллиги ёки Мария Кюрининг унинг радиоси). Аммо биз учун янги бозорларни очиб берадиган кадриятлар инновациясининг асосини ташкил этувчи стратегик яратувчанлик хақида нима дейиш мумкин? Масалан, Генри Форд унинг “Т модели” билан (автомобильсозлик), “Старбакс” (қаҳвахоналар), “Salesforce.com” (мижозлар маълумотларини бошқариш дастури).

Бизнинг тадқикотларимиз шуни кўрсатадики, бу ерда хеч қандай сирли жараён йўқ. Уларнинг мовий уммонни муваффакиятли яратиш жараёнини кузатганимизда баъзи бир аҳамиятга молик шаклларни ажратиб олишга муваффақ бўлдик. Ушбу олган натижаларимиз асосида, биз таҳлилий тамойилларни, шунингдек, инновацияларни қиймат билан тизимли равишда боғлаш ва кичик таваккал билан катта фойда олишга имкон берадиган соҳа чегараларини ўзгартиришга хизмат қиласидиган воситаларни ишлаб чиқдик.

Ўзимиз учун номаълум бўлган бошка стратегияларни ишла-

¹ Коря кути овонзи ёзиб одувчи ускуна ва нарвоз маълумотларини кайд этувчи детектордан иборат курилма бўлиб, мана шу иккى мослама умумий қизни кора кути деб аталади. Бу ерда эса кўчма маъниода келиб, иктисолий ижодкорликнинг яширин белгилар маъносини бисдиришти.

тишда омад жуда мухимдир, аммо шу билан бирга бизнинг воситаларимиз – стратегик нұқтаи назар, түрт босқыч модели, бозорларни кайта шакллантириш бүйича олтита асосий ёндашувлар – компанияларга асрлар давомида ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо сифатида кўрилган ишларни ҳал қилишда ёрдам беради ва изчил мовий уммонларни яратиш маҳоратини ўргатади.

Стратегияни шакллантириш ичига уни амалга оширишни ҳам қўшиши мумкин. Мовий уммон стратегиясида биз компаниядаги инсон омили ва таҳлилни тадқиқ киласмиз. Биз ҳар бир инсоннинг ушбу стратегияни яратиш ва жорий этишида нафакат бурчи жиҳатдан, балки ақли ҳамда қалбининг ўзаро уйғунликда катнашишини тан оламиз ва хурмат киласмиз. Шунинг учун мовий уммон стратегияси янги стратегияни яратиш ва уни амалга оширишни бир-биридан ажратмайди.

Компанияларнинг кўпчилигига уларни ажратиш одатий ҳолдир, аммо бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, ҳатто-ки энг юксалган даражада ҳам стратегияни яратиш ва уни амалга оширишни бир-биридан ажратиш яхши оқибатларга олиб келмаган. Мовий уммон стратегияси, аксинча, амалга ошириш жараёнини шакллантириш кераклигини назарда тутади. Сўнгти йигирма беш йил ичидаги оқилона жараёнларнинг дастурларнинг амалга оширилишига таъсири ҳақида бир неча бор турли мақолалар ёзганмиз⁴. Мовий уммон стратегияси шуни аниқ кўрсатдики, оқилона жараён ҳатти-харакатларнинг асосий томонларини жорий этади: компаниянинг энг чукур асосидаги ишонч, содиқлик ва ихтиёрий ҳамкорлик стратегияни, карорни амалга ошириш учун йўл очади. Ишонч, садоқат ва ихтиёрий ҳамкорлик – бу сифат ёки жараён эмас. Бу кўзга кўринмайдиган капиталдир. Шунинг ёрдами билан компания ажralиб туриши, бошқаларга нисбатан тезроқ, яхшироқ ва самаралироқ дастурларни кўллаши, шунингдек, стратегик янгила-

нишларни тез ва катта харажатларсиз амалга ошириши мумкин.

Стратегияни яратишнинг босқичма-босқич модели. Стратегия соҳасида ушбу стратегияга нималар киритилиши кераклиги ҳақида жуда кўп маълумотлар тўшлиланган. Лекин энг муҳим муаммо – стратегияни қандай яратиш ҳақидаги саволга жавоб беришда ўжарлик билан жимлик сақланмокда. Режа тузиши, албатта, биламиз. Лекин, маълумки, режа тузиш – бу бошка нарса, стратегия эса – бошка нарса. Содда килиб айтганда бизда стратегия қуриш назарияси қиёфа шаклида мавжуд эмас.

Баъзи компаниялар нима учун муваффакиятга эришганликларини ва бошкадари муваффакиятсизликка учрашини тушунтирадиган кўнлаб назариялар мавжуд, аммо аксарияти вазиятни тавсифлайди, лекин тавсиялар бермайди. Бизда компаниянинг юкори самарадорликка эришиши учун стратегияни қандай шакллантириш ва амалга ошириш бўйича аник йўрикнома берадиган босқичмабосқич моделимиз йўқ.

Биз эса худди шундай моделни бу ерда “Мовий уммон стратегияси”да тақдим этамиз. Биз қандай компаниялар бозор ракобати билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олишини ва ушбу бозорларни яратишга имкон берадиган инновацияларга мурожаат килишини кўрсагмоқчимиз. Тавсия килинаётган модел турли хил компаниялар стратегиясини ўрганиш учун ўтказилган тадқикотлар натижасидир. Бу бугунги кунда менежерларга юкори даромадга олиб келадиган инновацион дастур ва лойихаларни яратишда ёрдам беради.

НИМА УЧУН МОВИЙ УММОН СТАРТЕГИЯСИ ЖУД МУХИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА?

2005-йилда биз “Мовий уммон стратегиясининг” биринчи нашрини чоп этганимизда мовий уммонларни яратиш қатор сабабларга кўра зарур эди. Сабаблардан бири: мавжуд соҳаларда рақобат кучайиб, харажатлар ўсиб борди, фойда олиш қийинлаши. Бу каби сабаблар хеч қаерга йўқолгани йўқ, аксинча кўпайиб кетди. Бирок сўнгти ўн йил ичидаги яна бир нечта глобал гоялар пайдо бўлди, улар шунчалик тез шаклландиди, китобнинг биринчи нашрини чиқарганимизда буни тасаввур ҳам қилмагандик. Ушбу гоялар пайдо бўлиши билан мовий уммонларни яратиш келажак учун янада муҳим стратегик вазифага айланишига ишонамиз. Батафсил рўйхат ва тавсифларга берилмасдан, факат бир нечтасини айтиб ўтамиз.

Ривожланиши креатив ечимларни талаб қиласди.

Барча соҳаларни олсак (соғликни сақлаш, халқ таълими, университетлар, молиявий соҳалар, энергетика, экология, хукумат ташкилотлари), уларнинг талаблари катта, аммо бюджетлари жуда чекланган. Сўнгги ўн йил ичидаги ушбу соҳаларнинг ҳар бири бир неча бор танқид остига олинган. Ўтмишда кўплаб секторлар ва соҳалардаги иштирокчиларнинг стратегияларини тўлиқ қайта кўриб чикиш зарурати деярли бўлмаган. Бугунги кунда ушбу бозор иштирокчиларига инновацион қиймат олиш ва харажатларни камайтиришга имкон берадиган янги стратегияларни ишлаб чикиш тавсия этилмоқда.

Истеъмолчиларнинг фикри ривожланмоқда ва таъсир доираси ошиб бормоқда. Ўн йил олдин компаниялар харидорларга маҳсулотлари, хизматлари, таклифлари хақида ўзла-ри хоҳлаган маълумотларини беришлари мумкинлигига ишониш қийин эмас эди. У даврлар эсдан чикариб юборилди. Ижтимоий тармоклар, блоглар, микроблоглар, фойдаланувчилар шархлари ва интернет рейтинглари бугунги кунда бутун дунёни эгаллади ва ҳамлик ишлаб чикарувчилардан истеъмолчиларга ўтди. Истеъмолчиларнинг талаб ва таклифларига асосан фаолият юритиш сизни мағлубга эмас, аксинча ғолибга айлантириши мумкин. Шу йўл билан одамларни ўзингиз ҳакингизда яхши фикрлар ёзишга мажбурашингиз мумкин, фактат шу йўл билан беш юлдузли рейтинглар олишингиз, лайклар тўплашингиз, ижтимоий тармокларда севимлилар рўйхатида ўз таклифларингизни кўришингиз, ва ҳатто блогларда маҳсулотингиз ёки хизматингиз ҳакида мақтov мақолаларини ўкишингиз мумкин. Бирор бир одамнинг бутун сайёрага эшитиладиган овози бўлсагина, таклифини иккиласми хусусиятини яшириш ёки тушириш деярли мумкин эмас.

Келажакда талаб ва ўсишнинг янги марказлари.

Келажакда ривожланган бозорлар ҳакида гапирилганда хеч ким айни вактда олдинги мэрраларда келаётган Европа ва Японияни деярли эсламайди. Келажакда ўсиб борадиган бозорлар ҳакида гап кетганда ҳатто АҚШ дунёдаги энг катта иктисадиёти билан хам оркага ўтиб колмоқда. Бугунги кунда рўйхатнинг бошини Хитой ва Ҳиндистон эгаллаб келмокда, Бразилия ҳакида гапирмаса хам бўлади. Охирги ўн йил ичида бу учта мамлакат жаҳондаги энг катта иктисад ўнталигига кирди. Бундан ташқари янги киёфадаги йирик иктисадиётлар ўтмишдаги йирик иктисадиётлардан тубдан фарқ килади, айникса, дунё бўйича ишлаб чикарилган товарлар ва хизматларни истеъмол килишга келганда уларга таяниш одат оўлган.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ ўсиб бораётган бозорлар жуда секин, аммо инсонларнинг катта гурухида жон бошига тўғри келадиган даромадларининг барқарор ўсиши натижалидир. Бундан кўриниб турибдики, таклиф килинаётган товар ёки хизматлар нархини имкон қадар арzonлаштириш зарурати хар қачонгидан ҳам муҳимрок. Алдашнинг ҳожати йўқ: нархларнинг пасайиши эса жуда кам учрайди. Худди шу инсонлар гурухи тобора кўпроқ интернетдан, мобил телефонлардан, хорижий телеканаллардан фойдаланмоқдалар, бу эса уларнинг талаблар даражаси ошиб боарётганини англатади. Энди уларнинг эътиборини жалб килиш учун бизга нафакат арzon нархлар, балки бошқалардан ажralиб турадиган қобилият ҳам керак бўлади.

Жаҳон бозорига чиқиши тез ва осон бўлиб қолди.

Илгари энг йирик компаниялар АҚШ, Европа ва Япониядан келган. Аммо бугунги кунда суръат кескин тезлик билан ўзгармоқда. Сўнгти ўн беш йил ичida “Fortune”нинг 500 рўйхатида хитойлик компаниялар йигирматадан кўпроқ, саккизга якин хинд компаниялари ва Лотин Америкаси компаниялари иккитани ташкил этади. Фараз килайлик, янги ўсаётган иқтисодиёт бу янги талаблар уммони ва сиз бунинг қалитини топсангиз бас. Булар – “Toyota”, “General Electrics”, “Unilever” каби гигантлар ҳали орзу қилмаган катта ғалабаларга қаратилган янги потенциал ракобатчиларнинг уммонлари.

Аммо юқорига факат ўсиб бораётган йирик бозорларнинг компаниялари чиқади. Улар айсбергнинг учи, холос, бу – бизни келажакда нима кутаётгани ҳақида ишора. Сўнгти ўн йил ичida ҳалқаро бозорларга кириш хар қачонгидан ҳам осон ва арzon бўлди. Шундай ғоя мавжуд ва уни эътиборсиз колдириши мумкин эмас.

Далилларга эътибор беринг. Сайт яратиш қийин эмас, демак, хар қандай компания бутун дунё кўра оладиган қўргазмалар

ВОЙ-ДОД! МЕНИНГ УММОНИМ АЛВОН РАНГГА КИРМОҚДА.

яратиши мумкин; қаерда бўлишингиздан қатъий назар краудфрандинг¹ ёрдамида маблағ тўплашингиз мумкин; “Gmail”, “Skype” каби хизматларининг ривожланиши билан алоқа нархи арzonлашди; ҳар кандай битим ва шартномаларни “PayPal” каби хизматлар орқали тез ва осон равишда амалга ошириш мумкин, “Alibaba.com” каби компаниялар сизга ҳар кандай мамлакатдан етказиб бериладиган маҳсулотни тез ва осон топишда ва баҳолашда ёрдам беради. Қидирув тизимлари глобал бизнес каталогининг киёфасидир ва улар бутунлай бепул. Бутун дунёга реклама қилмоқ-чимисиз? Марҳамат, “Twitter” ва “YouTube” – сизнинг хизматнингизда, улар орқали маҳсулотларингизни таништиришингиз мумкин. Жаҳон бозорига чиқиши арzonлашди ва улар асосида янги компаниялар кўпайиб ўзларининг маҳсулот ва хизматларини бутун дунё бўйлаб таклиф килишмокда. Лекин бу жаҳон бозорига чиқиши осон дегани эмас, ушбу бозорда рақобат шубҳасиз ўсиб бормоқда. Бошқалардан ажralиб туриш учун сизга яратувчанлик керак, демак, нарх янгиликлари шарт.

Олдимизда ақл бовар қилмайдиган кийинчиликлар ва имкониятлар турибди. Ушбу китобда тақдим этилган услуб ва воситалар сизга мовий уммонга чиқишингизга, қийинчиликларни енгишингизга ва янги қулайликлар яратишингизга ёрдам беради деб умид қиласиз. Ахир, стратегия нафакат бизнесда, балки санъат, хайрия ва хаттоқи давлатни бошқаришда ҳам керак. Факат битта нарсани дадил айтиш мумкин: бизнинг дунёмиз мовий уммонларга муҳтож.

¹ Краудфрандинг – 1) маҳсус интернет-платформалар ёрдамида ўзингиз лойиха ёки бизнеснинг учун маблағ тўпланинг бир усули. Бунда нулни карзга олишингиз. келажакдаги фойдалангизнинг бир килемни шу карзга алмаштиришингиз ёки ҳатто бепул бернишингиз мумкин. 2) интернет орқали бойка одамлар ёки гашкитларининг сайй-харакатларини кўллаб-куватлаш учун ўз пуллари ёки бошқа маблағларини бирлаштирган шахсларнинг жамоавий ҳамкорлиги.

БИРИНЧИ НАШРГА СҮЗБОШИ

Бу китоб дўстлик, садокат ва бир-бирига бўлган ишончга бағишиланган. Дўстлик ва ишонч туфайли биз ушбу китобда келтирилган ғояларни ўрганиш учун саёҳатга тушдик ва китобни ёздиқ. Бизнинг танишувимиз йигирма йил олдин аудиторияда бўлиб ўтган – биримиз ўшанда профессор, яна биримиз талаба эдик. Шу кундан бери бир-биримизни кўллаб, рухлантириб ишлаймиз. Ушбу китоб ғояларнинг ғалабаси эмас, балки ҳар кандай бизнес оламидаги ғоялардан устун бўлган дўстлик хақида. Дўстлик туфайли хаётимиз янада бойиб, дунёларимиз янада гўзаллашди. Ҳеч биримиз ёлғиз эмасдик.

Саёҳат осон бўлмайди; дўстлик факат кулгудан иборат эмас. Лекин ҳар бир кунимизни табассум билан карши олардик, чунки билим олишга ва такомиллашишга интилардик. Китобда келтирилган ғояларга ишонардик. Бу ғоялар факат омон колишни хохлаганлар учун эмас. Агарда сизнинг фикрларингиз омон колиш билан чекланган бўлса, китобни ўқимасангиз ҳам бўлади. Агарда сиз бошқа йул билан бормоқчи бўлсангиз, компания яратиб ва унинг орқасидан мижозлар, ишчилар, акционерлар ва жамият фойда кўришини хохласангиз, давомини ўқишингиз керак.

Бу осон бўлмаслиги мумкин, лекин таваккал қилишга арзийди. Бизнинг тадқиқотларимиз натижалари шуни тасдиқладики, муваффакиятсизликни билмайдиган компаниялар йўқ, доим ҳам

БИРИНЧИ НАШРГА СЎЗБОШИ

муваффақиятли соҳанинг ўзи бўлмагандек. Биз тажрибаларимиздан билиб олдикки, корпорациялар сингари одамлар ҳам баъзиде оқи-лона, харакат қилишади, баъзиде эса ундаи эмас. Катта муваффа-киятга эришиш учун қандай ижобий натижага эришганимизни аник билишимиз ва уни қандай қилиб мунтазам равишда кўпайтири-шимиш кераклигини билишимиз керак. Буни биз оқилона стратегик қадамлар деб атамиз ва, биз аниқлаганимиздек, мовий уммон-ларни яратишга қаратилган стратегик қадам муҳим ахамиятга эга. Мовий уммон стратегияси компанияларни ракобатчиларнинг алвон уммонидан чиқишига, ўзи учун ракобатчилардан қўрқмайдиган бозор пойдеворини яратишга қаратилган. Мовий уммон стратегия-си ракобатчиларга доимий қараб турган холда мавжуд бўлган ва камайиб кетаётган талабни бошқалар билан бўлишмасликни так-лиф қиласди. Бунинг ўрнига у ўзини янги, ўсиб бораётган талабларга багишлашни ва ракобатдан қочишини таклиф қиласди. Китоб нафакат компанияларни бундай қадам ташлашга чорлайди, балки нима қи-лиш кераклигини ҳам тушунтиради. Биринчидан, биз сизга таклиф килган йўлдан юриш учун қандай тизимли харакатлар қилиш ке-раклигини кўрсатадиган таҳлилий воситалар ва истиқболларни тақ-дим этамиз. Кейин биз мовий уммон стратегиясини белгилайдиган ва уни ракобатга асосланган стратегик ёндашувлардан ажратиб турадиган принципларни кўриб чиқамиз.

Бизнинг мақсадимиз мовий уммон стратегиясини шакллан-тириш ва амалга оширишдан иборат бўлиб, уни биз билган бо-зорнинг алвон сувларида тизимли ва самарали ракобат каби серда-ромад қилишдир. Шундагина компаниялар мовий уммонларни яра-тишга эҳтиёткорлик ва маъсулият билан ёндашиб, ўзларининг имкониятларини ошириб, хавфларини камайтирадилар. Кўлами ва качон яртатилганлигидан катъи назар, бирор бир компания дарёда сузаётган кемадаги ракобатчига айланишга қодир эмас. Бундай бўлиши керак ҳам, мумкин ҳам эмас.


БИРИНЧИ НАШРГА СЎЗБОШИ

Ушбу китоб сўнгти юз йил давомида кўп йиллик тадқиқотлар ва маълумотларни ўрганишнинг натижасидир. Унда келтирилган ғоялар, моделлар ва воситалар кўп йиллар давомида Европа, АҚШ ва Осиёнинг турли корпорацияларида синовдан ўтказилиб, амалиётга жорий этилган. Китоб тадқиқотларга асосланади ва барча фикрларни умумий ғояга бирлаштирган холда уни ривожлантиради. Китоб нафакат мовий уммон стратегиясининг асосини ташкил этувчи таҳлилий жиҳатларни, балки одамлар билан боғлик бўлган турли хил муҳим масалаларни ҳам камраб олади, компания ва унинг ходимларини ушбу йўлга қандай йўналтиришни, қандай килиб бу ғояларни хаёғга татбик этиш истагини уйготади. Биз ишонч ва садоқатни, шунингдек, интелектуал ва қалбан жиҳатдан тан олишни қандай қўшиш кераклигини тушунишнинг муҳимлигини таъкидлаймиз, бундан ташқари бу тушунча стратегиянинг ўзагидир.

Мовий уммонларнинг имкониятлари доимо ёнимизда – факат уларга кўл чўзиш керак, холос. Стратегиянинг очилиши билан бозор худуди кенгайиб борди. Биз бу кенгайиш ривожланишнинг калитидир, деб ишонамиз. Бироқ назарияда ва амалиётда одамлар баъзан мовий уммонларни қандай килиб тизимли равишда яратишни ва эгаллашини тушунишмайди. Сизни ушбу китобни ўқишига ва бозор майдонини кенгайтириш жараёнида қандай килиб харакатланувчи кучга айланишингизни билиб олишга таклиф киламиз.

БИРИНЧИ ҚИСМ

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ



1-БОБ

МОВИЙ УММОНЛАРНИ ЯРАТИШ

Собик аккордеончи, акробат ва кўнгилочар томошалар ижроиси Ги Лалиберте бугунги кунда дунёдаги машхур “Cirque du Soleil”нинг раҳбари хисобланади. Мазкур компаниянинг хизматлари (томушалари) уч юздан ортиқ шаҳарда 150 миллионга яқин мижозларга манзур келган. “Cirque du Soleil” ташкил этилган кундан йигирма йил ичидаги жуда катта даромадга эришди. Вахо-ланки, жаҳон цирк саноатининг машхурлари бўлган “Ringling Bros” ва “Barnum & Bailey” бундай натижага эришиш учун юз йилдан ортиқ вакт сарфлашган.

Ги Лалиберте раҳбарлигидаги компаниянинг ушбу ютуклари айни даврда унутилаётган, колаверса, стратегик таҳлил жиҳатидан олиб қарабандада даромадининг ўсиши чекланган соҳада кўлга киритилганлиги эътиборга лойик. Якин ўтмишга назар солсак, кўнгилочар томошаларнинг муқобил шакллари хисобланувчи турли хил маданий шоулар, спорт тадбирлари, хаттоқи маҳаллий ўйинлар ҳам цирк саноатини сояда колдирганини кузатамиз. Болалар ота-оналаридан цирк томошаларига эмас, балки компьютер ўйинлари учун пул сўрашадиган бўлишди. Албатта, цирк саноати ўз мижозларини йўқотган сари даромадлари ҳам пасайиб кета бошлади. Боз устига, ҳайвонларни химоя килиш ташкилотлари цирк томошаларида жониворларнинг катнашмаслигини талаб килишар эди. “Ringling Bros” ва “Barnum & Bailey” узок

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

вакт давомида ўз томошаларини кўрсатиб туришди. Рақобатлашаётган кичик цирклар эса юкоридагиларга тақлид қилган ҳолда ўзларининг нисбатан арzon томошаларини яратдилар. Хуллас, ракобатдош стратегия нуқтаи назаридан келиб чиқилганда цирк саноати ўзига жалб этмайдиган, бизнес ҳаётда эътиборсиз соҳалардан бири эди.

“Cirque du Soleil” компанияси эришган муваффақиятнинг яна бир кизикарли томони шундаки, у оқсаб бораётган ва тарихан болалар учун мўлжалланган цирк саноатидаги харидорларни ўзи тарафга оғдирмади. Қиска қилиб айтганда, “Cirque du Soleil” “Ringling Bros” ва “Barnum & Bailey”лар билан рақобатлашмади. Аксинча, кутилмаган йўлдан юриб, ҳали рақобатчилар билан эгалланмаган, банд бўлмаган, бозорнинг янги майдонини зabit этди. Бу ўзига хос юриш истеъмолчиларнинг янги гурухига қаратилди: ажойиб, бекиёс томошани кўриш учун оддий цирк чиптасининг нархидан бир неча баравар кўпроқ тўлашга тайёр бўлган катталар ва корпоратив (жамоавий) мижозлар эди. “Cirque du Soleil”нинг “Биз циркни қайтадан ихтиро қилдик” деб номланувчи дастлабки лойиҳасининг номиёқ компаниянинг мақсадидан гапиради, гўё.

Бозорнинг янги майдони

“Cirque du Soleil” юқори натижаларни эгаллаш учун компаниялар бир-бирлари билан юзаки рақобатни тўхтатиши кераклигини англагани боис ҳам муваффақиятга эришди. Ушбу компания қандай ютукларни қўлга киритганини тушуниш учун алвон ва мовий уммондан иборат бўлган бозор коинотини тасаввур килинг. Алвон уммонлар хозирги кунда мавжуд бўлган барча соҳаларни англатади. Бу бозорнинг бизга таниш бўлган қисми. Мовий

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

уммонлар хали мавжуд бўлмаган барча соҳалардир. Бу бозорнинг таниш бўлмаган, ўрганилмаган майдони.

Алвон уммонларда саноат чегаралари аниқланган, келишилган ҳамда рақобатчилик ўйинининг коидаларини ҳамма билади¹. Маълумки, бунда компаниялар мавжуд талабларнинг асосий қисмини ўзларининг томонига оғдириб олишлари учун рақобатчилардан устун келишга харакат қиласидар. Бозорнинг биз айтиётган ерида тадбиркорлар кўпайгани сари даромад олиш ҳам қийинлашади. Негаки маҳсулотлар кўп ишлаб чиқарилиб рақобатчилар бир бири билан курашга киришади. Мовий уммонлар эса, аксинча, бозорнинг тўлдирилмаган майдонларини билдириб, у ерда ижодкорлик қилиш, ўсиш ва юкори даромад олиш имконини беради. Баъзи мовий уммонлар саноатнинг чегараларидан ташкарида яратилган бўлса-да, уларнинг аксарияти “Cirque du Soleil” сингари мавжуд саноат чегараларини суриб, алвон уммонлар ичida пайдо бўлади. Мовий уммонларда рақобат хеч кимга таҳдид солмайди, чунки бу ерда ўйин қоидалари ҳали ўрнатилмаган бўлади.

Алвон уммонларда рақобатчиларни ортда қолдириб кета билиш асосий ўрин тутади. Бу хеч қачон ўзининг аҳамиятини йўқотмайди ва бизнес ҳаётининг ҳақиқати бўлиб қолаверади. Бирок бу ҳаракат иктисадда таклиф саноатнинг турли соҳаларида талабдан ошиб кета бошлаганида бозорнинг улуши учун курашиш керак бўлса-да, баркарор ўсишни саклаб колиш учун етарли эмас². Демак, компаниялар рақобатдан ташкарига чикиши, янги даромад ва навбатдаги ривожланиш имкониятларини олиши учун мовий уммонларни яратиш зарур бўлади.

Афсуски, мовий уммонларнинг хариталари деярли йўқ. Сўнгги ўттиз йил ичидаги барча стратегик ёндашувлар, асосан, алвон уммонлардаги рақобатга қаратиб келинди³. Шу боисдан алвон сувларда ракиблар билан қандай муносабатда бўлишни, саноатнинг

1-боб. Мовий уммонларни яратиш

иқтисодий тузилишини таҳлил қилишдан тортиб стратегик позицияни танлаш: арzon нархлар, дифференциялаш¹ ёки эътиборни жалб қилиш ва ҳаттоқи ракобатдош бенчмаркингча^{II} яхши биламиз.

Мовий уммонлар ҳакида ҳам айрим маълумотлар йўқ эмас, албаттга⁴. Лекин бундай уммонларни яратиш бўйича амалий кўрсатмалар жуда кам. Бизнесда юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий хавфларни самарали бошқариш учун тегишли таҳлилий воситалар ва аниқ принципларсиз мовий уммонни яратиш орзулигича қолаверади. Қўлингиздаги ушбу китоб сизга мовий уммонларни мунтазам равишда излаш ва уларни забт этиш учун турли амалий диаграммалар ҳамда таҳлилий воситаларни таклиф этади.

Мовий уммонлар ҳар доим яратилган

Мовий уммон атамаси нисбатан яқинда пайдо бўлган, лекин уммонларнинг ўзи ҳакида бундай деб бўлмайди. Улар ишбилармонлик дунёсининг ўтмиши ва хозирги куннинг ажralmas қисмидир. Келинг, бир юз йигирма йил олдин инсоният ҳаётининг қандай бўлганини эслайлик. Саноат тармоқларининг айни кундаги ривожи, кўламини ўша маҳалда одамлар тасаввур қила олишганмиди? Йўқ, албатта. Чунки автомобилсозлик, овоз ёзиш, авиаация, нефтни қайта

¹ Дифференцияламок – бирор нарсани ўрганишда унинг таркибий қисмларини бир-биридан фаркламок; шу нарсани табакаларга, таркибий қисмларга ажратмок.

^{II} Бенчмаркинг – корхонанинг ўз ишини такомиллаштириш максадида унинг самарали усулларини аниклаш, тушуниш ва мослаштириш жараёни сифатида мезонларга асосланган таққослама таҳлили. Таҳлил иккита жараённи ўз ичига олади: баҳолаш ва таққослаш. Одатда, тўғридан тўғри ракобатчиilar ва бошقا шунга ўхшаш соҳалардаги фирмалар томонидан ишлатиладиган “энг яхши” маҳсулот ва маркетинг жараёни фирманинг ўз маҳсулотларини ва иш усулларини такомиллаштиришининг мумкин бўлган усулларини аниклаш учун намуна сифатида олинади.

1-боб. Мовий уммонларни яратиш

ишлиш, соғлиқни сақлаш ва менежмент бўйича консалтинг^I каби фундаментал тармоқлар энди пайдо бўла бошлаган, шунинг учун ҳам инсонлар мазкур соҳалар хақида тўлиқ маълумотга эга эмас эдилар.

Хўш, энди яқин қирқ йиллик ўтмишга назар солайлик. Электрон тижорат, уяли телефонлар, ноутбуклар, роутерлар, тармоқ коммутаторлари^{II} ва қурилмалари, газ электростанциялари, биотехнологиялар^{III}, дисконт^{IV} чакана савдоси, куръерлик почталари, миниавтоуловлар, сноуборд ва кофе-бар каби кўплаб соҳаларнинг ҳеч бири биз тилга олган давримизда яхши ривожланмаган эди.

Юқородагилардан келиб чиқиб вақтни йигирма ёки эллик йил олдинга суриб, ўзимизга савол берайлик-чи: ҳозирда бизга номаълум бўлган қанча соҳалар яқин келажакда пайдо бўлиши мумкин?! Агар тарихий тажрибага асосланиб келажакни башорат қилиш мумкин бўлса, тадбиркорликнинг янги соҳалари кутилгандан-да кўп бўлиши аниқ.

Саноатнинг ҳеч қачон тўхтамаслиги кундай равшан. Ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланиб туриши бор гап. Айникса, бизнинг давримизда бизнес яхшиланмоқда, бозорлар ўсмоқда, ундаги иштирокчилар келиб кетишишмоқда. Тарих сабоқларидан аён бўладики, биз янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва мавжудларини

^I Консалтинг (инглизча: consulting – маслаҳат берини, маслаҳатлаши) – маҳсус компанияларнинг бизнесменлар – ишлаб чиқарувчилар, сотувчи ва ҳарилорларга ташкилий, техникавий, молиявий, иктисодий масалалар бўйича маслаҳатлар, тавсиялар беришдан иборат фаолиги.

^{II} Коммутатор (латинча: commuto – алмаштираман, ўзгартираман), – 1) алмашлаб улагич, тақсимлагич – электр занжирини улаш, ўзиш, алмашлаб улаш ва занжирдан ўтаётган ток йўналишини ўзгартириш учун ишлатиладиган курилма; 2) телефон аппаратларини узиб-улаб турадиган курилма.

^{III} Биотехнология – кишилек хўжалиги, саноат ва тиббиётнинг турли соҳаларида тирик организм ва биологик жараёнлардан фойдаланаанган саноат усуллари мажмуи ва техникаси.

^{IV} Дисконт – муддати тўлмаган векселни ҳисобга олиш ва ундан ишлаб колинадиган хак.

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

қайта яратиши имкониятларини жиддий ҳисобга олмаймиз. Масалан, биргина “Standard Industrial Classification” (“SIC”) тизими эллик йилдан ошик амалда бўлган. 1997-йилдагина U. S. Census томонидан таклиф қилинган “North America Industry Classification Standard” (“NAICS”) тизимига йўл берилди. Янги тизим бўйича ривожланаётган соҳаларни акс эттириш учун “SIC” томонидан таклиф қилинган ўнта саноат тармоғи йигирматага оширилди⁵. Хусусан, эски тизимдаги хизмат кўрсатишдан тортиб соғлиқни саклашгача бўлган соҳалар еттига бизнес секторига айлантирилди ва натижада ижтимоий хавфсизлик сектори пайдо бўлди⁶. Ушбу тизимлар стандартлаштириш ва узлуксизликни таъминлаш учун яратилганлигини ҳисобга олсан, мазкур ўзгаришлар мовий уммонларнинг кенгайиши канчалик муҳимлигини кўрамиз.

Шундай бўлса-да, ҳозирги кунга қадар стратегик фикрлашда асосий эътибор алвон уммонларнинг рақобатбардош стратегияларига қаратилган ва шундай бўлиб қолмоқда. Буни корпоратив стратегияга ҳарбий стратегия кучли таъсир кўрсатиши билан боғлиқ дейиш мумкин. Қолаверса, стратегиянинг тили ҳарбий атамалар билан чамбарчас боғлиқ: бош ижрочилар “зобитлар” (Chief Executive Officers) “штабда” (Headquarters), “кўшинлар” (Troops), яъни ходимлар “фронт чизиғида” (Front Line), оддий килиб айтганда, олдинда жойлашган.

Бундай атамаларда тасвиранган стратегия душман билан тўқнашувга ҳамда қатъий белгиланган, ўлчами чекланган ер майдони учун курашга қаратилган бўлади⁷. Бирок урушдан фарқли ўла-роқ саноат тарихини пухта ўрганиб бозор олами ҳеч қачон қатъий чекланмаганлигини, аксинча, унда мовий уммонлар доимий равишда яратилганини ҳисобга олишимиз даркор.

Шундай килиб, алвон рангли уммонга эътибор қаратиш рақобатчилар бўлмайдиган ноёб бозор майдонини яратиши имкония-

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ


1-боб. Мовий уммонларни яратиши

ти ва заруриятини, шунингдек, ишбилармонлик ҳамиша ҳам устун эмаслигини кўрсатиб беради.

Мовий уммонларнинг таъсири

108 та компаниянинг тадбиркорлик фаолиятини ўрганиш давомида мовий уммонларнинг фойда ва даромадларга таъсирини аниқлашга ҳаракат килдик (1.1. расм).

1.1. расм. Фойда ва даромадга мовий уммонларнинг таъсири.



Аниқланишича, ташаббусларнинг 86 фоизи чизиқли кенга-йишни англатади, яъни алвон уммон чегарасидаги мавжуд бозор майдонини босқичма-босқич яхшилашни билдиради. Улар жами даромаднинг атиги 62 фоизини ва умумий фойдадан 39 фоизни ташкил этди. Қолган 14 фоиз ташаббус мовий уммонларни яратишга қаратилган эди. Улар 38 ва 61% мос равища ишлаб чиқаришди.

Бизнес ташаббуслар алвон ва мовий уммонларни яратиша барча инвестицияларни¹ ўз ичига олганини хисобга олсак (келтира-

¹ Инвестиция (немисча: Investition – кийинтирмок, сарпо бермок) – мамлакат ичкарисида ёки чет элда, фойда кўриши максадида, бирор корхонага, иктисодиётнинг муайян тармогига сармоя кўйиниши киритиш ва шундай сармоянинг ўзи.

диган фойда ва даромадларининг ҳажмидан қатъий назар, шу жумладан мутлақо мұваффакиятсиз лойихалар), мовий уммонни яратишнинг фойдалари катта эканига гувох бўламиз. Алвон ва мовий уммонлардаги ташаббусларнинг мұваффакият даражаси тўғрисида маълумотга эга бўлмасак ҳам, уларнинг юкорида келтирилган самарадорлигидаги глобал фарклар кўриниб туриди.

Мовий уммонларни яратишга бўлган эҳтиёжсининг ўсиши

Мовий уммонларни яратиш зарурати ошиб боришининг ортида бир нечта ҳаракатлантирувчи кучлар туриди. Технологияларнинг ривожланиши ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли даражада оширди ва мисли кўрилмаган маҳсулот ва хизматларни яратиш имконини берди. Бу эса ўз ўрнида турли соҳаларда таклифнинг талабдан ошиб кетишига олиб келди⁸. Вазиятни глобаллашув¹ тенденцияси¹¹ қийинлаштириди. Мамлакат ва минтақалар ўртасидаги чегараларнинг очилиши маҳсулот ҳамда нархлар тўғрисидаги маълумотлар дунё бўйлаб таркала бошлишига замин яратди. Натижада бошланғич бозорлар ҳамда монополия зоналари йўқолишда давом этмоқда⁹. Таъминот глобал ракобат таъсири остида ўсиб бормоқда, аммо талабнинг тегишли равишда ўсиб бораётгани ҳакида далиллар кўринмаяпти, ҳаттоқи кўплаб ривожланган бозорларда иштирокчилар сонининг камайганлигини кузатиши мумкин¹⁰.

¹ Глобаллашув – жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, бирлашуви; воқеа-ходисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, умуминсоний миқёста эга бўлиши, бутун Ер шарини қамраб олиши.

¹¹ Тенденция (немисча: Tendenz — йўналмок, интилмок) – 1) гараккиёт йўналиши; 2) бирор нарсага қизикиш, мойиллик, интилиш.

Бунинг оқибатида товар ва хизматларнинг оммавий истеъмол товарларига айлантирилиши, нархлар ўсишининг кучайиши ҳамда даромаднинг пасайиши юз берди. Американинг йирик брендларидан бирининг мазкур соҳадаги сўнгти тадқиқотлари ушбу тенденция мавжудлигини тасдиқлади¹¹. Олинган маълумотларга кўра, маълум брендларнинг товар ва хизматларининг асосий тоифалари бир-бирига ўхшаб бормоқда, натижада ўхшашлик ошган сари истеъмолчилар ўз танловларини нархларга қараб белгилашмоқда¹². Ўтмишдан фарқли ўлароқ истеъмолчи энди факат “Тайд” билан кир ювишни истамайди. “Крест” тиш ювиш пастасини чегирмали нархларда сотилишини эълон килишса, истеъмолчилар “Colgate”га ёпишмайди ва аксинча. Хоҳ иктисадий кўтарилиши, хоҳ тушиш шароитида бўлсин барча соҳаларда маҳсулотлар кўпайғанлиги сабабли брендларни ажратиш қийинлашмоқда. Буларнинг ҳаммаси XX асрда кўплаб стратегик ва бошқарув ёндашувларини келтириб чиқарган ишбилиармонлик мухитининг аста-секин йўқолиб бораётганлигини англатади. Алвон уммонлар янада тўқ тус олмоқда, шу боис раҳбарлар эътиборларини мовий уммонларга каратишлари керак.

Компания ва соҳадан стратегик қадамгача

Кучли рақобатда алвон уммондан чиқиш учун нима қилиш керак?

Қандай килиб мовий уммонни яратиш мумкин?

Компаниянинг ушбу мақсадга эришиши учун ва шу билан юкори самарадорликни таъминлайдиган тизимли ёндашув мавжудми?

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиш

Мазкур саволларга жавоб топишимиз йўлида тадқиқотимиз учун таҳлилнинг асосий бирлигини аниқлаш муҳим эканини эътиборда тутайлик. Маълумки, бизнес адабиётида компания таҳлилнинг асосий бирлиги сифатида ишлатилади. Стратегик, операцион ва ташкилий хусусиятларнинг аниқ тўпламига эга бўлган компанияларнинг иқтисодда сезиларли ўсишга ҳамда рентабелликка¹ эришиши аниқ экани бизга маълум. Бирок ўзимизга яна бир савол берайлик: бозорни доимий равишда тўлдириб турадиган ва мовий уммонларни қайта-қайта яратадиган “ўзига хос” ёки “башорат қила оладиган” узок умр кўрадиган компаниялар кўпми?

Масалан “Муқаммалликни излаб”^{II} ва “Абадий қурилган”^{III} китобларини олайлик. “Муқаммалликни излаб” бестселлери ўттиз йил олдин нашр этилган. Бирок чоп этилганидан икки йил ўтиб муаллиф томонидан ўрганилган “Atari”, “Cheseborough-Pond’s”, “Data General”, “Fluor”, “National Semiconductor” компаниялари буткул унутилди. “Managingonthe Edge” маълумотларга кўра, китобда келтирилган намунали компанияларнинг учдан икки кисми асар нашр этилганидан беш йил ўтиб саноатдаги етакчилик мавқеини йўқотган¹³.

“Абадий қурилган” китобида муаллиф компанияларнинг муваффакият келтирадиган усуллари, башоратчилик кобилияти, яъни бизнес келажагини олдиндан кўра билиш ва самарали фаолият учун кўп йиллик тажрибага эга бўлиш лозим эканини кўрсатмокчи бўлган. Бирок ушбу асарда “Муқаммалликни излаб” китобидаги хатоларга йўл қўймаслик учун тадқиқотлар компанияларнинг ички

¹ Рентабеллик (немисча: rentabel – фойдали, даромадли) – 1) корхона ва тадбиркорликнинг даромаддорлиги, самарадорлиги; 2) микронтиқсодий миқёслаги иқтисодий фаолиятнинг самарадорлик кўрсаткичи.

^{II} Т. Питерс, Р. кичик-Уотерман. “Муқаммалликни излаб”. Американинг энг муваффакиятли компанияларнинг дарслари. М.: “Альпина Паблишер”, 2011.

^{III} Дж. Колинз Поррас, Дж. Абадий қурилган. М.: Манн, Иванов ва Фербер, 2010.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

хаётигача кириб борди ва камида қирк йил давомида мавжуд бўлган компаниялар тахлил қилинди. Шу сабабли ҳам “Абадий курилган” асари бестселлерга айланди.

Аммо кейинчалик диққат билан ўрганилганда китобда тилга олинган компанияларнинг баъзи камчиликлари кўзга ташланди. “Абадий курилган” китобининг муаллифи компания эришган мувваффакиятнинг салмоқли қисми компаниянинг меҳнатлари самара-си эмас, балки бутун соҳа фаолияти натижасидир, деб фикрлайди. “Яратувчанликнинг қулаши”¹ асарида эса бунинг нотўғрилиги кўрсатиб берилган. Масалан, “Hewlett-Packard” (“HP”) “Абадий курилган” китобидаги фикрларни исботлагандай бозорда узок вақт фаол бўлса-да, аммо “HP” билан бир каторда, компьютер таркибий қисмларининг саноати ҳам дунё бозорида етакчи бўла олди. Қола-верса, “HP” ўз соҳадаги рақобатчиларидан ҳам устун бўломади. Ушбу ва бошқа масалаларга эътибор қаратган холда “Яратувчан-ликнинг қулаши” китобининг муаллифлари бозорда узок вақт илғор бўладиган, иқтисодий келажакни башорат қилиш қобилиятига эга компаниялар борми, деган саволни ўртага ташлашди.

Агар ҳар доим ҳам юкори санарали тармоқлар кўп бўлмаса, бирор компания баъзида мисли кўрилмаган ютуқларга эришса, баъзида таназзулга юз тутса, демак, ушбу компанияни мовий уммон ва юкори санарадорлик манбаларини ўрганишда тегишли тахлил бирлиги деб ҳисоблаш мумкин эмас. Юкорида таъкидлаб ўтгани-миздек, тарих шуни кўрсатадики, тармоқ пайдо бўлишдан, кенга-йишдан тўхтамаган, ўз навбатида саноатнинг шартлари ва чегара-лари ўзгарувчан, уларни алоҳида субъектлар белгилашини унутмас-лик керак.

¹ Р. Фостер. С. Каплан “Яратувчанликнинг қулаши. Нима учун абадий курилган компаниялар энг яхши натижаларни кўрсатмайлilar ва уларнинг санарадорлигини ошириш учун нима қилиш керак”. М.: “Альпина Бизнес Букс – Альпина Паблишер”, 2005.

Компаниялар у ёки бу соҳада чукур рақобатга киришлари шарт эмас. “Cirque du Soleil” кўнгилочар томошалар кўрсатиш соҳасида бозорнинг янги маконини яратгани ва натижада тезда катта даромадга эришганини юқорида айтган эдик. Демак, бундан кўринадики, на компания ва на маълум соҳа даромад ўсиш манбаларини таҳлил қилишнинг энг мақбул бирлиги бўла олмайди.

Бизнинг тадқиқотларимиз мовий уммонларнинг пайдо бўлишини ва компанияларнинг доимий, юқори самарали фаолиятини тушунтириш учун компания ва саноат эмас, балки стратегик қадам мос бирлик бўла олишини тасдиқлади. Стратегик қадам – бу раҳбарларнинг янги бозорни шакллантирадиган йирик бизнес таклифни ишлаб чиқиш билан боғлиқ қарор ва ҳаракатлар тўпламидир. Масалан, “Compaq” компанияси 2001-йилда “HewlettPackard” томонидан сотиб олиниши натижасида ўзининг мустакиллигини йўқотди. Бунда кўпчилик “Compaq”ни ютқазган деб ўйлашди. Аммо бу ҳолат мазкур компаниянинг сервер саноатини шакллантиришда мовий уммонга қаратилган стратегик ҳаракатини бекор қилмади. “Compaq”нинг килган стратегик қадамлари нафакат 90-йилларнинг ўрталарида компаниянинг бозорга кайтишининг бир кисми бўлди, балки компьютер ишлаб чиқаришнинг янги мультимиллиардлик бозорига эшик очди.

“Мовий уммон нақши яратилишининг тарихий баёни” номли 1-иловадаги маълумотлар базамизга асосланиб АҚШ рамзий-лаштирувчи учта секторнинг: автомобилсозлик (ишга етиб бориш учун восита), компьютер (иш учун муҳим восита) ҳамда киноиндустрия (ишдан кейин дам олиш учун восита) тарихи ҳакида кисқача маълумот беради. Илова билан танишиш натижасида доимий равишида муваффакият эришувчи компаниялар ёки соҳалар йўклигини кўришимиз мумкин. Лекин мовий уммонларнинг пайдо бўлишига олиб келган стратегик қадамлар ва кучли фойда олишнинг

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиш

янги йўллари жуда ўхшаш эканини унутмаслигимиз даркор.

Биргалиқда мухокама қилаётганимиз – стратегик қадамларимиз – бу ортиб бораётган талаб билан бозорнинг янги майдонларини очган, зabit этган, янги маҳсулот ва хизматларни яратиш учун қилинадиган қадамлар, шунингдек, даромаднинг ошиши, алвон уммонларда қолиб кетган, имкониятларини бой берган компаниялар тўғрисида ўйлашга мажбур қиладиган хикоялардир. Айтиш жоизки, мовий уммонлар қандай яратилганлиги ва компанияларнинг юқори самарадорлигига эришиш учун тадқиқотларимизни ушбу стратегик қадамлар атрофида курдик. Биз 1880-йилдан 2000-йилгача ўтиздан ортик соҳада амалга оширилган юз элликдан зиёд стратегик қадамларни кўриб чиқдик. Ушбу тадбирларнинг ҳар бирида иштирок этадиган ишбилармон қатнащчиларни синчковлик билан ўргандик. Саноат турлари меҳмонхона бизнеси, кино саноати, чакана савдо, авиация, энергетика, компьютерлар, радиоэшиттириш ва курилишдан автомобилсозлик ва пўлат саноатига қадар жуда хилма-хил эди. Биз нафақат мовий уммонларни яратишга муваффак бўлган ғолибларни, балки уларнинг омади келмаган ракобатчиларини ҳам тахлил килдик.

Ҳар бир аниқ стратегик босқичда ва стратегик қадамлар йиғиндисида мовий уммонларни яратган гурухнинг ҳамда алвон уммонда қолиб кетган муваффакиятсиз тадбиркорлар орасидаги ҳам ўхшашлик, ҳам фарқли жиҳатларини ўргандик. Ўрганиш жараённида мовий уммонларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган умумий омилларни, шунингдек, ғолибларни оддий “омон колгандар”дан ва алвон уммонга ботиб кетаётгандардан ажратиб турувчи асосий хусусиятларни аниглашга харакат килдик.

Натижада саноатнинг ҳам, компаниянинг ҳам хусусиятлари икки гурух ўртасидаги фарқларни тушунтириб беролмаслигига амин бўлдик. Саноат, компания ва стратегиянинг ўзгарувчан хусу-

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

сиятларини баҳолаб, мовий уммонларни яратиши ва эгаллаш кичик ва йирик компаниялар учун ҳам, ёш менежерлар учун ҳам, тажрибали раҳбарлар учун ҳам, аҳамиятли ва унчалик долзарб бўлмаган соҳалардаги компаниялар, ёш компаниялар, ҳакикий гигант компаниялар, хусусий ва давлат компаниялари учун ҳам муваффақиятли бўлганингидек, B2B, B2C компанияларни аникладик.

Тахлил давомида доимий равишда бенуксон ривожланадиган компания ёки соҳани топмадик. Бироқ турли хил муваффақият хикоялари ортида мовий уммонларни яратиши ва забт этиш учун изчил, ўзига хос стратегик қадамларни топишнинг уддасидан чиқдик. Бунда 1908-йилда “Ford”нинг “Модель Т” (Model T) варианти, 1924-йилда нафис машиналар ишлаб чиқарган “GM”, 1980-йилда реал вақтда 24 соат етти кун давомида янгиликларни тақдим этган “CNN”, “Compaq Servers”, “Starbucks”, “Southwest Airlines”, “Cirque du Soleil” ёки якинда ташкил этилган “Salesforce.com”ларнинг кандай соҳада бўлишидан қатъий назар ушбу компанияларнинг мовий уммонларни яратишга қаратилган стратегияга ёндашуви ўхшашлигини кўриш мумкиндир. Тадқикотларимиз давлат секторини ҳам камраб олди, бу ерда юкоридагиларга ўхшаш харакатлар моделини топдик. Биринчи нашрдан кейинги ўн йил ичida маълумотлар базамиз ўсади, кўплаб янги тадқикотларни ўтказдик.

Киймат инновацияси – мовий уммон стратегиясининг асоси

Мовий уммонларни яратишда ғолиб ва мағлублар ўртасидаги асосий фарқ стратегияга ёндашиш билан боғлиқ эканлигини доим ёдла саклаш лозим. Алвон уммонда ботган компаниялар анъанавий ёндашувга амал килиб рақобатчиларни мағлуб этишга хара-

БИРИНЧИ КИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиш

кат қилишди ва мавжуд саноат доирасида ҳимояланиш учун кулай бўлган позицияни эгаллашга ҳаракат қилишди¹⁵. Мовий уммонларни яратувчилар эса ракибларига тенглашишмади¹⁶. Аксинча, ўз ҳаракатларини бошқа стратегик мантиқка йўналтиридилар, биз уни қиймат инновацияси деб номладик. Қиймат инновацияси мовий уммон стратегиясининг асосидир. Буни инновация қадриятлари деб аташ ўринлидир, чунки компания бор кучини ракобатчиларга қарши кураш ўрнига тортишувни кераксиз холга келтириб мижозлар ва ўзи учун қийматни кескин ўзгариради ҳамда рақобатдан холи бўлган бозорнинг янги майдонларини очади.

Қиймат инновацияси шуни англатадики, қиймат ҳам, инновация ҳам бир хил эътиборга олинади. Инновациясиз қиймат, қоида тариқасида, ўсиб борадиган қиймат яратишга олиб келади, натижада қиймат ошади, аммо бу компанияга ракобатдан чикиб кетишга имкон бермайди¹⁷. Қийматсиз инновация технологиялар кўпайишига, бозор ижодкорлиги ёки футуристик¹ йўналишнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Буларнинг барчаси кўпинча харидорларни кабул қилишга ва тўлашга тайёр бўлган нарсаларидан ташқарида амалга ошади¹⁸. Қийматли янгиликни унинг тескарисидан, яъни технологик инновация ва бозор ижодкорлигидан ажратиш мухимдир. Тадқиқотларимиз мовий уммонларни яратган ғолибларни мағлублардан ажратиб турадиган жихат энг замонавий технологиялар мавжудлиги ва бозорга чикиш вақти эмаслигини кўрсатди. Баъзида ушбу компонентлар мавжуд бўлиши мумкин, аммо компаниялар кўп холларда уларсиз ишлайди. Компания инновацияларини омилкорлик, нарх ва харажат каби жихатлар билан бирлаштирганида қиймат инновацияларига эришилади. Агар бу усул

¹ **Футурология** (лотинча: futurum – келажак + юононча: logos – билим, тушунча) – инсониятнинг ва жамият хаёти айрим соҳаларининг келажак ҳолатини башорат ва тадқик қилиш билан шуғулланувчи илмий соҳа.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиш

орқали инновацияни қиймат билан боғлашнинг иложи бўлмаса, унда технология новаторлари ва бозор ижодкорлари бошқа компаниялар томонидан қўйилган “тухумларни босиш”ни бошлишади.

Қиймат инновацияси – фикрлашнинг янги усули ва мовий уммонларни яратишга олиб келадиган ҳамда ракобатдан қочадиган стратегия хисобланади. Ахамиятлиси шундаки, қийматли инновациялар ракобатга асосланган стратегиянинг энг кўп қабул қилинган қоидаларидан бирини, яъни “қиймат – харажат” битимини инобатга олмайди¹⁹. Анъянага кўра, компания юқори харажатлар эвазига истеъмолчилар учун катта қиймат яратиши ёки оқилона қийматни арzon нархларда яратиши мумкин. Бу холда стратегия табақалаш (фарқлаш) ва харажат ўртасидаги танлов сифатида қаралади²⁰. Мовий уммонларни яратишга интилаётгандар эса ўз олдиларига баб-баравар ҳам харжатларни камайтиришга, ҳам табақалашга эришиш мақсадини қўядилар.

“Cirque du Soleil” мисолига қайтайлик. Иккита, яъни табақалаштириш ва камхаржликни таъминлаш муаммосини бир вақтнинг ўзида ҳал қилиш компания тадбиркорлик тажрибасининг асоси хисобланади. Унинг дебюти пайтида бошқа цирклар ўзларини рақиблар билан таккослаш ва анъянавий цирк дастурларини бироз ўзгартириб, пасайган талабдаги улушини олишга ҳаракат қилишган. Бунинг учун улар энг машҳур масҳарабозлар, шер ўргатувчиларни жалб қилишга уринишди. Бундай стратегия цирк харажатларни оширди, аммо цирк фаолияти тажрибасини ўзгартиришга унчалик ёрдам бермади. Натижада цирк даромадларини оширмайдиган харажатлар ўсида ва умуман цирк томошаларига талаб пасайишни бошлади.

“Cirque du Soleil” пайдо бўлиши билан бундай ҳаракатлар кераксиз бўлиб қолди. “Cirque du Soleil” оддий цирк ҳам эмас, классик театр ҳам эмас, улар рақибларнинг фаолиятига эътибор

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиш

бермасди. Ушбу компания анъанавий мантиққа бўйисиниши ва рақо-батчилар билан рақобат қилишнинг ўрнига муаммони ҳал қилишнинг яхшироқ йўлини таклиф қилди: янада қизикарли ва ҳаяжонли цирк яратиш. “Cirque du Soleil” кўнгилочиш томошалари билан бир қаторда театр санъатининг интелектуал чуқурлиги ва аҳамиятини очиб берди, шу билан муаммони ўзгартириди²¹. “Cirque du Soleil” театр ва циркнинг бозор чегараларини бузиб, нафақат циркка доимий келувчи болаларга, балки бошқа аудитория хисобланган катта ёшдаги кишиларга, театр ихлосмандларига ҳам эътибор каратди.

Натижада циркнинг “қиймат – харажатлар” келишувини бузиб, мутлақо янги моҳият пайдо қилди ва янги бозор маконининг мовий уммонини яратди. Фаркига баҳо беринг. Бошқа цирклар томошаларига ҳайвонларни, таникли ижрочиларни таклиф қилишга, бир вактнинг ўзида учта саҳнада ҳар хил томоша кўрсатишга, томоша вактида чакана савдо учун жойларини ижарага беришга эътиборларини қаратишган бўлса, “Cirque du Soleil” тамомила бошкача иш тутди. Юкорида келтирилган барча омиллар анчадан бери анъанавий цирк саноатининг таркибий қисми сифатида қабул қилинган ва ҳеч ким уларнинг аҳамияти тўғрисида ўйламаган. Шу билан бирга, ҳайвонларнинг томошаларда иштирок этиши оммавий норозилик ва безовталикини кучайтириди. Бундан ташқари ҳайвонлар иштирокидаги томошалар энг киммат томошалардан бири эди, чунки ҳайвонларни сотиб олиш билан бир қаторда уларга маҳсус ўргатувчи ёллаш, тиббий хизмат, техник хизмат, суғурта ва транспорт харажатлари ҳам тўланиши керак эди.

Цирк саноати ўз томошаларига машҳур юлдузларни таклиф қила бошлагани катта хато бўлиб чиқди. Томошабинлар цирк юлдузлари таникли кўшикчилар ва машҳур актёrlардек ўзига чорловчи кучга эга эмас деб хисобларди. Цирк томошоларини ижро этишида машҳурларни жалб этиш катта харажатларни талаб киларди, бун-

БИРИНЧИ КИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиш

дан ташқари бу ёндашув томошабинга хеч қандай ижобий таъсир кўрсатмади. Уч аренага ғояси ҳам йўққа чиқди. Бундай томошалар нафакат бир аренадан бошқа аренага тез карашга мажбур бўлган томошабинлар учун нокулайликни яратди, балки кўпроқ иштирокчиларни жалб килишни талашиб килди, бу эса ўз навбатида харажатларнинг ошишига сабаб бўлди. Даромад олишнинг яна бир усули бўш турган майдонларни савдо учун ижарага бериш ва қаторлар орасида савдо қилиш эди. Аммо маҳсулотларнинг киммат нархларда сотилиши томошабинларни хариддан тўхтатиб қўйганди.

Циркнинг ўчмас жозибаси учта асосий омилга: чодир, масхарабозлар ҳамда классик цирк томошаларига, яъни ҳар хил акробатик ҳаракатлар ва моноциклдаги¹ чикишларга боғлиқ эди. Шу сабабли “Cirque du Soleil” масхарабозларни саклаб қолди, аммо уларнинг ҳазиллари янада нозикроқ ва енгил бўлди. Кўп цирклар вазият сабаб чодирлардан воз кечиб, томошалар учун биноларни ижарага ола бошладилар. Чодир ва факатгина чодир цирк сехрини ўз ичига олган рамз эканлигини англаган “Cirque du Soleil” классик рамзни яратди, у мукаммал ташқи безак ва қулайлик билан ажралиб турди. Бундай чодирлар буюк ва афсонавий цирклар ҳакида ўйлашга мажбур килди. Ёғоч кипигидан тайёрланган ва қаттиқ ўриндиклар олиб ташланди. Акробатик ва бошқа ҳаяжонли томошалар саклаб колинди.

“Cirque du Soleil” театрнинг бозор майдонига назар ташлаб, янги цирк элементлари бўлмаган, масалан, хикоялар каторини, шунингдек, интеллектуал бойликни, бадиий мусика ва раксларни, турли хил томошаларни тақдим этди. Цирк саноатида янгилик бўлган бу элементларнинг барчаси муқобил жонли кўнгил очиш – театр индустриясидан олинди.

¹ Моноцикл – бир гидравлик велосипед.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

Масалан, анъанавий циркларда томошалар бир-бирига боғлиқ бўлмаган бир қатор спектакллар бўлса, унда “Cirque du Soleil”-нинг ҳар бир яратиши, аксинча, мавзу ва сюжетга эга бўлиб, маълум даражада театр спектаклини ёдга солади. Мавзу ноаниқ радијонида тақдим этилганига қарамай (бу атайлаб қилинган), цирк томошаларини чекламасдан, тақдимотга уйғунлик ва ақл-идрок элементини киритарди. Бундан ташқари “Cirque du Soleil” бродвей шоуларидан бальзи гояларни ҳам ўзлаштириди. Бу ўзлаштириш барча ҳолатлар учун анъанавий бўлган шоулардан кўра турли хил дастур ва спектаклларни тақдим этади. Шунга қарамай бродвей шоуларига ўхшаган “Cirque du Soleil”-нинг ҳар бир ижроси мос мусиқий хамроҳликка эга бўлиб, унда визуал қисм, ёруғлик ва ҳар бир томошанинг давомийлиги бошқариб турилади. Дастурда театр ва балетдан олингандан гўзал рақслар ҳам бор. Ушбу компонентларнинг барчасини “Cirque du Soleil” ўз дастурига қўшиб, янада мураккаб томошаларни яратишга муваффақ бўлди.

Бундан ташқари турли хил томошаларга хилма-хиллик концепциясини жорий килиб мавжуд талабни сезиларли даражада ошириди.

Юқорида айтилганларнинг барчасини сархисоб килсак, “Cirque du Soleil” цирк ва театрдаги томошаларнинг энг яхшинини таклиф этиб, бошка барча элементларни минимал даражага туширади ёки улардан воз кечади. Бундай мисли кўрилмаган таклиф туфайли “Cirque du Soleil” мовий уммонни яратди ва анъанавий циркдан ҳам, анъанавий театрдан ҳам фарқ қиласиган янги жонли кўнгилочар томошалар ихтиро қилди. Шунингдек, циркнинг энг киммат таркибий қисмларидан воз кечиб, ўз харажатларини кескин камайтирди ва шу билан табакаланишга ҳам, паст чикимга ҳам эришиди. Мазкур компания стратегик қадам ташлади, у ўз томошаларига чипталар нархини театр чипталари нархига яқинлаштириди.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

Чипталар нархи цирк саноатида қабул қилингандардан даражадан бир неча баравар юкори эди, аммо шу билан бирга нархлар театр чипталари нархларига ўрганиб қолған катта ёшдаги томошабинлар учун ёкимли бўлиб чиқди.

1.2. расм. Қиймат инновацияси – мовий уммон стратегиясининг асоси

Қиймат инновацияси компаниянинг хатти-ҳаракатлари харажатлар таркиби ва мижозларга қиймат тақлифига ижобий таъсир кўрсатадиган соҳада яратилади. Харажатларни камайтириши маълум бир соҳада рақобат мавжуд бўлган омилларни ўйқуни ва камайтириши билан боғлиқ. Мижозлар қиймати саноат илғори ҳеч қачон тақтиф қылмаган элементларни яратиш ва ривожлантириши орқали яхшиланади. Вакт ўтиши билан ишлаб чиқарни миёғесининг таъсир тифайли идеал қиймат билан ишлаб чиқарилган катта ҳажмидаги савдо туфайли харажатлар янада камайди.



Бир вактнинг ўзида харажатларни камайтириш ва харидор учун қийматни ошириш

1.2. расмда мос келадиган инновацион қийматга эга бўлган “табакалаштириш – кам харажатлар” нисбати динамикасини акс

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

Эттиради. Расм мовий уммонни яратиши билан бир вактнинг ўзида харажатларни камайтириш ва харидор учун кийматни оширишнинг мумкинлигини кўрсатади. Шундай килиб компания учун ҳам, унинг мижозлари учун ҳам кийматга эришилади. Мижозлар учун киймат компания томонидан таклиф этилаётган фойда ва нархга асосланганлиги сабабли компания учун эса нарх ва харажатлар тузилишидан келиб чикканлиги боис киймат инновацияларига компаниянинг нарх ва харажатлар соҳасида хосил бўлгандা бутун фаолияти мувофиқлаштирилган ҳолда эришилади. Шу билан бирга киймат инновациялари доимий бўлиши учун компания ходимлари жараённи доимий равишда кўллаб-кувватлашлари керак. Киймат инновациясини ҳакикий стратегияга айлантириш учун фойда, нарх, харажат ва инсон омилиниң бирлиги талаб қилинади. Айнан тартибли ёндашув қиймат инновациясини стратегияга айлантиради, функционал ечимга эмас.

Аксинча, ишлаб чиқариш инновацияси каби қадамлар қуий тизим даражасида компаниянинг умумий стратегиясига таъсир килмасдан амалга оширилиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш жараённинг инновацияси компания харажатларини камайтириши мумкин ва шу билан компания томонидан таклиф этилаётган маҳсулотнинг фойдали томонини ўзгартирмасдан харажатлар соҳасида танланган етакчилик стратегиясини кўллаб-кувватлайди. Ушбу турдаги янгиликлар компанияга ўз мавқенини мустахкамлашга ёки мавжуд бозорда юкори ўринни эгаллашга ёрдам бериши мумкинлигига қарамасдан бундай қуий тизимли ёндашув камдан-кам ҳолларда бозор маконининг янги мовий уммонини яратади.

Шу маънода киймат инновацияси мустакил концепциядир. Бу компаниянинг бутун тизимини камраб оладиган *стратегия*²². Киймат инновацияси компаниялардан ўз тизимларини мижозлар ва ўзлари учун кийматнинг ўсишига йўналтиришни талаб қиласди.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

Бундай яхлит ёндашувсиз инновациялар стратегиянинг моҳиятидан узилиб қолади²³. 1.3 расмда алвон ва мовий уммонлар стратегияларининг асосий фарқловчӣ хусусиятлари кўрсатилган.

Алвон уммон рақобат стратегиясига қўра саноат тузилмаси аллақачон ўрнатилган ва компаниялар белгиланган доирада ракобатлашишга мажбур бўлмоқдалар. Шунга ўхшаш хабарни олимлар *структуралистик*¹ нуқтаи назар ёки *атроф-муҳит детерминизми*¹¹ деб аташади. Қийматнинг янгиликлари, аксинча, бозор чегаралари ва соҳанинг тузилиши олдиндан белгиланмаганлиги ва ушбу соҳадаги иштирокчиларнинг хатти-харакатлари ва эътиқодлари уларни ўзгартиришга кодир эканлигига асосланади. Биз буни стратегияга янгича ёндашув деб атаемиз. Алвон уммонда табакалаштириш кимматга тушади, чунки компаниялар энг яхши амалиёт коидаларига риоя қилган ҳолда бир-бири билан рақобатлашади. Бу ерда улар учун стратегик танлов ё фарқлашга интилиш, ёки харажатларни камайтиришга боғлик. Қайта куриш давридаги дунёда стратегик максад, аксинча, яратилган “қиймат – харажатлар” инқизози ва мовий уммон яратадиган энг яхши амалиётнинг янги коидаларини вужудга келтиришга асосланган. (Ушбу масаланинг кейинги муҳокамаси учун 2-иловага қаранг. “Қиймат инновацияси. Стратегияга янгича ёндашув”).

¹ Структурализм – тилшунослик, адабиётшунослик, этнография, тарих ва шу каби гуманитар фанларда структур усуслар ва моделлантиришдан, формалантириш, семиогика, математикалантириш элементларидан фойдаланиши билан боғлик йўналиши. Структурализмнинг асосини нарса ва ходисаларниш инвариант муносабатлари йигинидиси тарзида тушунладиган тузилма (структураллар ташкил этади).

¹¹ Детерминизм – барча ходисаларнинг ўзаро объектив конуний аложалорлиги ва сабабий боғланиши тўғрисидаги фалсафий таълимот. Детерминизмнинг мазмуни сабабият тушунчасида иғодаланади, яъни бунда бир ходиса (сабаб) муайян шаронигда зарурятни тудиради, бу эса бошқа ходиса (окибат)ни вужудга келтиради. У инсон онгига боғлик ўмас.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиш

1.3. расм. Алвон уммон стратегияси, мовий уммон стратегиясига қарши.

Алвон уммон стратегияси	Мовий уммон стратегияси
Мавжуд бозор майдонида кураш	Рақобатчилардан холи бозор майдонини қуриш
Рақобатчилар устидан қозонилган ғалаба	Рақобатчилардан қўрқмаслик
Мавжуд талабдан фойдаланиш	Янги талаб ишлаб чиқиш ва уни эгаллаш
“Қиймат – харажат” келишуви	“Қиймат – харажат” келишувини рад этиш
Фарқлашга ёки кам харажатларга йўналтирилган стратегик танловга қараб, компания фаолиятининг бутун тизимини қуриш	Бир вақтнинг ўзида тафовутга эришиш ва харажатларни камайтириш вазифасига мувофиқ компания фаолиятининг бутун тизимини қуриш

“Cirque du Soleil” цирк саноатининг энг яхши қоидаларини бузди (best-practice) ва мавжуд саноат чегараларидан ташкарида олинган элементларни қайта таҳлил қилиш йўли билан тафовут ва харажатларни камайтирди.

Компаниянинг барча қискартиришлари, камайтиришлари, кўпайтиришлари ва ихтиrolаридан сўнг “Cirque du Soleil”ни цирк ёки театр деб хисоблаш мумкинми?

Агар театр бўлса, унда кай бири бродвей шоу, опера, ёки балет?

Хеч қандай аниқ жавоб йўқ. “Cirque du Soleil” ушбу муқобил турли элементларини қайта курди ва натижада ҳар бирининг маълум қисмини ўз ичига олди. У рақобатдан ҳоли мовий уммонни, аникроғи, бозорнинг янги майдонини яратди.

Мовий уммон стратегиясини ишлаб чиқиши ва амалиёттага жорий этиши

Иктиносидий шароитлар мовий уммонларни яратиш зарурати ортиб бораётганигини күрсатаётган бўлишига қарамай тадбиркорларда, агар компания ўз фаолиятида мавжуд саноат доирасидан ташқарига чиқса, муваффакият эҳтимоли камаяди, деган қатъий ишонч мавжуд²⁵.

Мовий уммонда қандай килиб муваффакият қозониш мумкин?

Мовий уммон стратегиясини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш билан боғлик хатарларни минималлаштиришда компаниялар имкониятларни ошириш учун нима қилишлари керак?

Унутманг, сиз мовий уммонларни яратиш ва эгаллаб олиш хавфини минималлаштириш тамойилларини яхши билмасангиз, унда муваффакиятсизлик эҳтимоли юкори бўлади.

Албатта, хавф-хатарсиз стратегия бўлмайди²⁶. Алвон ёки мовий уммонда бўлишидан катъий назар стратегия ҳар доим имкониятлар ва хавфларни ўз ичига олади. Бирок ҳозирги пайтда ўйин майдонидаги мувозанат алвон уммонда муваффакият қозониш учун ишлаб чиқилган воситалар ва тахлилий тузилмалар фойдасига картилган. Ушбу ўзгаришлар содир бўлишига қадар мовий уммонларни яратиш зарурати янада равshan бўлиб қолса ҳам, алвон уммонлар компанияларнинг стратегик режаларида устунлик қилишда давом этади. Эҳтимол, шунинг учун компанияларга мавжуд саноат майдонидан ташқарига чиқиш учун килинган чакирикларга қарамай, улар бу йўналишда жиддий қадамлар қўймадилар.

Кўлингиздаги мазкур китоб ушбу номуганосибликни тузатиш учун мўлжалланган. Унда баён қилинган тезислар маълум методикалар билан кўллаб-қувватланади. Унда мовий уммонда му-

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

ваффакиятларга эришиш тамойиллари ва таҳлилий истиқболларини ўрганишингиз шубҳасиздир.

2-боб мовий уммонларни яратиш ва забт этиш учун зарур бўлган таҳлилий воситалар ва моделларга бағишлиланган. Кўшимча воситалар бошка бўлимларда керак бўлганда тақдим этилади, аммо асосий тўплам китоб давомида қўлланилади. Имкониятлар ва хавф-хатарларга йўналтирилган воситаларни аник йўналтириш орқали компаниялар саноат ёки бозор асосларида фаол ўзгаришларни амалга оширишлари мумкин. Кейинги бобларда мовий уммон стратегиясини муваффакиятли ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тамойилларини баён қиласиз ҳамда уларни таҳлилда, амалиётда қандай қўллаш кераклигини тушунириб берамиз.

Мовий уммон стратегиясини муваффакиятли яратиш учун тўртта етакчи принцип мавжуд. Уларнинг барчаси навбатма-навбат учинчидан олтинчигача бўлган бобларда кўриб чиқилади. 3-боб турли тармоқлараро соҳаларда тизимли равишда эркин бозор мақонини яратиш ва шу билан қидирув хавфини камайтирадиган усуулларни белгилайди. Ушбу боб сизга олтига анъанавий чекловларни бекор килиш ва тижорат учун аҳамиятли мовий уммонларни очиб, ракобатдан қандай кочиш кераклигини ўргатади. Муқобил маибаларни, стратегик гурухларни, мижозларнинг гурухларини, кўшимча товарлар ва хизматларни таклиф қилишининг олтига усулини, соҳанинг функционал ва ҳиссий жозибадорлигини ҳамда эртанги кунга қандай қарашини кўриб чиқади.

4-бобда компания фаолиятини анъанавий боскичма-боскич такомиллаштириш ва киймат инновацияларини яратиш учун стратегик режалаштириш жараёнини қандай куриш кераклиги кўрса-

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиш

тилган. Ушбу бобда хозирги стратегик режалаштириш жараёнига муқобил варианtlар тақдим этилади, булар кўпинчa *рақамларни майдалаши* деб аталади, ўз навбатида компанияларни босқичмабосқич яхшиланишга олиб келади. Ушбу тамойил режалаштириш хавфини камайтириш муаммосини ҳал қилади. Сиз мовий уммонларнинг имкониятларини яратиш ва эгаллаш стратегиясини яратишга имкон берадиган режалаштириш жараёнининг тўрт босқичи хақида билиб оласиз.

5-боб мовий уммон ҳажмини максимал даражада оширишга бағишиланган. Янги талаб учун энг катта бозорни яратиш вазифасини ҳал қилар эканмиз, ушбу бобда мижозларнинг хоҳиш-истаклари ни яхшироқ қондириш учун аниқроқ сегментациялашга интилишнинг анъанавий амалиётини шубха остига оламиз. Одатда, ушбу амалиёт максадли бозорларнинг доимий пасайишига олиб чикади. Бунинг ўрнига қандай килиб талабларни биргаликда тўплашимиз мумкинлигини кўрсатамиз, яъни алоҳида мижозлар ўртасидаги фарқларга эътибор қаратмасдан, балки яратилган мовий уммон ҳажмини ошириш ва янги талаб манбаларини олиш учун мижоз бўлмаганлар нуқтаи назарлари бир-бирига мос келишини аниклаймиз.

Бошқача килиб айтганда, миқёс хавфини минималлаштиришга эътибор қаратамиз.

6-боб оммавий харидор учун қийматнинг кўтарилишини таъминлабгина колмай, балки даромад ўсишига олиб келадиган ва сақлайдиган ҳаётий бизнес моделини яратадиган стратегия вариантини кўриб чикади. Компаниянгиз қурган бизнес модели фойда келтириши ёки у билан боғлик хатарларнинг камайтиришини қандай текширишни ўрганасиз. Сиз ва мижозларнинг янги бизнес худуди-

1-боб. Мовий уммонларни яратиш

ни яратышда фойда кўриши учун бўлим стратегияни ишлаб чиқиша кетма-кет босиладиган қадамларни тақдим этади. Бундай стратегия кетма-кетликка риоя қиласди: фойда – нарх – харажат – қабул қилиш.

7- ва 10-бобларда мовий уммон стратегиясини самарали амалга ошириш тамойиллари муҳокама килинади. Хусусан, 7-бобда биз етакчилик деб атаган жиҳатлар ҳақида сўз боради. Мақсадга йўналтирилган раҳбарлик менежерларга компанияни мовий уммон стратегиясини амалга оширишга тўсқинлик киладиган асосий муаммоларни ҳал қилиш учун қандай жалб қилиш ва шу билан ташкилий хавфни камайтиришни кўрсатади. Ушбу бобда раҳбарлар ва менежерлар мовий уммон стратегиясини амалга оширишда вақт ва ресурслар чекланган бўлишига қарамай когнитив жиҳатлар, манбалар, мотивация ва сиёsat билан боғлик тўсикларни қандай енгиб ўтишлари ҳақида гаплашамиз.

8-боб амалга ошириш жараёнини стратегик режалаштириш билан бирлаштиришга бағишлиланган. Бунда одамларнинг компания ва узок вақт давомида мовий уммон стратегиясини амалга оширишга ҳаракат қилишлари тўғрисида фикрлар келтирилади. Шунингдек, ушбу бобда оқилона жараён ҳақида гаплашамиз. Мовий уммон стратегияси бу ёки бошқа йўл билан мавжуд вазиятдан узоклашишини ўз ичига олади. Ушбу бобни ўқиб чиққандан сўнг оқилона жараён стратегияни ва уни амалга оширишни шакллантиришга қандай ёрдам бериш ҳамда одамларни ихтиёрий ҳамкорликка қандай жалб қилиш мумкинлигини билиб оласиз. Бўлимнинг мақсади одамларнинг муносабати ва хатти-ҳаракати билан боғлик бўлган бошқарув хавфини минималлаштиришга қаратилган. Одамлар деганда биз ҳам компания ичидағи, ҳам ундан ташқаридаги барча манфаатдор томонлар, шу учун ишлайдиганлар ва шу билан бошқача тарзда

БИРИНЧИ КИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

ҳамкорлик қиладиганлар тушунилади.

9-боб янги нацр учун маҳсус ёзилган ва у йўғунлик каби муҳим концепцияга багишланган. Биз ўқувчига оддий, аммо кенг қамровли тузилмани таклиф этамиш. Унинг ёрдамида сиз компаниянинг қиймат, фойда ва инсон омили бўлган учта стратегик мақсадларини ишлаб чиқишингиз ва мувофиқлаштиришингиз мумкин бўлади. Биз барқарорлик хавфлари мавзусини синчковлик билан кўриб чиқамиз, мовий уммон стратегияси контекстида қандай мувофиқлик борлигини кўрсатамиз ҳамда хақиқий хаётдан муваффакиятли ва муваффақиятсиз ишларни тақдим этамиш.

10-боб шахсий бизнес даражасида ва корпоратив даражада (кўп тармоқли компаниялар учун) мовий уммон стратегиясининг янгиланиши ва динамик жихатлари мавзусига бағишлиланган. Ҳар доим самарадорликни саклаш учун ўз бизнесингизни ва корпоратив портфелингизни қандай бўшқариш хақида батафсилроқ гаплашамиз. Сизга янгиланиш хавфини қандай бўшқариш кераклигини айтиб берамиз, чунки бу ерда мовий сувларга тасодифий бир марталик кириш, мовий уммон стратегиясининг доимий издошлари ўртасидаги фарқини шу ерда кўришингиз мумкин. Алвон ва мовий уммонлар стратегиялари қандай йўғунлашганини ва узоқ муддатли корпоратив портфелни бўшқариш контекстида бир-бирини қандай тўлдиришини билиб оласиз.

1.4. расмда мовий уммон стратегиясини муваффакиятли ишлаб чиқиши ва амалга оширишнинг саккизта принциплари, шунингдек, компания ушбу тамойилларга амал қилган тақдирда унинг таъсири камайтириладиган хавфлар кўрсатилган.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-боб. Мовий уммонларни яратиши

1.4. расм. Мовий уммон стратегиясининг саккизта принципи

Ривожланиш тамойиллари

- Бозор чегараларини қайта қуриш
- Рақамларга эмас, умумий суратга эътибор қаратинг
- Мавжуд талабдан четга чиқинг
- Стратегик кетма-кетликни тұғри аникланг

Амалга ошириш тамойиллари

- Асосий ташкилий түсікіларни енгіб үтинг
- Амалга оширишни стратегияга жойлаштириңг
- Қыймат, фойда ва инсон омилиниң мувофиқтігі
- Мовий уммонларнинг янгиланиши

Ҳар бир тамойил учун хавф омили

- ↓ Қидирув хавфи
- ↓ Режалаштириш хавфи
- ↓ Микәс хавфи
- ↓ Бизнес модел хавфи

Ҳар бир тамойил учун хавф омили

- ↓ Ташкилий хавф
- ↓ Башқарув хавфи
- ↓ Барқарорлық хавфи
- ↓ Янгиланиш хавфи

Ва ниҳоят ушбу нашр яна бир янги қисмни ўз ичига олади. Унда алвон уммонларнинг энг кенг тарқалған ўнта тузоклари ба-тафсил күриб чиқилади, улар тузоққа ўхшаб компанияни мовий уммон сувларига киришигә тұсқынлик қиласы. Биз ҳар бир тузокдан кандай кочишига алохидә эътибор берамиз.

Үқувчиларимиз факаттін гояни тушунибгина колмай, бал-ки мовий уммон стратегияси воситаларини кандай күллашни ва уларнинг ёрдами билан мұваффақияттаға эришишни ўрганишлари учун у ёки бу тузок пайдо бўлганда келиб чиқадиган хатолар рўй-хатини келтирамиз.

Келинг, 2-бобга ўтамиз ва мовий уммон стратегиясини иш-лаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосий таҳлилий воситалари ҳакида билиб оламиз.

2-БОБ

ТАҲЛИЛ ВОСИТАЛАРИ ВА МОДЕЛЛАРИ

Биз сўнгги ўн йил ичидаги таҳлилий воситалар ва моделлар тўпламини яратдик. Мовий уммон стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнини бозорнинг барчага таниш қисмидаги алвон сувларида ракобат жараёни каби тизимли ва амалий килишга ҳаракат қилдик. Ушбу таҳлилий тадқиқотлар стратегия соҳасида ҳали ҳам мавжуд бўлган асосий бўшликни тўлдиради. Мовий уммонлар учун амалий воситалар яратилмаган бир вақтда алвон уммонларда мусобақалашиш учун таъсирчан воситалар ва моделлар тўплами ишлаб чиқилган. Масалан, Майкл Портернинг саноатнинг шароитини ва у таклиф қилган учта стратегияни таҳлил килиш учун бешта кучи сўзимизнинг исботидир.

Айтиш керакки, узок йиллар давомида раҳбарларни жасур ва тадбиркор бўлишга, хатолардан сабок олишга ва инкилобчиларни излашга даъват этиб келинди.

Бу одамларни ўйлашга мажбур килса ҳам мовий сувда муваффакиятли сузиш учун зарур бўлган таҳлилни алмаштира олмайди. Таҳлил бўлмаган жойда менежерлари мавжуд ракобатдан чиқиш чақириғига эътибор беришларини кутиш қийин. Мовий уммоннинг самарали стратегияси хавфга эмас, балки уни минималлаштиришга қаратилиши керак.

БИРИНЧИ КИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

Ушбу номутаносибликни тугатиш учун дунёдаги қўплаб компанияларни ўргандик ва мовий уммонлар бўйлаб саёҳат қилишнинг амалий методологиясини ишлаб чиқдик. Кейин ушбу воситаларни амалда кўллаб, синовдан ўтказдик. Мовий уммонлар яратишга интилаётган компаниялар билан ишладик ҳамда ўзимизнинг воситаларимизни тўлдиридик ва такомиллаштиридик. Мовий уммон стратегиясини ишлаб чиқиши, уни амалга оширишининг саккиз тамойилини кўриб чиқишида бу ерда келтирилган воситалар ва моделлардан бутун китоб давомида фойдаланилади. Ушбу тўпламга қисқача кириц сифатида, келинг, Америка виночилик саноати мисолида мовий уммонларни яратишида бу воситалардан қандай фойдаланиши мумкинлигини кўриб чиқамиз.

2000-йилга кадар АҚШ вино ишлаб чиқариш хажми бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллади. Унинг савдоси тахминан йигирма миллиард долларга баҳоланди. Аммо ушбу саноат жуда катта бўлишига қарамай шиддатли ракобат билан ажralиб турарди. Калифорния винолари ички бозорда устун бўлиб АҚШдаги барча шароб сотилишининг учдан икки қисмини ташкил киларди. Улар АҚШ бозорига тобора кўпроқ эътибор қаратиб келинаётган Франция, Италия ва Испания, шунингдек, Янги Дунё (Чили, Австралия ва Аргентина) шароблари билан ишончли ракобатлашдилар. Шу билан бирга Орегон, Вашингтон ва Нью-Йоркда ҳам шароб етказиб бериш ўсиб борди.

Бирок истеъмолчилар бунга умуман муносабат билдирамадилар. АҚШ ахоли жон бошига вино истеъмоли бўйича дунёда ўттизинчи ўринни эгаллашда давом этди.

Юзага келган катта ракобат вино саноатида жипсласиши мезханизмига айланди. Энг иирик саккизта компания Америка Кўшма Штатларида шаробнинг 75 фоизидан кўпроғини, 1600 га яқин бошқа шароб заводлари эса колган 25 фоизни ишлаб чиқаришган.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Тәхлил воситалари ва моделлари

Бозордаги бир нечта йирик иштирокчиларнинг етакчи роли дистрибуторларга¹ таъсир кўрсатишга, ўз маҳсулотлари учун дўйонлар жавонларида жой эгаллашга ва катта маркетинг бюджетларига миллионлаб доллар сармоя киритишга имкон берди.

Шу билан бирга Америка Қўшма Штатлари чакана сотувчилар ва дистрибуторларни бирлаштириб, уларга сон-саноқсиз вино ишлаб чиқарувчилари олдида ўз манфаатларини ишончли ҳимоя килишларига замин яратди. Чакана савдо ва дистрибуция учун кескинлик юзага келиб заиф, суст бошқариладиган компанияларнинг четга суриб ташланганлиги ажабланарли эмас, албаттa. Шароб нархини тушириш учун босим кучайтирила бошланди. Бошқача айтганда, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигига АҚШ вино саноати рақобатидада ҳукмронлик қилди, нархларга босим кучайтирилди, чакана сотувчилар ва дистрибутерларда ўз манфаатларини ҳимоя килиш қобилияти ошди, шунингдек паст талаб ва жуда юкори таклиф кузатила бошланди.

Анъанавий стратегик фикрлаш нуктаи назаридан ушбу соҳани жозибадор деб хисоблаш қийин. Ҳар қандай стратег учун шафқатсиз рақобатнинг алвон уммонидан қандай чиқиб, ракобатдан холи бўлиш асосий масаладир.

Рақобатчilar бўлмаган жойда бозор майдонининг мовий уммонини қандай очиш ва забт этиш керак?

Бу саволга жавоб бериш учун стратегик режага, яъни инновацияларни ва кўк уммонларни яратища мухим ўрин тутадиган таҳлилий моделга мурожаат қиласиз.

¹ Дистрибутор (инглизча: distributor -- таксимлаш) -- минтакавий (маҳаллий) бозорларда муайян турдаги товарларни улгуржи (кўтара) сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланувчи фирма ёки тадбиркор.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари


Стратегик асос

Стратегик асос ташхис қўйиш ва ҳаяжонли мовий уммон стратегиясини қуриш воситасидир. У иккита вазифани бажаради. Биринчидан, бу маълум бозор маконидаги хозирги вазиятни акс этиради, бу эса ракобатчиларнинг қаерга сармоя киритишини, соҳада ракобат мавзуси бўлган маҳсулотларнинг хусусиятлари, хизматлар, етказиб бериш ва мижозлар бозорда қандай ракобатбардош таклифларни олишларини тушунишга имкон беради. 2.1. расмда барча маълумотлар графикада келтирилган. Горизонтал чизик бу ракобат мавжуд бўлган омил ва инвестициялар йўналтирилган соҳалар.

2.1. расм. 1990-йилларнинг охирида Америка Қўшма Штатлар вино саноатининг стратегик асоси

Юқори

Премиум навли қиммат шароблар



БИРИНЧИ КИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

АҚШ вино саноатида рақобат узок вақт давомида еттига асосий йўналишда давом этган:

- бир шиша шаробнинг нархи;
- қадоқнинг мафтункорлиги, медаллар ва мукофотлар рўйхати ёзилган ёрлик, матнда эзотерик эннологик¹ атамаларнинг мавжуд бўлиши, шаробни яратиш фан ва санъат эканлигини таъкидлаш учун мўлжалланганлиги;
- гавжум бозорда истеъмолчиларнинг хабардорлигини оширишга, билвосита маркетинг, дистрибуторлар ва чакана сотувчиларни маълум бир шароб заводини афзал кўришга ишонтиришга қаратилганлиги;
- шароб сақлаш сифати;
- шароб ишлаб чиқаришнинг нуфузи ва унинг тарихининг (узум етиштирилган жойлар ва корхонанинг ёшини кўрсатган ҳолда) тасвиrlанганлиги;
- танин ва эман лаззатини ўз ичига олган шароб таъмининг бойлиги ва нағислигининг тасвири;
- шаробларнинг турлари, барча узум навларини қамраб оладиган ҳамда харидорлар қайси турларни афзал кўришлари шардонедан тортиб мерло ва ҳ.к.

Ушбу омиллар шаробни маҳсус ҳолатларда хизмат килишга лойик бўлган билувчилар учун ноёб ичимлик сифатида белгилашда муҳим омил хисобланади.

Бу бозор шароитидаги АҚШ вино саноатининг асосий тузилиши эди.

Энди стратегик асоснинг вертикал ўқига ўтайлик.

¹ Эннология -- виночилик хакидаги фан.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

Бу ерда рақобатнинг барча асосий омиллари бўйича мижозлар томонидан таъминланганлик даражаси қайд этилади. Юқори кўрсаткич бу омил соҳасида компания ўз мижозларига анча нарсани таклиф килишини ва ривожланишига кўпроқ сармоялар киритилишини англатади.

Нархларга келсак, юқори кўрсаткич мос равишда баланд нархни билдиради. Энди биз ҳар бир танланган омиллар учун уларнинг стратегик ҳолатини ёки қиймат эгри чизигини аниглаш йўлида турли хил шароб ишлаб чиқаришлари тўғрисидаги маълумотларни тўплашимиз мумкин.

Стратегик заминнинг асосий таркибий қисми бўлган қиймат эгри чизиги дейилганда соҳадаги рақобат омилларини хисобга олган ҳолда компаниянинг киёсий кўрсаткичларининг график кўриниши тушунилади.

2.1. расмда, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида Америка вино саноатида 1600 юздан ортик вино заводлари мавжуд бўлганига қарамай харидор нуқтаи назаридан уларнинг эгри чизик қийматлари амалда бирлашиб кетган.

Ушбу соҳада рақобатчилар жуда кўп, аммо юқори даражадаги вино брендлари хақидаги стратегик заминга маълумотларни жойлаштириб, бозор нуқтаи назаридан уларнинг барчаси бир хил стратегияларга амал килишларини билиб оламиз. Улар юқори нархларни таклиф қиласа ва рақобатнинг барча омиллари учун юқори даражадаги таъминотни яратардилар.

Уларнинг стратегик ҳолати класик табакалаш стратегиясига мос келди. Бозор нуқтаи назаридан уларнинг барчаси бир-биридан бир хилда фарқ қиласа эди. Бошка томондан эса арzon шароблар ҳам деярли бир хил стратегик профилга эга. Барча асосий рақобат омиллари бўйича таклиф каби ушбу виноларнинг нархи ҳам паст. Бундан ташқари премиум шароблар ва арzon шаробларнинг эгри қиймати

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

дэярли бир хил кўринади. Ушбу икки гурухнинг стратегиялари бир-бирини такрорлади, аммо улар орасидаги ягона фарқ фақатгина таъминот даражасининг баландлигида эди.

Бундай шароитда компанияни даромаднинг кучли ўсиш траекторияси бўйлаб йўналтириш учун ракобатчиларга тенглашиш етарли эмас, уларни камроқ нарса ва арzonрок нарх эвазига ўзингизга оғдирганингиз максадга мувофик бўлади. Бундай стратегия савдо хажмини бироз ошириши мумкин, аммо компанияни ракобатчилардан холи бозор майдонига олиб бориши даргумон. Истеъмолчиликни кенг қамровли тадқиқот қилиш ҳам мовий уммонларга йўл очмайди.

Тадқиқотларимиз давомида истеъмолчиларнинг ракобат билан камраб олинмаган бозор майдонини қандай яратиш кераклигини билмасликлари маълум бўлди. Одатда уларнинг нуктаи назари бизга таниш “менга кўпроқ ва арzonрок таклиф қилинг”га тўғри келади. Ва бу “кўпроқ”, коида тариқасида, ҳозирги вақтда ушбу соҳа таклиф этаётган маҳсулотлар ва хизматларни англатади.

Тармоқнинг стратегик таркибини тубдан ўзgartириш учун стратегияни ракобатчилардан ва муқобил мижозлардан соҳанинг мижоз бўлмаган мижозларига йўналтириш керак. Бир вактнинг ўзида қиймат устида ишлаш ҳамда харажатларни кискартириш учун мавжуд соҳада ракобатчилар билан тенг бўлиш ҳакидаги эскирган фикрдан воз кечиш, табақалаш ва паст нархлар ўртасида танлов қилишни тўхтатиш керак.

Стратегик йўналишни мавжуд бўлган ракобатчилардан муқобил варианларга ва мижоз бўлмаганларга ўтказиш орқали ушбу соҳадаги иштирокчиларга қаратилган асосий муаммони қандай килиб ислоҳ қилишни, соҳадан ташқарида мижозлар қийматини қайта куришни тушунишингиз мумкин. Унутмангки, соҳангиздаги анъана-вий стратегик мантиқ сизни ракобатчиларингизнинг муаммоларидан

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

кўра яхшироқ ечимларни излашга мажбур қиласди.

Агар АҚШ виночилик саноати ҳақидаги маълумотларга қарасак, вино заводларининг анъанавий қарашларга риоя килган ҳолда эътиборларини шаробнинг обрўси ва сифатини муносаб нарҳда керагидан ортиқ тайёрлаб беришга қаратишганини кўрамиз.

Бу ортиқчалик барча шароб ишлаб чиқарувчиларга маълум бўлган ва рақобат тизими томонидан қўллаб-куватланадиган таъмга қараб шаробнинг хусусиятларини муракқаблаштиришни англатган.

Шароб ишлаб чиқарувчилар, мусобақалардаги ҳакамлар ва юкори дидли мижозлар шароб таъмининг яхши бўлишида тупроп нинг ўзига хослиги, тузилиши ва хусусиятларини, сақлаш жараёнида танин ва эман билан ишлов бериш маҳалидаги вино ишлаб чиқарувчисининг маҳоратини алоҳида эътироф этишади.

Бирок муқобил варианtlарни хисобга олган ҳолда австралийлик “Casella Wines” шароб саноати олдига барча инсонлар ичиши мумкин бўлган totли, харидорбон, ноанъанавий шаробни қандай яратиш кераклиги каби масалани қўйди. Кўшма Штатларда пиво, спиртли ичимликлар ва тайёр коктейллар винодан уч баравар кўп сотилгани ўрганиб чиқилиши натижасида катта ёшдаги американклар шаробни хушламасликлари аён бўлди. Вино ишлаб чиқарувчилар мукаммалликка эришишга ҳаракат қилишганига қарамай кекса ёшдаги истеъмолчилар шаробнинг лаззатини хис килмаганини билдиришарди.

“Casella Wines” юкоридаги маълумотлардан келиб чиқиб мовий уммонни яратиш бўйича Америка вино саноатининг стратегиясини қандай ўзгартириш мумкинлигини аниклашга тайёр эди. Бунинг учун у тўртта ҳаракат моделидан фойдаланди.

Tўрт ҳаракат модели

Харидор учун қиймат элементларини қайта куриш мақсадида янги қиймат эгри чизиги устида иш олиб бориш жараёнида тўртта ҳаракатлар моделини яратдик. 2.2. расмда кўрсатилганидек, тафовут ва кам ҳаражатлар ўртасидаги келишувни бузиш ҳамда янги қиймат эгри чизигини яратиш учун ушбу соҳадаги ўзига хос стратегик мантиқ ва бизнес моделига оид тўртта асосий саволга жавоб бериш керак.


- Ушбу соҳа эътиборга оладиган қандай омилларни қисқартириш керак?
- Саноат стандартларига нисбатан қандай омилларни сезиларли даражада камайтириш керак?
- Саноат стандартларига нисбатан қандай омилларни сезиларли даражада ошириш керак?
- Ушбу соҳа илгари ҳеч қачон таклиф қилмаган қандай омилларни яратиши керак?

Биринчи савол сизнинг соҳангизда аллақачон ракобат мавзуси бўлган омиллардан воз кечиши хақида ўйлашга мажбур киласди. Кўпинча, бу омиллар энди аҳамиятсиз бўлишига ёки ҳатто уни умуман пасайишига қарамай, борича қабул қилинади. Одатда, харидорлар мутлако бошқа омилларни қадрлашни бошлайдилар, аммо бенчмаркингга teng келадиган компаниялар бунга умуман муносабат билдирамайдилар ва баъзида ўзгаришларни сезмайдилар.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

2.2. расм. Тўрт ҳаракат модели



Иккинчи савол ракиблар устидан ғалаба козонишга интила-ётган қайси маҳсулотлар ёки хизматлар кераксиз эканлиги тўғрисида маълумот олишга ёрдам беради. Бундай вазиятда компаниялар мижозларга ортиқча хизматларни тақдим этишни бошлайдилар ва шу билан ўз ҳаражатларини оширадилар, аммо бундан ҳеч қандай фойда олмайдилар.

Учинчى савол саноатингиз истеъмолчиларни муроса килишдан халос бўлиши тўғрисида.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

Тўртингчи савол мижозлар учун мутлақо янги киймат манбаларини топишга, янги талабни яратишга ва соҳада кабул қилинган стратегик нархлаш тизимини ўзгартиришга ёрдам беради. Дастраски иккита саволга жавоб бергандан сўнг (қисқартириш ва пасайтириш бўйича) ракобатчиларга нисбатан харажатларни қандай камайтириш кераклигини тушунасиз.

Тадқикотларимиз давомида менежерларнинг ушбу соҳада ракобат мавзуси бўлган омилларни қисқартириш ва камайтириш билан услубий шугулланадиган холатларга жуда кам учрашига дуч келдик. Унугмаслик керакки, бунинг натижасида ортиб бораётган харажатлар ва мураккаб бизнес моделлар одатий ҳолга айланади.

Ушбу саволларга жавоб бериб мукобил соҳаларда ҳаридор учун киймат элементларини кайта куриш, арzon нархлардаги тузилмани саклаб туриндида унга мутлақо янги имкониятлар таклиф қилиш мумкин бўлиши ойдинлашади. Факторларни қисқартириш ва яратиш бўйича, айникса, кадамлар мухимдир, негаки бу компанияни мавжуд ракобат омиллари кийматини оширишга каратилган харажатлар доирасидан ташкарига чиқишига мажбур килади. Қисқартириш ва яратиш компанияларни омилларни мустакил равишда ўзгартиришга мажбур килади ҳамда шу билан бирга мавжуд ракобат коидаларини ахамиятсиз килади.

Сиз тўрт харакатли моделни саноатингизнинг стратегик режасига кўллаш оркали эски қабул қилинган хақиқатларга нисбаган янги нұктай назарга эга бўласиз. “Casella Wines” АҚШда саноат томонидан қабул қилинган мантиқка карши мукобил ва мижозларга эътибор бермасдан стратегик профилга эга бўлган “yellow tail” (сарик думли) шаробни тайёрлади, эътиборлиси бунинг стратегик кўрининин ракобатдан гашқарида бўлиб чиқди. Бу виночилик ишларизда тўрт харакат атамаларининг амалда кўлланишин самарааси бўлди ва шу билан бирга мовий уммон яратилди. “Casella Wines” ишвө,

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

коктейл ва анъанавий шаробни яхши кўрадиганлар учун шаробни шароб сифатида таклиф килишнинг ўрнига барчани ўзига жалб киладиган “yellow tail” (сарик думли) ичимлигини яратди. Икки йил давомида кўнгилочар кечалар, турли базмларда энг кўп истеъмол этилган “yellow tail” Австралия ва Америка вино саноати тарихидаги жуда тез ривожланаётган брендга айланди. Қолаверса, АҚШнинг асосий импорти ҳисобланувчи француз ва италян виноларидан хам кўпроқ мавқега эга бўлди. 2003-йил августига келиб АҚШда ушбу вино 750 млнлик идишдаги энг машҳур кизил шароб кўринишида Калифорния навларига қараганда анча фаол сотилди. 2003-йил ўрталарига келиб савдонинг ўртача ҳажми йилига 4,5 миллион шишага етди. Дунё бозори шаробга тўлиб-тошган бўлса-да, аммо мазкур винога “yellow tail” талаб катталигидан ишлаб чиқарувчилар тиниб билмасди. Бугунги кунда “yellow tail” элликдан ортиқ мамлакатларда сотилади ва кунига 2,5 миллион стакан микдорида истеъмол қилинади. Таҳминан ўн йилдан зиёд вакт давомида ушбу ичимлик дунёдаги энг нуфузли вино брендлари бешлигига кирди².

Эътиборлиси шундаки, йирик вино заводлари ўнлаб йиллар давомида маркетингга йирик брендлар яратиб, сармоя киритган бўлса-да, “yellow tail” дастлабки йилларда оммавий ахборот воситаларида ва хеч кандай реклама кампаниясиз таникли рақобатчиларидан бир погона олдинга чиқди. “yellow tail” яратувчилари рақобатчиларининг савдосини ўғирламаган холда вино бозорига факатгина шароб ичувчиларни эмас, балки пиво ва тайёр коктейл истеъмол килувчиларни жалб этиши билан бозорни кенгайтирди. Шунингдек, янги мижозларнинг келиши олдингиларнинг кизиқишига ва шаробга бўлган истакларини янада ошишига олиб келди. Қолаверса, иктисолий ахволидан келиб чикиб арzon ёки киммат виноларни танлаб келганлар хам “yellow tail”нинг истеъмолчиларига айланишди.

Тўрт харакат модели “Casella Wines”ни АҚШ вино саноати-

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.


2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

даги рақобатда кандай қилиб ғолиб чиққанлиги 2.3-расмда кўрсатилган. Бу ерда “yellow tail” мовий уммон стратегиясини Америка Кўшма Штатларида 1600 дан ортиқ шароб ишлаб чиқарувчи рақобатчи корхоналари графигида таккослашимиз мумкин. 2.3. расмда кўрсатилганидек, “yellow tail” киймат эгри чизиклари қолганларидан фарқ қиласди. “Casella Wines” барча тўртта харакатни амалга ошириди: у бекор қиласди, пасайтириди, кўпайтирилди ва яратди. Натижада рақобат билан қамраб олинмаган бозор майдонини очди ва икки йил ичидаги АҚШ вино саноатининг қиёфасини ўзгартирди.

2.3. Расм “Yellow tail” стратегик асоси.

Юкори

Премиум наэли вино



БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

“Casella Wines” пиво ва тайёр коктейллар, шунингдек, буларнинг мижози бўлмаганлар ҳакида бош қотириб АҚШ вино саноатида ичимликлардан фойдаланишдаги қулайлик, танлов қулайлиги, ўйин-кулги ва кўнгилочиш каби учта янги омилни яратди. “Casella Wines” ўтказган тадқиқотлари натижасида винонинг мураккаб таъмига ўрганиш ва унга кўничиш кийинлиги учун ҳам кўплаб америкаликлар шаробни ёқтирмасликларини аниклади. Масалан, пиво ва тайёр коктейллар анча ширин шунинг учун уларнинг истеъмоли осонрок кечарди. Шу сабабдан “yellow tail” алкогол истеъмолчи-ларга манзур бўлувчи оддий таъмни хосил қиласидиган шароб хусусиятларининг мутлақо янги комбинациясини таклиф қилди. Ушбу шароб тайёр коктейл ва пиво сингари мазали, оддий ва мевалар ноталари билан мураккаб бўлмаган таъмга эга бўлди. Мазкур ичимликдаги ширин меваларнинг мазасини эслатувчи таъми танглайни янгилайди ва кишини кайта-кайта ичишга ундайди. Хуллас, истеъмол учун осон бўлган шароб пайдо бўлди ва уни баҳолаш учун тажриба талаб қилинмасди.

“Yellow tail” ишлаб чиқарувчилари мевалар ширинлигининг таъмини берувчи шаробдан ташқари шароб саноатидаги ракобат мавзуси бўлган танинлар, эманинг лаззати, бой таъмга эгалиги каби юқори сифатли ичимликни яратиб, вино саноатида ракобат обьекти бўлған барча омилларни сезиларли даражада камайтирилар. Шаробни етиширишга эҳтиёж йўқолгач, тлгари бунга жалб қилинган айланма маблағлар тежаб қолинди, бу эса вино ишлаб чиқаришда сарфланган маблагни киска вақт ичидаги қоплашни тезлаштиришга имкон берди. Шароб ишлаб чиқарувчи бошқа компаниялар меваларнинг ширин лаззатини берувчи “yellow tail” ичимлигини танқид қилиб, бундай ичимлик маҳсулот сифатини сезиларли даражада пасайтиради, колаверса, бундан сўнг одамларнинг яхши узумни ва шароб ишлаб чиқарувчиларнинг қадимий хунармандчиликларини кадрла-

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

май қўйишига сабаб бўлади, дейишгача боришиди. Эҳтимол, уларнинг танқиди ёки хавотири ўринлидир, лекин ушбу эътиrozлар “yellow tail”нинг барча истеъмолчиларга маъқул келишига тўсқинлик килолмади.

Америка Кўшма Штатларидағи шароб сотувчилар харидорларга виноларнинг жуда кўп турларини таклиф килишди, аммо истеъмолчилар бундай кенг танловдан унчалик ҳам хурсанд бўлишмади. Ичимлик шишаларининг бир-бирига ўхшашлиги, этикеткалардаги матнларнинг аналогик атамаларга тўлалиги, ундаги ёзувларнинг, асосан, коллекционерлар учун тушунарли бўлганлиги, эҳтимол, хилма-хил вино турларининг қизғин кутиб олинмаганлигига сабаб бўлар. Танлов шунчалик кўп эдики, чакана савдо дўконларининг сотувчилари потенциал харидорларга шаробни саралашда ёки тавсия килишда адашиб кетишар ва баъзи қийинчиликларга дуч келардилар. Бундан ташқари шиша каторларининг кўплиги мижозларда улардан қай бирини танлаш борасида иккиланишларни келтириб чиқарарди.

“Yellow tail” танлаш имконининг соддалиги билан ҳам манзарани бутунлай ўзгартирди. “Casella Wines” таклиф қилинган винолар сонини сезиларли даражада камайтирди ва бошланишига факат шардоне (бу АҚШда энг машҳур ок шароб) ҳамда шираз (қизил шароб) деб аталувчи иккита турни яратди. Техник жаргон шишалар ўрнига кора фонда ёркин тўқ сарик рангли кенгуру расми билан ёқимли, оддий, ноанъанавий ёрлик пайдо бўлди. “yellow tail” солинглан қутилар ҳам ёрлик каби ёркин рангларга бўялган бўлиб ён томонларида “yellow tail” деган катта ёзуви бор эди. Ушбу ёрлик ва ундаги ёзув диккатни жалб килиш, шаробнинг ҳамёнбоплигини ҳамда соддалигини намойиш этувчи икки томонлама функцияни бажарарди.

Компания “yellow tail” сотилишида чакана савдо дўконлари-

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

нинг сотувчиларини ўз брендларининг "элчилари" сифатида танлаб олди. Сотувчиларга Австралияниң кам сонли ахоли худудларида машхур бўлган бушмен шияпалари ва штормовка либослари совға килиндм ҳамда савдо жараёни маҳалида ушбу кийимларда бўлиш тавсия килинди. Брендли кийим-кечак ва мазали шаробдан илхомланган сотувчилар шароб савдосида сидкидилдан жонбозлик кўрсатишди. Қискаси, "yellow tail" савдосида сотувчиларнинг ўзлари ҳам жараёндан лаззат олишарди.

"Casella Wines" бизнес моделининг соддалиги шаробнинг факат қизил ва оқ навини таклиф килинганинига кўринади. Омборда туриш вақтининг қискариши маблағ айланмасининг ўсишига ва саклаш ускуналари нархининг пасайишига олиб келди. "Yellow tail" ишлаб чикарувчилари оқ ва қизил шаробларни биринчи бўлиб бир хил шаклдаги шишаларга куйини орқали мавжуд саноат коидаларини ўзгартиришди. Ушбу амалиёт ишлаб чикаришни ҳамда сотиб олишни янада соддалаштириди ва натижада шаробни дўконларга жойлаштириш оддий ҳолга айланди.

Сир эмаски, шароб саноати ўз маҳсулотларини дунё бўйлаб узоқ тарихга ва бой анъаналарига эга бўлган нозик ичимлик сифатида фаҳр билан реклама килди. Бу эса АҚШда даромадлари ўрта даражадан юкори бўлган маълумотли мутахассислардан иборат максадли бозорга таъсир этмай қолмади. Албаттa, АҚШ вино саноати йирик вакилларининг ўсиш стратегиялари бозорнинг энг юкори катламига қаратилган, шунинг учун ҳам ушбу имижни саклаш учун бренд рекламасига ўн миллионлаб доллар маблағ сарфланган. Бирок "yellow tail"нинг оддийгина тайёр коктейл ва пиво истеъмолчиларига эътибор бериши юкори катлам кишиларини ҳам мижоз бўлиб қолнишида тўскинилк килмади. Шу сабабли "Casella Wines" анъанани бузган ҳолда Австралия маданиятининг жасорат, эркинлик, шодлик ва саргузашт руҳини ўз ичига оладиган барча хусусиятларини ярат-

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

ди. Эркинлик маънавий куч ўхшар эди: “Буюк мамлакатнинг моҳияти ... Австралия”.

Австралияда анъанавий шароб имижи йўқ эди. Вино идишига “yellow tail”нинг номидаги бош ҳарфларнинг йўклиги, аксинча, кенгуру расми билан бирлаштирилган ёрқин рангли ёрлиқларнинг ёпиширилиши кишиларга ушбу мамлакатни эслатиб турганлигини истеъмолчиларнинг идишга қараб жилмайишидан билиб олса бўларди. Қизиги шундаки, шароб ишлаб чиқарилган жой ҳам идишларда кўрсатилмаганди. Кенгуру расмининг қўйилишида эса гўёки ишлаб чиқарувчилар шаробнинг Австралиядаги кенгуру сингари идишдан сакраб чиқишига ваъда беришганига ишора эди.

Хуллас, “yellow tail” алкогол ичимликларни истеъмол қилувчиликларнинг кенг доирасига маъкул келди. “yellow tail” ишлаб чиқарувчилари қийматнинг кескин ўсишини киритиб ўзларининг шароблари нархини бюджетдан юкори қилиб бир шиша винони 6,99 долларга баҳоладилар. Ушбу нарх энг арzon винодан икки баравар киммат эди. 2001-йил июлидан, яъни мазкур шароб биринчи марта чакана савдо дўконларининг расталарида пайдо бўлганидан бери унинг савдоси доимий равишда ўсиб борди. Айни дамда АҚШда бир шиша “yellow tail” 7,49 доллар атрофида сотилади.

“Бекор қилиши – камайтириши – кўпайтириши – яратиши” панжараси

Мовий уммонларни яратишда учинчи асосий восита бу бекор қилиши – камайтириши – кўпайтириши – яратиши панжарасидир (2.4. расм).

Ушбу воситалар тўртта харакат моделини янада ривожлантиришга хизмат қилиши билан бир қаторда компанияни барча тўрт йўналиш бўйича аник қадамлар кўйишга мажбур килади. Мазкур

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

тизим компанияларни йўқ қилиш ва камайтириш борасидаги ҳаркатлари билан тўлдиришга, шунингдек, омилларни кўпайтириш ва яратишга унданб, бизнес эгаларига тўртта устунлик беради:

- бир вақтнинг ўзида “харажат – қиймат” нинг муроса-сини бузган ҳолда иккала табақалаштиришга ҳам, паст нархларга эришишга ҳам мажбур қиласди;
- ошириш ва яратиш билан шуғулланадиган компания-ларни дарҳол аниқлайди, бу харажатларнинг ошишига олиб келади ва маҳсулот ҳамда хизматларни кўпинча кераксиз равишда мураккаблаштиради;
- ҳар қандай даражадаги менежерларга ушбу тизимни тушуниш ва уни амалга ошириш жараёнида фаол иш-тирок этиш имконини беради;
- панжарани тўлдириш – бу рақобат жараёнида билма-ган ҳолда тахминларни аниқлаб, соҳада рақобат қила-диган ҳар бир омилни синчковлик билан ўрганиш демакдир.

2.4. расм. “Yellow tail”нинг “Бекор қилиш – камайтириш – кўпайтириш – яратиш” панжараси.

Бекор қилиш

Эннологик атамалар ва хусусиятлар

Сақлаш сифати

Билвосита маркетинг

Кўпайтириш

Нисбатан арzon шаробларнинг нархи

Камайтириш

Таъм бойлиги

Шароб номларини танлаш

Шароб ишлаб чиқаришнинг нуфузи ва даври

Яратиш

Истеъмол қилишнинг қулайлиги

Сотувчи ёрдамида шароб танлаш-нинг

Кулайлиги

Хурсандчилик ва қувнқлик

2.5. расмда “Cirque du Soleil” учун “бекор қилиш – камайтириш – кўпайтириш – яратиш” панжараси тасвирланган. Биз

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

ушбу воситани амалда яна бир бор кўришимиз мумкин. Узок вакт давомида ушбу соҳада рақобатлашадиган кўплаб омиллар ҳеч нарсага таъсир қилмайди ва осонгина олиб ташланиши мумкин. “Cirque du Soleil” ҳайвонлар билан анъанавий циркларга хос бўлган томошаларни ва бир нечта ареналарда намойишлар ўтказишни бекор килди, шунингдек, санъат юлдузларини ҳам таклиф қилмади.

2.4. расм. “Cirque du Soleil”нинг “Бекор қилиш – камайтириш – ошириш – яратиш” панжараси

Бекор қилиш

Юлдузларни таклиф қилиш
Ҳайвонлар билан томошалар
Чакана савдо учун майдонни ижарага бериш
Бир вақтнинг ўзида бир нечта аренада томошалар

Камайтириш

Шодлик ва қувонч
Ҳаяжон ва хавф

Кўпайтириш

Ўтказиладиган жойнинг ўзига хослиги

Яратиш

Мавзу
Нозик шароит
Томошаларнинг хилма-хиллиги
Турли мусиқа ва рақс

Яхши стратегиянинг учта хусусияти

“Casella Wines” “Cirque du Soleil” сингари мовий уммонни очадиган ноёб, гайриоддий қиймат эгри чизигини яратди. Стратегик асосда кўрсатилганидек, “yellow tail” эгри чизиги маълум бир фокусга эта, яъни компания рақобатнинг барча асосий омилларига куч сарфламади. Унинг қиймат эгри чизиги бошқа ракобатчиларнинг кўрсаткичларидан фарқ қиласр эди. Ушбу фарқли ва ўзига хос жихатлар компаниянинг ракобатчиларга тенглашмаганлиги, аксинча, муқобил варианtlарни кўриб чикканилиги натижасидир.

БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.


2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

“yellow tail” стратегиясининг шиори аниқ ва оддий эди: ҳар куни ичиш мумкин бўлган оддий шароб сизни тарк этмасин.

Мовий уммоннинг самарали стратегияси агарда уни “yellow tail” эгри чизик стратегияси каби қийматлар чизиги орқали намойиш этилса, фокус, тафовут ва жозибали шиор деб номланадиган учта қўшимча фазилатларни очиб беради. Компаниянинг стратегияси буларсиз чалкаш, ноаник ва қимматга айланиши мумкин бўларди, шу сабаб стратегияни илгари суриш қийинчилик билан кечарди. Янги қиймат эгри чизигини яратиш бўйича барча тўртта ҳаракатлар доимий равишда стратегияда келтирилган хусусиятларга эга бўлишини таъминлашга йўналтирилиши керак. Ушбу фазилатлар мовий уммон гояларининг тижорат ҳаётийлигини синааб кўриш учун лакмус когози сифатида хизмат килади.

2.6. расм. “Southwest Airlines” авиакомпаниясининг стратегик асоси.

Юқори



Келинг, “Southwest Airlines” авиакомпаниясининг стратегияси билан танишиб чиқайлик.

2.6-расм фокус, тафовут ва жозибали шиор, киймат инновацияси орқали компания стратегиясига маъно бериши мумкинлиги хақидадир.

“Southwest Airlines” авиакомпанияси мовий уммонни яратиб, мижозларни бир томондан ҳаво транспортининг тезлиги ва иккинчи томондан автоуловларда ҳаракатланиш тежамкорлиги ўртасидаги танловдан халос этди. Шу мақсадда мазкур компания кўп сонли мижозларга қулай жадвал ва маъқул келувчи нархларда тезюарар транспорт воситаларини таклиф қилди. Саноатдаги баъзи бир ракобат омилларининг аҳамиятини йўқ қилиш ва камайтириш, бошқаларнинг аҳамиятини ошириш, шунингдек, муқобил саноат – автотранспортдан келиб чиқадиган янги омиллар яратиш орқали “Southwest Airlines” авиакомпанияси аэропорт йўловчиларига мисли кўрилмаган фойда келтириши мумкин эди. Шундай килиб, компания арzon нархлардаги бизнес моделига мурожаат қилиш билан кийматнинг кескин ўсишини яратди.

“Southwest Airlines” авиакомпаниясининг стратегияси асосидаги киймат эгри чизиги ракобатчиларнинг киймат эгри чизигидан сезиларли дараҷада фарқ қиласи. Компаниянинг стратегияси мовий уммоннинг жозибали стратегиясининг одатий намунасиdir.

Фокус

Хар қандай яхши стратегия эътиборга моликдир. Стратегия профили ёки киймат эгри чизиги стратегиянинг мавжудлигини аниқ кўрсатиши керак. “Southwest Airlines” стратегиясини ўрганиб чиқканимиздан сўнг компаниянинг самимий хизмат, тезкорлик ва тез-тез

тўғридан тўғри учадиган рейсларга эътибор каратганини кўришимиз мумкин. Ушбу учта омилга эътибор каратган холда биз тилга ола-ётган авиакомпания автоуловдаги саёҳат харажатлари билан такқослаганда ҳам фойдали бўлган нархларни белгилашга муваффақ бўлди. “Southwest Airlines” озиқ-овқат, кутиш хоналари ва турли тоифадаги кераксиз жойларга сармоялар киритмади. Аммо унинг анъанавий рақобатчилари, аксинча, саноат рақобатлашадиган барча омилларга сармоя киритадилар ва шунинг учун уларга “Southwest Airlines” даражасидаги нархларни таклиф килиш анча мураккаб кечади. Бошқа компанияларнинг кетма-кет барча омилларга сармоя киритиб, ўз ҳаракатларини рақобатчиларнинг қадамларига боғлик қилиб қўйиши натижаси ўлароқ юқори харажатли бизнес моделлари келиб чиқди.

Тағовут

Агар компания ўз стратегиясини рақибларнинг ҳаракатларига жавобан реактив тарзда курса, у холда унинг стратегияси ўзига хослигини йўқотади. Бу барча самолётларда бериладиган овқатларнинг ўхшашлиги ёки бизнес-класс йўловчилари учун кутиш хоналарининг бир хиллиги билан тасдиқланади. Шунинг учун стратегик асосда реактив стратегиялар бир хил профилга эга. “Southwest Airlines”нинг рақобатбардош қийматининг эгри чизиклари деярли бир хил, шунинг учун уларни битта эгри чизикнинг стратегик асосида кўрсатиш мумкин.

Мовий уммон стратегиясига амал килувчи компанияларнинг эгри қийматлари ҳеч қачон бир хил эмас. Улар тўртга ҳаракат: бекор қилиш, пасайтириш, кўпайтириш ва яратиш билан ўз стратегияларини саноатнинг ўртача кўрсаткичларидан фарқ қилдиришади.

Масалан, “Southwest Airlines” кичик шаҳарлар ўргасида тўғридан тўғри авиарейсларда пешқадамга айланди, негаки ундан олдин авиа саноатда бундай йўналишлар ўрин алмашишни талаб қиласидиган бир неча авиарейс орқали амалга ошар эди.

Жозибали шиор

Яхши стратегия ҳар доим аниқ ва жозибали шиорга эга бўлмоғи лозим. “Автомобил орқали амалга ошадиган саёҳат нархida самолёт тезлигини хоҳлаган вактда қабул қилиб олинг”. Бу “Southwest Airlines” авиакомпаниясининг асосий шиорларидан бири бўлиши мумкин эди.

Айтинг-чи, мазкур компаниянинг рақобатчилари қандай шиорни илгари сурган бўларди?

Шуни ҳисобга олиш керакки, ҳатто энг тажрибали реклама агентликлари ҳам одатдагидек овқатларнинг хилма-хиллиги, ўриндиқлар синфи, кутиш жойлари ва парвозларнинг стандарт хизматларидан фойдаланган ҳолда энг юкори тезлик ва қиммат нархларсиз ўзига жалб қиласидиган нарсани яратишга қодир эмас. Яхши ва жозибали шиор нафакат аниқ ҳабарни етказиши, балки таклиф килинётган нарсаларнинг хаққоний рекламасини ҳам ўз ичига олиши керак. Акс ҳолда истеъмолчилар компанияга бўлган ишонч ва қизиқишини йўқотадилар. Аслида, стратегиянинг самарадорлиги ва қучлилигини баҳолаш учун унинг ишончли ҳамда ҳакикатга яқин шиори бор-йўқлигини кўришнинг ўзи кифоя қиласи.

2.7. расмда кўрсатилгандек, “Cirque du Soleil” стратегик йўналиши мовий уммон стратегиясининг учта аниқ мезонига жавоб берди. Расм сизга “Cirque du Soleil” стратегик профилининг график тасвирини унинг асосий рақиблари профиллари билан таққослаш


БИРИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

имконини беради. Ушбу компаниянинг стратегик асоси унинг цирк саноатининг анъанавий мантиғидан қанчалик узоклашишини аниқ кўрсатиб турибди. “Ringling Bros” ва “Barnum & Bailey” қиймат эгри чизиклари кичик минтақавий циркларнинг эгри чизигига жуда ўхшашлиги расмда кўриниб турибди. Уларнинг асосий фарқи шундаки, минтақавий циркларнинг таклифи ресурсларнинг чекланганлиги сабабли рақобатнинг ҳар бир омилига нисбатан пастроқдир.

2.7. расм. “Cirque du Soleil” стратегик асоси

Юқори



Паст

Нарх	Хайвонлар билан кўйиладиган томошалар	Бир неча аренада кўйиладиган томошалар	Сунъий шовкин ва хавф-хатар	Томошаноми	Ҳар хил саҳна кўришилари
Машҳур актёrlарнинг иштироки	Бўш майдонларни савдо учун изжарага бериш	қувноқлик ва ҳазилкашлик	Камёб кулагайлиги	Қулай шароит	Турли хил мусиқа ва рақслар

“Cirque du Soleil” қиймат эгри чизиги алоҳида ўрин тутади.

Унда цирк учун хос бўлмаган янги омиллар, мавзулар, спектакларнинг хилма-хиллиги, нафис шароит, мусиқа ва рақсларнинг бошқа турлари киритилди. Ушбу омиллар цирк саноати учун мут-

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

лақо ноанъянавий бўлиб, муқобил кўнгилочар саноат – театрдан олинган. Стратегик асос саноатдаги рақобатга таъсир кўрсатадиган анъянавий омилларни, шунингдек, янги бозор маконини яратишга олиб келган ва саноатнинг стратегик асосларини ўзгартирган янги омилларни аниқ кўрсатиб беради.

“Yellow tail”, “Cirque du Soleil” ва “Southwest Airlines” турли хил бизнес ва саноат контекстларида мовий уммонларни яратдилар. Бундан ташқари уларнинг стратегик профиллари фокус, тафовут ва шиор деб ҳисобланувчи учта асосий хусусиятни ўз ичига олади. Айнан мана шу мезонлар компаниялар истемолчилар учун ҳам, ўзлари учун ҳам қийматни ошириш мақсадида олиб борилаётган қайта тиклаш жараёнини йўналтиради.

Қиймат эгри чизигини аниқлаш

Стратегик асос компанияларга келажакни ҳозирги кундан кўришга имкон беради. Аммо бунинг учун қиймат эгри чизигини қандай аниқлашни ўрганиш керак. Ушбу соҳанинг қиймат эгри чизиги компаниянинг ҳозирги ҳолати ва бизнеснинг келажаги тўғрисида жуда кўп стратегик билимларни яширади.

Мовий уммон стратегияси

Бизнес муваффақият қозонадими?

Бу қиймат эгри чизиги жавоб бериши керак бўлган биринчи саводлир.

Агар компаниянинг қиймат эгри чизиги яхши мовий уммон стратегиясининг учта мезони: фокус, тафовут ва шиорга эга бўлса,

демак, компания тўғри йўлдан кетаётган бўлади. Айнан мана шу мезонлар мовий уммон ғояларининг тижорат истиқболларини белгилаб беради.

Агар компаниянинг қиймат эгри чизигига фокус етишмаса, унинг харажатлар таркиби юқори бўлиши ва натижада уни амалга оширишда бизнес модели қийинчиликка дуч келиши мумкин. Тафовутларсиз компаниянинг стратегияси стереотипга айланади ва бошкалардан ажралиб турмайди. Агар компания ҳақида хабардор қиласидиган жозибали шиор бўлмаса, бу холат компаниянинг ички кучлар томонидан бошқарилишини англатади ёки яхши тижорат потенциалисиз ва ракобатчилардан табиий равишда устун туриш имкониятисиз инновация учун инновацияларнинг классик намунасидан далолат беради.

Алвон уммонда қолган компания

Агар компаниянинг қиймат эгри чизиги ракобатчиларининг қиймат эгри чизигига тўғри келадиган бўлса, демак, ушбу холат компания шафқатсиз рақобатнинг алвон уммонида қолиб кетганидан дарак беради. Бундай пайтларда компаниянинг аниқ ёки яширин стратегияси ё нарх, ё сифат соҳасида рақобатчилардан ўзидан ўзиб кетиш истагини акс эттиради. Агар компания омад туфайли ўз-ўзидан ўсиб бораётган саноат хисобидан ютмаса, рақобатда ортда қолаётгани кўриниб қолади. Унутмаслик керакки, бундай жараёнда компаниянинг ўсиши унинг стратегияси билан эмас, балки омад билан белгиланади.

БИРИНЧИ КИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ.

2-боб. Таҳлил воситалари ва моделлари

Фойда бермайдиган ортиқча таклиф

Агар компаниянинг стратегик асосида киймат эгри чизиги барча омиллар учун юқори кўрсаткичларни кўрсатса, компаниянинг бозор улуши ёки рентабеллиги инвестициялар ҳажмига мос кела-дими, деган савол туғилади. Жавоб сифатида мос келмаслиги айтилса, унда бу ҳолат стратегик асос компания ўз мижозларига жуда кўп ғамхўрлик қилиши ва уларга ортиб бораётган қийматни қўшадиган жуда кўп нарсаларни таклиф қилиши мумкинлиги ҳақида сигнал беради. Қийматни инновация қилиш учун компания кайсиdir омилларни бекор қилиши ва қийматини камайтириши керак, шунингдек, шунчаки ўсибгина колмай, балки унинг қиймати эгри чизиги қолган кисмдан фарқ қилиши учун қарор қилиши керак.

Стратегик қарама-қаршиликлар

Компаниянинг стратегиясида қарама-қаршиликлар мавжудми?

Қарама-қаршиликларга келсак, биз компания ракобат омиларидан бирини юқори даражада таклиф қиласидиган, аммо уни қўллаб-кувватлайдиган бошқа жихатларга эътибор бермайдиган соҳалар мавжудлигини таъкидлаймиз. Масалан, компания ўз сайтидан фойдаланишини осонлаштириши учун катта маблағ сарфлайди, лекин шу билан бирга сахифани юклашнинг паст тезлигини созлашни унугтади. Таъминот ва нарх даражаси ўртасида ҳам стратегик қарама-қаршиликлар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, битта ёқилғи куйиш шоҳобчаси "камрок, аммо қимматрок" лойиҳаси асосида, яъни асосий ракобатчисига караганда камрок хизмат кўрсатса-да, уни юқори нархларда таклиф киласиди. Бу эса компаниянинг бозор улуши тезда пасайиб кетишига олиб келади.

Ички кучлар томонидан бошқариладиган компания

Компания стратегик асосни ишлаб чиқишда ушбу соҳадаги рақобат омилларини тавсифлаш учун қандай атамалардан фойдаланади?

“Тезлик” сўзининг ўрнига “мегагерц” ёки “иссик сув” ўрнига “термал сув ҳарорати” каби сўзларини ишлатадими?


Рақобат омиллари харидор тушунадиган ва баҳолайдиган нуқтаи назарда ифодаланадими ёки профессионал жаргон ишлатилгандами?

Стратегик асоснининг тили компаниянинг стратегик қарашларини талаб томонидан белгиланадиган ёки “ташқари”дан, яъни компаниянинг фаолиятига асосланган “ичкари”дан нуқтаи назарни ҳисобга олган ҳолда тушунишга имкон беради. Компания ушбу соҳада талаб тузилишидан қанчалик узоқдалигини унинг таҳлили ифода этиб беради.

Юқоридаги айтилган воситалар мухим таҳлил воситаларидир. Зарур бўлганда уларга қўшимча элементларни қўшишни бошлаймиз. Аналитик усууллар ва мовий уммон стратегиясини яратиш, уни амалга оширишнинг саккизта принципи уйғунлиги ҳар қандай компанияга рақобатдан қочиш ҳамда янги бозор майдонини очишига имкон беради. Келинг, биринчи принцип – бозор чегараларини тиклаш принципига ўтайлик. Кейинги бобда мовий уммонни яратища имкониятларни кенгайтириш ва хавфларни қандай камайтиришни муҳокама қиласиз.

ИККИНЧИ ҚИСМ

**МОВИЙ УММОН
СТРАТЕГИЯСИНИ
ЯРАТИШ**



ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

3-БОБ

БОЗОР САРҲАДЛАРИНИ ЯНГИЛАШ

Мовий уммон стратегиясининг биринчи тамойили бозор чегараларини қайта куриш ҳамда ракобат остонасидан чиққан ҳолда мовий уммонни яратишга имкон беради. Ушбу тамойил кўплаб компаниилар дуч келадиган қидирув хавфини минималлаштиришга каратилгандир. Мовий уммонни маълум тижорат имкониятларининг мавжуд варианtlаридан муваффакиятли ажратиб олиш осонликча юз бермайди. Буни амалга ошириш асосий вазифадир, чунки менежерлар дарё кемасидаги киморбозлар сингари тасодифга ишониб фақат ўз сезгиларидан фойдалана олишлари хатоликка олиб келади.

Тадқикотимизда мовий уммонни яратиш учун бозор чегараларини қайта қуришда одатий накшлар мавжудлигини аниқлашга харакат қилдик. Агар улар мавжуд бўлса, истеъмол ва саноат товарларидан тортиб молия ҳамда хизмат кўрсатиш тармоғида ҳам, телекоммуникация, ахборот технологиялари, фармацевтика ва **B2B** каби соҳаларда ҳам ишлатиладими ёки фақат аниқ соҳаларга тааллуклими, буларни аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгалигини унутмадик.

Хуллас, мовий уммонларни яратишда аниқ накшларни топа олдик. Аниқроғи, бозор чегараларини қайта қуриш бўйича олтига асосий ёндашувни аниқладик ва уларни олти томонлама модел деб номладик. Ушбу йўллар барча соҳаларда ишлатилади ҳамда тижорий жихатдан фойдали мовий уммонларга олиб борадиган компа-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarını янгилаш

нияларда қўлланилади. Олтига ёндашувнинг ҳеч бири алохидা караш ёки келажакни кўра билиш қобилиятини талаб қилмайди. Уларнинг барчаси янги маълумотни ўрганиш учун мавжуд истиқболларни кўришга ёрдам бериш максадида ишлаб чикилган.

Биз аниклаган ёндашувлар кўплаб компанияларнинг стратегияларига асосланган ва алвон уммонлардаги ракобатдан чиқиб кетишига имкон бермайдиган олтига асосий формуланинг самарасиз эканини очиқлаб беради. Одатда, компаниялар қуидагича иш туладилар:

- ўз соҳасининг бир хил таърифидан келиб чиқиб, унда биринчи бўлиш учун барча кучларни сарфлайди;
- ўз саноатини умумеътироф этилган стратегик гуруҳлар (масалан, ҳашаматли автомобиллар, иқтисодий моделлар, оиласий автомобиллар) нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, ўзларининг стратегик гуруҳида ажралиб туришга интилади;
- хоҳ харидор (офис жиҳозларини ишлаб чиқаришда), хоҳ фойдаланувчилар (тикувчилик саноатида) ёки хоҳ “таъсир этувчилар” (фармацевтика саноатида) бўлишидан қатъи назар бир хил мижозлар гуруҳига эътибор қаратишади;
- соҳада қабул қилинган маҳсулотлар ва хизматларнинг турларини тенг кўришади;
- соҳада қабул қилинган маҳсулотнинг функционал ёки ҳиссий жозибадорлигига йўналтирилган йўналишни тан олишади;
- стратегияни ишлаб чиқишда улар бир вақтнинг ўзида рақобатчиларнинг ҳозирги таҳдидларига эътибор беришади.

Ракобат тўғрисидаги анъанавий карашга компаниялар қанчалик ишонишса, улар қўллайдиган кураш усусларнинг ўхшашлиги шунчалик ошиади.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

Мовий уммондан чикиш учун компания ракобатнинг стандарт усуллари киритилган ва умумий қабул қилинган доирани бузиши керак.

Менежерлар фаолиятни аънанавий давом эттириш ўрнига доимо мавжуд чегаралардан ташкарига чиқишилари керак. Улар бошқа тармоклар, стратегик групкалар, истеъмолчилар грухси, қўшимча равишда таклиф этилаётган товарлар ва хизматлар, мавжуд функционал ҳамда хиссий соҳалар бўйича аниқ бўлган барча муқобилларини кўриб қўйишлари зарурдир. Ҳатто вакт ҳам истисно бўйласлиги керак.

Ушбу ёндашув компанияяга бозор хақиқатини қандай ўзгартиришни яхширок тушунишга ва мовий уммонларни кашф этишга имкон беради. Келинг, олтита йўналишнинг ҳар бири билан алоҳида танишиб чиқайлик.

Биринчи йўналиши. Муқобил соҳаларни кўриб чиқиши

Кенг маънода компаниялар нафақат ўз соҳаларидаги бошқа ишлаб чиқарувчилар билан, балки турли соҳаларда ишлайдиган ва муқобил маҳсулот ҳамда хизматларни ишлаб чиқарадиган компаниялар билан ҳам рақобатлашади. Ҳар доим алмаштирувчилардан кўра кўпроқ муқобиллари мавжуд бўлади. Турли хил кўринишига эга, лекин бир хил функцияларни бажарадиган (ёки бир хил натижаларни берадиган) маҳсулотлар ёхуд хизматлар, одатда, бир-бини алмаштиради.

Масалан, молиянгизни тартибга солиши учун молиявий дастурлар тўпламиини сотиб олишингиз, ўрнатишингиз, сертификатланган бухгалтерни ёллашингиз ёки шунчаки қалам ва қофоздан фойдаланишингиз мумкин. Сизда бутунги кунда ҳаттоки бухгал-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

терия хисобини молиялаштириш учун маҳсус дастурни ҳам сотиб олиш имкони бор.

Дастурлар, бухгалтер, қалам ва маҳсус дастур бир-бирини алмаштирувчи воситалар саналади. Улар бир-биридан жуда фарқ қиласа ҳам, лекин бир хил функцияни бажаради, аниқроқ айтганда, одамларга ўзларининг молиявий маблағларини бошқаришларига ёрдам беришади.

Аксинча, маҳсулотлар ёки хизматлар бошқача кўриниши ва турли хил функцияларни бажариши мумкин, аммо битта мақсадга хизмат қиласи. Масалан, кино ва ресторанларни олайлик. Улар бир нечта умумий белгиларга эга. Маълумки, ресторанлар мазали таомлар тайёрлаш ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини кондириш учун мўлжалланган.

Албатта, бу кинотеатрлар тақдим қиладиган визуал ўйин-кулгидан катта фарқ қиласи. Бироқ ресторанлар ва кинотеатрларнинг турли хил шакллари ҳамда функцияларига қарамай одамлар ҳанузгача иккала муассасаларга яхши хордик чиқариш мақсадида ташриф буюришади. Ресторан ва кинотеатр бир-бирининг ўрнини боса олмайди, аммо танлов учун мұқобил *вариантдир*.

Харидор ҳар сафар маҳсулот сотиб олишга қарор қилганида барча мавжуд мұқобилларини (баъзан билмаган ҳолда) ўйлаб кўради.

Икки соат вақтингизни завқ билан ўтказмоқчимисиз?

Хўш, бунинг учун нима кильмоқчисиз?

Кинотеарга тушиш, саломатлик марказида соғломлаштирувчи массаж олиш ёки қаҳвахонада севимли китоб мутолааси – буларнинг кай бири сизга манзур бўлади?

Айтиш керакки, барча харидорларда интуитив-тафаккур жараёни бир хил бўлади.

Сотувчилар ролида бўлганимиз боисми ёки бошқа сабаблар-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

га кўрами харидорлардаги бу ўйловларни хисобга олмаймиз. Савдо-гарлар камдан кам ҳоллардагина мижозларининг мавжуд муқобиллардан қай бирини танлашлари ҳақида ўйлашади. Нархларнинг ёки моделнинг ўзгариши ҳаттоқи янги реклама кампанияси ҳам худди шу соҳадаги рақобатчиларнинг кутилмаган жавобига сабаб бўлиши мумкин, аммо муқобил саноат вакиллари учун бу демарш, одатда, эътиборга олинмайди. Саноат журналлари, савдо кўргазмалари ва истеъмолчиларнинг рейтинглари факат битта соҳани бошқасидан ажратиб турадиган вертикал деворларни мустаҳкамлайди. Бироқ муқобил соҳалар орасидаги бўшлиқ қийматни инновация қилишга имкон беради.

Самолётларга эгалик қилишнинг мовий уммонини яратган “NetJets”ни олайлик. Ушбу компания йигирма йил муддат ичида ўз соҳасидаги рақобатчиларини ортда қолдиришга эришди. Ихтиёрида беш юздан ортиқ самолёт бўлишига қарамай 150 мамлакатга икки юз эллик мингдан ортиқ парвозларни амалга оширди. Ҳозирда унинг хисобидаги етти юздан ортиқ самолёт 170 мамлакат ахолисига хизмат кўрсатади. 1998-йилда “NetJets” “Berkshire Hathaway” томонидан сотиб олинди ва ушбу битим натижасида дунёдаги энг катта хусусий самолётлар паркига эга бўлган миллиардлаб долларлик компанияга айланди.

“NetJets”нинг муваффақиятига унинг мослашувчанлиги, парвоз вақтларининг қисқартирилиши, йўловчиларга беминнат хизмат кўрсатиш, ишончлилик ва стратегик нархларнинг белгиланиши сабабдир. Мазкур компанийнинг бозор чегараларида инқилоб қилиши ва муқобил саноатларга эътибор қаратиб ўзининг мовий уммонини яратганлиги айни ҳақиқатdir.

Корпорациялар авиакомпанияларнинг энг даромадли мижозлари хисобланади. “NetJets” мавжуд муқобиларини кўриб чиқиш асносида хизмат сафарига чиқкан ишбилармонларнинг бизнес-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

класснинг тижорат рейсидан ёки корпоратив эҳтиёжлар учун маҳсус сотиб олинган ўз авиакомпанияларидан фойдаланишлари мумкинлигини аниқладилар. Корпорация ходимларининг ушбу иккита варианти танлашларининг асосий омилларини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, уларга бошқа мижозларга қараганда кенг миқёсда хизмат кўрсатиш натижасида “NetJets” ўзининг мовий уммон стратегиясини яратди.

Корпорациялар ўз ходимларига нега айнан тижорат рейсларини танлайдилар?

Шубҳасиз, рўйхатга олиш ва оғир ҳаво ўтказмалари, кутиш залида ёки гавжум аэропортларда тунаб қолишни ёқтирасликлари учундир. Балки, тижорат рейсларидағи нарх уларни жалб қиласар.

Бир томондан бундай тижорат парвозлари бир неча миллион долларлик самолёт сотиб олиш ҳамда қўшимча равишда бир маротабалик ва белгиланган инвестицияларнинг олдини олишга ёрдам беради. Бошқа томондан эса компания йилига факат керакли миқдордаги корпоратив авиачипталарни сотиб олади. Бу ўзгарувчан харажатларни ҳамда корпорация ўз самолётларига эга бўлганда юзага келадиган парвозда вақтини йўқотиш эҳтимолини камайтиради.

“NetJets” АҚШда самолётларни акцияларда сотиш концепциясини яратди. Мамлакатда акция хисоби бирдан ўн олти улуш хисоби асосида олиб борилди. Ўн олти улуш йилига эллик учиш соатини берган.

Хуллас, мижозлар хусусий самолётнинг барча хизматларидан биринчи ёки бизнес классидаги чиптанинг нархида баҳраманд бўлишади. Биринчи классдаги саёҳат билан хусусий самолётда учишни тақкослаган “Миллий бизнес авиацияси ассоциацияси” (“National Business Aviation Association”) агар тўғридан тўғри ва билвосита харажатларни, яъни меҳмонхоналар, овқатланиш, парвозда вақти ва бошқа харажатларни кўшса, биринчи класс тижорат ави-

акомпаниясининг учиш харажатилари юкори бўлишини аниқлади². Бошқа авиакомпаниялар харажатларни қоплаш мақсадида сифими жиҳатидан кўпроқ ва каттароқ самолётларни йўловчилар билан тўлдиришга харакат қиласетган бир вақтда “NetJets” компанияси ортиқча харажатлардан кочишга муваффақ бўлди. Самолётнинг ўлчамлари кичиклиги, энг катта минтақавий аэропортлардан фойдаланмаслик ва ходимларнинг чекланганлиги сабабли харажатлар камайтирилди.

“NetJets” формуласининг қолган қисмини тушуниш учун ўзингизга савол беринг: нега бадавлат одамлар тижорат самолётлардан кўра корпоратив самолётларда учишни афзал кўришади?

Албатта, самолёт сотиб олиш учун миллионлаб маблағни сарфлаб, хаддан ташқари кўп вазифалар билан банд бўлган, учиш жадвали билан кийналиб ва бошқа маъмурий муаммоларга дуч келган парвоз бўлимини ушлаб туриш учун эмас. Самолётни бошқа базадан кўчириш учун “бўш парвозлар”ни амалга ошириш учун ҳақ тўлашга ҳам эмас. Аксинча, корпорациялар ва бадавлат одамлар саёҳат вақтини сезиларли даражада кисқартириш, гавжум аэропортларни чеклаб ўтиш, бир манзилдан бошқа манзилга самолётни ўзгартирмай парвоз қилиш, куч ва энергияни тежаш, ерга қўнган заҳоти ўз бизнес ишлари билан банд бўлиш учун хусусий самолётларни сотиб олишади. “NetJets” ўз стратегиясини айнан шу имтиёзларга асослаган. Тижорат рейсларининг 70 фоизи Америка Кўшма Штатлари бўйлаб фақат ўттизта аэропортдан фойдаланаётган бир пайтда “NetJets” бутун мамлакат бўйлаб тарқалиб кетган яна икки минг аэропортга ҳамда дунёдаги беш минг аэропортга кириш имкониятини тақдим этади, уларнинг барчаси бизнес марказлари ва турли хил машҳур жойларга яқин эди.

Рейсларни тўғридан тўғри амалга оширишни ташкил этиш мақсадида аэропортларнинг сони кўпайтирилди. Натижада узок манзилларга борилгандা самолёт алмашувларига эхтиёж қолмади. Илга-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

ригилари саёҳат давомида кейинги (алмашувчи) самолётни кутиш учун кўп вакт талаб этилган бўлса, юқорида айтилган ўзгаришлар натижасида бундай вакт йўқотишларга барҳам берилди.

Аввалги режим бўйича Вашингтондан Сакраментога тижорат парвози ўртача 10,5 соат давом этган бўлса, “NetJets”да бу 5,2 соат ичида амалга ошади ёки олдинги ҳолатда Палм Спрингсдан Кабо-Сан-Лукасга етиб олиш учун тижорат парвозига ўртача 6 соат сарфланган бўлса, “NetJets” рейси учун 2,1 соат кифоя бўляпти. Мазкур авиакомпания туфайли парвозларнинг умумий вақти сезиларли даражада тежаладиган бўлди.

Ҳар доим мижозлар томонидан буюртма килинган заҳоти самолётнинг тўрт соат ичида учишга тайёр бўлиши авиакомпаниянинг эътиборга молик ютуғидир. Колаверса, “NetJets” хавфсизликни сезиларли даражада яхшилаб, мижозларга шахсийлаштирилган парвоз хизмати, яъни самолётда йўловчилар ўзларининг севимли таом ва ичимликларини олиш имкониятини яратиб бергани ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

“NetJets” йўловчиларга тижорат парвозлари ва хусусий самолётлардаги сифатли хизматни таклиф қилиши орқали кўп миллиардлик янги мовий уммонни очди. Бунда хусусий самолётнинг қулайлиги ва унинг тезкорлиги каби юқори сифатлар мавжудлигига қарамай авиачипта мижозлар учун ҳамёнбоп нархларда белгилаб қўйилганди (3.1. расм).

Хўш, “NetJets”нинг рақобатчилари ҳақида нима дейиш мумкин?

Маълумотларга кўра, сўнгги 7 йил ичида ўзи очган мовий уммондаги улуши ҳали ҳам энг яқин рақобатчисининг улушкидан беш баравар юқори эканлиги биз тилга олаётган авиакомпаниянинг муваффакиятини кўрсатиб турибди³.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

3.1. расм. "NetJets"нинг стратегик асоси.

Юқори

Хусусий корпоратив самолётлардаги парвоз

"NetJets"нинг қиймат әгри чизиги

Паст

Тижорат авиакомпаниялари
Биринчи ва бизнес классдаги парвозлар

Самолёттега хизмат күрсатиш зарути (бошқарув ва маъмурият)	Парвознинг умумий тезлиги	Мослашувчанлик ва ишончлилик
--	---------------------------	------------------------------

Нархи (самолёт сотиб олишда белгиланади+ўзгартирилган парвоз)

Бўш парвоз харажатлари

Саёҳатнинг oddийлиги (рўйхатдан ўтиш, божхона назорати ва ҳ.к.)

Парвоз давомида хизмат кўрсатиш

Японияда 1980-йилларда бошланган телекоммуникациялар соҳасидаги энг катта муваффакиятни биз таъкидлаётган биринчи йўлнинг самараси сифатида талкин этиш мумкин. Келинг, бу борада 1999-йилда “NTT DoCoMo” томонидан яратилган “i-mode” лойихаси ҳақида фикрлашсак. “i-mode” хизмати Японияда алоқа ва маълумот олиш усулларини ўзgartирди. “NTT DoCoMo” одамларнинг уяли алоқа ва интернетга нисбатан эҳтиёжлари ортиб бориши ортидан ўзининг мовий уммонини қандай яратиши мумкинлигини англаб етди. Сир эмаски, Японияда телекоммуникация соҳасидаги чекловларнинг олиб ташланиши мазкур соҳада янги рақобатдош компания-

ларнинг пайдо бўлиши, нарх ва технология пойгаларига замин яратди. Бу ҳол харажатларниг ўсиб фойдаланувчи келтирган ўртacha даромаднинг пасайишига сабаб бўлди. “NTT DoCoMo” шафкатсиз ракобатнинг алвон уммонидан чикиб уяли алоқа ва интернетнинг янгича шакли – симсиз узатишнинг мовий уммонини яратди.

“NTT DoCoMo”ни уяли алоқага нисбатан интернетнинг қандай қулай ва кучли томонлари борлиги тўғрисидаги савол ўйлантириб қўйганди.

Ҳаммамизга маълумки, интернет жуда кўп маълумот ва хизматларни тақдим этиши билан бирга электрон почта, оддий маълумотлар (масалан, янгиликлар, об-ҳаво маълумотлари ва телефон ракамлари базалари) ҳамда кўнгилочар (шу жумладан ўйинлар, спорт тадбирлари ва мусиқа) дастурларга эгалиги унинг асосий ажралиб турувчи жиҳатидир. Аммо ўша вактларда интернетнинг камчиликлари ҳам йўқ эмас эди. Компьютер ускуналарининг юкори нархларда эканлиги ҳамда буларсиз тармоқка уланишнинг иложи йўқлиги, шунингдек, маълумотларнинг кўплиги, узоқ вакт давомида тармоқка кириш кийинчилиги мижозларнинг норозилигини туғдиради. Ўша вактларда мобиллиги, овозни узатиш ва фойдаланишнинг қулайлиги уяли телефонларнинг афзал томонлари эди.

“NTT DoCoMo” шу йиллардаги мижозларни ушбу иккита вариантнинг қай бирини танлаш борасидаги ўйловдан қутқарди. Эътиборлиси, бунда компания янги технологияни яратмади, балки оддигина мобил телефонларга нисбатан интернетнинг асосий афзаликлари ёки аксинча, интернетга нисбатан мобил телефонларнинг қулай томонларига эътибор қаратди.

“NTT DoCoMo” томонидан яратилган интерфейсда битта оддий “i-mode” тутмачаси бор бўлиб (і “интерактив”, “интернет”, “маълумот” ва инглизча I – “Мен” маъносини беради), шу тутмачани босиши билан фойдаланувчи дархол интернетдаги бир нечта муҳим

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

дастурларга кириши мүмкін. “i-mode” тұгмаси худдикі меммон-хонада швейцар вазифасини бажарғандек миқозларни кераксиз маълумотлар юкланмасидан асраб фақат олдиндан танланған ва тасдиқланған хизматларни тақдим этадиган сайтларга улайди. Бундай хизмат фойдаланувчini тармоқда тез ва осонгина мослашишига имкон беради. “i-mode” режими бўлган телефон одатдаги телефондан 25 фоиз кимматроқ эди, аммо интернет учун зарур бўлган шахсий компьютер ёки ноутбукнинг нархидан анча пастлиги ҳамда юқори мобилликни таъминлаши унинг катта ютуғи эди.

“i-mode” тизими овозли алоқадан ташқари оддий биллинг хизматидан ҳам фойдаланған, мижоз бунинг натижасида ҳар ой “i-mode” орқали ишлатиладиган барча тармоқ хизматларини рўйхатга олувчи ҳисоб-фактурага эга бўларди. Бу нафақат фойдаланувчилар томонидан қабул қилингандан хисоблар сонини сезиларли даражада камайтириди, балки уларни кредит карта маълумотларини тақдим этишдан озод қилди. Телефон режими ҳар сафар ёкилганда “i-mode” хизмати автоматик равишда фаоллаштирилар, натижада фойдаланувчилар тармоққа уланиш ва тизимга киришда қийналмасдилар.

Оддий уяли телефон ҳам, компьютер ёки ноутбук ҳам “i-mode” билан жиҳозланған телефонларнинг ўзига хос қиймат эгри чизиги билан рақобатлаша олмайди. 2009-йил охирига келиб, “i-mode” пайдо бўлганидан ўн йил ўтгач, ушбу хизматдан фойдаланувчилар сони деярли 50 миллионга етди ҳамда маълумотлар, расмлар ва матнларни узатишдан келадиган даромад 1999-йилдаги 295 миллион иенадан (2,6 миллион доллар) 1589 миллиард иенга (17 миллиард доллар) етди. “i-mode” хизмати нафақат мижозларни рақобатчилардан тортиб олди, балки бозорни кенгайтириди, унга турли ўшдаги истеъмолчиларни жалб қилди ҳамда фойдаланувчиларни овозли ва маълумот узатиш истеъмолчиларига айлантириди. “i-mode”ига эга телефонлар дунёдаги биринчи оммавий ишлатиладиган смарт-

фонларга айланди. 2007-йилда “i-mode” “iPhone” деб номланган жиддий рақибга дуч келди, аммо шу билан бирга янги ва ундан ҳам каттароқ мовий уммонни очадиган дастур пайдо бўлди (тўртинчи йўналишга қаранг).

Муқобил имкониятларини синааб кўришга ва янги бозорларни яратишга муваффақ бўлган кўплаб қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя килувчи мисоллар бор. “Home Depot” компанияси шахсий уйлар ва биноларни профессионал таъмирлаш бўйича ўзининг маҳсулоти ҳамда хизматларини ускуна дўконларидаги курилиш материаллари ва асбобларни сотиб олишдан анча паст нархларда таклиф этади. Мазкур компания мижозларга иккала муқобил саноатнинг энг мухим афзалликлари ҳақида маълумотлар бериб, уй-жой куришнинг яширин эҳтиёжини ўзгартирди ҳамда уйларни ва унинг эгаларини яратувчига айлантирди. Бугунги кунда ушбу компания дунёдаги энг ийрик уй товарлари дўконлар тармоғига эгалик килади.

“Southwest Airlines” автоуловларга муқобил сифатида самолётларга эътибор қаратди, мижозларга саёҳатнинг автоуловлардаги нархида самолёт тезлигига саёҳат килишни (автомобиль ҳаракати турига хос бўлган мослашувчаник билан) ва қисқа масофали парвозларнинг мовий уммонини яратди. “Intuit” компьютер шахсий дастурларининг асосий муқобинини оддийгина қаламда кўрди ва қизикарли, содда “Quicken” дастурини ишлаб чиқди. Бугунги кунда, асос солтнганидан ўттиз йилдан кўпроқ вакт ўтгач, “Quicken” энг кўп сотиладиган шахсий молиявий дастур бўлиб қолмоқда. “Intuit” ҳам интернет хизматлари ва молиявий дастурлар соҳасида янги мовий уммонни яратиш имкониятларини кўриб чиқмоқда.

Сизнинг бизнесингиз учун қайси соҳалар муқобил бўлиши мумкин?

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

З-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

Харидорлар нега мұқобилларидан фактат бирини танлайдилар?

Шуни унұтмангки, сиз харидорларни мұқобил соҳаларни танлашга мажбур киладиган асосий омилларғагина эътибор қаратиб, башқа барча омилларнинг ахамиятини бекор қилиш ёки камайтириш орқали янги бозор маконининг мовий уммонини яратса оласиз.

Иккінчи ійнәлиши. Стратегик гурухлар ва тармоқтарни күриб чиқиши

Мовий уммонни яратиш ёки унга йўл очиш учун мұқобил саноатни кўриб чиқиши ҳамда стратегик гурухларни ўрганиш талаб килинади.

Стратегик гурухлар – бу бир соҳада фаолият юритадиган ва ўхшаш стратегияларга эга компаниялардир. Кўпгина соҳаларда барча компаниялар стратегияларнинг фарқига қараб бир нечта стратегик гурухларга бирлаштирилиши мумкин.

Стратегик турухларни нарх ва иш самарадорлиги бўйича иккни иерархик тартибда ажратиш мумкин. Аксарият компаниялар стратегик гурухдаги ракибларига нисбатан ўз позицияларини яхшилашга эътибор беришади. Масалан, “Mercedes”, “BMW” ва “Jaguar” ҳашаматли автомобил сегментида бир-бирларини ортда колдиришига ҳаракат килмоқдалар. Ўз ўрнида эконом моделлар инплаб чиқарувчилари эса ўзларининг стратегик гурухидаги ракибларини ортда колдиришга интилмоқдалар. Бирок бирор бир стратегик гурух бошқасининг харакатларига етарлича эътибор бермайдилар, чунки таклиф нуткай назаридан уларга ракоbatчи кўринмайди.

Мавжуд стратегик гурухлар орқали мовий уммонни яратишнинг қалити бундай тор карашларни четта сурис кўйиш ва мижозлар

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

бир нечта гурухлар орасидан танлаб, камрок ёки кимматроқ таклифларга мурожаат қилганда қандай карор қабул қилишини аниқлайдиган омилларни тушунишдир.

Техасдаги аёллар фитнесига ихтисослашган “Curves” компаниясига эътибор берайлек. 1995-йилда муддатли чипталарни таркаташни бошлаган ушбу компания ўн йилдан сўнг икки миллиондан ортиқ мижозларга эга бўлди.

Маълумотларни оғзаки етказиш ва дўстона тавсиялар бериш ушбу компаниянинг ўсишига катта ҳисса кўшди. Айни кунларда “Curves” катта ва гавжум бозорни кўзламоқда ҳамда харидорларга ўз ракобатчиларига нисбатан қатор қулай хизматларни таклиф қилмоқда. Аслида, “Curves” Америка фитнес индустрисида янги талабни яратди ва кўплаб тадбиркорлар томонидан ўрганилмаган бозорни, аниқрек айтганда, фитнес билан шуғулланишга ҳаракат қилаётган аёлларнинг ҳакиқий мовий уммонини очди. Ушбу компания ўз стратегиясини АҚШ фитнесс саноатида муҳим ўрин тутган анъанавий соғликни сақлаш клублари ва уй машклари дастурларининг афзаликларига таянган ҳолда яратди ҳамда бошка барча омилларнинг аҳамиятини йўкотди ёки камайтирди.

Эсдан чиқармаслик керакки, бунгача ҳам Кўшма Штатлардаги фитнес саноатида эркаклар ва аёллар учун анъанавий бўлган фитнес марказлари мавжуд эди. Бундай марказлар шаҳарнинг бой худудларида жойлашган бўлиб тренажёрлар залларига эга ҳамда сўнгги урфдаги кимматбаҳо ускуналар билан жиҳозланган эди. Шунингдек, мижозларга аэробика ва мушак машклари учун мўлжалланган анжомлар, шарбат барлари, профессионал инструкторлар, кийиниш хоналари, душ ва сауналарнинг барчаси мухайё килиб қўйилган эди. Таширифчилар фитнес клубларда одатда камида бир соат, баъзан икки соатдан кўпроқ вақт шуғулланишарди. Марказларнинг аъзолик бадаллари ойига 100 доллар атрофида бўлиб, бу

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

нарх арzon эмас эди, албатта. Ўша пайтларда мамлакат аҳолисининг атиги 12 фоизигина (аксарият қисмини катта шаҳарларда яшовчилар ташкил этарди) анъанавий фитнесс марказларига ташриф буюришарди. Ўшанда марказлар мижозларни ўзида сақлаб қолиш учун хизматларнинг стандарт тўпламини тақдим этиш ва бошқа харажатларга шаҳардаги жойлашган ўрнидан келиб чиқиб беш юз мингдан миллион долларгача сарфлашарди.

Спектрнинг иккинчи қисми саналган уй машклари дастурлари мижозларга тегишили тавсиялар билан бойитилган видеолар, китоб ва журналлар ёрдамида тавсия қилинди. Ушбу дастурлар уйда бажарилганлиги ва шу билан бирга машклар учун ортиқча спорт анжомларини талаб қилмагани боис жуда арzon эди. Қўлланмалар кўп бўлмагани учун ҳам видеода актёр томонидан кўрсатилар ёки журнал ҳамда китобларда расмли холатда босилар эди.

Аёлларни анъанавий фитнесс марказлари ёки уй машклари дастурларидан бирини танлашга нима мажбур қилди?

Кўпчилик аёллар маҳсус тренажёрлари, шарбат барлари, сауналар, кийиниши хоналари, сузиш ҳавзалари каби қулайликларга эга бўлишига қарамай яқин танишларини учратиши эҳтимоллигидан ёки умуман бегоналар борлиги учун ҳам бундай фитнес клубларга боришини хоҳлашмайди. Буни тана тузилиши жисмонан гўзал бўлмаган аёлларнинг машкларни бажариш давомида бегона эркаклар билан рўбарў келишни ҳамда қоматининг камчиликларини уларга кўрсатишни истамаслиги билан ҳам изохлаш мумкинdir. Қолаверса, тренажёрлардаги навбат кутишлар ёки спорт ускуналарининг холатини ўзgartиришлар ҳам аёлларга кўпам манзур бўлмайди.

Маълумки, кундалик ҳаётимизда иш, оила ташвишлари кўплигидан ўзимиз учун жуда кам вакт ажратамиз. Шунинг учун аксарият аёллар фитнесс марказларида кўп вакт сарфлашга имкон топа олишмайди. Шунингдек, шаҳарнинг марказий қисмida жойлашган

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

клубларга боришда йўллардаги тирбандликлар туфайли пайдо бўладиган асаббузарликлар ҳам аёлларнинг бундай жойларга келишини хушламасликларига сабаб бўла олади.

Аммо унумаслигимиз керакки, уйда машқларни бажармаслик учун сабаб топиш жуда осон. Агар инсон спортга ишқибоз бўлмаса, машғулотлар интизомига риоя қилиши қийин кечади. Фитнес марказларда жамоа бўлиб бажариладиган машқлар уйдаги ёлғиз машқлардан фарқли ўларок кишининг ғайрати ва илхомини ошириши кундай равшан. Аёлларнинг фитнесс марказларини танлаши юкоридаги омиллар туфайлиdir. Вақни тежаш, кам чикимлилик ва барчадан ҳоли қолишини маъқул топувчилар эса уй машқларини афзал қўришади.

“Curves” компанияси ўз мовий уммонини юқорида тилга олинган стратегик гурухларнинг кучли, самарадор томонларини ка-бул қилиш ҳамда бошқа барча омилларнинг аҳамиятини йўқотиш ёки камайтириш орқали яратди (3.2-расм).

Мазкур компания анъанавий фитнесс марказларининг аёлларга маъқул келмаган барча хусусиятларидан воз кечди. Махсус тренажёрлар, озиқ-овқат, спа-муолажалар, бассейнлар мухимлилик даражасини йўкотди. Умумий кийиниш хоналарининг ўрнини пардалар билан тўсилган махсус хоначалар эгаллади.

“Curves”га ташриф буюриш хисси одатдаги фитнесс марказига караганда ўзгача аҳамият қасб эта бошлади. Бунда тренажёр ускуналарининг (одатда ўнга якин) оддий фитнесс марказларидағи каби олд томони телевизорга қаратиб кетма-кет ҳолда эмас, балки иштирокчиларга кулагийлек яратиш, уларнинг фикр алмашишлари ва жараёндан завқ олишлари учун доира шаклида жойлаштирилгани ҳам катта рол ўйнади. “Quick Fit” ўқув тизимида созлаш шарт бўлмаган, хавфсиз, фойдаланишга қулаги гидравлик тренажёрлар ишлатилган. Аёллар учун махсус мўлжалланган ушбу машқ мосламалари


ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

куч ва мушакларни кўпайтиришга имкон берганлиги билан ҳам фойдали эди.

3.2. расм. "Curves"нинг стратегик асоси

Юқори



Паст

Нарх	Тренажёрлар (югуриш йўлак-часи, тош кўта-риш ва ҳ.к.)	Доимий мураббийлар	Хушчақчак жамоа	Аёлларга хос нозик дидли муҳит
Кулай шароит	Машғулотларнинг давомийлиги	Машғулотлардаги самимий ва ҳамфирк жамоа	Имкониятлар	

Машқлар пайтида аёллар ўзаро сухбатлашишлари ва бир-бирларини қўллаб қувватлашлари мумкин эди. Деворларда кўзгу-ларнинг ҳамда спорт залида эркакларнинг йўклиги, машқлар бажа-рилишидаги ўзаро мулоқотнинг йўлга кўйилгани оддий фитнес марказлар муҳитидан фарқ килар эди. Аёллар айлана шаклида хара-катланишар, машғулотлар эса ўттиз дақиқа давом этарди. Ўзгариш-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

лар ҳамда хизмат кўрсатишининг энг муҳим таркибий қисмларига эътибор бериш орқали машғулотлар нархи ойига 30 долларга айланди. Бу нарх ташриф буюрувчи аёлларнинг сони ошишини таъминлади.

“Фойдали машиқларни бир стакан қаҳва нархида бажариши орқали саломатликка эришинг”. Бу “Curves” шиорининг мазмуни эди.

Ушбу компания 3.2. расмда кўрсатилган кам харажатларда ажойиб қийматни яратди. Анъанавий соғломлаштириш клубини очишга 500 мингдан бир миллион долларгача сармоя талаб қилинган бўлса, “Curves” учун агар муддатли чиптага тўланган 20 минг долларни ҳисобга олмасак, 25-30 минг долларгача сафр килишнинг ўзи етарли бўлди. Албатта, ушбу фарқ компаниянинг кўплаб омилларни рад этганлиги билан боғлиқ. Ўзгарувчан харажатлар, шунингдек, ходимлар ва хоналар хизмати учун сарфланувчи харажатларининг пасайиши туфайли чикимлар сезиларли даражада камайди. Қолаверса, бунга марказнинг юзаси унча катта бўлмаган майдонга жойлашгани ҳам сабаб бўлди. Эътибор беринг: бошқа фитнес марказлари шаҳарнинг обрўли худудларида 3-9 минг квадратга якин жойда фаолият олиб боришган бўлса, “Curves” эса шаҳарнинг нуфузли бўлмаган қисми атрофида 140 квадрат метрга teng майдон билан кифояланди.

“Curves” бизнес модел сифатида арzon нарх белгилагани учун ташриф чипталарининг ҳаммабоп бўлишини таъминлади. Қиска муддатда клуб аъзолари сони юз нафарга етиши билан фойда келтиришни бошлиши аник экани ҳаммамизга маълум .

Мазкур компания фитнесс ва шу турдаги соҳаларда ракобатчи клублар билан тўғридан тўғри беллашмади, аксинча, янги талаблардан келиб чикиб ўз мовий уммонини яратди. Мана, хозирда (ташкил топганига йирма йилча бўлди) ўн мингга якин филиалларга

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

зга ҳамда түрт миллиондан ортиқ мижозларга хизмат килиб келмоқда. Соҳадаги қийинчиликларга қарамай аёллар учун дунёдаги энг катта фитнесс маркази бўла олди.

“Curves” каби ўз соҳаларида мовий уммонларни яратиб, стратегик гурухларга эътибор қаратган кўплаб компанияларни тилга олишимиз мумкин. Жумладан, “модасиз юкори мода” мовий уммонини яратга олган “Ralph Lauren” алохида эътирофга лойик компаниядир. Дизайн жамоасининг номи, дўконларнинг нафис дид билан безатилиши ва маҳсулотларнинг нағислиги ушбу компаниянинг бошқалардан ажralиб туриши ҳамда юкори мода соҳасида юксак мақтовга эгалигини кўрсатиб турарди. Шунингдек, “Brook Brothers” ва “Burberry” каби классик чизикларнинг энг яхши хусусиятларини ўзлаштириши биз мақтаётган компаниянинг ўзига хос янгиланган классик киёфаси ва ўз нархларини жорий этишида кўл келди. “Polo Ralph Lauren” юкоридаги иккала гурухнинг энг жозибали омилларини бирлаштириши ва қолган жиҳатларнинг аҳамиятини пасайтириш ёки камайтириши натижасида нафакат иккала сегментда улушни ола билди, балки кўплаб янги мижозларни ўзиниг бозорига жалб қилди.

“Toyota” дунёда бозорига “Lexus” моделини олиб кирди ҳамда “Mercedes”, “BMW” ва “Jaguar” каби юкори даражадаги рақобатчиларининг нисбатан арzon саналувчи “Cadillac” ва “Lincoln” моделларининг баҳосига тенг (албатта, сифат мослиги ҳам шу баробарда) нархда таклиф қилди. Бу ушбу компаниянинг янги мовий уммонини яратганилигидан далолат эди.

Мичиган штатидаги “Champion Enterprises” компанияси мутахассислари қурилиш саноатида иккита стратегик гурух, яъни на-мунавий уйлар барпо этувчилари ва буюртма асосида қурувчи-ларнинг фаолиятарини синчилаб ўрганишди ҳамда ўз соҳасида мовий уммонни яратади.

Хўш, бу қандай амалга ошди??

Биламизки, намунали уйларнинг нархи одатда арzonроқ ва уларни қуриш осон бўлса-да, аммо бир хил кўринишга эгалиги ҳамда сифат даражасининг пастлиги сабаб бундай ўйлар кўпчиликка ёқмаган.

Буюртма асосида қурувчи фирмаларнинг мижозларга турли варианtlарни таклиф қилиши ва хизматларини юкори сифатда амалга ошириши, албатта, уларнинг ютуғи эди. Аммо бундай уйларнинг нархи киммат, боз устига, уларни қуриш учун кўпроқ вақт кетарди.

“Champion Enterprises” истеъмолчиларга юкоридаги ҳар иккала стратегик гурухнинг асосий устунликларини тақдим қилган ҳолда мовий уммонни яратади. Ушбу компания таклиф этган йиғма уйларнинг тезда қурилиши, мижозлар олдида қулай нарҳда баҳоланиши ва кенг миқёсдаги тежамкорлиги боис катта фойда келтириди.

Шунингдек, ўзига хос кайфият, кўркамлик бағишлиаш мақсадида уйларнинг камин, ёритгичлар ва ҳаттоқи мансард каби сўнгги урфдаги дизайннинг ажойиб чизгилари билан бойитилиши кутилмаган шов-шув бўлди. Бир сўз билан айтганда, мазкур қурилиш компанияси намунавий уй атамасининг маъносини тубдан ўзгартира олди.

Даромади ўрта ёки ундан ҳам паст бўлган одамларнинг аксарияти олдин барпо этилган уйларни ижара ёки сотиб олиш ўрнига йиғма уйларнинг харидини маъқул кўрдилар. Бу, шубҳасиз, “Champion Enterprises”нинг муваффакияти эди.

Айтингчи, сизнинг бизнес соҳангизда қандай стратегик гурухлар мавжуд?

Сизнингча, харидорлар айнан қайси омиллар сабабидан юкори ёки паст даражадаги гурухларни танлайдилар?

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

З-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

Учинчи йўналиши. *Истеъмолчилар гуруҳларини кўриб чиқиши*

Ўзаро ракобатлашаётган тадбиркорлар ҳам аксарият соҳаларда мижозлар қаторидан жой олиши мумкин. Шундай бўлса-да, савдо жараёнларида бевосита ёки билвосита иштирок этадиган харидорларнинг яхлит гурухи мавжуд. Аслида, маҳсулот учун пул тўлайдиган харидор унинг фойдаланувчиси бўлиши шарт эмас, айрим холларда “тъасир ўтказувчилар”нинг муҳим тоифаси ҳам мавжудлигини унутмаслигимиз керак. Ушбу учта гурух ўзаро кесишса ҳам, лекин кўпинча бир-биридан фарқ қиласди. Гурухлар орасидаги тафовутларнинг аниқ юзага чикиши уларнинг турли хил қийматлари билан боғлиқдир. Масалан, корпоратив харидлар агенти нарх ҳакида кўпроқ қайғурса, корпоратив фойдаланувчи эса маҳсулотдан фойдаланиш қулайлиги тўғрисида бош котиради. Худди шу тарзда чакана сотувчи ишлаб чиқарувчи томонидан ўз захираларининг тўлдирилиши ва олинган янги кредит турларини белгилангандан вақтида копланишини қадрлайди. Аммо бутун тизимнинг фаол иштирокчиси бўлса ҳам, харидор, яъни истеъмолчини юкоридагилар ўйлантиримайди,

Айни бир соҳада фаолият юритадиган компаниялар, одатда, истеъмол бозорининг алоҳида сегментларига, дейлик, жамоавий ёки якка мижозларни жалб қилишга эътибор берадилар. Бирок таклиф соҳа йўналишидан келиб чиқиб уларнинг битта гурухига каратилади. Масалан, фармацевтика саноати, асосан, шифокорларга; офис материалларини етказиб бериш соҳаси, одатда, жамоавий харидорлар гурухига; трикотаж саноати эса индивидуал харидорларга йўналтирилади. Албатта, бундай эътибор жиддий иктисодий сабабга зга бўлишига қарамай саноат томонидан қабул килинган амалиёт натижасида юзага келади ва буни хеч ким инкор этолмайди.

Кўйилаётган таклифни харидорларнинг кайси гурухига йў-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

налтирилиши борасида обдон фикр юритиб, саноатнинг мавжуд анъанавий қоидаларидан қатъи назар янги мовий уммонни очиш мумкин. Бунда компания ўз қиймат эгри чизифини ўзгартирининг янги усулларини топиши ва илгари четда қолган истеъмолчиларга эътиборини қаратиши лозим бўлади.

Келинг, фикрларимизни ўз соҳасида мовий уммонини яратада олган Даниянинг инсулин^I ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Novo Nordisk” компанияси мисолида кўриб чиқайлик.

Диабет^{II} касаллигига чалингган беморлар учун қондаги глюкоза^{III} миқдорини тартиба солишида инсулин муҳим ўрин тутади. Тарихан олиб қарайдиган бўлсак, инсулин саноати ҳам аксарият фармацевтика соҳалари каби шифокорларга йўналтирилганини кўрамиз. Бунга беморларнинг шу касб эгаларининг қўлида даволанганлиги ҳамда керакли дори-дармонларнинг хариди борасида айнан қайси компаниянинг маҳсулотларини тавсия қилиш ҳам уларнинг ихтиёрида экани асосий сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам дори ишлаб чиқарувчилар шифокорларнинг яхшироқ дори-дармонларга эга бўлиш истагига мос ҳолда бор эътиборлари ва саъй-ҳаракатларини сифатли инсулин яратишга қаратищди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, тозалаш технологияларини такомиллаштиришда катта қадамлар 1980-йиллардагина ташлангани боис ўзаро катта рақобат бўлишига қарамай мазкур йўналишдаги тараққиёт жуда чекланган бўлиб кўринарди. Айни шу дамларда “Novo Nordisk” илк бора “ин-

^I **Инсулин** (лотинча: *insulīnum* < *insula* – орол) – инсулин корин ости безилда ишлаб чиқариладиган ва конда қанд моддасининг кўпайишига тўскинилк киладиган, организмда углевод алмашинувини тартиба солишида иштирок этилган мезда ости бези гормони ва ундан гайдерланадиган лори.

^{II} **Диабет** (юнонча: *diabētos* < *diabaino* - ўтаман, ўтиб кетаман) – касалликларнинг кўп сийидраган турларинингумумий номи. **Қандли диабет** – сийидкла қанд моддаси ажралиши ва конда қанд микаорининг кўнайишидан иборат касаллик.

^{III} **Глюкоза** (юнонча: *glykys* – ширин) – ҳўл мевааларда бўладиган, тиббиётда ва қандолатчилик-да кенг кўлланадиган ширин модда, углевод; узум шакари.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

сон монокомпонент” деб номланувчи инсон инсулиниңг сунъий равиша яратилган аниқ нусхасини ишлаб чикарди ҳамда фармацевтиканинг мазкур соҳасидаги ракобатнинг кучайишини тезлаштириди.

“Novo Nordisk” ракобатчилариdek иш тутмади. Аксинча, кабул килинган умумий ҳолатни ўзгартириш ва харидорлар гурухи сифатида беморларни шифокорлардан устун қўйиш имкониятларини ўрганди ҳамда бунинг натижасида мовий уммонни яратишга дадил киришди. Бироқ, тўғрисини айтганда, дастлабки натижалар кутилганидек бўлмади. Компаниянинг диабетга чалинган беморлар учун ампулаларда етказиб берган инсулин инъекциялари¹ турли муаммоларни келтириб чикарди. Дорининг тўғри микдорини ўлчаш шприц, игна ва инсулин билан мураккаб, ёқимсиз амалиётларни бажаришга тўғри келиши, шунингдек, игна ва шприц билан бодлик чалкашликлар оқибатида беморнинг заиф ҳолга тушиб қолиши муаммоларнинг кўплигини, кўлланилаётган усулининг хатолигини кўрсатиб берди.

Компания юқоридаги ҳолатлардан тўғри хulosалар чикарган холда фойдаланувчиларни инъекцияларнинг нокулайлигидан халос килиш учун маҳсус ишлаб чикилган, истеъмоли осон бўлган инсулин инъекцияси курилмаси – “NovoPen”ни яратди. 1985-йилда сотувга чикарилган ушбу курилма бир карашда авторучкани эслатиб юборарди. Унинг ичидаги инсулин картрижи беморларга тахминан бир хафталик дори микдорини муаммосиз холда олиб юришни таъминлаган эди. Курилмага маҳсус тортиш механизмининг киритилгани кўзи ожиз беморларга-да дори микдорини тўғри ўлчаб, ўзига ўзи инъекция қила олиш имкониятини берганди. Шунингдек, ушбу

¹ Инъекция (ютинча: інъекшіон – юбориш) – тери орасига дори юбориш; укол. Инъекция усули билан кўйилган дори организмга жуда тез таъсир килади.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

З-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

мосламани ҳамма жойда олиб юриш мумкин бўлиб одамларни шприц ва игналар билан безовта килишдан халос қилди.

Эътиборлиси шуки, компания бу ютуқлар билан чекланиб қолмади. “Novo Nordisk” очиқ мовий уммонда етакчилик мавқейини сақлаб қолиш учун инсулин инъекцияси учун ишлатиладиган бир марталик зарядланган ручка – “NovoLet”ни ишлаб чиқди ва инсулин кабул қилиш жараёнини янада соддалаштириди. 1999-йилда эса ўрнатилган электрон хотира ва алмаштириладиган картриджларга эга “Innovo” мосламасини яратди. Ушбу қурилманинг экранидаги олдинги миқдорнинг миқдори ва инъекциядан кейин ўтган вақт кўрсатилган бўлиб бу беморга инъекцияни ўtkазиб юбориш хавфини камайтириш учун зарур бўлган маълумотлар мажмуасини ифола этади.

“Novo Nordisk” томонидан яратилган мовий уммон стратегияси доришунослик саноатининг киёфасини бутунлай ўзгартириб, компанияни инсулин ишлаб чиқарувчисидан диабетга чалинган кишиларнинг ҳаётини осонлаштирадиган махсулотлар ишлаб чиқарувчисига айлантириди. Инсулин бозорини “NovoPen” ва унинг ўрнига келган инъекция мосламалари тўлдирди. Олдиндан зарядланган қурилмалар ёки “ручка”ларда инсулин сотиш Европа, Осиё ва Скандинавия бозорларида катта улушни эгаллаб келмоқда. Ҳозирда мовий уммонини яратганига қарийб ўттиз ўйил бўлган бўлса-да, “Novo Nordisk” диабет махсулотлари соҳаси бўйича дунёда ҳамон етакчиликни ўз қўлида сакламоқда. Ушбу фаолиятдан келадиган фойда компания умумий даромадининг қарийб 70 фоизини ташкил қиласди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, доришунослик соҳасида харидорлар гурухини шифокорлардан бемор фойдаланувчиларга ўзгартириш карори “Novo Nordisk”ни янги даражага олиб чиқди.

Айни шунга ўхшаш жараённи “Bloomberg” мисолида хам кўриш мумкин. Ушбу компания ўн йилдан кам вақт ичида дунёдаги

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

маълумот етказиб берувчи энг катта ва даромадли компанияяга айланди. “Bloomberg” пайдо бўлишидан олдин, аникроғи, 1980-йилларнинг бошларида молиявий маълумотлар соҳасида етакчи ўринларни “Reuters” ва “Telerate” агентликлари эгаллаб туришарди. Улар аник вакт режимида воситачилар ва инвестиция компанияларига турли янгиликлар хамда нархлар тўғрисидаги муҳим хабарларни етказиб берувчи куч эди. Ушбу агентликлар стандартлаштирилган тизимларни ёклашгани учун хам ўзлариниг харидорлари сифатида ІТ-менежерларини танлашганди.

Кизиги шундаки, “Bloomberg” юкоридаги икки агентликнинг бундай танловини мантиқсизлик деб баҳолади. Ахир, агентликларнинг топаётган йирик даромадлари ІТ-менежерлар эмас, балки бирж¹ ва таҳлилчилар хиссасига тўғри келарди-да. Маълумки, тўғридан тўғри тақдим этилажак маълумотлар ахборот етказиш соҳасининг муваффакият калитидир. Бозор фаолияти даврида биржачи ва таҳлилчилардан ўтаётган ҳар бир сонияни хисобга олған ҳолда қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш талаб этилади.

“Bloomberg” биржачиларга ўзиниг қизик, соҳа учун кутилмаган хизматларини юкори нархларда таклиф килди. Аввало, фойдаланувчилар учун кулай терминаллар ва молиявий белгилар ёзилган клавиатурадан иборат маҳсус қурилмани яратди. Унда иккита текис монитор бўлиб, бошқа қурилмалардан фарқли равишда керакли маълумотларни ортиқча харакатларсиз (компьютердаги ойналарни очиш-ёниш назарда тутилмоқда) топиш имконияти мавжуд эди. Уни ишлатиш ҳам осон эди: биржачи дастлаб маълумотни таҳлил килади, сўнгра керакли харакатларни амалга оширади.

“Bloomberg” ушбу тизимни такомиллаштириш максадида унга маҳсус тугмачани босиш билан ишга тушадиган аналитик ку-

¹ **Биржа** (юнонча: byrsa – ҳамён, ҳалта) – кимматбаҳо коғозлар ва ҳар хил моллар билан савдо-сотик киладиган йирик савдо муассасаси; бозорни ўюштиришнинг ташкилий шакли.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаши

рилмани күшди. Авваллари маълумотлар юклаб олинганидан кейин мухим молиявий хисоб-китобларни амалга ошириш учун қалам ва калкулятордан фойдаланиларди. Таклиф этилган янги қурилма инвестицияларнинг муқобил варианtlари бўйича даромадларни хисоблаш ва маълумотларни тезда таҳлил килиш ишларини осонлаштириди.

Мазкур компания кузатишлар натижасида акциядорлар ва таҳлилчиларнинг шахсий хаёти билан боғлиқ бўлган парадоксни кайд этди. Яъни одамлар аклбовар қилмас даражада пул топишса-да, лекин жуда кўп ишлашганидан ушбу маблағларини сарфлашга деярли вақтлари колмасди. Шунинг учун “Bloomberg” биржачиларнинг шахсий ҳётини осонлаштириш максадида тизимга керакли маҳсулотлар рўйхати ҳамда харидларини амалга ошириш имкониятини берувчи янги хизмат турини киритди. Биржачилар бу оркали ўзлари учун зарур бўлган ўй-рузғор буюмларини ҳам, озик-овқат ва бошка маҳсулотларни ҳам сотиб олишлари, шунингдек, турли маълумотларни хусусан, сотувдаги кўчмас мулк рўйхатини-да кўриб чикишлари мумкин эди. Эътиборлиси шуки, бундай хизматларнинг интернетда пайдо бўлишига анча йиллар бор эди.

“Bloomberg” эътиборини бирламчи харидорлардан яқуний фойдаланувчига қаратиш оркали соҳанинг аввалги киймат этри чизигидан тубдан фарқ киладиган қиймат этри чизигини яратди. Ўз навбатида, биржачилар ва таҳлилчилар вазият ҳамда ўз салоҳиятларини ишга солиб IT-менежерларини “Bloomberg” терминалларини сотиб олишга мажбур килишиди.

Бошка кўпгина соҳаларда ҳам юкоридагилардек мовий уммонни яратиш учун имкониятлар мавжуд. Кимнинг ва нима учун максадли харидор бўлиши кераклиги ҳақидаги анъанавий нуктаи назарни четга суриб харидорларга янги кийматни таклиф килишнинг олдингиларидан фарқ киладиган усувларини топиш зарурати, албат-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

З-боб. Bozor sarhadlarini янгилаши

та, компанияларни юқори муваффакиятларга олиб чиқади. Нусха кўчириш технологиясида инқилоб кила олган ҳамда кичик ҳажмдаги нусха кўчирувчи аппаратини яратган “Canon” ҳам ўзининг мақсадли аудиториясини корпоратив харидорга эмас, балки якка фойдаланувчиларга қаратган ҳолда мовий уммонини туза олганини эслайлик. Ёки “SAP” компаниясининг эътиборни бизнес иловаларнинг функционал фойдаланувчисидан корпоратив харидорларга ўзгартириши орқасидан муваффакиятли интеграциялашган дастурний бизнесини яратганлиги юкоридаги фикрларимизга исбот бўлиши шубҳасизdir.

Хўш, бундай занжир(лар) сизнинг соҳангизда қандай кўришишга эга?

Тармоғингиз, одатда, қай турдаги мижозлар гурухига йўналтирилган?

Агар дикқатни мижозлар гурухига йўналтирангиз, янги кийматни қандай қилиб яратасиз?⁵

Тўртинчи йўналиши. Кўшиимча маҳсулотлар ва хизматларни кўриб чиқими

Иқтисодиётда таклиф этилган айни бир хизматнинг бошқа ёрдамчи хизматларсиз амалга ошиши камдан кам учрайди. Аксарият холларда маълум хизмат кийматига бошқасининг таъсирини, аралашувини кузатиш мумкин. Шундай бўлса-да, бундай холатларда ҳам ракобат факат бир соҳанинг хизматларини юзага чиқариш билан чекланади. Фикримизни кинотеатрлар мисолида кўриб чиқайлик. Ёш боланинг кинотеатрга бориши энага ва транспорт хизматисиз амалга ошмайди. Аммо ушбу кўшиимча хизматлар анъанавий кинотеатрларнинг фаолиятига кирмайди. Бу эса уларнинг бизнесига салбий таъсир килади, чунки ота-оналар болаларини кино масканларига

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

бориши учун қўшимча ҳак тўлашдан қочишади. Энди, шу ўринда, кинотеатр раҳбарияти болаларни олиб келиш ва қайтиб этиб қўйиш хизматларини таклиф қилишса, нима бўлади?! Тасаввур килдингиз-а...

Қўшимча маҳсулотлар ёки хизматлар остида фойдаланилмаган қиймат ётганини хисобга олиш жуда муҳимдир. Сиз мижозларингзининг маҳсулот ёки хизматларни айнан кайси омиллар сабаб танлагани ҳамда унинг замирида нималар яширганини ҳис кила билишингиз керак. Бунинг учун маҳсулотингизни ишлатишдан олдин ишлатиш жараёнида ва ундан кейин нималар содир бўлиши ҳақида кўпроқ ўйлаш талаб қилинади. Чунончи, кишилар олдида кинотеатрга боришдан аввал болаларга караб турувчи энага (агар ёш болалари бўлса) ва ўз автомобилида борадиган бўлишса, уни қўйиш жойини аниглаш зарурати туғилади. Тизимли ва амалий-дастурий таъминот учун компьютер компонентлари ёки сайёхлик саноатида эса авиакомпания учун парвоздан кейин ер усти транспортининг талаб қилиниши соҳалар учун қўшимча хизматларнинг ўрни катта эканлигини кўрсатиб беради.

Яқинда “New Flyer” корпорацияси томонидан сотиб олинган Венгрияning автобус ишлаб чиқаришга ихтисослашган “NABI” компанияси тилга олаётганимиз – тўртинчи йўл орқали АҚШнинг транзит автобуслари саноатига кириб келди. Даромад айланмаси бир миллиард долларга баҳоланаётган ушбу компаниянинг асосий харидорлари жамоат транспорти хизматлари (public transport properties, PTPs) ҳамда шаҳарлараро белгиланган йўнилишларда автобус хизматини таъминлайдиган муниципал транспорт компаниялари хисобланади. Маълумки, компаниялар мазкур соҳа ракобатида ютиб чиқиши учун мижозларга автобуслар хизматини арzon нархларда таклиф қилишади. Транспорт воситаларининг дизайнлари эскиргани, хизматларнинг сифати пастлиги, рейсларнинг кечикиши, шунинг-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

дек, ишлаб чиқарувчиларнинг соҳа ривожига бўлган эътиборсизликлари туфайли нархлар бир текис бўлмаган. Аммо бундай камчиликлар “NABI” учун аҳамиятсиз эди.

Ҳар бир автобус ўртача 12 йил хизмат қилишига қарамай ишлаб чиқарувчилар нима учун факатгина автобуснинг сотувдаги нархларига кизикишди?

Айтиш керакки, “NABI” соҳадаги ракобатчилари эътибори бермаган жиҳатларни излади.

Мазкур компания автобусларнинг 12 йиллик хизмати даврида уларнинг техник созлигини таъминлаш учун қилинган харажатларнинг автобус нархидан анча қимматга тушганини аниклади. Йўлтранспорт ходисаларидан кейин техникани қайта таъмирлаш, ёнилғи, эҳтиёт қисмларни алмаштириш, кузовнинг коррозия, яъни чиришига қарши ишлов бериш ва бошқа хизматлар учун катта харажат талаб қилинган. Қолаверса, атроф-мухитга зарап етказмаслиги учун кўшимча қисмларнинг ўрнатилиши чиқимларни сезиларли даражада оширган. Транспорт компаниялари юкорида айтилган харажатлар автобуснинг бошлангич баҳосидан ошганига қарамай, соҳага кўшимча хизматларни тақдим этиш ва бу оркали сарф-харажатларни камайтириш мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўришмади.

“NABI” транспорт саноати маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ракобатдаги компаниялар сингари энг паст нархларда сотиш билангина муваффакиятга эришиб бўлмаслигини тушуниб етди. Кўшимча хизматларни жалб қилиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда олдингиларидан фарқ қиласидан янги кўринишдаги автобусни ишлаб чиқди. Биламизки, илгари автобуслар пўлатдан ясалгани боис бузилган ва баҳтсиз ходисалардан кейин уларни таъмирлаш қийин кечарди. “NABI” янги автобусларнинг корпус қисми учун шишапластик материалдан фойдаланди ва бу билан гўёки бешта қуённи битта ўқ билан ўлдиргандек бўлди. Шишапластикли жисмлар емирилишга мойил

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

бўлмагани учун профилактика харажатларини сезиларли даражада камайтиради. Уларни таъмирлаш ҳам кўп вакт талаб этмайди. Бузилган ёки шикастланган қисмлар шунчаки кесилиб уларнинг ўрнига янги шишапластик бўлак ёпиширилиши таъмирлашнинг осон ва анча арzon бўлишини таъминлади. Материалнинг енгиллиги (пўлатдан 30-35 % енгилрок) ёкилғи сарфини ва заарли моддаларнинг чикишини анча камайтиради. Бу атроф-муҳитга етадиган заарнинг пасайишига олиб келди. Бундай автобуслар қувватли двигателлар билан жиҳозлаганлиги туфайли улардаги айланиш ўки сони камайди, натижада ишлаб чиқариш харажатлари янада пасайди, автобус ичидаги кўшимча ўриндиклар учун жойлар хосил бўлди.

“NAVГ” ўюйлар билан саноатнинг ўртача даражасидан тубдан фарқ қиласидан киймат эгри чизигини яратди. З.З. расмда енгил шишапластикдан ясалган автобусларни йигишда коррозияга қарши ишлов бериш, техник хизмат кўрсатиш ва ёнилғи сарфини камайтириш билан бөглиқ харажатларнинг қандай камайтирилганини кўришингиз мумкин. Натижада, “NAVГ” автобусларининг нархи саноатдаги ўртача нархдан юкори бўлишига қарамай уларга сарфланажак техник харажатлар камайди. Атмосферага заарли чиқин-диларнинг чикиши озайганлиги туфайли автобусларнинг экологик тозалиги саноат стандарти чегарасидан юкорилади. Бундан ташқари мазкур автобусларнинг юкори нархларда сотилиши уларнинг замонавий, чиройли дизайн қиёфасига эга бўлиши, йўловчилар учун турлича кулийликлар, кўшимча ўриндикларни ўрнатишга имкон берди. Натижада автобус транспортига талаб кескин ўси ва шунга яраша саноат даромадлари ҳам ошиб борди.


Эътироф этиш керакки, “NAVГ” компанияси автотранспорт, хусусан, автобуслар ишлаб чиқариш саноатига янгича карашларни олиб кирди. Янги автобуслар ва хизматлар мижозларга маъқул келди ҳамда йўловчилар оқими 30 % га ошди⁶.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

3.3. расм. АҚШ жамоат транспорти соҳаси учун стратегик асоси,
Circa

Юқори



Ушбу мавзуга алоқадорлиги юзасидан Англиядаги электр чойнак ишлаб чиқариш саноатини кўриб чиқайлик. “Philips Electronics” ушбу соҳада мовий уммонни яратгунинг қадар гарчи Британия маданиятида муҳим рол ўйнаса-да, чойнакни ишлаб чиқариш анча суст ва даромад ҳам шунга яраша эди. Мазкур компания британиялеклар учун чой дамлашнинг эътиборли ва муаммоли жиҳати чойнак эмас, балки унда қайнатилиши керак бўлган сув эканини ва бу ўз навбатида қўшимча маҳсулот бўла олишини англаб етди. Муаммо сув таркибидаги оҳактошда бўлиб, сув қайнаганида чойнакнинг ички сиртига йиғилиб қолган оҳактош кейинги сафар янги дамланган чойга қўшилиб коларди. Шунинг учун ҳам инглизлар чой

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

ичишдан олдин одатдагидек майда оҳак бўлакларини олиб ташлашга мажбур бўлардилар. Албатта, бу муаммо чойнак ишлаб чиқариш саноатига эмас, балки шаҳар сув таъминотига тегишли эди.

“Philips Electronics” гарчи ушбу муааммо ўзига боғлиқ бўлмаса-да, уни бартараф этиш йўлларини излади. Изланишлар натижасида філтрли чойнак ишлаб чиқилди. Чойнакнинг тумшуғида ўрнатилган філтр оҳак кисмларини ушлаб қоларди. Бу янгилик соҳанинг ўсишини тезлаштириди. Ахоли бундай чойнакларни илиқ кутиб олди.

Шундай йўлдан юриб мовий уммонни яратишга интилаётган компаниялар ҳакида кўплаб мисоллар мавжуд. Масалан, “Dyson” компаниясини олайлик. У доимий равишда чанг копларини сотиб олиш ва алмаштиришни тајаб қилмайдиган янги чангютгични яратди. Компания Америка бозорига 2002-йилда кириб борди. Ўша пайтларда АҚШ чангютгичлар бозори тахминан тўрт миллиард долларга баҳоланган эди. “Hoover”, “Electrolux”, “Oreck” кабилар бозорнинг етакчилари эди. Уларнинг маҳсулотлари бир мунча солда, ишлатилишида фойдаланувчилар учун нокулайликлар йўқ эмас эди. Харидорни чанг копларини сотиб олиш, уларни алмаштириш учун ортиқча харажат ва куч сарфлаш заруриятидан халос қилган “Dyson” ракибларини дарҳол ортда коллирди ҳамда соҳадаги ўз бозорини кенгайтириди. Колаверса, маҳсулотларини бошқа ишлаб чиқарувчи-ларнинг ўртача нархларига нисбатан уч баравар юкори нархда сотиш имкониятига эга бўлди.

Яратган маҳсулотингиз ёки кўрсатажак хизматингиз қайси жабҳаларда ишлатилади?

Маҳсулотингизни ишлатишдан олдин, ишлатиш жараёнида ва ундан кейин сиз кутмаган нималар юз бериши мумкин?

Соҳангиздаги оғрикли нуқталарни аниклай оласизми?

Буларни бартарф этиши учун қандай кўшимча маҳсулотлар ёки хизматларни таклиф кила оласиз?

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

Бешинчи йўналиши. Харидорлар учун маҳсулотнинг фойдалилигини ва жозибадорлигини таҳтил қилиш

Айни бир соҳада рақобатлашаётган компаниялар маҳсулот ва хизматларни таклиф қилишнигина эмас, балки харидорлар учун товарларнинг жозибадор бўлган иккита варианти борлигини ҳам хисобга олишлари керак. Баъзи соҳаларда рақобат, асосан, маҳсулотнинг нарх ва хусусиятларида кечади. Бунда маҳсулотнинг фойдали томонларига таянилади ва бунга унинг (яъни маҳсулотнинг) функционал жозибаси дейилади. Айрим соҳаларда эса рақобат мижозларнинг туйғуларига асосланган бўлади ҳамда бунда хиссий жозибадорлик кўзга кўринади.

Аммо аксарият маҳсулотлар ёки хизматларнинг жозибадорлиги камдан кам ҳоллардагина факат ё функционал, ёки хиссий бўлади. Бунга компанияларнинг ўтмишда истеъмолчилар онги остидаги тахминларини шакллантириши ва шундан келиб чиқсан рақобатлашиш натижаси сабаб бўлади, дейиш мумкин. Айтиш керакки, вакт ўтиши билан тармоқларнинг функционал ёки хиссий жозибадорликка йўналиши кучаймоқда. Ажабланарлиси шундаки, бозорни ўрганиш орқали харидорларни жалб қилиши мумкин бўлган янги тенденцияларни ҳамма вакт ҳам яратиб бўлмайди. Саноат тармоқлари эгалари аллақачон истеъмолчиларининг нимани кутишлари мумкинлигини ўрганиб олишган.

Агар компания ушбу соҳада мавжуд бўлган функционал-эмоционал йўналишни ўзгаририш истагида бўлса, кўпинча янги бозор майдонини топишга интилади.

Хиссий жозибадорликка йўналтирилган тармоқлар ўз маҳсулотларига турли хил варианtlарни таклиф килмоқдалар. Бунинг натижасида нарх кўтарилади, аммо товарларнинг функционал сифати яхшиланмайди. Агар сиз ушбу варианtlарнинг камчиликларини

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

аниқлаб, уларни бартараф этсангиз, истеъмолчиларга маъқул бўладиган анча кулай, арzonрок бизнес моделига эга бўла оласиз. Функционал жозибадорликка йўналтирилган тармоклар кўпинча маҳсулотларига янги ҳаётни бағишлашлари мумкин, бу уларга хиссий жозиба кўшади ва шу билан янги талабни рағбатлантиради.

Келинг, юкорида айтилган фикрларнинг исботи ўлароқ икки компаниянинг ишларини эсга олиб ўтайлик. “Swatch” арzon соатларнинг функционал жозибасига турли модадаги расмларни киритиш оркали хиссий жозибага йўналтирилган компанияяга айланди. Бу йўлнинг акси ўлароқ “The Body Shop” косметика уйи хиссий жиҳатдан йўналтирилган косметика компаниясидан функционал бизнес услубига ўтказилган. “QB (Quick Beauty) House”ни хам ёдга олайлик. Ушбу компания Япония сартарошлиқ саноатида мовий уммонни яратди ва бутун Осиёни камраб олган холда тез суръатлар билан кенгайиб бормоқда. 1996-йилда Токиода кичик сартарошхона сифатида фаолиятини бошлаган холда 2003-йилга келиб икки юздан ортиқ масканларга эга бўлган. Компаниянинг сартарошхоналарига ташриф буюрувчилар сони 1996-йилда 57 минг киши атрофида бўлган эрса, 2002-йилда мижозлари сони 3,5 миллионга чиқди. Унинг хизмат кўрсатиш салонлари 2015-йилда Японияда 463 та, Гонконг, Сингапур ва Тайванда 79 тага етди.

Осиё сартарошхонасини хиссиётдан юкори функционал мусассасага айлантириш қарори “QB House”нинг мовий уммон стратегиясини яратишида асос бўлди.

Японияда соч олдириш учун кўпчилик бир соатга якин вақт сарфлайди. Хўш, бунинг боиси нима?

Сабаби оддий. Соч олиш хизмати гүёки бир маросимдек олиб борилади. Жараёнда мижозга сон-саноксиз иссиқ сочиклар берилади, унинг елкалари укаланади. Ҳатто биргаликда чой ва қахва ичилади. Сартарош соchlар ва тери учун маҳсус таомилларни кўл-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

лайди, мижоз соchlари маҳсус восита оркали қуритилади. Соч олишга аслида жараёнга сарфланган вақтнинг оз қисмигина кетади. Бундай ёндашув мижозларнинг потенциал навбатини яратар ҳамда хизмат нархининг ошишига олиб келарди.

“QB House” бу борада бошқача йўл тутди. Тадқиқотлар натижасида қўпчиликнинг, айниқса, зиёлилар, мартабали кишиларнинг соч турмаклашга кўп вакт сарфлашни истамасликлари маълум бўлди. Шунинг учун компания хизматнинг иссик сочик, елка масажи, чой ва қаҳва каби ҳиссий элементларидан воз кечди. Бундан ташқари, соchlарни парвариш қилиш бўйича маҳсус жараёнлар сонини сезиларли даражада камайтирди ва асосан оддий соч турмаклари хизмати билан чекланди. Шунингдек, бош ювиш ва қуритишнинг анъанавий усулидан, кўп вақтни талаб қиласидан амалиётидан воз кечди. Кесилган соч қисмларини маҳсус иситтгич билан бажариладиган “хаво билан ювиш” тизимини яратди. Яхши ва тез ишлаши ҳамда бош ювишни талаб қиласиги янги мосламанинг афзаллиги эди. Киритилган ўзгаришлар туфайли соч олиш жараёни ўн дақиқада амалга ошадиган бўлди. Бундан ташқари ҳар бир сартарошхонанинг ташкарисида бўш ўринларнинг мавжудлигини кўрсатувчи ёруғлик кўрсаткичлари тизими ўрнатилди. Бу олдингидек мижозларнинг навбатга ёзиши заруратини йўққа чикарди.


“QB House” соч олиш хизматининг нархини 3-5 минг иен (27-45 доллар) дан 1 минг иен (9 доллар) га туширишга муваффак бўлди. Шу билан бирга ҳар бир сартарошдан соатлик даромадни деярли 50 % га ошириб, ходимларга сарфланадиган харажатларни ва битта сартарош учун зарур бўладиган иш жойини камайтирди. Компания юқори даражадаги гигиена билан таъминлайдиган “бемаънисиз” (аслида қулай ва тезкор) сартарошлик хизматини яратди. Ҳар бир стул санитария мосламаси билан жихозланадиган ва ҳар бир мижозга бир марта ишлатиладиган сартарошхона тўплами: сочик, тарок ва бошқа

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

керакли нарсалар бериладиган бўлди. Мовий уммонни яратиш соҳаидаги компаниянинг ютуқларини баҳолаш учун 3.4. расмга каранг.

3.4. расм. "QB House"нинг стратегик асоси



"Семех" дунёдаги энг йирик цемент ишлаб чиқарувчи компаниялардан бири хисобланади. Бу компанияни ўз йўналишини ўзгартириш орқали мовий уммонни яратган бошқа компаниялар қаторига кўшиш мумкин. Факат бундаги ўзгариш функционал жозибадорликни хиссий томонга ўтиш билан боғликдир.

Мексикада ҳаваскор курувчилар учун чакана савдо орқали сотиладиган цемент умумий бозорнинг 85 фоизидан ортиғини ташкил этади⁷. Мамлакатда кам таъминланган оиласалар хам ўз ерларига эгалар. Бироқ мексикаликларнинг аксарият қисми муҳим қурилиш

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

материалы бўлган цементнинг нисбатан арzon нархда сотилганига карамай ўзлари учун янги бошпана қуришни хоҳлашмаган. Бу ерда кичикроқ ҳовли қуриш учун ўртача 4 йилдан 7 йилгача вакт кетган.

Хўш, бунга сабаб нима эди?

Кўпгина оиласарнинг тўплаган маблағлари қишлоқ тантаналари, quinceañera (қизининг ўн бешинчи туғилган кунини нишонлаш), черков маросими ва тўйларга сарфланган. Ушбу тадбирларда иштирок этиш жамиятдан ажралиб чиқишининг бир усули бўлиб, булардан четда колици эса кибр ва ҳурматсизликнинг намойиш этилиши деб тушунилган.

Мана шундай дунёкараш туфайли кам даромадли мексикаликларнинг кўпчилигига курилиш материалларини сотиб олиш учун маблағ этишмай қолаверган. Шунга карамай, ушбу мамлакатда цемент билан курилган уйлар инсонларнинг орзуидаги уй хисобланиб келинган.

“Семех” томонидан килинган пухта хисоб-китобларга кўра, агар бу яширин талаб ёки, дейлик, орзу амалга оширилса, цемент бозори йилига 500-600 миллион долларгача ўсади⁸.

Мазкур компания 1998-йилда цементнинг жозибадорлигини ўзгартириб, уни функционал маҳсулотдан орзудаги совғага айлантирган “Patrimonio Hoy” дастурини ишга тушириш оркали ушбу муаммонинг ечимини таклиф қилди.

Айтиш ўринлики, Мексикада ушбу дастурга ўхшаш "tanda" – танда анъанавий ижтимоий тежаш схемаси мавжуд эди. Бунда ўн киши (мисол сифатида) ўн ҳафта давомида хафтаснга 100 песодан хисса кўшадилар. Биринчи ҳафтада минг песо (93 доллар) микдоридаги улуси кимга тегишини аниқлаш учун куръя ташланади. Барча иштирокчилар факат бир мартадан минг песо олишар ҳамда катта харидни амалга ошириш имконига эга бўлади.

Анъанавий тандада улушкини олган оила пулларни тўй, му-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

З-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

хим байрам ёки диний тадбирга сарфларди. “Patrimonio Hoy” дастурида (ахолининг одати бўлган тандадан фарқли ўлароқ супертанда деб атай қолайлик) эса бундай тўпланган маблағни уй қуришни молиялаштиришга йўналтириш кўзда тутилган эди. Бу меҳмонлар томонидан келин ва қуёвга бериладиган тўй совгалари рўйхатини тузишга ўхшаб кетади. Аммо фарқи шундаки, “Семех” севги белгиси сифатида кумуш ошхона анжомларини эмас, балки цементни таклиф қиласидиган бўлди.

Компания томонидан ташкил этилган бундай дастур қурилиш материаллари клубига тахминан 70 киши аъзо бўлиб, етмиш хафта давомида умумий кассага ҳафтасига ўртacha 120 песо хисса қўшадиган бўлди. Супертанданинг ҳафталик ғолиби мукофотни песода эмас, балки бутун уйни қуриш учун етарли микдордаги қурилиш материалларида олади. “Семех” иштирокчиларга цементни уйга етказиб бериш, биноларни самарали қуриш бўйича ўкув курсларини ва қурилиш жараёнида зарур маълумотлар билан ёрдам кўрсатадиган техник маслаҳатчининг хизматларини таклиф этади. Натижада “Patrimonio Hoy” клубининг аъзолари бошқа мексикаликларга қараганда кисқа вакт ичida сезиларли даражада арzon уйлар барпо эта олдилар.

Рақобатчилари цементни хали ҳам қопларда сотаётган бир вактда “Семех” инновацион молиялаштириш ва қурилиш ноу-хаулатини ўз ичига олган бизнес моделидан фойдаланиб, ахолига ўзларининг орзусини -- янги уйлар лойиҳаларини сотишни бошлади. Шунингдек, ҳар бир қурилишнинг сўнгида кичик байрамларни уюштириш орқали одамлар кувончига қўша олди.

“Семех” компаниясининг яратган молиялаштириш ва техник хизмат кўрсатиш тизими йўлида янги уйларнинг қурилиши оқибатида цементга бўлган талаб кескин кўтарилиди. 2012-йилга келиб дастурдан жами 1,9 миллион киши, яъни 380 минг оила фойдаланди.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

Компания ўн беш йилдан күпроқ вакт ўтибдики, ҳамон ҳудудларда уй-жой билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериб келмоқда. “Patrimonio Hoy” дастури орқали сотилган цемент ҳажмини олдиндан билиш қобилияти компанияяга захира харажатларини кискартириш, ишлаб чиқаришнинг силлик айланиши ҳамда маҳсулотни кафолатли сотиш орқали харажатларни камайтиришга имкон берди. Бу эса капитал харажатларини камайтириди. Мухими шундаки, ижтимоий босим туфайли супертандада тизимида тўловларни амалга оширмаслик ҳолатлари жуда кам учрайди. Умуман олганда, “Cemex” арzon нархларда дифференциацияга эришиб, хиссий жихатдан жозибадор цемент саноатида мовий уммонни яратди. Бундан ташқари, компания ўз дастури учун кўплаб мукофотларга, шу жумладан, 2006-йилда “World Business Award” ва 2009-йилда “Habitat Award” мукофотига эга бўлди.

“Pfizer” компанияси ҳам худди шундай йўлдан юриб машхур виагра дорисини кашф қилди. Бунда эътибор оддий дорилар билан турли касалликларни даволашдан кўра хаёт сифатини яхшилашга каратилди. Шунга ўхшаш манзарани “Starbucks”да ҳам кўриш мумкин. Ушбу компания қаҳвани товар сифатида сотиш йўлини ўзгартириб истеъмолчиларга ушбу ичимликдан завқланадиган хиссий муҳит яратишга йўналтириди.

Суғурта, банк ва инвестиция компаниялари илгари ўз фаолиятларини брокер ва мижоз ўртасидаги хиссий боғликларга таянган ҳолда олиб боришган. Ҳозирда эса ушбу компаниялар услубларини ўзгартириш пайида, десак адашмаймиз. Масалан, Британиянинг “Direct Line Group” суғурта компанияси анъанавий брокерлар ёрдамидан воз кечди. Бунга компаниянинг эндиликда мижозларни хиссий қулайлик билан ўраб олиш шарт эмаслиги, улар суғурта пулини тезда тўлашлари ва бюрократиясиз амалга оширишлари мумкинлигини тасдиқловчи тўхтамга келганлиги сабаб бўлди.

Хозирда “Direct Line” воситачилар ва миңтақавий оғислар ўрнига ахборот технологияларидан фойдаланмоқда. Бунинг ёрдамида харжатларни камайтириш орқали даъволарни кўриб чиқиш жараёнини яхшилаш ва мижозлар учун сұғурта мукофотлари миқдорини камайтириш мумкин. “Direct Line” мовий уммон стратегиясини амалга оширганига йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтса ҳамки, компания ҳали ҳануз мижозларни кенг миқёсда жалб килиб келмоқда. Қолаверса, Буюк Британияда энг яхши, энг ишончли ва энг замонавий сұғурта бренді сифатида мукофотлар билан тақдирланмоқда.

АҚШда “The Vanguard Group” (индексланган маблағлар) ва “Charles Schwab” (брокерлик хизматлари) инвестиция саноатида худди “Direct Line” каби хиссиётларга асосланган, шахсийлаштирилган бизнесни юқори самарали, функционал ва арzon бизнесга айлантириш орқали ўзларининг мовий уммонини яратдилар.

Айтингчи, соҳангизда функционал ёки хиссий жозибадорлик рақобати кўзга ташланадими?

Агар рақобатингиз хиссий жозибадорлик асосида амалга ошаётган бўлса, уни функционал жозибадорликка айлантириш учун қандай элементлардан воз кечишингиз мумкин?

Агар функционаллик асосида рақобатлашсангиз, буни хиссий жозибадорликка айлантириш учун қандай элементларни кўша оласиз?

Олтинчи йўналиши. Келајсакка назар

Сир эмаски, бизнеснинг қайси тармоғи бўлмасин вақт ўтиши билан унга ташки тенденциялар таъсир кила бошлади. Булутли хизматларнинг оммавийлигини ёки глобал экологик харакатни ёдга олайлик. Агар ушбу ташки тенденцияларга тўғри баҳо бера олсангиз, мовий уммонни яратиш имкониятларини топа оласиз.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

Аксарият компанияларнинг ўз соҳаларига нисбатан ташки омиллар юзага келганида ёки жамиятдаги ўзгаришларга мослашиш жараёни секинлик билан қечади. Янги технологияларнинг пайдо бўлишини оласизми ёки қонунчиликдаги муҳим ўзгаришлар бўладими, иш юритувчилар бундай вазиятларда тенденциянинг динамикасини башорат қилишга кўпроқ эътибор беришади. Бунда янги технологияларни қайси йўналишларда ишлаб чиқиш кераклиги, уларнинг қандай кўлланилиши ва миқёси кенгайиб бориши тўғрисида ўзаро фикр алмашишади. Бу билан ўз харакатларини ўзлари кузатаётган тенденцияларнинг ривожланишига боғлик қилиб кўйишади.

Аммо мовий уммон стратегиясига оид ҳакиқий тушунчалар камдан кам ҳоллардагина тенденцияларни оддий башорат қилиш ортидан келиб чиқади. Негаки мовий уммон стратегияси ташки тенденцияларнинг мижозлар қиймати ва компаниянинг бизнес моделига қандай таъсир қилишини тўғри англаб етишга асосланганини хисобга олиш даркор. Албатта, менежерлар ўзларининг бизнесдаги келажакларини фаол равишда шакллантиришга ва мовий уммонлар яратишларини даъво қилишга ҳаклилар. Эҳтимол, бозорнинг эртанги кунини олдиндан кўра билиш юқорида айтиб ўтилган йўллардан бирини давом эттиришдан кўра қийинроқ, аммо бирлашган ва интизомли ёндашув қўлланилса, барча марраларни қўлга киритса бўлади. Бунда келажакни башорат қилишни назарда тутмаяпмиз, бунинг иложи ҳам йўқ. Аксинча, бугунги кунда кузатилиши мумкин бўлган ташки тенденциялар моҳиятига тўғри англаб етиш ҳакида гап кетмоқда.

Тенденция ва уларнинг ўзгаришини баҳолашда учта асосий принцип муҳим ахамиятга эга. Мовий уммон стратегиясининг асосини шакллантиришингизда ушбу тенденциялар бизнесингиз учун ҳал қилувчи, қайтарилмас ва аниқ йўлга эга бўлиши керак. Одатда ташки тенденцияларни технологияларнинг кескин ривожланиши,

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаш*

янги турмуш тарзининг пайдо бўлиши, конунчиликдаги ўзгаришлар ёки ижтимоий мухитнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳар кандай вақтда кузатиш мумкин. Аммо ўзгаришларнинг ҳаммаси ҳам бизнес фаолиятга таъсир этавермайди. Бундай тенденцияларни ўз вақтида аниклаб, эртанги куннинг қандай кечиши мумкинлиги борасида мантиқий хуносалар қилган ҳолда янги мовий уммонни яратишга дадил қадам қўйса бўлади.

90-йилларнинг охирида “Apple” дунёда мусикӣ файлларни ноконуний нусхалаш авж олганига эътибор қаратди. Ўша пайларда интернетда “Napster”, “Kazaa” ва “LimeWire” каби дастурлар ёрдамида мусикаларни конунга зид равишда тарқатувчи тармок пайдо бўлганди. 2003-йилга келиб ноқонуний ўйлар оркали тарқатилган мусикӣ файллар сони ойига икки миллиардан ошиб кетди. Овоз ёзувчи компанииялар CD дискларини ноконуний ишлаб чиқарувчилари билан курашаётган айни пайтда бундай юклаб олинган рақамли файллар оқими кенгайишда давом этди.

Бунинг бир қатор сабаблари ҳам йўқ эмас эди, албатта. Ҳар бир диск учун ўртача 19 доллар тўлашдан кўра мавжуд технология ёрдамида мусика файлларини харажатсиз юклаб олиш имконияти одамлар учун манфаатли экани рақамли мусиканинг тенденциясини белгилаб берди. Бунинг тасдиғи сифатида “Apple” томонидан ишлаб чиқарилган ва ҳар қандай жойда рақамли мусикани тинглаш имконини берувчи “MP3” плеерларининг савдоси муваффақиятли бўлганини алоҳида эътироф этиш керак. Компания ушбу барқарор тенденциядан фойда кўрди ҳамда 2003-йилда “iTunes” онлайн мусика дўконини яратди.

“Apple” ўша даврнинг йирик мусика компаниялари бўлмиш “BMC”, “EMI Group”, “Sony,” “Universal Music Group” ва “Warner Brothers Records”ларга ўзининг онлайн мусика дўконидаги қўшиқларни конуний равишда юклаб олиш учун кулай механизмни таклиф

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. *Bozor sarhadlarini янгилаши*

этади. “iTunes” мижозларга икки юз мингдан ортиқ қўшиқ ҳакидаги маълумотларни кидириш ва ўттиз сониялик парчаларни пул сарфла- масдан тинглаш ҳамда таёнланган қўшиқни 99 цент ёки бутун бир албомни 9,99 долларга сотиб олиш имконини яратди. Натижада бир ёки иккита қўшиқнигина сифтирадиган CD дискларига эҳтиёж уму- ман қолмади.

“iTunes” юқори сифатли ёзувларни тақдим этиш билан бир каторда мусика файлларини излаб топиш ва каталогларни кўриб чиқиши хизматини ҳам йўлга кўйди. Бу эса унинг соҳадаги рақобатчи- ларидан ўзиб кетишига сабаб бўлди.

Илгари интернетда мусикани ноқонуний юклаб олиш учун аввал қўшиқ, албом ёки қўшиқчининг номини излаб топиш талаб килинган. Агар бутун бир албом изланаётган бўлса, унда барча қў- шикларнинг номларини ва уларни ёзиб олиш тартибини билишингиз керак бўлган. Буларнинг барчасини битта манбадан юклаб олиш қийинчилик туғдирган. Кўпчилик жойни тежаш учун дискларни паст тезлиқда ёзишган ва шунинг учун овоз сифати ҳам паст бўлган*. Мавжуд ёзувларнинг аксарияти сифатсиз бўлганидан харидорлар- нинг танлови катта эмас эди.

“Apple”нинг соҳадаги ўзгаришлари самарали бўлди. Шу- нингдек, “iTunes” мусика мухаррирлари ўз мусикий дўконларида “Энг яхши метал”, “Севги хақида энг яхши қўшиқлар”, “Ишчилар- нинг севимли қўшиқлари”, “Машхурлар нимани тинглашади?”, “Billboard рейтинги ғолиблари” сингари тўпламларни тақдим этишлари мижозларнинг кўнглидан илик жой олди. Мазкур дастурда тақдим этилган қўшиклар AAC форматида кодлангани учун ҳам ундаги овоз сифати анча юқори эди.

“iTunes”га нафакат қўшиқ мухлислари, балки овоз ёзувчи бошқа компаниялар ва ҳатто қўшиқчиларнинг ўзлари ҳам харидор эди. “Apple” кўриб чиқилаётган йилларда овоз ёзувчи компаниялар-

нинг хавфсизлигини таъминлашга ҳам ҳаракат килди. Шу мақсадда ҳам рақамли мусиқадан фойдаланиш эркинлигига ўрганиб колган фойдаланувчиларга ноқулайлик туғдирмайдиган ҳамда муалифлик ҳуқуқини бузмайдиган усулни ишлаб чиқди. “iTunes” “Music Store” фойдаланувчиларига бир мусиқани “iPod” ва CD дискларда етти мартағача ёзиб олишга рухсат берди. Айни шу ҳолат рақамли мусика қарокчиларининг фаолиятига зарба бўлди, десак янглишмаймиз.

“iTunes” компанияси бугунги кунга келиб мижозларига 37 миллиондан ортиқ мусиқий ёзувлар, шунингдек, турли фильмлар, телекўрсатувлар, аудио китобларни тақдим этишга улгурди. Ушбу онлайн мусиқа дўконининг фойдаланувчилари ҳар дақиқада ўн беш минг қўшикни юклаб олишади. Ҳозирга қадар қўшиклар 25 миллиарддан ортиқ маротаба сотиб бўлинди.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, “iTunes” дунё рақамли аудио бозорининг 60 фоизига эгалик қилмоқда. “Apple” “iTunes” туфайли рақамли мусиқа оламида мовий уммонини очди ва ўн йилдан кўпроқ вақт давомида ушбу соҳада энг юқори мавқени эгаллаб турди. Шунингдек, ўзининг оммалашиб бораётган яна бир маҳсулоти “iPod” плеерининг жозибадорлигини оширди.

Яна бир қаҳрамонимиз “Cisco Systems” ҳам ривожланаётган тенденцияларнинг истиқболларини таҳлил қилиш орқали янги бозорни яратса олди. Ушбу компания ўз фаолиятини бошланиши аник ва қайтариб бўлмайдиган тенденцияни таҳлил қилиш билан бошлади. Аввало, юқори тезлиқда маълумотлар алмашинуви заруратиятини ўрганган “Cisco Systems” интернет фойдаланувчилари маълумотлар узатиш тезлигининг секинлашиши ва компьютер тармокларининг номувофиқлигидан азоб чекаётганини англади. Бошқа омиллар каторида интернет фойдаланувчиларининг сони ҳар юз кунда икки марта ошиб борганлиги ҳам ушбу соҳага бўлган талабнинг тез суръатлар билан ўсишига сабаб бўлди. Муаммоларнинг янада кучайиши

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

аниқ эди. Компания мана шуларни ҳисобга олган ҳолда роутерлар, калитлар ва бошқа тармоқ қурилмаларини ишлаб чикиш оркали мижозлар учун мисли қўрилмаган қийматни яратди. Харидорлар гурӯхига мукаммал уланган тармоқ мухитида тезкор маълумот алмашиш таклиф қилинди. “Cisco Systems”нинг мовий уммонни яратиш йўлидаги қарори қадриятларнинг инновация соҳаси билан бир қаторда технологиянинг ривожланиши билан ҳам боғлиқ эди.

Хуллас, бошқа кўпгина компаниялар ҳам олтинчи йўл, яъни эртанги кун истиқболлари тўғрисида мушоҳада килиб мовий уммонларини яратишга эришишди. Чунончи, “CNN” узлуксиз равишда ишлайдиган глобал янгиликлар тармоғини яратди.

Айнан қандай ташки тенденциялар сизнинг соҳангизга таъсир килиши мумкин?

Айтинг-чи, сиз учун қайси тенденциялар қайтарилемас ва аник йўналишга эга?

Тенденциялар сизнинг саноатингизга қандай таъсир қиласи ва улардан мижозларга мисли қўрилмаган қиймат яратиш учун фойдалана оласизми?

Янги бозор майдонини очиш

Рақобат доирасидан чиқиб бозорниг анъанавий чегараларини тиклаш ва мовий уммонларни яратиш учун анъанавий тартибларни бузган ҳолда стратегик қадамлар қандай кўйилиши кераклигини тушунишингиз муҳим аҳамиятга эгадир. Мовий уммонни кашф килиш ва яратиш жараёни ривожланаётган саноат тенденцияларини башорат килиш ёки кутиш билан юз беравермайди. Буни менежерларнинг онги ёки сезгиси орқали ҳосил қилинган янги бизнес гояларини киритиш жараёни билан тенгглаштириш хатодир. Аксинча, бунда менене-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-боб. Bozor sarhadlarini янгилаш

жерлар ўзларининг ғояларини бозор реализациясини янги усулда қайта куришнинг таркибий жараёнига жалб килиши мақсадга муво-фик бўлади. Мавжуд бозор элементларини қайта тиклаш, саноат ва бозор чегараларини четга суриш орыалин алвон уммондаги тенг рақобатдан халос бўлиш имкониятини қўлга киритадилар.

Олтита йўналишнинг истиқболлари 3.5. расмда кисқача ифодаланган.

Энди олтита йўлнинг истиқболларини хисобга олган ҳолда сизнинг стратегиянгизни режалаштириш жараёнига ўтишга тайёрмиз. Кейинчалик умумий суратга катта эътибор қаратиш ва мовий уммон стратегиянгизни шакллантиришда ғоялардан фойдаланиш учун ушбу жараённи кандай ўзгартиришингиз мумкинлигини кўриб чиқамиз.

3.5. расм. Тенг рақобатдан тортиб мовий уммон яратилишигача

Саноат	Тенг рақобат	Мовий уммоннинг яратилиши
Стратегик гурӯҳ	Худди шу соҳадаги рақибларга эътибор қаратиш	Муқобил соҳалар кўриб чиқилади
Истъемолчилар гурӯҳи	Стратегик гурӯҳ ичидаги рақобатбардошликка эътибор қаратиш	Соҳадаги мижозлар гурӯхларини қайта баҳолаш
Тақдим этилаётган маҳсулотлар ёки хизматларнинг кўлами	Мижозларга яхшироқ хизмат кўрсатишга эътибор қаратиш.	Қўшимча маҳсулотлар ва хизматларни кўриб чиқиш
Функционал ҳиссий йўналтириш	Ушбу соҳанинг функционал-эмоционал йўналиши сифатида нархлар сиёсатини яхшилашга эътибор қаратиш	Соҳанинг функционал ва ҳиссий йўналишини қайта кўриб чиқиш
Вақт	ташқи тенденциялар пайдо бўлганда уларга мослашишга эътибор қаратиш	Вақт ўтиши билан ташқи тенденцияларни шакллантиришда иштирок этиш

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

4-БОБ

РАҚАМЛАРГА ЭМАС, БАЛКИ УМУМИЙ КҮРИНИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ

Олдинги бобларда мовий уммонларнинг қандай яратилган-лигини хақида фикр юритдик. Энди стратегик режалаштириш жар-аёнида эътиборни бутун суратга қаратилишини таъминлаш вазифаси ҳакида гаплашамиз. Умуман олганда, ушбу вазифанинг моҳиятини англай олсангиз, компаниянгизнинг стратегик режасини тузиш ғоя-ларини амалда қўллаш ва мовий уммон стратегиясига эга бўлиши-нгиз имкони туғилади. Аммо бу вазифани амалга ошириш осон иш эмас. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, аксарият компаниялар-нинг стратегик режалаштириш жараёни уларни алвон уммонлар билан боғлади, бу эса анъанавий тарзда мавжуд бозор майдонида ракобатлашишга олиб келади.

Оддий стратегик режани тасаввур қилинг. Бу аниқ бир со-хада мавжуд бўлган шароитларни ва компаниянинг ракобатчиларга нисбатан позициясини батафсил тавсифлаш билан бошланади. Ке-йин бозор улушингизни қандай ошириш, янги сегментларни олиш ёки харажатларни камайтириш ҳакида мунозаралар бўлади. Бундан сўнг сон-саноқсиз мақсадлар ва ташабbusларнинг эскизлари келти-рилади. Деярли хар доим режага бутун бюджет, шунингдек, графи-каларнинг тўлиқ кисми ва чексиз жадваллар бириктирилади. Жара-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

ённинг энг юкори нуктаси, одатда, катта хужжатни тайёрлаш бўлиб колади.

Юкоридаги тасаввур компаниянинг турли бўлимларидан қарама-қарши вазифаларни бажарадиган ва бир-бири билан салбий муносабатда бўлган ходимлардан олинган маълумотлар аралашмасидир. Ушбу жараён давомида стратегик фикрлашга ажратилган вақтнинг аксарият қисми мавжуд чегараларни четлаб ўтиш ва ракобатчилардан қандай узоклашиш мумкинлиги ҳакида аниқ тасаввурга эга бўлишга эмас, балки менежерларнинг рақамларни кўриб чикиш ҳамда уни бошқариши учун сарфланади. Агар компаниядан таклиф қилинган стратегияни бир нечта слайдлар ёрдамида тасвирилашни сўрасангиз, тақдимотларнинг ҳаммаси ҳам аниқ ва жозибали кўришига эга бўлавермайди.

Стратегик режаларнинг ҳаммаси ҳам бирдек омадли чиқавермаслиги, улардан доимий равишда мовий уммонлар яратиб бўлмаслиги бор гап. Бундай ҳолатлар раҳбарлик ишларида камчиликлар борлигини қўрсатиб бериши мумкин. Компаниянинг кўйи поғоналаридаги ходимларнинг кўпчилиги, одатда, стратегия ҳакида аниқ билимларга эга бўлишмайди. Ривожланиши суст компаниялар хаётига эътибор берсак, улардаги бизнес режаларнинг аксарияти стратегияни ўз ичига умуман олмайди. Аксинча, бундай режалар турли хил манбалардан олинган ҳар хил ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, компаниянинг ривожига имкон берадиган аниқ йўналишга эга эмас. Ракобатдан халос бўлиш ҳакида-ку гап ҳам кетмайди.

Кўйидаги кўринини компаниюнгизнинг стратегик режаларни эслатадими?

Бир сўз билан айтганда, биз мовий уммон стратегиясининг иккинчи тамойили – рақамларга эмас, балки умумий кўринишига эътибор қаратиш ҳакида фикр юритамиз. Ушбу тамойил режалаштириш билан боғлиқ ҳавф (яъни унда йўл кўйилиши мумкин ҳатолар,

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий кўринишга эътибор қаратиши

камчиликлар)ни камайтириш учун жуда мухимdir. Стратегик режаларни ишлаб чикишга кўп куч ва вакт сарфласангиз-да, унга фақат алвон уммон учун мос тактик қадамларнигина киритишингиз мумкин. Бу ўринда оддий ҳужжатлар тайёрлашни эмас, балки стратегик режа тузиш қоидаси асосида мавжуд стратегик режалаштириш жараёнига муқобил ёндашувни ишлаб чиқмоқдамиз¹. Ушбу ёндашув компанияяга мовий уммонларни яратишда ёрдам бериши мумкин бўлган ходимларнинг ижодий имкониятларини очиб берадиган стратегиялариdir.

Умумий кўринишга эътибор қаратиши

Биз тадқиқот ва консалтинг фаолияти давомида стратегик асосни яратиш нафакат компаниянинг бозордаги стратегик мавкейини визуал равишда намойиш этиш, балки унинг келажакдаги стратегиясини ишлаб чикишига ҳам имкон беришини аниқладик. Стратегик асос атрофида стратегик режалаштириш жараёнини ташкил килган холда компания ва унинг менежерлари бутун суратга эътиборни қаратадилар. Бунда рақамлар ва атамалар денгизига тушиб қолмайдилар ҳамда тафсилотларни мухокама қилишда янглишмайдилар².

Олдинги бобларда стратегик асос яратиш учта мақсадга эгалиги ҳақида гаплашгандик. Ушбу мақсадлар, биринчидан, асосий ижрочиларнинг ракобатига таъсир этувчи хозирги (ва келажакдаги) омилларни батафсил рўйхатлаб соҳанинг стратегик профилини акс эттириш лозимлигини кўрсатади. Иккинчидан, хозирги ва потенциал ракобатчиларнинг стратегик ҳолатини кўрсатиш, уларнинг стратегияларига мувоғик инвестиция киритадиган омилларни аниқлаш даркорлигини уқтиради. Учинчидан, компаниянинг ўзи стратегик профилнинг график тасвирини ёки маълум ракобатдош омилларга инвестициялар йўналиши ва келажакда инвестиция қилишнинг мум-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий кўринишига эътибор қаратиш

кин бўлган варианtlари (киммат эгри чизиги)ни акс эттиради. Мовий уммонни яратиш учун стратегик профил кўшимча учта функция: диккат марказида бўлиш, ажралиб чикиш ва жозибали шиорларга эга бўлиши керак. Агар ушбу учта сифат компаниянинг стратегик профилида аниқ ифода этилмаган бўлса, унда унинг стратегияси чалкаш, тушунарсиз ва уни амалга ошириш кийин бўлади.

Ўзингизнинг стратегик асосингизни яратинг

Стратегик асосни тасвирлаш ҳам, ракобатнинг асосий омилларини аниклаш ҳам осон эмас. Сиз якуний рўйхат, одатда, дастлабки лойиҳадан жуда фарқ килишини хис кила олишингиз керак. Сиз ва сизнинг рақибларингиз томонидан тақдим этилаётган ракобат омиллари кай даражада ўзгаришини тушуниш осон иш эмас. Менсажерларнинг кўпчилиги ўзлари ва ракобатчиларининг жавобгарлик доирасидаги бир ёки икки ўлчовдаги нарсалари ҳакида аниқ тасаввурга эга бўлиши мумкин, аммо ҳар бир менсажер ўз соҳасининг умумий динамикасини кўролмайди. Масалан, авиакомпания ресторанинг мижозларига хизмат кўрсатувчи менсажери ўз компаниясининг ҳам, ракобатдош компанияларнинг ҳам мижозларга кандай газаклар ва ичимликлар беришига алоҳида эътибор беради. Бирок бундай ургу бутун суратга баҳо беришни кийинлаштиради. Негаки ресторон хизмати менсажери сифатида унга муҳим бўлган жиҳатлар мижозлар учун бир хил даражада аҳамиятли бўлмаслиги мумкин. Айрим менсажерлар ракобат омилларини компания ичидаги имтиёзларга асослаб аниқлайдилар. Масалан, компаниянинг ахборот технологиялари бўйича вице-президенти тизимнинг маълумотларни интелектуал кидириш имкониятларига алоҳида эътибор бериши мумкин. Аммо буни тизимнинг тезлиги ва фойдаланиш қулайлигидан манфаатдор бўлган мижозлар сезмайдилар.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишга эътибор қаратиши

Биз сүнгти йигирма йил мобайнида компаниянинг стратегиясими мовий уммон томон йўналтирадиган стратегик асосни тасвирлаш ва муҳокама килишга мўлжалланган жараённи ишлаб чиқдик. Рақобатдан қочишига асосланган стратегияни шакллантириш учун ушбу жараённи қўллаган компаниялардан бири молиявий маслаҳат гурухи эди. Мазкур жамоани “European Financial Services” (“EFS”) деб номладик. Алоҳида мақтov билан айтиш керакки, у яратган стратегия биринчи йилдаёқ қўшимча 30% даромад келтирди.

Мовий уммонни яратишида олтига ёндашувга асосланган ва иштирокчиларнинг ижодий потенциалини очиш учун визуал стимуляциядан кенг фойдаланишини ўз ичига олган жараён тўртта асосий босқичдан иборатdir (4.1.расм).

4.1. расм. Стратегияни визуаллаштиришнинг тўрт босқичи

1. Визуал уйғониш	2. Визуал тадқиқотлар	3. Визуал стратегиялар кўргазмаси	4. Визуал алоқа
Ўз бизнесингизни рақобатчиларнинг бизнеси билан таққосланг. Бунинг учун стратегик режани чинакамига тасаввур қилинг.	Мовий уммонларни яратишнинг олтига йўналишини ўрганиш учун “майдонга” боринг	Мисоллар асосида компаниянинг “зарур” стратегик режасини тузинг	Ўзингизнинг стратегик профилингизнинг “олдин” ва “кеин” босиб чиқарилган расмини уларни таққослаш учун тарқатинг
Стратегиянгизда нимани ўзгаришиш кераклигини ко'риб чиқинг.	Муқобил маҳсулотлар ва хизматларнинг аниқ афзаликларини таъкидланг.	Стратегик асоснинг муқобиллари ҳақида мижозларингиз, рақобатчиларнинг истеъмолчиларингиздан фикр-мулоҳазаларни олинг	Компаниянгизга янги стратегияни янгилаш учун етишмаётгандарнинг ўрнини тұлдиришига имкон берадиган лойихалар ва босқичларни фақат кўллаб-қувватланг
Қандай омилларни бекор қилиш, яратиш ёки ўзгаришиш кераклигини ко'риб чиқинг.	Фикр-мулоҳазадан келажак учун энг мақбул “зарур” стратегияни яратиш учун фойдаланинг		

Биринчи қадам. Визуал уйғониши

Ҳозирги вазият тўғрисидаги фикрларнинг фарқли жиҳатларини аниқламай туриб, стратегиядаги ўзгаришларни муҳокама қилиш энг кўп тарқалган хатолардан биридир. Раҳбарларнинг кўпгина ҳолларда ўзгаришларни унча хоҳламасликлари, аксинча, мавжуд вазиятни (статус-квони¹) саклашга жиддий уринишлари ёки вакт фақат бир марта килинган танловнинг тўғрилигини кўрсатади кабилидаги фикр юритишлари ҳам одатий муаммолар сирасига киради. Раҳбарлардан уларни мовий уммонларни қидиришга ва ўзгариш йўлини излашга нима ундангани сўралса, одатда, ўзларидан юкори турувчи ўта қатъий таалбачан раҳбарият ёки жиддий инқироз деган жавоб олишимиз мумкин.

“European Financial Services” раҳбари илтимосимизга биноан ўз компанияси стратегиясининг қиймат эгри чизигини тасвиirlаб бериш жараённада ўзгаришлар вакти келганини англаб етди. Бундай жараёнлар бошқа йирик стратегик компанияларга ҳам мавжуд стратегияларни ўзгаришиш кераклигини кўрсатиб бермоқда. Худди шундай ўзгариш камчилик ва хатоларга бой стратегия сабаб узок вакт давомида ривожланишдан четда колиб келган “EFS” билан содир бўлди. Бироқ бунинг оқибатида компанияяда жиддий келишмовчилик ҳам юзага келди. Компания минтакавий филиалларининг юкори раҳбарияти ушбу ўзгаришлардан хурсанд бўлишмади. Қарама-каршилик туфайли “EFS”нинг стратегияни ўзгаришиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши тобора кийинлашиб борди. Аммо

¹ Статус-кво (латинча: status quo ante bellum – “урушгача бўлган ҳолат” жумласининг кискартмаси) – олдинги ҳолатига кайтиш. Статус-кво иқтисодий психологияда ўзгаришларга карши туриши тенденцияси бўлиб, ўзгаришлар натижасида келадиган хатарлар фойдалардан кўра муҳим эканлигини билдиради.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиши

шундай бўлишига карамай, компания янги стратегияни режалаштиришни бошлашдан олдин өзият хакида умумий тушунчага келиши шарт эди.

“EFS”даги стратегик жараён Европа, Шимолий Америка, Осиё ва Австралияда жойлашган шўба корхоналарининг йигирмадан ортик юқори лавозимли раҳбарларини тўплашдан бошланди. Раҳбарлар икки жамоага бўлинишди. Валюта айирбошли операцияларида “EFS”нинг хозирги стратегик ҳолатини акс эттирадиган киймат эгри чизифини ишлаб чикиш ва натижани ракобатчиларнинг киймат эгри чизифи билан тақкослаш жамоаларнинг умумий мақсади эди. Жамоалардан бирига фақат “EFS”да пайдо бўлган онлайн валюта айирбошли бизнеси учун юкоридаги вазифани тақрорлаш юклатилди. Бу учун тўқсон дакиқа вакт ажратилди, чунки агар “EFS” бу борада аниқ стратегияяга эга бўлса, уни ифодалаб бериш кийин бўлмаслиги маълум эди.

Вазифа осон эмас, иккала жамоа ҳам ракобат омиллари, уларнинг “EFS” учун қандай аҳамиятга эгалиги тўғрисида кескин баҳслашдилар. Баҳс натижасида турли миңтақалар ва ҳаттоқи истеъмолчиларнинг ҳар хил сегментларга мансублиги эътиборидан тақлиф этилган фикрлар ҳам турлича бўлди. Масалан, компаниянинг Европа бўлимлари ходимлари анъанавий фаолиятларининг бир қисми сифатида “EFS” мижозларнинг хавфли сезгирилигини хисобга олиб таваккалчиликларни бошкариш бўйича маслаҳатлар билан шуғулланишлари керак, деб таъкидладилар. Америкалик ходимлар, аксинча, бундай фаолият улар учун фойдасиз деб хисоблашди. Улар тезкорлик ва хизматлардан фойдаланиш қулиялиги муҳимлигини илгари сурдилар. Колган иштирокчилар ҳам ўзларининг фикрларига эга эдилар, аммо улар ҳамкаслари томонидан қўллаб-куватланмади. Жамоа аъзоларидан бири мижозларни уларнинг операцияларини дархол тасдиқлаш ваъдаси билан жалб қилиш мумкинлигини айтиб

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ


4-боб. Рақамларга эмас, умумий қўринишига эътибор қаратиш

ўтди, аммо хеч ким бу хизматни фойдали деб маъкулламади. Энг қизиги, соҳада фаолият юритадиган компанияларнинг хеч бири бундай хизматни таклиф қилмаганди.

Жамоалар кийинчиликларга қарамай барибир вазифаларни бажардилар ва умумий йиғилишида барча қиймат эгри чизикларини иштирокчиларга намойиш этдилар. Натижалар 4.2 ва 4.3. расмда кўрсатилган.

4.2. расм. Корпоратив валюта алмаштириш стратегик режаси, оффлайн

Юқори



Расмларда компания стратегиясидаги нуқсонлар кўрсатилган. “EFS”нинг анъанавий ва онлайн операциялари билан боғлиқ эгри қийматларга эътибор бермаслиги ойдинлашди. Негаки компа-


ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

ния иккала бизнесда ҳам қўп сонли ва хилма-хил омилларга сармоя киритган, шунингдек, “EFS”нинг иккала эгри чизиклари ҳам рақобатчиларнига жуда ўхшаш эди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, хеч бир жамоада қиймат эгри чизигига мос шиорни таклиф қилиш имконияти бўлмаган.

4.3. расм. Корпоратив валюта алмаштириш стратегик режаси, онлайн

Юқори



Расмлар мавжуд қарама-қаршиликларни аник кўрсатди. Масалан, онлайн бизнес билан шуғулланадиганлар фойдаланувчиларга куляй веб-сайтни яратишга катта маблағ сарфлашиди ва бунинг ортидан маълум ютуққа эришишди ҳам. Аммо улар шу ўринда сахифа юклаш тезлиги ҳақида ўйлаб кўришмаган эди. “EFS” сайти ушбу соҳада иш олиб борадиган компаниялар сайтлари орасида энг сустла-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

ридан бири эди. Эҳтимол, айни шу ҳолат веб-саҳифа мижозларни жуда кам жалб қилғанлиги ва сотувга оид мурожаатларини ўзгартирганында сабаб бўлгандир.

“EFS” стратегиясини рақобатчилариники билан солишира-диган бўлсак, улар орасидаги энг кучли ракиб санаған “Clearskies”-нинг ўз ишига максадли ёндашгани, ўзига хос ва осонлик билан шакллантирилган стратегияяга эга эканлигини кўрамиз. “Компьютер сичқончасининг тутмасини бир марта босиши билан валюта алмаштиринг” шиорини илгари сурган “Clearskies” тезда ривожланиб, алвон уммонни тарқ этди.

Компаниянинг аниқ камчиликлари хакида далилларга дуч келган “EFS” раҳбарлари энди ўзларининг кучсиз, нотўғри ва ёмон шаклланган стратегиясини химоя қила олмасдилар. Стратегик режани тузишга уриниш ҳатто рақамлар билан кўллаб-куватланган бўлса ҳам, бошқа оғзаки далилларга қараганда катта ўзгаришни талаб қилди. Шундан сўнг юқори раҳбарият компаниянинг хозирги стратегиясини қайта кўриб чиқиши билан жиддий шуғулланиш истагини оширди.

Иккинчи қадам. Визуал тадқиқот

Шуни унутмангки, “уйғониши” стратегияни яратиш жараёни-нинг биринчи боскичидир. Кейинги қадам сифатида жамоани “майдонга” киришга ва мижозлар билан ишлашга мажбурашингиз керак. Шунда менежерлар одамлар ўз маҳсулотлари ва хизматларидан қандай фойдаланиш ёки фойдаланмасликларини кузата олишади. Ушбу қадам амалиётда аниқ кўринади, аммо менежерлар жараён-нинг ушбу кисмини кўпинча бошқаларга ўтказишини аниқладик. Улар ўзгалар томонидан тайёрланган хисоботларга таянадилар.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

Компания ўз кўзининг аутсорсинг¹ билан шуғулланмаслиги керак. Ҳеч ким сизнинг ўрнингизда бирор бир нарсани ўз ихтиёри билан текшира олмайди. Буюк рассомлар ўзларининг расмларини одамларнинг сўзларидан ёки фотосуратларидан олиб чизишмайди, чунки натурани ўз кўзлари билан кўриш зарур, деб хисоблашади. Буюк стратеглар ҳакида ҳам худди шундай дея оламиз. “Bloomberg” асосчиси Майл Блумберг Нью-Йорк ҳокими бўлгунига кадар бизнес фаолиятида машҳурликка эришганди. У маълумотларнинг ҳакиқий кийматини тушунишлари учун фойдаланувчиларга ушбу ахборотларнинг онлайн тахлилларини етказиб бериш муҳим ўрин тутишини биларди. Айни шу масалада ўз карашлари тўғри эканлиги, ҳатто “Reuters” ёки “Dow Jones Telerate”ларнинг мижозлари ҳам онлайн тахлилларнинг моҳиятини аллақачон англаб етганлиги борасида катъий тўхтамга келиб бўлганди. “Bloomberg”дан олдин биржа савдогарлари коғоз, қалам ва чўнтақ калкулятори каби содда куроллар воситасида олди-сотди буюртмаларининг нархларини ёзиб кўйишар ва бозор акцияларини сотиб олиш ёки сотиш тўғрисида ўзлари хисоблаб карор кабул қилишарди. Фаолиятнинг бундай кўринишида кўп вакт ва катта маблағларнинг талаб қилиниши ҳамда ҳар доим хато килиш эҳтимоли борлигини сезиш кийин эмас.

Буюк стратегик фикр равшанлиги даҳоликдан эмас, балки ташки кузатувлар ва белгиланган ракобат доирасидан четга чикиш карорларининг натижасидир³. “Bloomberg”нинг соҳа йўналишини ўзгартириш ғояси, яъни асосий мижоз сифатида IT харидорларини бевосита фойдаланувчилар: биржа брокерлари ва мутахассисларига алмаштирганлиги ҳамда бунинг натижасида муваффақиятга эриш-

¹ Аутсорсинг (инглизча: “outsourcing” – ташки манбадан (ресурсдан) фойдаланиш) – шартнома асосида бирон бир ташкилот томонидан ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фаолиятининг айrim турлари ёки функциялари талаб килинадиган соҳада фаолият кўрсатадиган бошқа ташкилотга (компанияга) топнирилиши.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

ганлиги юқоридаги фикримиз исботидир. Айтиш керакки, стратегик фикрлаш қобилияти ушбу компанияга бошқалар кўрмаган нарсаларни кўришга имкон берди⁴.

Шубҳасиз, асосий эътибор мижозларга қаратилиши керак. Аммо мижоз бўлмаганлар ҳакида ўйлаш ҳам фойдадан холи бўлмайди⁵. Агар амалдаги мижоз маҳсулот фойдаланувчиси бўлмаса, “Bloomberg” сингари уларнинг доирасини ҳам кенгайтириш борасида фикрлаш керак бўлади. Сиз нафақат одамлар билан сухбатлашишингиз, балки уларни амалда кузатишингиз ҳам лозим. Мижозлар компаниянгиз ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар билан бир вактнинг ўзида яна қандай қўшимча маҳсулотлар ва хизматларга эҳтиёж сеziшини аниқлай олсангиз, ана шунда кўплаб янги имкониятларни кашф этишга эришасиз. Асосийси, мижозларнинг эҳтиёжини маҳсулотингиз ёки хизматингиздан ташқари яна қандай йўллар билан каноатлантириш мумкинлигини кўра билишингиз даркор. Масалан, куруқлик транспорти ҳаво транспортига муқобил хисобланади, шунинг учун сиз уларнинг афзаликлари ва хусусиятларини ҳам бирдек хисобга олишингиз керак.

“EFS” ўз ишчи раҳбарларини тўрт ҳафта муддат мобайнida мовий уммонни яратишининг олтига усулини ўрганиши учун иш бўйлимларига юборди⁶. Ушбу вакт давомида уларнинг ҳар бири корпоратив валюта алмаштириш билан шуғулланувчи ўз мижозларининг ҳам, ракобатдош ва муқобил компаниялар мижозларининг ҳам харакатларини кузатишиди, улар билан сухбатлашишиди. Улар, шунингдек, соҳанинг анъанавий чегараларидан чиқиб, корпоратив валюта хизматидан фойдаланмаган, аммо келажакда унга мурожаат қилишлари мумкин бўлган компаниялар, хусусан, бутун дунёда ишлайдиган “Amazon.com” каби интернет компанияларнинг фаолиятларига эътибор қаратдилар. Ишчи раҳбарлар корпоратив валюта алмаштириш хизматларининг охирги фойдаланувчилари хисоблан-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

миш компанияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва инвестиция бўлимлари билан ҳам сухбатлашдилар. Ўрганиш жараёнининг сўнггида мижозлар фойдаланадиган кўшимча маҳсулотлар ва хизматларни, хусусан, молиявий бошқарув ҳамда нархларни моделлаштириш кераклигини тахлил қилдилар.

Ушбу амалий тадқиқотлар натижаси ўлароқ стратегияни ишлаб чиқиши жараёнининг биринчи боскичида менежерлар томонидан чиқарилган кўплаб хуносалар бутунлай ўзгартирилди. Хуллас, натижалар шуни кўрсатдики, муваффақиятнинг асосий воситаси деб хисоблаган менежерлар компаниянинг кучсиз, химоясиз жихатига айланишди. Эндиликда мижозлар улар билан мулокот қилиш учун вакт сарфлашни хоҳламай кўйишганди.

Ажаблантирадиган томони шундаки, мижозлар учун энг муҳим омил битимни тезкор тасдиқлаш бўлиб чиқди ва бунинг аҳамиятини биринчи боскичда факат битта менежергина баҳолай олганди. “EFS” ишчи раҳбарлари мижозларнинг компания ишчилари пул ўтказмаларини тасдиқлаш ва уларнинг келиб тушишини текшириш учун телефон қўнғирокларига кўп вакт сарфлашларини аниглашди. Хусусан, иш юзасидан туғилган биргина саволга жавоб топиш учун ҳам бир нечта қўнғирокларни амалга оширишга тўғри келган.

Орадан бир оз вакт ўтгач, “EFS” менежерлар гурухлари яна компаниянинг филиал бўлимларига юборилди. Бу сафар уларга янги стратегияни таклиф килиш вазифаси кўйилди. Ҳар бир жамоадан З-бобда мухокама килинган олтита йўлдан фойдаланиб, олтита янги киймат эгри чизигини чизишлари талаб килинди. Ҳар бир янги киймат эгри чизиги компаниянинг бозорда ўз ўрнини топишига ёрдам берадиган стратегияни акс эттирмоғи лозим эди. Жамоаларга олтита вариантни тайёрлаш вазифаси юклangan бўлиб, менежерларни анъанавий фикрлашдан четга чикиши ва инновацион таклифларни яратишга ундей олишларига умид килдик.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

Жамоалар ҳар бир визуал стратегия учун стратегиянинг моҳиятини акс эттирувчи ва мижозларга тўғридан тўғри мурожаат киладиган жозибали шиор ёзиши керак эди. "Буни бизга колдиринг", "Буни оқилона бажарайлик" ва "Ишончли битимлар" варианatlари таклиф қилинди. Таъкидлаш лозимки, жамоалардаги ракобат руҳи жараённи кизикарли ва гайратли қилди ҳамда иштирокчиларни мовий уммон стратегиясини яратишга яқинлаштириди.

Учинчи қадам. *Стратегияларнинг визуал ярмаракаси*

Жамоалар икки хафтадан сўнг ниҳоят ўз хулосалари ва иш натижаларини биз стратегияларнинг визуал ярмаркаси деб номлаган тадбирда кўрсатиб бердилар. Тадбирда компаниянинг юкори лавозимли раҳбарлари билан бир каторда "EFS"нинг ҳам, рақобатдош компанияларнинг ҳам энг талабчан мижозлари иштирок этишди. Икки соат давом этган мазкур тадбирда жамоаларнинг ҳар бири олтигадан жами ўн иккита эгри чизикни намойиш этдилар. Эътиборлиси, бир эгри чизикни намойиш килиши учун ўн дақиқадан кўпроқ вақт ажратилмади, чунки бундан ортиқ вақт талаб этиладиган фикр жуда мураккаб бўлиб ундан фойда бўлмаслиги кўпчиликка маълум. Томошабинлар чизилган эгри чизиклар билан танишиши учун расмлар деворларга осиб кўйилди.

Ўн иккита стратегия тақдим этилганидан сўнг ҳакамлар, яъни тадбир томошабинларига бешта ёпишқоқ эслатма коғоз берилди. Агар томошабинга кайси стратегия жозибадор бўлиб туюлган бўлса, қўлидаги ушбу коғозларни стратегия сохибининг расми туширилган варажқа ёпиштириши мумкин эди. Бундай ҳакамликнинг шаффоғлиги ва натижани олишининг тезлиги иштирокчиларни стратегик режалаштириш жараёнининг ажралмас кисмига айланган ҳар

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

кандай сиёсий ўйинлардан кутқарди. Менежерлар ўзлари тузган эгри чизикларни тушунишлари учун, аввало, ўз ғояларини тақдим этиш кобилиятига ишонишлари керак эди. Улардан бири тақдимотни қуидаги оташқалб нутқ билан бошлади: “Бизнинг стратегиямиз шу қадар мохирки, сиз нафакат бизнинг мижозларимиз, балки муҳлисларимиз хам бўлиб коласиз!”

Ҳакамлар иштирокчиларни баҳолаб бўлишганидан сўнг улардан ўз қарорларини асослаб беришлари талааб қилинди. Бунда ҳакамлар бошқа киймаг эгри чизикларига нима учун овоз берманликларини тушунтиришлари сўралди. Бу ҳол стратегияни ишлаб чикиш жараёни учун фойдадали эди, албатта.

Ҳакамларга нималар манзур келгани ёки келмагани хақидаги маълумотлардан мижозлар мусобақада ҳал қилувчи омилларнинг камидан учдан бир қисмига деярли бефарқ эканликлари аникланди. Шунингдек, келтирилган факторларнинг яна учдан бир қисмий яхши ифодаланмаган ёки визуал уйғониш босқичида сезилмай қолганди. Натижада “EFS” менежментлари ўзларининг бир неча йиллик қарашларини кайта кўриб чикиш ва керак бўлса, уларни ўзгартириш зарурлигини хис килишди.

Тадбир иштирокчилари барча бозорларнинг мижозлари эҳтиёжларнинг асосий тўпламига эга бўлиши ва тегишли хизматларни олишларини таъкидлашган. Агар тақлиф этилаётган хизматлар доираси мижозларнинг талабларига жавоб берса, улар ҳамма нарсага ишонч билан карашга тайёр эдилар. Минтақавий тафовутлар факат асосий эҳтиёжларни кондириш билан боғлик муаммолар пайдо бўлганда муҳим аҳамият касб этади. Ушибу хулоса ҳар доим ўз минтақаларининг ўзига хослигини исботлаган кўплаб менежерлар учун янгилик бўлди.

Стратегиялар ярмаркасидан кейин жамоалар, нихоят, уларга берилган вазифани бажаришнинг улдасидан чиқа олдилар. Улар


ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

компаниянинг стратегик профилини олдиндан тайёрланган барча варианtlарига қараганда аникроқ кўрсатадиган қиймат эгри чизигини тасвирлашга муваффақ бўлишди. Ҳозирда “EFS”нинг онлайн ва анъанавий бизнеслари ўртасида фарқлар кўп ҳам кўзга ташланмайди. Аммо бундан ҳам муҳими шуки, менежерлар бошқалардан фарқ қиласидиган ва реал ҳаётга, лекин яширин бозор эҳтиёжларига жавоб берадиган келажак стратегиясини топдилар. 4.4 расмда “EFS”нинг ҳозирги ва келажакдаги стратегиялари ўртасидаги асосий фарқлар кўрсатилган.

4.4. расм. “EFS”нинг олдинги ва кейинги стратегияси

Юқори



Расмда кўриниб турибдики, “EFS” ўзининг келажакдаги стратегиясида муносабатларни бошкариш усулидан воз кечди ва шу

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күренишга эътибор қаратиши

вактдан бошлаб факат ААА синфидағи мижозлар билан ишлаган мутахассислар фаолиятига инвестицияларни камайтирди. Ушбу қадамлар “EFS” харажатларини сезиларли даражада камайтирди, чунки ҳисоб менежерлари ҳам, аккаунт менежерлари ҳам бизнеснинг энг қиммат таркибий қисмлари эди. “EFS”нинг бўлгуси стратегиясида фойдаланиш қулайлиги, хавфсизлик, аниклик ва тезлик алоҳида таъкидлаб ўтилган. Ушбу мақсадларга эришиш ҳамда мижозларга шахсий маълумотларини киритиб “EFS”га факс орқали маълумот юбормасликларини таъминлаш учун ҳам компаниянинг барча бўлимлари компьютерлаштирилиши керак эди, албатта.

4.5. расм. “EFS”да “Бекор қилиш – қисқартириш – ошириш – яратиш” панжараси

Бекор қилиш

Алоқаларни бошқариш

Ошириш

Фойдаланиш қулайлиги

Ишончлилик

Аниқлик

Тезлик

Бозор шарҳлари

Қисқартириш

Мижозларга хизмат кўрсатадиган

Яратиш

Тасдиқлаш

мутахассислар сони

Кузатиш

Корпоратив дилерлар сони

Шуниси аникки, ушбу ўзгартиришлар куннинг кўп қисмини коғозларда ишлаш ва хатоларни тузатиш учун сарфлашга мажбур бўлган корпоратив дилерларнинг вақтини тежаш учун ҳам ишлаб чиқилган. Энди улар муваффақиятнинг асосий омили бўлган бозордаги вазият тўғрисида тўлиқроқ маълумот беришлари мумкин. “EFS” барча мижозларига электрон транзакцияларни автоматик

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

элект-рон тасдикин жүннатишини мұлжаллаганди. Қолаверса, компания “FedEx” ва “UPS” компаниялари жүннатмаларининг йұналишини текширгани каби түловларни кузатиш хизматларини таклиф килмоқчи эди. Мухими шундаки, илгари валюта айирбошлаш билан шуғулланувчи бирор бир компания ўз мижозларига бундай хизматларни таклиф қылмаган.

4.5. расмда “EFS” томонидан амалга оширилган қиймат янгиликлари – мовий уммон стратегиясининг асосини яратиш бўйича барча тўртта харакатлар кўрсатилган.

Янги қиймат чизиги муваффақиятли стратегиянинг барча мезонларига жавоб берди. У аввалги стратегиядан кўра фойдали бўлди. Янги инвестициялар аввалгиларига қараганда анча кучли қўллабкуватланди. Бундан ташқари янги эгри чизик соҳадаги бошқа қиймат эгри чизигидан аниқ фарқ қиласа ва этиборни тортувчи шиорга эга эди. “EFS” онлайн ва анъанавий бизнесни битта жозибадор бозор таклифиға бирлаштирган холда ўз бизнес моделининг операцион мураккаблигини сезиларли даражада камайтириди ва буюртма бажарилишини анча осонлаштириди.

Тўртминчи қадам. Визуал алоқа

Келажакдаги стратегия ишлаб чиқилғандан сўнг ушбу стратегиянинг мохиятини компаниядаги барча ходимларга тушунарли бўлиши учун тушунтириш ишларини олиб бориш охирги қадам саналади. “EFS” эски ва янги стратегик профилнинг тасвирини тарқатди, бунда ҳар бир ходим компаниянинг ўша пайтдаги мавқейини ва жозибали келажакни куришга ўз кучини қандай йўналишига қаратиши кераклигини кўриши мумкин эди. Стратегияни ишлаб чиқишида катнашган юкори даражали раҳбарлар тасвирни шарҳлаш, мовий ум-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

монга чикиш учун қандай омилларни бекор қилиш, камайтириш, кўпайтириш ёки яратиш кераклигини тушунтириш учун қўл остидаги ходимлар билан учрашувлар ўтказиши. Ходимларни аник иш режаси шунчалик кизиқтирдики, ўзларининг иш жойларида стратегик профилларнинг расмини компаниянинг янги устуворликлари ва камчиликларини эслатиш учун осиб қўйиши.

Ишнинг бундай янги суръати “EFS”нинг инвестиция йўналишини танлашда бошланган нуқта эди. Яшил чироқ фақат компанияга эски қиймат эгри чизигидан иккинчисига ўтишга ёрдам берадиган ғоялар учун берилган. Масалан, миңтақавий идоралар ИТ бўлимидан сайтга ҳаволаларни қўшишни сўрашганида (ҳаволаларни қўшиш илгари ҳеч қандай мунозараларсиз бажарилган) ИТ бўлими улардан ушбу ҳаволалар “EFS”нинг янги профилига яқинлаштиришга қандай ёрдам бериши мумкинлиги хақида сўрайди. Миңтақавий идоралар бунга аник жавоб бера олишмади ва сайтдаги маълумотларни тақдим этишда соддалиги ва равшанлиги учун уларга рад жавоби берилди.

Корпоратив стратегияни визуализация қилиши

Қатор тадқиқотлар натижасидан келиб чикиб айтишимиз мумкинки, стратегияни визуаллаштириш таркибий бўлинмалар ва корпоратив марказ ўртасида компаниянинг бизнес портфелини алвон уммондан мовий уммонга ўтказиш масалалари бўйича мулокотларни ривожлантиришга ёрдам беради. Тақдимот ва хар бир бўлинма томонидан яратилган стратегик асосларни муҳокама қилиш жараёнида корпоратив портфелда аниқ бизнесни акс эттирадиган тушунча пайдо бўлади. Мазкур жараён энг яхши стратегик амалиётлар тўғрисида маълумот тарқатишни ва корпорация ичida тажриба алмашишни осонлаштиради.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишга эътибор қаратиши

Стратегик асосни қўллаш

Ушбу жараён нимадан иборатлигини тушуниш учун Корея-нинг “Samsung Electronics” компанияси стратегик режани қандай ишлатганилиги билан танишиб чиқайлик. Келинг, президент бошчилигидаги етмишдан ортиқ топ менежерларни тўплаган корпоратив конференцияни олайлик. Ушбу конференцияда ҳар бир бўлинма раҳбари ўз бўлинмаси томонидан ишлаб чиқилган стратегик режа ва уни амалга ошириш дастурини тақдим этди. Анчагина кизғин муно-заралар бошланди.

Компаниянинг кўплаб бўлимлари раҳбарлари ўзлари учун келажакдаги стратегияни мустақил равишда ишлаб чиқиши эркинлиги юкори даражадаги ракобат билан чекланганлигини исботлашга харакат қилишди. Ишлаш кўрсаткичлари ўртача даражадан паст бўлган бўлинмалар вакиллари танлов йўклигини ва ракобатчиларни кига ўхшаш тақлифлар беришни таъкидлашди. Ушбу тасдикнинг хатолиги энг тез ривожланаётган бўлинмалардан бири, яъни уяли телефон ишлаб чиқарувчиси томонидан стратегик асос намойиш этилганда аниқ бўлди. У энг шиддатли ракобат шароитида ишлади, лекин шу билан бирга унинг қиймат эгри чизиги бошқаларнидан жуда фарқ қилди.

“Samsung Electronics” расмий бизнес қарорларида стратегик асослардан мажбурий фойдаланишни расман тасдиқлади. Шу максадда 1998-йилда компания “Value Innovation Program Center” (инновация қиймат дастури маркази “VIP” центр) ни ташкил қилди. Ўша пайтлар “Samsung Electronics” учун синовли йиллар эди. Жонг Йонг Юн бошчилигидаги компания 1997-йилдаги Осиё молиявий инқирозининг таъсирини хис қилган холда зудлик билан уй-рўзгор

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий кўринишга эътибор қаратиши

буюмлари соҳасида рақобатдан чиқди ҳамда арzon нархлардаги ноёб маҳсулотлар ва бизнесларни яратиши кераклиги ҳақида бош котирди. Юн айни шу қарорнинг келажакда майший техника бозорида етакчи мавқега эга бўлишнинг ягона йўли эканлигига ишонди. Бизнинг киймат инновацион назариямиз таъсири остида бунинг учун “VIP” марказ ташкил этилди⁷.

“VIP” марказ компаниянинг Сувон шаҳридаги (Жанубий Корея) улкан саноат комплексидаги беш каватли бино бўлиб, у ерда асосий функционал гурухлар иштирокчилари “Радуга” (Камалак) ёки “Гавана” деб номланган стратегик лойиҳаларни муҳокама қилиш учун йигилишади⁸. Коидага биноан стратегик мунозаралар асосий муҳокама мавзусига айланади.

Сувондаги ушбу “VIP” марказда ҳар йили икки мингдан ортиқ мутахассис тўқсонга яқин турли лойиҳалар устида иш олиб боришиди. Дизайнерлар, мухандислар, режалаштирувчилар, дастурчилар компаниянинг мовий уммонга киришига ёрдам берадиган янги маҳсулотларнинг батафсил тавсифлари устида ишлашди. Марказнинг ўз жамоаси бўлиб, унинг асосий аъзолари амалга оширилаётган лойиҳаларни кўллаб-қувватлади ва, асосан, компания яратмокчи бўлган янги авлод товарларининг қийматини инновацияларга қаратади. Марказ киймат инновацияси соҳасида тўпланган билимлар ёрдамида бизнес бўлинмаларига маҳсулот ва хизматларнинг янги бозор таклифлари тўғрисида карор қабул қилишга ёрдам беради. Бундан ташкири “Samsung Electronics” компаниясининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида “VIP”нинг ўндан ортиқ филиалларини очди. Ҳар йили “Инновация қиймати” корпоратив конференцияси компаниянинг юкори раҳбарияти раислигига олиб борилади. Конференцияларда киймат инновациялар соҳасидаги энг яхши лойиҳаларнинг тақдимотлари ўтказилади, ғолиб бўлган лойиҳа муаллифларига мукофотлар топширилади. Хуллас, аста-секин кор-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күрнишга эътибор қаратиш

поратив маданият ва бизнеснинг корпоратив портфелини алвон уммондан мовий уммонга ўтказишга ёрдам берадиган стратегик меъёрларни жорий этиш орқали “Samsung Electronics” бир тилда алоқа қилиш тизимини шакллантира олди⁹.

Компания “VIP” марказни яратгандан сўнг жуда катта йўлни босиб ўтди. Савдо ҳажми 1998-йилдаги 16,6 миллиард доллардан 2013-йилга келиб 216,7 миллиард долларга кўтарили ва шу билан энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. “Samsung Electronics” бугунги кунда энг йирик глобал брендлар ўнлигига киради¹⁰. Қиймат инновацияларига йўналтирилганлик қарори компанияга савдо ҳажмини кўпайтиришига, товар қийматини оширишига ва бозор пешкадамига айланishiiga имкон берди. “Samsung Electronics” келгусида ўз маҳсулотларини арzon нархларда сотадиган, шунингдек, тез ривожланаётган юқори технологияли майший техникани ишлаб чиқариш саноатида анъанавий бўлмаган янги рақибларга дуч келиши аниқ. Албатта, шу сабабли ҳам компания яна бир бор қиймат инновацияларида катта ютуқларга эришиш учун кўпроқ ҳаракат қилишига тўғри келади.

Сизнинг бизнес бўлинма раҳбарларингиз компаниянинг бошқа қисмларида бўлаётган воқеалар ҳақида яхши тасаввурга эгами?

Компаниянинг энг яхши стратегик амалиётлари тўғрисида маълумот алмасишининг самарасизлиги аниқми?

Яхши ишламаётган бизнес бўлинмаларингизинг раҳбарлари ўзларининг муваффакиятсизликлари учун ракобатни айбдор деб биладиларми?

Агар ушбу саволларнинг барчасига “ха” деб жавоб берадиган бўлсангиз, компаниянгиздаги ҳар бир бўлинманинг стратегик таркибини тузиб кейин муҳокама қилинг.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

Биринчи қашфиётчи – мустамлакачи – муҳожирлар (КММ) картасини қўллаш

Стратегияни визуаллаштириш корпоратив стратегия учун масъул бўлган менежерларга келгусида ўсиш, даромадни башорат қилиш ва режалаштиришда ёрдам беради.

Биз ўрганган барча компаниялар – мовий уммонларнинг яратувчилари – ўз соҳаларида **кашфиётчи** бўлишган. Ихтирочиликлик янги технологияларни ривож-лантиришда эмас, балки харидорларга янги чегараларни тақдим этишда муҳим аҳамият касб этади.

Агар биз ихтирочи сўзининг маъноларидан фойдаланишни кенгайтирсак, мавжуд ва келажакдаги бизнеснинг ўсиш потенциалини аниқ тасаввур қилишимиз мумкин.

Компаниядаги *ихтирочи*лар – бу мисли кўрилмаган қийматни таклиф қиласиган корхоналардир. Булар мовий уммоннинг асосий иштирокчилари хамда даромад келтирадиган ўсишнинг энг кучли манбаси хисобланишади. Ушбу корхоналарда салмоқли мижозлар мавжуд.

Уларнинг стратегик асосдаги қиймат эгри чизиги рако-батчиларнинг эгри чизигидан фарқ қиласди.

Спектрнинг бошқа учida *мустамлакачилар* – соҳанинг асосий хусусиятларига мос келадиган қийматни таклиф қилувчи корхоналар мавжуддир. Уларни “таклид қилувчи”лар деб ҳам аташ мумкин.

Мустамлакачилар компаниянинг келажакдаги ўсишига сезилярли хисса қўшмайдилар. Улар алвон уммон ичидаги қотиб қолишган.

Муҳожирларнинг имкониятлари қашфиётчилар ва мустамла-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

качиларга нисбатан ўртада жойлашган бўлади. Ушбу корхоналар мижозларга қўпроқ ва камроқ пул эвазига таклиф киладиган соҳа эгри чизигини узайтиради, аммо жиддий равишда ўзгаришни хоҳламайдилар.

Улар таклиф киладиган қиймат оддий даражадан юқори, бироқ инновацион эмас. Ушбу бизнеснинг стратегиялари алвон ва мовий уммонлар чегарасида жойлашган.

Мавжуд ва режалаштирилган бизнес портфелларини кашфиётчи – мустамлакачи – муҳожир (КММ) харитасида акс эттириш даромадли ўсишни таъминлашга интилаётган корпорация раҳбарияти учун анча фойдалидир. Кейинги машғулот учун бизнесни тарғиб килувчи, таклифи бозордагидан яхшироқ бўлган муҳожирлар бизнеси ва қимматбаҳо инновацияларни таклиф киладиган ихтироичларни чақирамиз.

Агар мавжуд портфел ҳам, режалаштирилган таклифлар ҳам, асосан, мустамлакачилардан иборат бўлса, унда компаниянинг ўсиши жуда суст бўлади. Мабодо компания бугунги кунда фойда кўраётган бўлса ҳам, мустамлакачилари пул ишлаб чикараётган пайтда рақобатдош бенчмаркинг, таклид ва шиддатли нархлар рақобатининг тузогига тушиши эҳтимоли бор.

Агар хозирги ва режалаштирилган таклифларда кўплаб мустамлакачилар иштирок этса, унда сезиларли ўсишни кутса бўлади. Бироқ компания ўзининг тўлиқ ўсиш потенциали ва қиймат инновацияларига жалб қилинганлар томонидан чекланадиган хавфларни англамай колиш мумкин.

Тажрибамиз шундан далолат берадики, соҳада мустамлакачилар канчалик кўп бўлса, қиймат янгиликлари ва янги бозор мақонининг мовий уммонини яратиш учун имкониятлар қўпроқ мавжуд бўлади. Ушбу машқ, айникса, даромадлар, рентабеллик, бозор улуши ва мижозлар эҳтиёжини қондириш каби бугунги кўрсаткич-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

лардан ташқари эртанги кунни кўришни истаган менежерлар учун фойдалидир.

Анъанавий стратеѓик фикрлаш таклифларидан фарқли ўлароқ ушбу кўрсаткичлар келажак йўлини белгилашга қодир эмас, неғаки дунёда ўзгаришлар жуда тез рўй бермоқда. Хуллас, компаниянинг бугунги кунда эгаллаб турган бозор улуси унинг кеча қанчалик яхши ишлаганилигидан далолат беради. “CNN” АҚШ янгиликлар бозорига кирганида бозор улушларини тақсимлаш стратегиялари ва тақсимотида қандай ўзгаришлар юз берганини эслага олинг. Ўшанда “ARC”, “CBS” ва “NBC” каби бозорнинг барча анъанавий йирик акциялар эгаларини ортда колдирганди. Юкори раҳбарият бизнес портфелини бошқариш учун муҳим параметрлар сифатида қиймат ва инновациялардан фойдаланиши керак. Инновацияларга бўлган эҳтиёж унинг йўқлигига компаниялар ракобатбардош “яхшиланиш” тузоғига тушиши билан асосланади.

Қийматсиз, фақат инновацион гоялар фойда келтирмайди. Улар харидорлар тўлашга тайёр бўлган нарсалар билан боғлиқ бўлиши кераклигини унутмаслик лозим. Чунки ҳар қандай бизнес-тадбиркорлик истеъмолчининг имкониятига қараб хисобга олинади. Харидорларнинг имкониятини хисобга олмай бошланган тадбиркорлик охир-оқибат инқизорзга учраши ёки ўз соҳасида монополияга айланиши мумкин. Айни вақтда замонавий иқтисодиётда монополиялар жу кам қолган. Чунки кучли раобат ҳар қандай монополияни “супуриб ташлаши”

Кўриниб турибдики, юкори менежмент компанияни келажак портфелидаги балансни ихтирочилар фойдасига ўзгаришишга мажбур қилиши керак. Бу ерда фойдали ўсишга олиб борадиган йўл ётади.


КММ харитаси (4.6.расм) корхона портфелида корхоналарни тахминий қайта тақсимлаш траекториясини кўрсатади: нукта

ИККИНЧИ КИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

← 4-боб. Рақамларга эмас, умумий кўринишга эътибор қаратиши →

билан кўрсатилган ўн иккита корхонанинг ҳозирги портфели ўзгартирилди ва устун мухожирларнинг ўрни мустамлакачи ва кашфиётчилар фойдасига қайта тақсимланди.

4.6. расм. Бизнес портфолиосининг¹ ўсиш потенциалини синаш



Юкори даражадаги раҳбарият кашфиётчиларга эътибор қаратган холда мустамлакачиларнинг ўсиш потенциаллари паст бўлишига карамасдан уларнинг компанияяга пул киirimларининг асосий генераторлари бўлишларини англамоғи керак.

¹ “Портфолио” тушуниаси XV-XVI асрларда Гарбий Европадан кириб келган бўлиб, уйғониш даврида архитекторлар ўз буюргичларига курилиш лойихаларини тайёр ва ҳомаки варианtlарини “портфолио” деб номланган алоҳида папкада тақдим этишган. Ушбу папкада тақдим этилган хужжатлар талабгорда курилиш лойихасининг қасбий сифатларини ҳакида таассусот ҳосил килган. Ҳозирги вактда эса бизнес оламида портфолио фирманинг ютукларини курсатин сифатидан ишлатилади. Портфолиони таълим соҳасида кўллаш гоясин, XX асрнинг 80-йиллариниң ўрталариде АҚШда пайдо бўлди. АҚШ ва Канададан сўнг, портфолио гоясин Европа ва Японияда озмалашди, XXI асрнинг бошлариде эса бу йоя Россияда кенин гаркази ва ҳозирни кунда бу йоя Ўзбекистонда хам кенин бўйимокда.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиши

Хар қандай вактда ҳам пул оқимлари ҳамда ўсиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш ва шу билан бирга корпоратив даромаднинг максимал даражада ўсишини қандай таъминлаш керак?

Келажакни хисобга олган ҳолда бизнес портфолиосини янгилаш учун қандай стратегияни танлаш керак?

Ушбу янгиланиш амалда қай тарзда күринади?

Биз ушбу барча муҳим масалаларни 10-бобда муҳокама қиласиз.

Стратегик режалаштиришининг чекловларини енгигб ўтиши

Одатда, менежерлар хар қандай стратегиянинг асоси бўлган мавжуд стратегик режалаштиришдан норози эканликларини очик қўрсатадилар. Улар стратегик режалаштириш муаммоларини юкоридан паства ёки пастан юқорига ўтказиш билан эмас, балки жамоа билан биргаликда ишлаш керак деб хисоблашади. Уларнинг фикрига кўра, жараён хужжатларни юбориш оркали эмас, аксинча, мунозаралар, фикр алмашинувлар билан олиб борилиши, рақамлар билан машқ қилишни тўхтатиб умумий расмни яратишга интилиши керак. Режалаштириш ижодий элементларни ўз ичига олган ҳолда тузилган ва фақат таҳлилга асосланмаган бўлиши даркор. Шунингдек, танланган йўналишга самимий содикликни уйғотиши ва режани амалга ошириш бўйича таклифлар ҳамда мурosalарга берилмаслиги керак. Шундай бўлса-да, ўзгаришларни бажариш учун ҳаракат қилинаётганига қарамай мавжуд стратегик режалаштиришга муносаб мукобилини яратиш учун жуда оз иш килинмоқда. Деярли ҳар бир компания нафақат режалаштириш билан шуғулланади, балки ушбу фаолият учун бир неча ой машақатли меҳнатни сарфлайди. Яъни ҳар бир компания режаларни қандай килиб мукаммал бажаришни билса ҳам, аммо стратегияни яратиш назарияси ёки жараёнларини ҳали тўлиқ ўз-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

4-боб. Рақамларга эмас, умумий күринишига эътибор қаратиш

лаштирумаган.

Юкорида тавсифланган тўрт босқичли жараён вазиятни тўғрилашга ёрдам беришига аминмиз. Ушбу жараённинг марказий қисми стратегик режа бўлиши керак. Айнан у кўплаб менежерларга мавжуд стратегик режалаштириш билан боғлик норозиликдан халос бўлишга ва янада муҳим натижаларга эришишга ёрдам беради. Аристотел таъкидлаганидек, тафаккур учун сиймо керак.

Албатта, стратегик режалаштириш жараёни стратегик контур ва КММ харитасини яратиш билан чекланмайди. Муайян босқичда сиз рақамлар ва хужжатлар билан ишлashingиз, уларни тайёрлашингиз, тузишингиз ва муҳокама қилишингиз керак. Бироқ менежерлар рақобатдан қандай қочиш кераклигини тасаввур килишса, тафсилотлар билан ишлаш осонроқ эканига аминмиз. Стратегияни визуаллаштиришининг юкоридаги усуллари стратегияни стратегик режалаштиришга қайтаради ва мовий уммонни яратиш эҳтимолигизни сезиларли даражада оширади.

Максимал хажмдаги мовий уммонни қандай яратиш керак?

Кейинги боб шу масалага бағишлиланади.

5-БОБ

МАВЖУД ТАЛАБЛАР ДОИРАСИДАН ЧИҚИШ

Дархақиат, алвон уммондан чиқиб факат кўлмакда ўтиришни истаган компания йўқ. Максимал ҳажмдаги мовий уммонни қандай яратиш ҳақида савол туғилиши табиийдир. Биз мовий уммон стратегиясининг учинчи – мавжуд талаб чегарасидан четга чиқиш принципига якинлашмоқдамиз. Бу қиймат инновацияларига эришиш йўлида зарур бўлган асосий қисмдир. Сизнинг янги таклифингиз учун энг юкори талабни бирлаштирган холда ушбу ёндашув янги бозорни яратиш билан бοглиқ бўлган кенг қўламли хатарларни камайтиради.

Бундай натижаларга эришиш учун компания иккита анъана- вий стратегик амалиётга қарши чиқиши керак. Биринчиси мавжуд мижозларга қаратилган эътибор. Иккинчиси харидорларнинг тафо- вутларига мослашиш учун кўпроқ сегментация килиш истагидир. Одатда, компания бозор улушини ошириш учун мавжуд мижозлар базасини саклаб колиш ва кенгайтиришга интилади. Бу аксарият ҳолларда кўпроқ сегментация ва таклифларни индивидуаллашти- ришга олиб келади, шунда улар харидорларнинг турли хил имти- ёзларига мос келади. Ракобат қанчалик кучли бўлса, таклифларнинг ўртача индивидуализацияси шунчалик юкори бўлади. Компаниялар мижозларнинг талабларини кўпроқ сегментациялаш билан конли- риш учун курашаётганларида, одатда, жуда кичик мақсадли бозор- ларни яратиш хавфига дуч келишади.

Компания мовий уммоннинг ҳажмини ошириш учун бошқа-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиши

ча ҳаракат қилиши керак. Эътиборни одатдаги мижозларга эмас, аксинча, мижоз бўлмаганларга қаратмоги лозим. Стратегияни мижозлар ўртасидаги фарқларни кузатиб эмас, кўпчилик харидорлар қадрлайдиган умумий омиллар асосида тузиш керак. Натижада компания мавжуд талабдан четга чиқади ва бу билан илгари “мавжуд бўлмаган” кўплаб янги мижозларни ўзига торта олади.

“Callaway Golf” фаолиятини кўриб чиқайлик. Компания Америка ғолф саноати мавжуд мижозлар базасини кенгайтириш учун курашаётган бир вактда спорт ихлосмандлари ва мамлакат клубларининг кўплаб аъзолари нега голф ўйнашмайди, деган савонни ўртага ташлади. Компания бунинг сабабларини таҳлил қилиш асносида кўпчилик учун голф клюшкаси билан унинг тўпини уриш жуда кийинчилик түғдираётгани аниклади. Клюшка бошининг кичкиналиги ўйинчидан ҳаракатларни мукаммал мувофиқлаштириш ва кўз билан чамалай билишни талаб қиласарди. Қолаверса, ўйин кўнилмаларини эгаллаш ва диққатни жамлаш учун жуда кўп вақт керак бўларди. Айнан шу омиллар янги ишқибозларнинг ўйиндан ҳеч қандай завқ олишимаслигига сабаб бўларди.

Юкоридаги сабабларга ечим топиш (кашфиёт) “Callaway Golf”га ўз маҳсулотларига янги талабни қандай яратишини аниqlашга имкон берди. Натижада “Катта Берта” (Большая Берта) ишлаб чиқилди. У катта бошли голф клюшкаси бўлиб, бу билан тўпни уриш олдингисидан кўра анча қулай ва осон эди. “Катта Берта” нафакат ушибу соҳадаги мижозларни истеъмолчиларга айлантириди, балки тажрибали спортчиларга ҳам ёқиб қолди. Ушибу маҳсулот кўп ўтмай бутун дунё бўйлаб шуҳрат қозонди. Маълум бўлишича, илгари профессионаллардан ташқари деярли барча мижозлар ўйин даражасини оширишда кийинчиликларга дуч келишган. Катта бошли клюшка-нинг пайдо бўлиши бундай кийинчиликни бартараф килди.

Шуниси қизикки, мижозлар мижоз бўлмаганлардан фарқли

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Маежуд талаблар доирасидан чиқиши

ўлароқ ўйиннинг мураккаблигини одатдатдек қабул қилишди. Гарчи уларнинг кўпларига бу ёқмаса-да, голфнинг ушбу хусусиятини борича қабул қилишди. Ўз норозиликларини голф клюшкасини ишлаб чиқарувчиларига айтишдан кўра ўзларининг техникаларини такомиллаштириш билан шуғуланишди. “Callaway Golf” бор эътиборини мижоз бўлмаганларнинг фарқли жихатларига эмас, балки уларни бирлаштирадиган умумий томонларга қаратди ҳамда ҳаридорлар ва мижоз бўлмаганларга қиймат ўсишини таклиф этган ҳолда янги талабни қандай яратишни тасаввур қила олди. Натижада ўзи учун фойдали мовий уммонни очди ва деярли ўн йил шу уммонда сузуб юрди.

Мавжуд мижозлар базасини кенгайтириш ёки соҳа мижозлари бўлмаганларни янги талаб манбасига айлантиришда эътиборингиз нимага қаратилган? Мижозлар кадрлайдиган умумий нарсани топишга ҳаракат қиляпсизми ёки каттароқ индивидуаллаштириш ва сегментацияга мурожаат қилиб турли эҳтиёжларни қондиришга ҳаракат қиляпсизми?

Мавжуд талабдан четга чиқиши учун, аввало, мижоз бўлмаганларга, кейин эса мавжуд истеъмолчиларга эътибор қаратинг. Биринчидан, ўхашаликларни қидиринг ва иккинчидан, фарқларни кўриб чиқинг. Аввал ажратиш ҳақида ўйланг ва шундан кейингина янада ривожланган сегментация ҳақида фикр юритинг.

Ҳаридор бўлмаганларнинг учта тоифаси

Мижоз бўлмаганларнинг улкан олами, одатда, мовий уммонни яратиш учун катта имкониятларни яширади, аммо камдан кам компаниялар мижоз бўлмаганларнинг яширин кучини ва уларга қандай кириш мумкинлигини аниклашга ҳаракат қилишади. Ушбу улкан яширин талабни ҳақиқийга айлантириш ва янги мижозларни

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжұд талаблар доирасидан чиқиши

жалб килиш учун компаниялар мижоз бўлмаганлар оламининг қандай кўринишини яхширок тушунишлари керак.

Мижоз бўлмаганланинг уч тоифаси мавжуд бўлиб, улар мижозларга айлантирилиши мумкин. Уларнинг орасидаги фарқ сизнинг бозорингиздан нисбий масофада жойлашган. 5.1. расмда кўрсатилганидек, мижоз бўлмаганларнинг биринчи даражаси сизнинг бозорингизга энг яқин. Ушбу мижозлар чегарада ёнида жойлашган. Бу саноат томонидан таклиф килинадиган товарлардан минимал дараҷада фойдаланадиган харидорлардир, лекин ўзларини унинг мижозлари деб хисобламайдилар. Улар биринчи имкониятдан фойдаланиб ушбу соҳадан чиқиб кетишга тайёр туришади. Бирок агар сиз қиймат ўсишини таклиф килсангиз, улар нафакат қолиш, балки янада кўпроқ харидларни амалга оширишга мойил бўлишади.

5.1. расм. Мижоз бўлмаганларнинг уч тоифаси



Биринчи тоифа – “Бўлажак” мижоз бўлмаганлар, бозор чегарасида туриб, имкон бўлса четга чиқадиганлар.

Иккинчи тоифа – “Рад этувчилар” -- онгли равишда бошқа бозорни танлаган мижоз бўлмаганлар.

Учинчи тоифа – “Ўрганилмаган” мижоз бўлмаганлар, яъни сиздан узокроқдаги бозор мижозлари.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиши

Харидор бўлмаганларнинг иккинчи тоифасига сизнинг таклифингиздан фойдаланишни истамайдиганлар киради. Бундай харидорлар таклифингизни ўз эҳтиёжларини қондиришининг вариантиларидан бири деб хисоблашса ҳам, ундан воз кечишида. “Callaway Golf” ҳолатида кўрадиган бўлсақ, бу тоифадагилар худдики спорт ишқибозлари, хусусан, голф ўйнашни танлашга қодир бўлган шахар ташқарисидаги клубларнинг аъзолари эди, лекин улар буни танламадилар.

Учинчи тоифадаги мижоз бўлмаганлар сизнинг бозорингиздан энг узокда жойлашган. Улар сизнинг бозор таклифларингизни хеч қачон танлов деб билишмаган.

Компания мижоз бўлмаган ва мавжуд мижозлар ўртасидаги асосий ўхшашликларга эътиборни каратган ҳолда уларни янги бозорга қандай жалб қилишни англаб етиши мумкин. Мижозларни жалб қилиш ва мовий уммонни қандай кенгайтириш кераклигини аниклаш учун ҳар учала тоифани кўриб чикайлик.

Mижоз бўлмаганларнинг биринчи тоифаси

Булар “бўлажак” мижоз бўлмаганлар бўлиб, улар бозорингиз таклифларидан минимал фойдалананиб энг яхши варианtlарни кидиришаётгандардир. Бошқа жозибадор мукобил таклиф топилган заҳоти маҳсулот ва хизматларингизни ўшангага алмашадилар. Шунинг учун уларни бозор чегарасида жойлашган дейишига ҳақлимиз. Бундай мижозлар сони кўпайиши билан бозор турғунликка юз тутади, ўсишда муаммолар пайдо бўлади. Мижоз бўлмаганларнинг биринчи тоифасида талаб қилинмаган талабнинг бутун уммони беркитилган бўлиб, уни фақат озод қилиш керак.

Келинг, 1986-йилда очилган Британиянинг “Pret A Manger” фастфуд тармоғи биринчи тоифадаги мижоз бўлмаганларнинг улкан

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиш

яширин талабидан фойдаланган холда мовий уммонни қандай кенгайтирганлигини күриб чиқайлик. “Pret” пайдо бўлишидан олдин Европа шаҳар идораларининг ходимлари кечки овқат учун, асосан, ресторонларга боришарди. Ўзларига манзур мухитда столларда ўтиришар, уларга мазали таомлар таклиф қилинарди. Шу билан бирга ушбу соҳадаги биринчи тоифадаги мижоз бўлмаганларнинг сони анча юқори ва ўсишда давом этди. Кўпинча, ходимлар тушлик қилиш учун вакт топа олишмасди. Соғлом озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ортиб бораётгани одамларни ресторан овқатининг фойдали томонлари тўғрисида ўйлашга мажбур килди. Қолаверса, баъзи ресторонлар хизматлари нархи киммат эди. Шунинг учун ходимлар йўл-йўлакай тамадди қилишга, уйдан овқат олиб келишга ёки умуман тушлик қиласликка мажбур бўлардилар.

Биринчи тоифали мижоз бўлмаганлар энг яхши ечимларни қидирадилар. Улар жуда кўп тафовутларга эга бўлишса-да, аммо учта нуктаи назарда уларнинг фикрлари бир-бирига мутлақо тўғри келди: улар овқатни тез олишни, уни янги ва фойдали маҳсулотлардан тайёрланишини ва бунинг учун муносиб пул тўлашни хоҳлашди.

Албатта, мижоз бўлмаганларга хос бўлган умумий хислатларни топа олиш уларнинг қандай талаб кўяётганлиги ҳамда қандай қилиб доимий мижозга айлантириш имконини берди. Компания томонидан яратилган формула оддий эди: “Pret A Manger” янги тайёрланган сэндвичларни таклиф қила бошлади. Уларнинг сифати ресторанницидан кам эмас ва энг яхши маҳсулотлардан тайёрланар эди. Сэндвичларни тайёрлаш ресторанлар ва хатто фастфуд таомларига қараганда анча тез фурсатда амалга оширилган. “Pret” маҳсулотлари ёқимли мухитда ва арzon нархларда таклиф қилинарди.

Хўш, “Pret” қандай кўринишга эга эди? Унга кирганингизда ажойиб арт-деко студиясига киргандек бўласиз. Девор бўйлаб тоза музлатгичлар, ўттиз хилдан ортиқ сэндвич билан тўлдирилган жа-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиши

вонлар, багет ёки турли қийма солинган нонлар мавжуд эди. Ҳаммаси шу қуннинг ўзида эрталаб етказиб бериладиган энг янги маҳсулотлардан тайёрланарди. Шунингдек, салат, йогурт, парфе, шу ернинг ўзида яратилган шарбат каби бошқа янги тайёрланган таомларни ҳам буюртма қилишингиз мумкин эди. Ҳар бир дўконнинг ўз ошхонаси бўлиб, масалликлар (айни дамда тайёрланган бўлиши шарт эмас) энг яхши етказиб берувчилар томонидан келтириларди. Ҳатто Нью-Йоркдаги дўконларга “Pret” багетлари Франциядан, круссанлар эса Белгиядан олиб келинарди. Улар озик-овқатларни бир кундан кўпроқ вақт давомида сакламасдилар. Ишлатилмай колган таомларнинг барчаси бошпанасизлар маконига жўнатиларди.

“Pret A Manger” нафақат соғлиққа фойдали сэндвичлар ва бошқа таомларни таклиф этди, балки буюртмаларни бажариш тезлигини сезиларли даражада оширди. Анъанавий фастфуднинг “навбатга туриш – буюртма бериш – тўлаш – кутиш – олиш – ейиш” цикли янада тезроқ “танлаш – олиш – тўлаш – кетиш” циклига ўзгарди. Мижознинг дўконга кирган вақтдан бошлаб ва ундан чикиб кетгунича ўртacha тўқсон сония етарли бўларди.

Бунга “Pret” сэндвич ва бошқа таомларни тайёрлаш жараёнини стандартлаштиргани, буюртмага таом тайёрлашдан ва мижозларга хизмат кўрсатишдан воз кечгани сабабли эришилди. Мижозлар супермаркетда бўлгани каби ўзларига хизмат қилишарди.

Оддий ресторонларда талаб бирданига пасайиб кетган чоғда “Pret” кўплаб “бўлажак” мижоз бўлмаганларни ўзининг фаол ташриф буюрувчиларига айлантирди. “Callaway Golf” да бўлгани каби бунда ҳам ресторонларнинг доимий мижозлари “Pret”га эътибор қаратдилар. Ресторандаги тушлик ушбу мижозлар гурухи учун мақбул эди, лекин биринчи тоифа мижоз бўлмаганларга хос бўлмаган учта умумий хусусият ушбу тоифага таъсир кўрсатди. Бирок “бўлажак” мижоз бўлмаганлардан фарқли ўлароқ бу одамлар ресторанда овкат-

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиши

ланиш одатини шубхა остига олишни ҳеч қачон исташмаган. Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, мижоз бўлмаганлар мовий уммонларни қандай очиш ва кенгайтиришни тушуниш учун ишонган мижозларга қараганда яхшироқдир.

Мана, ўттиз йилдирки “Pret A Manger” тармоғи фаол ўсишда давом этмоқда ва ўзи яратган мовий уммондан фойдаланмоқда. Мутахассислар компаниянинг Британия сэндвич бозорида инкилоб қилганини тан олишади. Ҳозирги кунда ушбу тармоқ йилига 450 миллион фунт (760 миллион доллар) айланишга эга бўлган 335 пунктга эга. Дўконлар Буюк Британия, АҚШ, Гонконг ва Францияда жойлашган¹.

Биринчи тоифа мижоз бўлмаганлар ҳар қандай имкониятдан фойдаланиб, сизнинг саноатингизни тарк этишга тайёрлигининг асосий сабаблари нимада?

Уларнинг жавобларида умумий бўлган нарсани топинг. Улардаги фаркларга эмас, балки ўхшаш жавобларга эътибор каратинг. Фақат шу йўл билан мижозларни қандай қилиб танлаб олишни тушуниб етасиз, амалга оширилмаган талаб уммонига эшикни очасиз.

Мижоз бўлмаганларнинг иккинчи тоифаси

Булар “рад этилганлар” – мавжуд бозор таклифларидан фойдаланмайдиган, яъни уларни қабул қилишни билмайдиган ёки улардан фойдалана олмайдиган одамлар.

Қани, ташки реклама майдонларини сотадиган француз компанияси “JCDecaux” ўзининг “рад этилганлар” бозоридан қандай қилиб кўплаб мижозларни жалб килганлиги билан танишиб чиқайлик.

1964-йилга кадар “JCDecaux” “кўча мебеллари” деб номланган янги кўча реклама концепциясини яратган вактларда ташки рек-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиши

лама соҳаси билбордлар ва транспорт воситаларидағи реклама билан намойиш этилган. Билбордлар асосан шаҳар бурчакларида ва кўчалар бўйлаб транспорт кўп катнайган жойларда бўларди. Транспорт воситаларидағи рекламалар плакатларга туширилиб автобус ва таксиларга жойлаштирилган бўлиб одамлар уларни ўтиб кетаётган машинада кўришлари мумкин эди.

Ташки реклама самараисиз деб ҳисоблангани сабаб ҳам реклама кампанияларини ўтказиш воситаси сифатида кенг тарқалмаган эди. Одамлар ташки рекламани факат йўлда, кўчаларда қиска вакт давомида кўрардилар ва тақорорий чиқишининг частотаси жуда паст эди. Машхур бўлмаган компаниялар учун бундай реклама умуман хеч қандай ижобий таъсир кўрсатмади, чунки шу у янги брендлар ва маҳсулотларни намойиши этиш учун зарур бўлган батафсил маълумотларни ўз ичига олмаган эди. Кўпгина компаниялар ташки реклама билан шугуланишни хоҳламадилар, сабаби шундаки, уларнинг наздида бу фойдасиз ёки умуман киммат эди.

“JCDecaux” “рад этилганлар”нинг ўз соҳаларидағи асосий ўхшашикларини таҳлил килди. Натижада шаҳар марказида доимий реклама майдонларининг етишмаслиги бундай реклама хизматларининг оммалашмаганлиги ва ривожланмаганлигининг асосий сабаби эканлиги ойдинлашди. Компания бунинг ечимини излади ҳамда туман марказларида одамлар, одатда, бир неча дакиқа кутиб турадиган автобус бекатлар олдига реклама жойлаштириш таклифини илгари сурдилар. Бунда транспорт кутиб турган кишилар бир неча дакика вакт давомида рекламаларни ўқишлиари ҳисобга олинганди. “JCDecaux” агар бу жойларни реклама учун ишлатиш йўлга қўйилса, иккинчи тоифа мижоз бўлмаганларни мижозларга айлантириш мумкинлигини тушунди.

Оддий килиб айтганда, компания “кўча мебел” ғоясини илгари сурди, муниципалитетлар учун техник хизмат кўрсатиш ва таъ-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиши

мирлаш бепул бўлди.

“JCDecaux” хисоб-китобларига кўра, реклама майдонларини сотишдан олинган фойда “мебел” ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш харажатларидан ошиб, жозибадор соф фойда келтириар экан, бунинг ортидан компания барқарор даромадли ўсиш йўлида давом этади. Хуллас, реклама плакатларини жойлаштириш учун “кўча мебеллар” яратилди.

“JCDecaux” иккинчи тоифа мижоз бўлмаганларни ўзи томон жалб эта олди ва киймат жихатдан катта ютуқларга эришди. Яратилган стратегия туфайли шахар ҳокимиютининг кўча жихозлари билан боғлиқ анъанавий харажатлари камайди. “JCDecaux” “ташки мебеллар”ни бепул етказиб бериш ва техник хизмат кўрсатиш эвазига шахар марказида ташки реклама жойлаштиришнинг мутлак хукуқига эга бўлди. Компания марказий кўчаларга реклама жойлаштириш орка-ли ушбу реклама воситаси таъсир килишининг ўртacha давомийлигини сезиларли даражада оширди. Таъсир қилиш вактининг кўпайиши рекламани янада мазмунли килиш ва унга мураккаб матнларни жойлаштириш имконини берди. Шунингдек, “шахар мебеллари”га техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланган ушбу компания мижозларга реклама билбордларида анъанавий равишда жойлаштирилган 15 кун ўрнига 2-3 кун ичida реклама кампаниясини бошлашга имконият яратди.

“JCDecaux” мисли кўрилмаган киймат таклифини амалга оширгандан сўнг соҳага “рад этилганлар” тошкини ёғди ва “кўча мебеллари” реклама воситасига айланди. Шахар ҳокимиютлари билан ўн йилдан йигирма беш йилгача муддатни камраб олувчи шартномалар имзолаган “JCDecaux” узок вакт давомида “ташки мебеллар”дан фойдаланган холда реклама жойлаштиришнинг мутлак хукуқига эга бўлди. Кейинги йилларда дастлабки инвестициялардан сўнг компаниянинг харажатлари фақат техник хизмат кўрсатиш ва

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиши

янгилаш харажатлари бўлди. “Ташқи мебел” учун операцион маржаси¹ 40 фоизни ташқил этди (бу кўрсаткич реклама билбордлари учун 14 фоиз ва транспорт воситаларида 18 фоиз). Эксклюзив шартномалар ва юқори операцион маржа узоқ муддатли даромадлар хамда фойдаларнинг барқарор оқимини таъминлади. “JCDecaux” бундай бизнес модел туфайли мижозлар учун қиймат ўсишининг эвазига ўзи яратган қиймат ўсишининг ошишига эришди.

Иккинчи тоифа мижоз бўлмаганларга эътибор қаратиш ва ушбу соҳада мижоз бўлишига тўскинлик қилган улар учун умумий бўлган сабаларга диққатини қаратиш орқали “JCDecaux” ўз мижозлари орасида ташқи реклама учун талабни ошириши мумкин эди. Илгари компания мижозлари реклама учун қанча вакт ва қандай нархларда реклама билбордлари ёки автобус маршрутларидан фойдаланишлари мумкинлиги ҳакида ўйлашарди. Улар ушбу имкониятларнинг мавжудлиги ва берилган доирада ишлашлари мумкинлигини тан олишди. Мижоз бўлмаганлар соҳага ва мижозларга бўлган ишончни тушунишга, уларни ўзгартиришга ёрдам бериш орқали барча манфаатдор томонлар учун қийматнинг кўтарилишини таъминлади.

Мана, эллик йил ўтибди ҳамки, “JCDecaux” дунёдаги энг катта ташқи макон реклама майдонларининг эгаси ва ўз бозорининг етакчиси бўлиб қолмоқда. Компанияда қирқ саккизта мамлакатнинг 1800 шахрида реклама учун 500 мингга яқин ташқи мебеллар мавжуд².

Иккинчи тоифа мижоз бўлмаганлар тармоғингиз маҳсулот ёки хизматларидан воз кечишининг асосий сабабларини нимада деб ўйлайсиз?

¹ **Маржа** – биржа операцияларини амалга оширишда фойдаланиладиган пул ёки товарлар билан вактинча фойдаланиш учун кредит олиш имкониятини берадиган гаров.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиши

Уларнинг жавобларида қандай умумийлик борлигини кўринг. Фарқларга эмас, балки ўхшашликларга эътибор қаратинг. Шундай қилиб, кондирилмаган талаб яширин уммонини қандай очишни тушунишингиз мумкин.

Мижоз бўлмаганлар учинчи тоифаси

Учинчи тоифадаги мижоз бўлмаганлар бу соҳадаги мавжуд мижозлардан анча узокроқдир. Одатда, ушбу соҳада фаолият юритадиган бирон бир компания ушбу ўрганилмаган мижозларни мақсадли ёки потенциал мижозлар деб хисобламаган, чунки уларнинг эҳтиёжлари ва тегишли бизнес имкониятлари бошқа бозорлар билан боғлиқ деб хисобланган.

Кўпгина компаниялар учинчи тоифа мижоз бўлмаганларнинг канчаси уларнинг эътиборидан четда колганини билганида эди, аниқки, аклдан озишарди. Тишларни оқартириш тиш шифокорларининг ишидир, бу оғизни парвариш қилиш учун истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган компанияларнинг иши эмас, деган узок вактдан бери мавжуд бўлиб келаётган янгилиш караш ҳакида ўйлаб кўринг-чи. Яқин вактларгача ушбу компаниялар мижоз бўлмаганларнинг эҳтиёжларини хисобга олишмасдан келишди. Уларга эътибор қаратиб, илгари ишлатилмаган талаб уммонни топдилар. Тишларни оқартиришнинг хавфсиз, сифатли ва арzon усуслари бозорда бўронни келтириб чиқарди, десак муболага қилмаган бўламиз.

Ушбу салоҳият кўплаб соҳаларда мавжуд. Масалан, Американинг мудофаа аэрокосмик саноатини олайлик. Кўп йиллар давомида АҚШнинг узок муддатли ҳарбий кучидаги асосий заифлик самолётларнинг нархини назорат қила олмаслик деб ишонилган³. Пентагоннинг 1993-йилдаги хисоботида айтилишича, автотранспорт воситаларининг нархи ошиб бориши ва бюджетдан ажратилган маблағ-

ларнинг қисқариши армияни эскирган жанговар самолётларни алмаштириш учун ҳаётий режалардан маҳрум қилди⁴. Ҳарбийлар, агар армия самолёт ишлаб чиқаришнинг бошқа йўлини топмаса, АҚШ ўз манфаатларини керакли даражада химоя килиш учун самолётлар етмаслигидан хавотирда эди.

Одатий таомилга кўра, денгиз кучлари, денгиз пиёдалари ва ҳаво кучлари идеал жанговар самолётларни ҳар хил ракурсда кўришган ва шунинг учун ушбу бўлимларнинг ҳар бири бошқалардан мустақил равишда ўз самолётларини ишлаб чиқкан. Денгиз кучларига юқ ташувчи кеманинг палубасига қўниши мумкин бўлган ишончли самолётлар керак эди. Денгиз пиёдалари кўниш ва парвоз учун қиска экспедицион самолётларни хоҳлардилар. Ҳаво кучларига эса энг тезкор ва мураккаб транспорт воситалари керак эди.

Илгари мустақил идоралар ўртасидаги бу фарқлар эътиборга олинган ва мудофаа аэрокосмик саноатида учта алоҳида сегмент ажратилган. Биргаликда “Joint Strike Fighter” (“JSF”) дастури ушбу амалиётни ўзгартирди⁵. Дастурга кўра, ҳар уч сегмент ҳам потенциал ўрганилмаган “мижоз бўлмаганлар” сифатида кўриб чиқилган бўлиб, уларни янада самаралироқ ва арzon ҳарбий самолётлар янги бозорга жалб қилиш мумкин эди. Белгиланган сегментацияни қабул қилиш ва ҳар бир агентлик томонидан талаб қилинадиган спецификациялар ва тафсилотлардаги фарқларга асосланган маҳсулотларни ишлаб чиқиши ўрнига “JSF” аъзолари бу фарқларнинг мухимлигини инкор этишди. Улар учта бошқарманинг асосий ўхшашликларни топишга харакат қилишди.

Натижада учта бўлимнинг ҳар бирида самолётларнинг энг қиммат таркибий қисмлари бир хил эканлиги маълум бўлди: булар авионика (дастурий таъминот), двигателлар ва корпуснинг катта қисмлари. Ушбу компонентларнинг биргаликда ишлатилиши ва ишлаб чиқарилиши ваъданинг устидан чиқишига ҳамда ҳаражатларни

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқши

сезиларли даражада камайтиришга имкон берарди. Бундан ташқари, ҳар бир бўлим маҳсус талабларнинг узун рўйхатига эга бўлса-да, ушбу бўлимлардаги самолётларнинг аксарияти шунга ўхшаш вазифаларни бажарган.

“JSF” жамоаси маҳсус талабларнинг қайси бири курилмани сотиб олиш бўйича бўлимларнинг қарорларига жиддий таъсир кўрсатганини тушунишга ҳаракат қилди. Қизиги шундаки, ХДКнинг жавобида омилларнинг узок рўйхати йўқ эди. Талаблар чидамлилик ва хизмат кўрсатиш қулайлигига боғлиқ. Самолётлар одатда самолёт ташувчиларида энг яқин тузатиш лангаридан минглаб мил масофада жойлашганлигини ҳисобга олиб дengiz кучларига хизмат килиш осон бўлган ва ишончли юк машинаси сифатида узок вақт ишлаган, кўниши билан боғлиқ бўлган ортиқча юкларга бардош бера оладиган мослама керак эди. Денгиз флоти дengiz кучлари ва ҳаво кучлари билан ҳамкорликда ушбу муҳим хусусиятларни қурбон қилиш кераклигидан хавотирланиб ўзининг самолётларини яратганди.

Денгиз пиёдалари бошқа бўлимларнидан фарқ киладиган жуда кўп талабларга эга эдилар, аммо икки жихат бўлимга самолётларни биргаликда сотиб олишга имкон бермасди. Бу қисқартирилган вертикал равишда учиш ва кўниши (ҚУК/ВУК) ҳамда кучли қарши чоралар эди. Узок вақт ҳамда душман мухитида қўшинларни қўллаб-кувватлаш учун пиёда аскарларга кирувчи характеристикасига эга бўлган, аммо вертолёт сингари жойида тура оладиган самолёт керак эди. Амалга ошириладиган вазифаларнинг экспедицион характеристикини ва у билан боғлиқ паст баландликда парвозларни ҳисобга олган ҳолда ҳаво кемалари турли хил қарши чоралар билан жихозланган бўлиши шарт бўлган.

Глобал ҳаво устунилигини таъминлаш вазифаси юклатилган ҳаво кучларига ҳозирги ва келажақда манёвр тезлиги жихатидан ҳар кандай душман самолётларини ортда колдира оладиган юқори тез-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиши

ликда ишлайдиган самолётлар керак эди. Шунингдек, у стелс-технологиялар, яъни радиотўлқинларни ютадиган материаллар, мосламалар ва уни радарлар учун аҳамиятсиз киладиган қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Ушбу қурилмалар душман ракеталари ва самолётларидан муваффакиятли кочишга ёрдам беради. Бошка иккита бўлим томонидан сотиб олинган қурилмалар бундай хусусиятларга эга эмас эди ва шунинг учун ҳаво кучлари уларга қизиқиш билдирамади.

“Ўрганилмаган” мижозлар тўғрисидаги хулосалар натижасида “JSF” жуда истиқболли лойиҳага айланди. Уч самолётни, гарчи барча қисмлари 70 фоизга тўғри келса хам, уч хил шаклда яратиш керак эди. Шу билан бир каторда ҳар бир муассаса учун аник, аммо аҳамиятли бўлмаган барча бошқа омиилларни йўқ килиш (ёки аҳамиятини камайтириш) керак эди (5.2-расм).

“JSF” томонидан ишлаб чиқилган самолёт нархи олдингиларининг нархига нисбатан икки баравар арzon бўлиши кутилганди. Самолёт (бугунги кунда “F-35” деб танилган) ҳар уч бўлимнинг: “F-16” ҳаво кучлари, реактив “AV-8B Harrier” денгиз пиёдалари, ва “F-18” денгиз кучларининг энг яхши самолетларидан афзal бўлиб чиқди.

Асосий омиилларга эътибор қаратиш ва хусусийлаштиришнинг учта доминант соҳаларида, яъни дизайн, қурол-яроғ ва маълум бир вазифани бажариш қобилиятининг аҳамиятини камайтириш ёки пасайтириш орқали “JSF” ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш билан бирга мукаммал ҳарбий самолётни таклиф қила олди. Қолаверса, учта самолёт ўrniga битта самолётнинг яратилиши уни ишлаб чиқариш харажатларини янада камайтиришга имкон берди.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиши

5.2. расм. "JSF" дастури киритилгандан сүнг мудофаа аерокосмик саноатидаги асосий рақобат омиллари

"JSF" рақобат омилларининг кўплигига қарамай фақат бир нечтаси ҳал қилувчи (кулрангга бўялган) эканлигини аниқлади.

Ҳаво кучлари	Денгиз кучлари	Денгиз пиёдалари	
Енгиллик	Иккита двигатель	(ҚҰҚ/ВУҚ)	Дизайнни созлаш
Бирлаштирилган авионика	Иккита ўриндиқ	енгиллик	
Стелс- технологиялар	Кенг қанотлар	Кичик қанотлар	
Форсаж режимли двигатель	Чидамлилик	Қарама қарши кураш воситалари	
Парвозлар оралиғи	Парвозлар оралиғи		
Маневр қилиш қобилияти	Хизмат кўрсатиш кулайлиги		
"Ҳаво-Ҳаво" қуроли	Кучли/мослашувчан борт қуроллар комплекси	Кучли/мослашувчан борт қуроллар комплекси	Қуролларни созлаш
Стандарт борт қуроллар комплекси	"Ҳаво-Ҳаво" ва "Ҳаво-Ер" ракеталари	"Ҳаво-Ер" ракеталари	
		Электрон кураш воситалари	
Ҳар қандай вазифани бажара оладиган самолёт	Ҳар қандай вазифани бажара оладиган самолёт	Ҳар қандай вазифани бажара оладиган самолёт	Муаян вазифанинг талабларига мувофиқ мослаштириш

2001-йил кузига келиб "Lockheed Martin" компанияси "Boeing"дан ўзиб кетди ва "JSF"ни яратиш учун 200 миллиард долларлик шартнома олди (бу тарихдаги энг йирик ҳарбий шартномадир). Пентагон ушбу дастур муваффакиятли бўлишига амин эди, чунки "F-35" самолётларининг стратегик ҳолати нафақат мисли кў-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиши

рилмаган қиймат ва арzon нархлар билан ажралиб турар эди, шунингдек, ҳар учала мудофаа идоралари томонидан хам қўллаб-куватланган эди⁶.

“F-35” концепцияси ва прототипи яхши қабул килинганига қарамай бундай кенг кўламли ва мураккаб лойиха ҳар доим амалга оширишда жиддий қийинчиликларга дуч келмаслик учун кўплаб сабоқларни ўрганиш керак, шунинг учун биз ушбу масалага қайтамиз ва лойихани амалга ошириш муаммоларини 8-бобда алоҳида кўриб чиқамиз. Ахир, ижро этиш нафакат ижодий концепция, балки уни муваффакиятли амалга ошириш демакдир⁷.

Имкониятлар доирангизни кенгайтиринг

Тан олиш керакки, қайси тоифадаги мижоз бўлмаганларнинг качон ва қайси томонга эътибор қаратиш кераклигини тез ва равон аниқлашга имкон берадиган қоида йўқ. Мовий уммон имкониятлари спектри вақт ва соҳага қараб ўзгаради, шунинг учун кучларни энг кенг қамров зонасини таъминлай оладиган мижоз бўлмаганлар дараҷасига қаратиш маъқул. Бундай холатда харидор бўлмаган барча уч босқич ўртасида умумийлик борлигини аниқлаш керак. Ана шунда озод килинадиган яширин талабни оширишингиз мумкин. Агар бундай имкониятга шунчаки дуч келсангиз, унда факат битта аниқ дараҷа билан чекланиб қолмаслигингиз керак. Аммо барча даражаларни бир вактнинг ўзида кўриб чиқиш мақсадли хисобланарди. Факат имкон қадар кўпроқ қамраб олишга интилинг.

Кўпгина компанияларнинг табиий стратегияси мавжуд мижозларни саклаб қолиш ва сегментациялашнинг кейинги имкониятларини излашдан иборатdir. Агар сиз рақобат босими остида бўлсангиз, ушбу стратегия икки баравар тўғридир. Эҳтимол, ушбу усул

5-боб. Мавжуд талаблар доирасидан чиқиш

мақсадли рақобатдош устунликка эришиш ва мавжуд бозор улушкини ошириш учун фойдалидир, аммо шу тарзда мовий уммонни яратиш, бозорни кенгайтириш ва янги талабни яратиш мумкин эмас. Бу ерда гап мавжуд мижозлар ёки сегментация түғрисида баҳслашиш, тұғри ёки нотүғри йўналтириш эмас, балки мавжуд ва берилган стратегик йўналишларга эътиroz билдириш ҳақида кетмоқда. Мовий уммони-нгизнинг хажмини ошириш учун сизга келажакдаги стратегияларни ишлаб чиқиша мавжуд талабдан четта чиккан холда мижоз бўлма-ганларга ва ажралиб чикиш имкониятларига эътибор беришни так-лиф қиласиз.

Агар бундай имкониятларни аниқлашнинг иложи бўлмаса, мавжуд мижозлар ўртасидаги фарқдан фойдаланишга кайтиш мумкин. Аммо шуни ёдда туtingки, сиз бундай стратегик кадамни қў-йиш ортидан янада тор жойда колишингиз мумкин. Шунингдек, сизнинг рақобатчиларингиз инновацияларни таклиф килиш орқали мижоз бўлмаган мижозларни жалб килганда, кўпчилик мижозлар фойда учун фарклар ҳақида унутишни афзал кўрганлари сабабидан уларга эргашишга карор килишларини унутманг.

Сиз яратган мовий уммон хажмини ошириш учун юкорида-гилар етарли эмас. Иккала томон учун барқарор ва ютукли натижага эришиш учун бундан фойдалана олишингиз керак. Кейинги бобда мовий уммонни яратиш бўйича сизнинг таклифларингиз асосида даромадли ўсишни яратадиган ва таъминлайдиган ҳаётй бизнес моделини кандай юзага келтириш ҳақида сухбатлашамиз.

6-БОБ

ТҰҒРИ СТРАТЕГИК ИЗЧИЛЛИККА АМАЛ ҚИЛИШ

Олдинги бобларда яратиши имкони бўлган уммонларни кашф қилиш усуллари хақида гаплашдик. Биз келажакда мовий уммон стратегиясини акс эттирувчи стратегик режани ишлаб чиқдик. Мижозларни иложи борича кўпроқ қандай жалб қилишни билиб олдик. Эндиғи вазифа мовий уммон ғоясини амалга ошириш йўлида яхши фойда олиш учун барқарор бизнес моделини яратишдир. Бу вазифа мовий уммон стратегиясининг тўртинчи, аникрофи, тұғри стратегик кетма-кетликка риоя қилиш принципига олиб боради.

Ушбу бобда конкретлашнинг стратегик кетма-кетлиги ва мовий уммон ғояларидан тижорат максадларидаги фойдаланиш мумкинлиги ҳамда бунинг тұғри эканлигини асослаш масалалари муҳокама қилинади. Агар бунга тұғри стратегик кетма-кетлик ва мовий уммон ғояларини қандай баҳолашни кўша олсак, бизнес модел билан боғлиқ хавфларни сезиларли даражада камайтиришга эришамиз.


Тұғы стратегик изчиллик

6.1. расмда кўрсатилгандек, компаниялар мовий уммон стратегиясини қуйидаги изчилликда тузишлари керак: мижоз учун фойдалилиги, нарх, харажат ва амалга ошириш.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Түғри стратегик изчилликка АМАЛ қилиш

6.1. расм. Мовий уммон стратегиясида изчиллик.



Сиз харидор учун ёрдам дастуридан бошлишингиз керак.

Айтингчи, бизнес ғоянгиз жуда фойдали эканига ишончигиз комилми?

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғри стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

Сизнинг мақсадли аудиториянгиз маҳсулотингизни сотиб олишига аминмисиз?

Агар бунга ишончингиз аник бўлмаса, унда мовий уммоннинг потенциали йўқ. Бундай ҳолатда режани кейинга қолдириш ёки бу саволларга ижобий жавоб бергунингизча уни бошқатдан ўйлаб кўришингизга тўғри келади.

Фавқулодда ёрдам дастурлари билан шуғулланиб иккинчи, яъни тўғри стратегик нархни белгилаш босқичига ўтинг. Бунда компания талабни яратишда факат нархга таянмаслиги кераклигини ёддан чиқарманг.

Таклиф қилинаётган маҳсулотнингиз нархи мақсадли мижозларни жалб қилиши мумкинми ва бу уларга сизнинг маҳсулотингиз учун пул тўлашга имкон берадими?

Агар саволга ижобий жавобни беролмасангиз, улар маҳсулотингизнини сотиб олмайдилар ҳамда таклифингиз бозорда овоза бўлмайди.

Дастлабки икки босқич компания бизнес моделининг даромад томони билан боғлик. Сиз уларнинг ёрдами билан мижозлар учун соф қиймат ўсишини яратасиз (бу ерда мижозлар учун соф қиймат – бу таклифнинг фойдалилиги минус мижозлар тўлаган нарх).

Агар фойда масалаларини кўриб чиқсан, бу бизни учинчи таркибий қисм, яъни харажат қисмларга олиб келади.

Харажатларнинг мақсадли даражасини сақлаган ҳолда ўз таклифингизни амалга ошириб яхши фойда олишингиз мумкинми?

Маҳсулотни стратегик нархда, яъни мақсадли мижозлар оммаси учун мавжуд бўлган нархда сотиш орқали даромад олиш мумкинми?

Нархларни бошқариш учун харажатларга асло йўл қўйманг. Аммо юкори харажатлар стратегик нархлардан фойда олишингизга имкон бермаслиги сабабли ёрдам дастурини камайтира олмайсиз.

Агар мақсадлы харажатлар даражасини сақтаб қолишининг иложи бўлмаса, бу фикрни рад қилиш керак, чунки мовий уммон фойда келтирмайди ёки бизнес моделини мақсад даражасида қолиш учун ўзгартиради. Компания бизнес моделининг харажатларга боғлиқлиги бизга фойда кўринишида, аникрофи, компаниянинг ўзи учун қийматнинг кўтарилишини яратишга имкон беради. Бу устун коммунал, стратегик нарх ва харажатларнинг мақсадли даражаси комбинацияси бўлиб бизга қиймат янгиликларига эришишга имкон беради. Бу харидор учун ҳам, компания учун ҳам қийматнинг ўсиши демакдир.

Якуний босқич амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тўсикларни енгиди ўтишдир.

Ушбу ғояни ҳаётта татбик этишингизда қандай тўсиклар бор?

Тўсиклар, асосан, нима билан боғлик?

Уларни енгишга харакат қилдингизми?

Мовий уммон стратегиясини яратишни қачон тугалланган деб ҳисоблаш мумкин, деган савол туғилиши табиий. Агар ушбу стратегияни амалга оширишда у билан боғлиқ муаммоларни бошиданоқ ҳал кила олсангиз, демак, мақсадга эришиш йўлида эканингиз аниқ бўлади. Бундай муаммоларга, масалан, чакана сотувчилар ёки шерикларининг фикрига бўлган қаршиликлар кабиларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Мовий уммон стратегиялари алвон уммондан узок масофада туради, шунинг учун ҳам амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни олдиндан ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мовий уммон стратегиянгиз тақдим этилган изчилликда бир ёки турли босқичлардан муваффакиятли ўтаётганини қандай тушуниш мумкин?

Айтинг-чи, барча босқичларни босиб ўтадиган фикрни қай йўл билан мукаммалаштироқчисиз?

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғыр стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

Фойдали дастурдан бошлаб уларнинг хар бирини күйида бирма-бир күриб чиқайлық.

Фавқулодда фойдалиларини текшириши

Харидор учун таклифнинг фойдали эканлигини бақолап зарурлиги мухим ўринга эга. Аммо агар маҳсулот ёки хизматлар янги бўлса, айниқса, уларни ишлаб чиқариш учун янги технологиялар кўлланилса, бундай ҳолатларда кўплаб компаниялар бебаҳо қийматни таклиф кила олмайдилар.

Масалан, “Philips” фирмасининг CD дискини олайлик. Ушбу маҳсулот мижозларга сотиб олиш учун етарли сабаблар таклиф қилина олинмаган товарлардан биридир. Аксинча, плеер жуда кўп функцияларга эга бўлганлиги сабабли рекламалар ёрдамида одамларга худдики “хәёлий машина” сифатида таниширилди. “CD-i” видеомагнитофон, мусика ва ўйинлар тизими ҳамда ўқув воситаси сифатида бир нечта хизматларни ўзида жамлаганди. У бир вақтнинг ўзида турили хил функцияларни бажаргани ва истеъмолчи учун сезгир интерфейсга эга эмаслиги сабабли ундан фойдаланиш кийинчиликларни туғдиради. Курилманинг мураккаб фойдаланувчи кўлланмаларини ўқиш учун кўп вақт ва куч талаб қилинарди. Шунингдек, дастурий таъминотга жозибали номлар ҳам етишмас эди. Назарий жихатдан “CD-i” бир нечта вазифаларни бажариш имконига эга бўлса ҳам, амалда уларнинг барини бирдек уddaрай олмасди. Ушбу сабабларга кўра уни сотиб олиш учун ҳеч қандай манфаат кўринмасди, шунинг учун унинг савдоси юришмади.

“Philips” менежерлари (шунингдек, “Motorola”дагилар ҳам) юкори технологиялар мижозлар учун самарали фойдалилик дастурга эга деб ўйлашарди. Шунинг учун ҳам ўзларининг маҳсулотларига

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғыр стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

күйлаб янги техник воситаларни күшдилар, аммо бу ўзлари күтмаган тузоқни – муваффакиятсизликни юзага чиқарди (“CD-і”даги холатни әсланг).

Одатда, бундай технологик тузоклар ихтиори компаниялар йүлида пайдо бўлади. Мижозларнинг ҳаёти технологиялар сабабли соддалашиши, кулайрок, самарали, хавфсиз, кизикарли ва чиройли бўлиши мумкинdir, аммо ушбу технологиялар қанчалик қадрли бўлмасин, мижозларнинг катта кўламини ўзига жалб қилмайди. Қиймат ва технология инновациялари икки хил нарсадир.

Бундай тузоқка тушмаслик учун, иккинчи бобда айтиб ўтганимиздек, эътиборли бўлиш, тафовут ва харидорларга қаратилган жозибадор умумий ғоя, шиорлар мавжудлиги учун дастлабки текширувдан ўтадиган стратегик профилни яратиш керак. Агар компания буларни амалга оширолса, янги маҳсулот ёки хизмат мижозлар ҳаётини қаерда ва қандай ўзгартиришини тезда аниқлашга тайёр бўлади.

Бир неча томондан кўринадиган нуқтаи назар мухимdir, чунки у маҳсулот ёки хизматни яратиш усули техник имкониятларга кўра камроқ аниқланганига ва мижозлар учун фойдалилигига ишонч хо-сил қилиш имконини беради.

Харидор учун фойдали харита менежерларга ушбу масалага тўғри томондан қарашга ёрдам беради (6.2-расм). Бу мижозларга фавқулодда ёрдам дастурини тақдим этиш учун компания жалб қилиши мумкин бўлган барча воситаларни, шунингдек, маҳсулот ёки хизмат билан боғлик мижозлар томонидан амалга ошириладиган турли хил харакатларни кўрсатади. Ушбу карта ёрдамида менежерлар маҳсулот ёки хизмат тўлдирадиган ҳар қандай ёрдамчи уяларни аниклай олишади. Келинг, харитани батафсил кўриб чикамиз.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Түғри стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

6.2. расм. Харидорлар үчүн фойдалылык картаси

Харид циклининг олтита босқичи

1. Харид қилиш	2. Етказиб бериш	3. Фойдаланыш	4. Күшимча хизмат ва күрсатиш ция қилиш	5. Хизмат маҳсулотлар	6. Утилизацыйа
Истеъмолчилардинг мойиллиги					
Оддийлик					
Қулайлик					
Хавф-хатар					
Ўйин-кулгига ва кўриниш					
Экологик соғилги					

Харид циклининг олтита босқичи

Харид қилиш цикли одатда олтита босқичдан иборат бўлиб, кетма-кетликда маҳсулотни харид қилишдан то уни тасарруф этишгача бўлган йўлларни ўз ичига олади. Ҳар бир босқич ўзига хос хилма-хил харакатларни қамрайди. Менежерлар ҳар бир босқичда мижозлар тажрибасининг сифатини баҳолаш учун бир қатор саволларни беришлари мумкин (6.3-расм).

ИККИНЧИ КИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Түрли стратегик изчиллүккө АМАЛ қилиш

6.3. расм. Харидлар Цикли

Харид қилиш	Етказиб бериш	Фойдаланиш	Күшімчама маңызлоту甫 ва хизметтер	Хизмет күрсатыш	Утилизация қилиш
Сизге керакты Максулотни тө- пиш учин қанча вакт керак бу- лади?	Максулотни етка- зип бериш учун қанча вакт талаб еци үкүв дастури кераки?	Максулотдан фой- даланиш учун сизге мұтажассыс ёрдами екі үкүв дастури кераки?	Максулот ишшашы учун сизге күшім- ча маңызлоттар за- хизметтер көрек- ми?	Ташқи хизметті максулоти көреки?	Максулот чикиндиарни хосил қилемдімі?
Харид қилиши жойи жозибады ва арзонмы?	Яңғы Максулотни очиши ва үйнәтиш қанчалық кийин?	Максулотни ишпаптимайтанды- ратып саклаш осонмы?	“Ха” бўлса максулот қанчалық киммат?	Максулотга хиз- мат кўрсатиш ёки янтилаш канчалық осон?	Максулотни утилизация канчалық осон?
Битим мухити канчалық хавфсиз?	Харидорлар етказиб бериш хизмети маса- лаларини ўзлари хал қилишлари кераки?	Максулоттинг функциялари ва хусусиятлари канчалық самараиды кешиш	Қанча вақт талаб киниади?	Максулотта хизмат кўрсатиш канчалық киммат?	Максулотни хавф- сиз утилизация қилиш билан бое- лик қонуний ёки экологик жиҳатнار борми?
Харид қилишини канчалық тез амалда ошибрасиз?	“Ха” бўлса, бу қанчалық киммат ва канчалық кийин?	Максулот (ёки хизмат) ўргача мижозининг экти- ёжварига көзаганда кўпроқ хусусиятларни тайдим этадими?	Канча күйинчиликлар яратишади?	Утилизация канчалық қаммал?	Уларни харид килиш канчалық осон?

Фойдалилыкнинг олтита дастаги

Харид қилиш циклининг босқичлари фойдалилик дастаги билан кесишади. Компаниялар бу икки омил орқали харидор учун фавқулодда қиймат яратиши мумкин. Фойдали дастакларнинг аксарияти бизға таниш. Оддийлик, ўйин-кулги ва ташқи кўриниш, қолаверса, атроф-муҳит ҳарорати кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, харидор учун молиявий, жисмоний ёки обрўга боғлик ҳавфларни камайтириш ғояси ҳам. Махсулот ёки хизмат сотиб олиш, фойдаланиш ёки утилизация этиш осон бўлгани учун кулагиликни таъминлайди. Энг кўп ишлатиладиган дастак истеъмолчи нинг маҳсулдорлиги, унинг моҳияти маҳсулот ёки хизмат мижозга ўз бизнесини тезрок ёки яхшироқ бажаришга ёрдам беришини кафолатламоғи керак. Компания маҳсулотни фавқулодда фойдали дастур учун синаб кўриш ҳамда ўз таклифининг барча мижозлар ва мизож бўлмаганлар учун харидлар даври мобайнида фойда келтирадиган асосий тўсикларни бартараф этадими ёки йўқлигини аниқлаши керак. Фойдали воситалар учун энг катта тўсиклар, одатда, бекиёс қиймат яратиш йўлидаги ҳақиқий имкониятлардир. 6.4. расмда компания фавқулодда ёрдам дастурини топиши учун энг жозибали қайноқ нуқталарни қандай аниклай олиши кўрсатилган. Харидор учун фойдали хаританинг ўттиз олтита катақасига таҳминий таклифингизни ёзиб, янги ғоя нафақат мавжудларидан фарқ киладиган фойдали таклифни яратибгина колмай, балки коммунал хизматларни яратишда ва мижоз бўлмаган мижозларни харидорларга айлантиришида асосий тўсикларни олиб ташлаётганлигини аник билиб олишингиз мумкин. Агар таклифингиз бошқа компанияларнинг таклифлари билан ўхшаш бўлса, унда мовий уммон яратишда оркада эканингиз аён бўлади.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғри стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

“Ford”нинг “T” моделини эсланг. Мазкур модел яратилишидан олдин Американың беш юздан ортиқ автомобиль ишлаб чи-карувчилари бойлар учун мүлжалланған қиммат машиналарға эъти-бор каратдилар. Агар буни харидор учун фойдаланиш босқичда ташқи қўринишга эътибор каратиб юқори даражадаги ҳашаматли машиналарни яратди. Натижа шуки, ўттиз олтитадан биттагина фойдалалик катаги банд қилинди, холос.

6.4. расм. Мижоз учун фойдалалик йўлидаги тўсиқларни аниқлаш.

Харид қилиш	Етказиб бериш	Фойдаланиш	Қўшимча маҳсулот ва хизматлар	Хизмат-кўрса-тиш	Утили-зация
Истеъмолчиларнинг мойиллиги			Истеъмолчининг самарали мойиллигини таъминлашда асосий тўсиқлар қайси босқичда?		
Оддийлик			Оддийликни таъминлаш учун асосий тўсиқлар қайси босқичда?		
Қулайлик			Қайси босқичда қулайлик таъминлаш учун асосий тўсиқлар мавжуд?		
Хавф			Хатарларни камайтиришнинг асосий тўсиқлари қайси босқичда?		
Кўнгил очиш ва ташқи қуриниш			Кўнгил очиш ва ташқи қўринишни яратиша асосий тўсиқлар қайси босқичда?		
Табийлик			Табийлик учун асосий тўсиқлар қайси босқичда?		

Ҳашаматли ёки замонавий қўринишни бартараф этиш омма-вий харидор учун фойдалаликни яратишдаги асосий тўсик бўлма-ган. Аксинча, улар иккита: фойдаланиш босқичидаги қулайлик ҳамда парваришлаш фазаси билан бөглиқ хавф каби омилларга алоқа-дор эди.

Фойдаланиш босқичидаги қулайлик борасида бир мисолни кўриб чикайлик. Маълумки, асримиз бошларида ифлос йўлакчалар

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғри стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

(бундай йүлаклар күп эди) отда сайд килиш учун яроқлы бўлса-да, лекин машиналар ҳаракати учун (айникса, улар қимматбаҳо бўлса) мақбул эмасди. Бундай йўллар (ёмғир ва корли вактларда умуман юриб бўлмаслигини эътиборга олинг) автомобилда саёҳат килиш учун вактни ҳам, жойни ҳам сезиларли даражада чеклаб қўйди. Хуллас, сифатсиз йўлларда қимматбаҳо машиналардан фойдаланиш нокуладай эди.

Энди парваришилаш фазаси билан боғлиқ хавфга назар ташласак. Кўпгина вазифаларни бажаришга мўлжалланган дастгохлар яхши тайёрланган бўлишига қарамай тез-тез бузилиб колар, уларни тузатиш учун эса юкори сифатли механика талаб қилинарди. Шу боис уларнинг хизматлари қимматга тушар ва натижада хунармандлар булардан фойдаланишни истамасдилар.

“Ford” компаниясининг “T” модели иккила тўсикни ҳам олиб ташлади. “T” модели “хамма учун машина” шиорини илгари сурган. Ушбу модел фақат қора рангда бўлиб, минимал вариант эга ягона версияда ишлаб чиқарилган. Хуллас, мазкур компания фойдаланиш босқичида ташки кўринишга сармоя киритишдан воз кечди. Харидорлари кам ва сифатли йўлларни талаб этувчи қимматбаҳо, ҳашаматли машина ўрнига лой йўлларда ёмғир, кор ва ҳар қандай об-хавода ҳам ҳеч қандай муаммосиз хайдаш учун қулай бўлган машинани яратди. “T” моделидаги машинани таъмирлаш ва ишлатиш осон эди, мухими, уни қандай бошқаришни ўрганиш учун бир кун етарли эди.

Юкоридаги мисоллардан кўринадики, харидор учун фойдалилик ҳаритаси янги ва эксклюзив ёрдамчи дастурлар ҳамда гоялар ўртасидаги фаркларни кўрсатади. Ушбу фарклар моҳиятига кўра анъанавий таклифлар ёки технологик янгиликларнинг ўзаро тўқнашви хисобланади. Олдингиздаги вазифа шуки, сиз таклиф килаётган маҳсулот намунавий “T” сингари имтиҳондан ўтиши мумкин-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғри стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

лигини текширишдір.

Ушбу машкни бажариш орқали ўз ғоянгизга қандай ишлов бериш кераклигини аниклайсиз.

Харид жараёнида мижозлар ва мижоз бўлмаганлар учун ёрдам дастурини яратишда қандай асосий тўсиклар мавжуд?

Айтмоқчи бўлган таклифингиз ушбу тўсикларни самарали равишида олиб ташлашга имкон берадими?

Агар маҳсулотингиз ушбу синовдан ўтган бўлса, унда сиз кейинги боскичга ўтишингиз мумкин.

Фавқулодда фойдалылықдан стратегик нархлашгача

Таклифингиздан доимий даромад окишини таъминлаш учун стратегик жихатдан тұғри нархни белгилай олишингиз керак. Ушбу боскич харидор нафакат сизнинг маҳсулотингизни сотиб олишни хохлашига, балки унга ҳак тўлашга кодирлигига ишонч хосил қилиш имконини беради. Компанияларнинг кўпчилиги кара-ма-карши харакатларни танлайдилар. Яъни янги бизнес ғояни амалга оширишда янги маҳсулотларга иштиёкманд ва нархларга бефарқ бўлган истеъмолчиларга йўналтирадилар ва бир мунча вакт ўтгач, харидорларнинг асосий қисмини жалб қилиш учун нархларни пасайтирадилар. Лекин тан олиш керакки, бугунги кунда бошиданок қандай нарх максадли харидорларни тезда жалб қилиши мумкинлигини билиш тобора мухим аҳамият касб этмоқда.

Компаниялар маҳсулот ҳажми юқори даромад олишга имкон беришени билишади. Товарлар кўпроқ маълумот талаб қиладиган бўлиб, харажатларнинг ортиб бораётган қисми ишлаб чиқариш билан эмас, балки уларнинг ривожланиши билан боғлик. Ушбу фикрларнинг исботи сифатида дастурий таъминот саноатидан ми-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғыр стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

сол келтирсак. Эсланг, “Apple” “iOS”нинг ривожланиши учун бир неча миллиард долларни сарф қилишга мажбур бўлди, аммо бундай дастур “Apple” стандартларига эга компьютерларга ўрнатилишини хисобга олсак, сарф қилинган харажатлар ўзини оқлаганига гувоҳ бўламиз.

Албатта, бундай вазиятда ҳажм муҳим рол ўйнайди.

Махсулот ёки хизматнинг қиймати харидор учун баъзан ушбу маҳсулот ёки хизматдан фойдаланаётган одамлар сонидан келиб чиқиши мумкин. Масалан, онлайн-хизмат соҳасида фаолият юритувчи “e-Bay”дан қанчалар кўп одамлар фойдаланансалар, у сотувчи ва харидорларга шунчалар жозибадор кўринади. Тармокнинг ташки хусусиятлари (network externalities) деб номланган ушбу ходиса натижасида кўплаб маҳсулотлар ёки хизматлар учун таклиф “хамма ёки ҳеч нарса” тамойилига асосланади. Айтиш керакки, бунда ё бирданига миллион нусхани сотасиз, ёки умуман ҳеч нарса сота олмайсиз¹.

Унутмаслик керакки, “маълумотли” маҳсулотлар сонининг кўпайиши тақлид килиш учун имконият яратади. Негаки билимлар аслида ракобатбардош эмас ва қисман эксклюзив бўлади². Бир компаниянинг рақобатдош маҳсулотни ишлатиши бошқа компания бундан буён уни ишлатмаслигини англаради. Чунончи, “IBM” компаниясида доимий равишда ишлайдиган “Нобел” мукофоти совриндорлари бўлган олимлар бир вактнинг ўзида бошқа компанияда ишлашлари мумкин эмас. Худди шундай яна бир мисол: “Nucor” томонидан ишлатиладиган пўлат парчаларини бир вактнинг ўзида соҳадаги бошқа фабрикаларда қайта ишлаш учун сотиб олиш мумкин эмас.

Аксинча, битта компаниянинг рақобатдош бўлмаган товарлардан фойдаланиши унинг бошқа компаниялар томонидан ишлатилишини чекламайди. Масалан, “Virgin Atlantic Airways” катта

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғыр стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

креслолар ва оёқ қўйиш учун кенгроқ жойларни бирлаштирган “Upper Class” брендини яратганда бошқа авиакомпаниялар ушбу ғоядан “Virgin”нинг имкониятларини чекламасдан фойдаланишила-ри мумкин эди. Бундай ҳолда рақобатчилярнинг таклифларига тақ-лид қилиш нафакат мумкин, балки анча арzonрок бўлади. Чунки инновацион ғояни ишлаб чиқиши билан боғлик харажатлар ва хавф-лар издошнинг эмас, ташаббускорнинг зиммасидадир.

Эксклюзивлик ҳакида гап кетганда муаммо янада мураккаб-лашади. Эксклюзивлик бу ҳам маҳсулотнинг табиий функцияси, ҳам конуннинг хусусиятидир. Агар компания маҳсулотдан бошқа-ларнинг фойдаланишига тўсқинлик қиласа, дейлик, киришни чеклаш ёки уни патент билан химоя қиласа, бундай маҳсулот эксклюзив ҳи-собланади. “Intel” бошқа яримётказгич ишлаб чиқарувчиларнинг ўз ускуналарига киришига тўсқинлик қилиши мумкин, чунки мулкни химоя қиладиган маҳсус қонунлар мавжуд. Аммо Осиёнинг “QB House” сартарошхоналари унинг хонасига кирган, тартибини ўрган-ган, мухитини баҳолаган, бу ердаги сартарошларнинг қандай ишла-шини кўриб ўз сартарошхонасининг мухитини ҳам шундай яратган рақобатчига хеч нарса килолмайди. Бирор гоя амалга оширилгач, у бошқа компаниялар орасида табиий равища тарқалади.

Эксклюзивликнинг йўклиги тақлид қилиш хавфини ошира-ди. “Pret A Manger” ёки “JCDecaux”нинг ижодий ишлари сингари мовий уммоннинг кўплаб янги ғоялари ҳам улкан аҳамиятга эга бўлса-да, аммо бу ғоялар янги технологик кашфиётларни ўз ичига олмайди.

Шу боисдан уларни патентлаш ёки эксклюзив қилишнинг имкони йўқ, бу эса уларга нисбатан ҳар доим тақлид қилиш хавфи мавжудлигини англатади.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғри стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш


6.5. расм. Омма учин нархлар оралиғи

Бириңчи қадам:
омма учин нарх оралиғини аниклаш

Маҳсулот/хизматларнинг учта мүқобил түрі

Бир хил шакл
Бошқа шакл,
бир хил функция,
бир хил вазифа

Иккинчи қадам:
нархлар оралиғидаги нарх даражасини аниклаш



Айланалар үлчамлари үшбұ махсулот/хизматлардан фойдаланумен міжозлар сонига мутано сибди

Юқоридагилардан хulosса қилиш мүмкінки, сиз белгилаган стратегик нарх нафқат кенг харидорларни жалб қилиши, балки уларни ушлаб туришингизга ёрдам беріши мүмкін. Таклид килувчиларнинг юқори хавфини ҳисобға олған ҳолда бириңчи кунданок янги маҳсулот ёки хизматнинг обрүсига эта бўлиш керак, чунки бренднинг яратилиши етказилган тавсияларга ва бизнинг жамияти-миз орқали тез таркалишга boglik. Стратегик нархлаш мухим рол ўйнайди, негаки бу сиз таклиф килган нарх мақсадли харидорларни жалб қилиши учун белгиланганми, деган саволга аниклик киритади. Агар фавқулодда фойдалилик стратегик нархлаш билан бирлаштирилган бўлса, таклид хавфидан кўркмаса ҳам бўлади.

Биз максадли мижозлар учун нархлар оралиғи деб номланған воситани ишлаб чиқдик. Ушбу восита менежерларга қаршилик күрсатышнинг иложи бўлмаган таклифлар учун тұғри нархни топишга ёрдам беради ва топилган нарх энг паст даражада бўлмайди. Асбоб ўзаро bogliq бўлган иккита босқични талаб қиласи (6.5-расмга қаранг).

Биринчи қадам. Омма учун учун нарх оралигини аниклаши

Компаниялар нархни белгилашда, аввало, ўз шаклларига ўхшаш маҳсулот ва хизматларни синчковлик билан ўрганадилар, ўз соҳаларида бошқа маҳсулотлар ва хизматларни кўриб чиқадилар. Гарчи бу тұғри йўл бўлса ҳамки, аммо бу янги мижозларни жалб қилиш учун етарли эмас. Стратегик нархни белгилашда асосий вазифа шуки, янги маҳсулот ёки хизматни анъанавий рақобатчилар гурухидан ташқарида тақдим этиладиган турли хил маҳсулот ва хизматларнинг массаси билан таққослагандан, одамларнинг унга қандай баҳо беришини тушунишдир.

Маълум бир соҳа доирасидан ташқарига чиқишида қўйидаги икки хил тоифага мансуб маҳсулотлар ва хизматларнинг моҳиятини англаб етиш мақсадга мувофиқ бўлади:

а) бошқа маҳсулотга ўхшаб кўринадиган, аммо бажарадиган функциялари шунга ўхшаш;

б) бир маҳсулотга нисбатан бошқача кўринадиган, турли хил функцияларни бажарадиган, лекин бир хил вазифаларни бажарадиганлар.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғыр стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

Бошқа шакт – функция бир хил

Мовий уммонларни яратадиган күплаб компаниялар бир хил функцияни бажарадиган ёки бир хил асосий вазифаны бажарадиган, аммо мутлақо бошқача жисмоний шактлаға эга бўлган маҳсулот ва хизматларни таклиф қилиш орқали ҳам бошқа соҳалардаги мижозларни жалб қила оладилар. Масалан, “T” моделига қайтсан. “Ford” ишчилари отларга қўшилган аравага эътибор қаратишди. Бир қарашдаёқ араванинг автоулов бажарадиган вазифани, яъни йўловчилар ташишини амалга оширишини илғаймиз. Аммо вазифа бир хил бўлгани билан унинг бажарувчилари бошқа-бошқа. Компания автомобилсозлик соҳасида мижоз бўлмаганларнинг кўпчилигини, яъни от аравадан фойдаланувчиларни ўз мижозларига айлантириди. Бунда “T” моделининг нархини бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг машиналари нархига эмас, балки ташиш хизмати нархига караб хисоблаб чиқди.

Шакт бошқа, аммо функцияси бир хил бўлган хизмат жараёнинг мактаб озиқ-овкат саноатидан болалар учун нонушта тайёрлашни ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Бунда болалар учун уларнинг ота-оналари компаниялар билан бир хил вазифани бажардилар: улар нонушта тайёрладилар. Аммо шакт бутунлай бошқача, яъни бир томондан ота-она, иккинчи томондан мактаб ошхонаси хизматини кўрамиз

Бошқа шакт ва функция, вазифа бир хил

Баъзи бир компаниялар янада узокдаги мижозларни жалб қилишга қодир. Масалан, “Cirque du Soleil” бундай турдаги харидорларни турли хил кечки кўнгилочар жойлардан ўзи томонига оғ-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғри стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

дира олди. Компаниянинг ўсиши қисман турлича күриниш ва хар хил функцияларга зәг бўлган бошқа-бошқа муассасаларнинг хар доимги мижозларини жалб қилишга муваффак бўлганлиги сабабли рўй берди. Масалан, бар ва ресторанлар билан цирк ўртасида умуман ўхшашлик йўқ. Албатта, ошхона муассасалари мижозларга сухбатдан завқланишни ва мазали таомларни тақдим киладилар ҳамда бу билан цирк томонидан таклиф килинган визуал ўйин-кулгидан сезиларли даражада фарқ килади. Шундай бўлса-да, шакли ва функциясидаги ҳар хил фарқларга қарамай ушбу масканларга ташриф буюрувчиларнинг мақсади умумий, яъни кечани яхши ўтказишидир.

Муқобил маҳсулотлар ва хизматларнинг барча гурухлари рўйхатини тузиш менежерларга бошқа саноатдан ва саноат бўлмаган соҳалардан ўзларига оғдириш мумкин мижозларни, яъни юкорида кўрганимиздек, ота-оналар (мактаб озиқ-овқат саноати) ёки уйда хисоб-китоб қилиш учун қалам (шахсий молиявий назорат дастури) ва бошқаларни кўриш имкониятини беради.

Схемада кўрсатилган муқобилларнинг нархлари ва ҳажми-ни 6.5. расмдагидай графикада кўрсатиш кейинги кадам хисобланади.

Ушбу ёндашув мақсадли мижозларнинг катта қисмини тўғридан тўғри аниқлаш ва хозирги вактда ишлатилаётган маҳсулотлар ҳамда хизматлар учун кандай нарх тўлашга тайёрлигини тушуниш имконини беради. Мақсадли мижозларнинг энг катта гурухларини ўз ичига олган нархлар гурухи мақсадли массалар учун нархлар оралиғи саналади.

Айрим соҳаларда мақсадли мижозлар доираси жуда кенг. Бундаги эътиборли жихат нархни соҳадаги ракобатчилардан келиб чиқиб эмас, балки уни барча тармоклар ва ноишлаб чиқариш соҳаларида нархларнинг ўрнига ҳамда муқобил вариантлар асосида белгилашидир. Агар юкорида кўриб чиққанимиздек, “Ford” бошқа

ишилаб чиқарувчиларнинг нархларига таянганда эди (рақобатчиларнинг автомашиналари от аравачасига қарaganда уч баравар қиммат), “Т” модели бозорда бунчалык улкан ютуққа эга бўлmas эди.

Иккинчи қадам. Нархлар оралигидаги даражасани аниқланг

Иккинчи қадам менежерларга оралиқда қолиш ҳамда бошқа маҳсулотларга таклид қилмасдан туриб қанча ҳақ олишлари мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Қайд этиш керакки, баҳолаш икки асосий омилга боғлиқ. Буларнинг биринчиси маҳсулот ёки хизматнинг ҳуқукий химояси даражасини, яъни патентни рўйхатдан ўтказиш ёки муаллифлик ҳуқуқини химоя қилиш эътиборга олингандиги бўлса, иккинчиси ҳар қандай эксклюзив актив, асосий имконият ёки дизайн соҳасида ноёб компетенцияга эга бўлган компания даражасидир. Масалан, қимматбаҳо ускуналар маҳсулотни таклид қилиш учун тўсик бўлиши мумкин. Маиший техника ишилаб чиқарадиган Буюк Британиянинг “Dyson” компанияси ўзининг чанг йигадиган қопчасиз ишлайдиган чангютгичга юкори нархларни 1995-йилда маҳсулот чиқара бошлаган пайтдан то шу кунгача ўрнатмоқда. Чунки модел патентлар билан ҳимояланган ва компанияда дизайн каби хизмат кўрсатиш қобилиятини имитация қилиш кийин.

Кўпгина компаниялар мақсадли харидорларни жалб қилиш учун стратегик нархни юкори чегарада белгилайдилар. Улар орасида “Philips”нинг люминесцент лампалари учун дастури саналган “ALTO”, дастурий таъминот бизнесини ривожлантириш саноатида ишилаб чиқарилган маҳсулотлар учун “SAP”, молиявий дастурлар учун “Bloomberg”ларни санаб ўтиш мумкин.

Патентта эга бўлмаган ва ўз активларини етарлича ишончли ҳимоя қила олмайдиган компаниялар нархлар йўлагининг ўртача

қийматларидан келиб чиққан холда белгилашлари мүмкін. Умуман олғанда, бундай химояга зәға бўлмаган компанияларга пастки чегарада нарх белгилаш тавсия этилади. “Southwest Airlines” авиакомпаниясининг хизматларига патент берилиши мүмкін эмас, негаки унинг эксклюзив активлари йўқ эди, шунинг учун чипталар нархи йўлакнинг пастки чегараси бўйлаб то автоулов хизмати нархлари даражасида ўрнатилди. Компания куйидаги омиллардан камида биттасини бўлса ҳам йўлакнинг ўртасидан пастки чегарасигача бўлган вакт оралиғидаги қийматларгага эътибор қаратиб стратегик нархларни белгиласа, оқилона харакат қиласади:

- компаниянинг мовий уммонни яратиш бўйича таклифи юқори доимий ва паст ўзгарувчан харажатлар билан тавсифланади;
- мовий уммоннинг жозибадорлигига тармоқ ташқи таъсирлари ўз кучини кўрсатади;
- мовий уммонда иш олиб борадиган компаниянинг харажатлар таркиби миқёс ва ҳажм иқтисодини ижобий акс эттиради.

Таъкидлаш керакки, бундай ҳолларда ҳажмнинг ўсиши сезиларли харажатларнинг афзалликларини таъминлайди, бу эса нархларнинг муҳимлилик даражасини оширади. Омма учун нарх оралиғи нафақат уммонга янги талабнинг кўтарилишини рағбатлантирадиган стратегик нарх зonasини кўрсатади, балки ушбу таъсирга эришиш учун дастлабки ҳисобланган нархни қандай ўзgartириш мумкинлигини ҳам айтиб беради. Сиз таклиф қилаётган маҳсулот ёки хизмат тўғри стратегик нарх учун синовдан ўтсагина кейинги боскичга тайёр бўласиз.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғыр стратегик изчиллүкка АМАЛ қилиши

Стратегик нархлашдан оқилюна харажаттарғача

Стратегик кетма-кетликнинг кейинги босқичи мақсадли харажаттар (target costing) ёки мақсадли таннархбизнес моделининг фойда каби томони билан бевосита боғлиқдир. Мовий уммон гоясина амалга оширишдан олинган фойда потенциалини қўпайтириши учун, аввало, компания стратегик нархдан бошланиши ва мақсадли харажатларни эгаллаши йўлида ундан керакли фойдани ола билиши керак.

Бу ерда мижоз учун жозибадор нархга асосланиб, уни харажатлар ва фойда йиғиндиси билан белгилаш муҳим эмас (агар сиз фойдали потенциал таклид килувчилар томонидан амалга ошириши кийин бўлган фойдали харажатлар структурасини олишни истамасангиз).

Агар мақсадли харажатлар стратегик нархларни бошкариш билан юритилса, у ҳолдау жуда тажовузкор бўлади. Мақсадли нархга эришиш муаммосининг бир кисми нафакат тафовутга, балки эътиборга молик бўлган стратегик профилни яратиш билан ҳам ҳал килиниши мумкин, аммо бу йўл компанияни харажатларни камайтиришга мажбур қиласди. “Cirque du Soleil” ўргатилган ҳайвонлар ва машҳур юлдузларнинг киммат хизматидан воз кечиб ўз харажатларини қандай камайтирганини ёки “Т” моделини биттга рангда ва битта модификацияда чиқарган ҳолда қандай ютуққа эришганини эсланг.

Баъзан бундай пасайиш мақсадли нархга эришиш учун етарли бўлса ҳам, аммо доимий равишда бундай деб бўлмайди. Масалан, “Т” моделининг агрессив мақсадли нархига эришиш учун компания томонидан киритилиши керак бўлган янгиликларни олинг. “Ford” дастгоҳларни бошидан охиригача йигадиган тажрибали усталарнинг стандарт ишлаб чиқариш тизимидан воз кечишига мажбур

бўлди. Аксинча, уларнинг ўрнига тезкор ва унумли ишлайдиган, ҳар бири ўз кичик операциясини бажарадиган малакали ишчиларни жалб қилди. Бу эса ишлаб чиқариши вақтни йигирма кундан тўрт кунгача кисқартиришга, иш вақтини 60%га камайтиришга имкон берди³.

Агар компания буни килмаганида у белгиланган стратегик нархда фойда кўрмаган бўлар эди.

Компаниялар “Ford” сингари мақсадли нархга эришиш учун ижодий йўлларни кидириб топмаса, саросимага тушишлари аниқ. Шунда стратегик нархларни ҳаддан ташқари оширишади ёки фойдали томонларини кисқартиришади.

Бу билан мовий уммоннинг олтин сувларига бир кадам ҳам яқинлаша олмайдилар. Максадли нархга эришиш учун компанияга учта асосий дастак керак.

Биринчи дастак ҳаракатларни соддалаштириш ва инновацияларни жорий этиш орқали барча босқичларда ҳаражатларни камайтиришdir.

Бу ишлаб чиқаришдан бошлаб тарқатиш билан яқунладиган жараёндир.

Махсулот ёки хизматни яратиш учун зарур бўлган хом ашёни ноанъанавий, арzon материалларга алмаштириш мумкинми?

Дейлик, металлдан пластмассага ўтиш ёки маълумот йўналтириш хизматини Буюк Британиядан Бангалорга ўtkазиш мумкинми?

Қиммат, аммо қиймат қўшадиган иш турларини кисқартириш, бекор қилиш ёки аутсорсинг усулини топиш-чи?

“The Home Depot”, “IKEA” ва “Wal-Mart” компаниялари каби маҳсулот ёки хизматнинг манзилини ўзгартириш, уларни қиммат жойлардан арzon жойларга кўчириш ёки “Southwest Airlines” каби катта аэропортлардан иккинчи даражалиларига ўтиш мумкинми?

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғри стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

“Ford” оқим конвеерини жорий қылганидек, маҳсулотни ишлаб чикариш жараёнини ўзи ўзгартыриб, таркибий кисемлар сони- ни ёки ишлаб чикариш боскичларини қысқартыриш-чи?

Харажатларни камайтириш учун ишларни компьютерлаш-тириш тұғри тәнловмі?

Юқоридаги саволлардан келиб чиқиб ишни тұғри таш-киллаштырган Швейцариянинг “Swatch” компанияси харажатларни 30 фоизга камайтиришга муваффақ бўлди.

Аввало, компаниянинг директорлар кенгаси Нико- лай Хейк “Swatch” маҳсулотларининг стратегик нархини белги-ловчи маҳсус дизайн гурухини шакллантириди.

Ўша пайтларда оммавий бозор Япония ва Гонконгда ишлаб чикарилган арzon (тахминан 75 доллар) юкори аникликдаги кварц соатлари билан тұла бошлаганди. “Swatch” ўз маҳсулотига 40 дол-лар атрофида нарх белгилади. Бундай нарх одамларга бир вактнинг ўзида замонавий аксессуар сифатида бир неча соат сотиб олишига имкон яратди. Нархнинг арzon қилиниши Япония ва Гонконг ком-панияларига “Swatch” соатларидан нусха қўчиришга йўл колдир-мади.

“Swatch” соати нархига буюртма олганидан сўнг лойиха аъзолари унинг максадли нархини қондириш учун иш бошлашди. Бунинг учун маркетинг ва хизматлар харажатларини коплайдиган ва шу билан бирга компанияга фойда келтирадиган маржанинг миқ-дорини аниклаш керак эди.

Швейцарияда ишчи кучининг қимматлигини хисобга олган ҳолда фақатгина маҳсулот ва ишлаб чикариш усулига туб ўзга-ришлар киритилди ва энг қизиги, шунинг ўзи ҳам муваффақият учун етарли бўлди. Шундай килиб “Swatch” анъанавий металл ёки теридан воз кечди ва соатларни пластмассадан ясай бошлиди. Шу-нингдек, компания мұхандислари соат ишини сезиларли даражада

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғри стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

соддалаштиришга муваффак бўлиши. Қисмлар сони ҳам бир неча баравар қискартирилди. Охир-окибатда янги ва арzonрок монтаж техникаси яратилди. Компания дизайн ва ишлаб чиқаришдаги ушбу барча ўзгаришлар сабаб ишчи кучи билан боғлиқ умумий харажатларнинг 30 фоизидан 10 фоизигача камайтирди. Ушбу янгилик ракобат қилиш кийин бўлган харажатлар таркибини яратишга имкон берди ва “Swatch” соатларнинг оммавий бозорида ўзининг устунлигини ўрнатди ҳамда муносиб фойда кўрди.

Харажатларни камайтириш соҳасида жараёнларни соддалаштириш ва инновацияларни жорий қилишдан ташқари, компания мақсадли харажатларни қондириш учун босиши мумкин бўлган иккинчи восита ҳам мавжуд.

Бу шериклик воситасидир.

Компаниялар бозорга янги маҳсулот ёки хизмат билан кириб баъзида нотұғри харакат қилишади. Инчинун, ишлаб чиқаришдан таркатишгача барча турдаги фаолиятларни мустақил равиша амалга оширишга уринишади. Бунга маҳсулот ёки хизматнинг янги потенциалини яратиш учун платформа сифатида кўриб чиқишилари сабаб бўлади. Шунингдек, шунчаки бошқа ташки имкониятларни хисобга олинмагани ҳам сабаблардан биридир. Ҳамкорлик компанияларга харажатларни камайтириш билан бир каторда зарур имкониятларни тез ва самарали яратишга имкон беради. Бунда компания бошқа компанияларнинг тажрибасидан фойдаланиши мумкин. Сотиб олиш ва қўшилиш орқали имкониятларнинг етишмаслигини тўлдириш шерикликнинг муҳим томонларидан биридир. Чунки бу тезрок ва осонрок вариант бўлиб, бошқа томоннинг тажрибасидан фойдаланишга имкон беради.

Юкоридаги фикрларнинг исботи сифатида “IKEA”нинг муваффакияти шериклик туфайли эканини кўрсатиш мумкин. Мазкур компания материаллар ва маҳсулотларни энг паст нархларда сотиб

6-боб. Тұғыр стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

олишга интилади, бу эса әллиқдан ортиқ мамлакатларда қарийб иккى минг саноат корхоналари билан шериклик орқали эришилади. Шунинг учун ҳам тахминан йигирма минг маҳсулотдан иборат “IKEA” ассортименти имкон қадар тез ва әнг арzon нархларда ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, Германияда жойлашган “SAP” компанияси бизнес учун дастурий таъминот ишлаб чиқаришда кирк йилдан бері етакчи ўринни әгаллаб келмоқда. Даstлаб “Oracle” билан шериклик ўрнатиши орқали юзлаб, миллиардлаб доллар маблағлар тежалди. “SAP” ўз ҳамкори томонидан яратылған юкори сифатли маълумотлар базасини олди.

Айтиш ўринлики, агар ушбу шериклик бўлмаганида компания ўзининг биринчи мовий уммонлари – “SAP” — “R/2” ва кеийинчалик “R/3”ни ишлаб чиқишининг имконига эга бўлиши қийин эди.

Мазкур компания “Capgemini” ва “Accenture” каби етакчи консалтинг компанияларига ҳам шериклик қилиш таклифини билдириди. Бунинг натижасида қўшимча харажатларсиз бутун дунё бўйлаб унинг манфаатларида ишлайдиган сотувчилар ва дизайн бўйича мутахассисларга эга бўлди. “Oracle” сотувчиларнинг сонини камайтириши учун ниҳоятда катта харажатларни ўз зиммасига олишга мажбур бўлган бўлса-да, “SAP” “Capgemini” ва “Accenture” глобал тармоқларидан тезда мақсадли мижозларга етиб бориш учун фойдаланди ва бу компаниянинг харажатларига таъсир килмади. Бугунги кунда ушбу компания жуда кенг экотизимни қўллаб-қувватлашда давом этмоқда.

Бунда шериклар ҳал килувчи рол ўйнайдилар, яъни харидорларни “SAP” ечимлари билан таништирадилар, уларга эга бўладилар ва амалиётда қўллайдилар.

Аммо тан олиш керакки, баъзида рационализация ҳам, ха-

ражатларни камайтириш соҳасидаги инновация ҳам, шериклик ҳам компанияяга мақсадли харажатларни қондиришда ёрдам беролмаслиги мумкин.

Биз ана шу ўринда компаниялар стратегик нархга таъсир қилмаган ҳолда фойда олишнинг исталган даражасига эришиш учун фойдаланиши мумкин бўлган учинчи дастак – соҳанинг нарх моделини ўзгартиришга етиб келдик.

Олдинги бўлимларда айтганимиздек, “NetJets” компанияси вақтни ҳисоблаш тамойилларидан фойдаланишини таклиф қилган ҳолда йўловчиларни ташиш нархлари моделини ўзгартириди ва фойда олиш имконини берадиган стратегик нарх ичида қолишга муваффақ бўлди. Мазкур модел сабаб кўп сонли корпоратив мижозлар ҳамда самолётни тамомила сотиб олмайдиган, аксинча ундан факат бир мунча вақт фойдаланиш хукукини берадиган харидорлар гуруҳи пайдо бўлди. Агар мижозларга самолётни тўлиқ сотиб олиш таклиф килинганда компаниянинг хизматларига талаб катта бўлмаслиги аниқ эди.

Яна бир модел слайшер деб номланади. Бунда очиқ инвестиция фондларининг менежерлари нафакат бутун портфелни, балки унинг факат бир кисмини сотадиган кичик инвесторларга юкори сифатли инвестиция портфелини бошқариш хизматларини тақдим этадилар.

Одатда, бундай хизматлар хусусий банклар томонидан бадавлат мижозларга тақдим этиб келинган.

Фримиум ёки шартли равишида бепул фойдаланиш стратегияси ҳам мавжуд бўлиб, бунда мақсадли массани жалб қилиш учун маҳсулот ёки хизмат (одатда ракамли-дастурий таъминот, сақлаш мухити, ўйинлар ёки веб-хизматлар) бепул тақдим этилади. Бирок барча варианtlар, функциялар ёки виртуал маҳсулотлар учун тўлов олинади. Компания бир таклифнинг ўзида “бепул” ва “пулли” хиз-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тўғри стратегик изчилликка АМАЛ қилиш

матни бирлаштирган ҳолда стратегик нархни олади. Айни шу тақлиф унга мақсадли массаларни жалб килиш ва шу билан бирга қўшимча мулкларни сотишдан фойда олиш имконини беради. Буларнинг барчаси нархларни аниклаш инновациясига мисоллардир. Шу ўринда айтиш керакки, бир соҳада нарх белгилашда янгилик деб ҳисобланган нарса бошқа соҳада стандарт нарх модели бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хуллас, “IBM” дастурий таъминот бозорини том маънода портлатди, чунки стратегик нархни олиш ва шу билан бирга асосий харажатларни қоплаш учун сотувни лизингта алмаштириди, соҳада қабул қилинган нарх моделини ўзgartирди.

6.6. расмда юкорида санаб ўтилган учта дастагидан фойдаланиб инновация киймати даромадни қандай ошириши кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, компания стратегик нархдан бошлиланади. У мақсадли харажатларни олиш учун мақсадли фойдага эришади.


Компания даромадни қўллаб-кувватлайдиган мақсадли тан нархига эришиш учун иккита асосий воситага эга. Булар харажатларни камайтириш соҳасидаги рационализация ва инновация ҳамда ҳамкорлик воситаларидир. Агар компания мақсадли нарх нархига жавоб бермаса, у нарх инновацияларига мурожаат қилиши ва ундан стратегик баҳода сотишдан фойда олиш учун фойдаланиши керак.

Албатта, нархнинг янгиланиши мақсадли харажатларни таъминлаш мумкин бўлганда ҳам яратилиши мумкин. Компаниянинг таклифи фойда бўйича бизнес моделга тўғри келадиган бўлса, бу компания мовий уммон стратегик кетма-кетлигининг охирги босқичига ўтишга тайёрлигини англаатади.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Түғри стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

6.6. расм. Мовий уммон стратегиясининг фойда олиш модели.



Куйида келтирілгандык кетма-кетликдеги бизнес модели, яғни фавқулодда фойда, стратегик нарх ва мақсадлы қиммат қиммат инновацияларига олиб келади. Анъанавий технология инновацияларидан фарқыл равища қиммат инновацияси мінездлар, компаниялар ва жамият үртасидеги ғолиблик харакатын ассоциируған. З-илювада “Қиммат инновацияларининг бозор динамикасы” ушбу ўйин бозорда қандай ўйнашини ва ундан қандай иқтисодий ва ижтимоий фойда олиб келишини күрсатади.

Фойда, нарх ва харажатдан то амалга оширишигача

Бир нарсани доим ёдда тутинг: ҳатто енгилмас бизнес модели хам мовий уммон ғоясининг тијорат муваффакиятига кафолат бериш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бу эса ҳозирги ҳолатга таҳдид солади ва шу сабабли компания билан боғлик учта асосий гурӯҳ: ходимлар, бизнес шериклар ва жамият ўртасида ҳадик ҳамда қаршиликка сабаб бўлиши мумкин. Компаниялар ракобатта киришиш ва янги ғояни молиялаштиришни бошлишдан олдин бундай ҳадикни енгишга мойил бўлганларни қўриб чиқиши орқали енгиб ўтишлари керак.

Ходимлар

Ишбилармонлик ғоясининг иш жараёнига ва ўзларига таъсири ҳақидаги ҳадикни бартараф этмаслик салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. “Merrill Lynch” рахбарияти онлайн брокерлик хизматини яратишни режалаштираётганини эълон килганда унинг акциялари нархи 14 % га тушди. Негаки ушбу ғоя компаниянинг йирик брокерлик бўлинмаларида қаршилик ва ички келишмовчиликларни келитириб чиқарганди.

Компания фикрни эълон қилишдан ва янги стратегияни амалга ошириш учун чоралар кўришдан аввал ходимларни юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар тўғрисида хабардор қилиши керак. Шунингдек, роллар, мажбуриятлар ва мукофотларнинг ўзгаришидан қатъи назар ходимларнинг ҳар бири ортда қолмаслиги учун вужудга келган таҳдидларни бартараф этиш усусларини хам топиши керак. Бу борада “Netflix” “Merrill Lynch” самарали ҳаракат килди, гарчи “DVD” савдо компаниясидан видео оқими таъминотчисига айланиш учун кўп иш қилишга тўғри келган бўлса хам.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Түғри стратегик изчилликка АМАЛ қилиш

“Netflix” ходимларга ўзгариш зарурлиги хақидағи фикрни етказа олди ва бунинг мохиятини тушунтириб берди ҳамда шу билан ўзгаришга замин тайёрлади. Ушбу ёндашув ҳали ҳам ижобий натижаларни бермоқда, негаки компаниянинг мижозлари сони доимий равишда ўсиб бормоқда ва 2013-йилда күрсаткич кирқ миллиондан ошганди.

Бизнес ҳамкорлар

Жиддий потенциал таҳдидлардан яна бири янги бизнес ғояси уларнинг даромадлари ёки бозордаги мавқейига таҳдид солишиндан кўрқаётган шерикларнинг каршилигидир. “SAP” гезлаштирилган ва арzonрок саноат дастурларини амалга ошириш технологияси – “Accelerated SAP” (“ASAP”) маҳсулотини ишлаб чиқара бошлиганида ҳудди шундай вазиятга дуч келди. Муаммо “ASAP”ни ишлаб чикишда “SAP”нинг бошқа маҳсулогларини сотишдан катта фойда олган йирик консалтинг компанияларининг фаол иштироқини талаб қилиши эди.

Айни шу ҳолат компаниянинг дастурий таъминотини тезкор равишда амалга ошириш усуулларини излаш йўлида рағбатлантирувчи кучга эга бўлмаслигига сабаб бўлди.

“SAP” мазкур ҳолатни ўз шериклари билан очик мухокама килиш оркали ҳал қилди. Раҳбарият биргаликда ишлайдиган консалтинг компанияларини ўз фаолият доираларини кенгайтиришга ишонтириб келмоқда. Кичик ва ўрта корхоналар учун “ASAP”ни амалга ошириш учун қисқа муддатда белгиланган бўлса-да, маслаҳатчилар мижозларнинг янги базасини жалб этишга киришди, бу эса ўз навбатида даромадларни камайтиришга имкон берди. Қолаверса, янги тизим маслаҳатчиларга мижозларда бўладиган шикоятлар билан танишиш имкон берди. Илгарилари бундай дастурий таъминотини тезкор равишда амалга ошириш усуулларини излаш йўлида рағбатлантирувчи кучга эга бўлмаслигига сабаб бўлди.

минот бизнес дастурларини амалга ошириш жуда күп вактни талаб этарди.

“ASAP”нинг муваффакияти “SAP” учун нафақат йирик корпорациялар, балки үрта ва кичик компаниялар учун ҳам дастурий таъминот бизнес дастурлари учун очык бўлиш йўлидаги муҳим ғалаба бўлди.

Жамият

Эътироф этиш мумкинки, мълум бир гоя ўрнатилган ижтимоий ёки сиёсий месъёрларга хавф туғдирса, жамият ушбу янги ғояга қарши туриши мумкин. Албатта, янги (айтайлик, бузғунчи) ғоядан келувчи хавф ҳалокатли бўлиши мумкин. “Monsanto” генетик модификацияланган уруғларни ишлаб чиқарувчилардан биридир. Ушбу компаниянинг нияти дастлаб “Greenpeace”, “Friends of the Earth” ва “Soil Association” каби экологик ташкилотларнинг ташвикоти натижасида европалик харидорларда турли шубҳаларни келтириб чиқарди.

Тарихан атроф-муҳит муаммолари билан шуғулланиб кучли қишлоқ хўжалиги лоббилиарига эга бўлган “Яшиллар”нинг ҳужумлари Европада катта қизиқиш уйғотди. Кейинчалик дунёning барча мамлакатларида генетик модификацияланган овқатлар ҳакидаги баҳслар авж олди ва “Monsanto” танқидчиларнинг асосий дикқат маркази бўлиб қолди.

Генетик модификацияланган озиқ-овқат масаласи кўпчиликни ташвишга соггани рост. “Monsanto” фаол ва экологик ташкилотларга ҳамда жамиятга генетик модификацияланган уруғлар ўсаётган ўсимликларнинг нархини камайтириши, қурғокчиликка чидамли ва озуқа моддаларининг кўпайиши билан ажralиб турадиган навларни ўстириш ҳамда бу билан очлик ва касалликни йўқ

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғри стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

қилиши мүмкінлигини тушунтириши керак эди. Компания бозорда янги уруғларнинг пайдо бўлиши билан генетик модификацияланган уруғлардан етиширилган маҳсулотлар учун маҳсус ёрликни қабул қилиши керак эди. Шундагина харидорларга органик маҳсулотлар ва “ГМО” бўлган маҳсулотлар орасида танлов қилиш имконияти туғиларди. “Monsanto” юқорида айтилганларни бажарганда эди (айтайлик, истеъмолчига кучли кўркувдан ҳалос бўлиш усувларини таклиф қилганида ёки “ГМО” ўз ичига олган маҳсулотларни мажбурий маркалаш жорий этилган бўлса), қаттиқ танқиднинг ўрнига жамиятнинг ишончини қозонган ва технология ишлаб чиқарувчиси сифатида ижобий обрўга эга бўларди ва натижада очлик ва касалликни йўқ қилишга ёрдам берарди.

Унутманг, харидорлар, шериклар ва жамиятни янги гоя билан таништиришдаги асосий вазифа уларни амалга ошириш зарурати сабабларини очик мухокама қилишга жалб қилишdir. Сиз янги ғоянинг моҳиятини айтишингиз, амалга ошириш натижаларидан аниқ тахминларни шакллантиришингиз ва компаниянинг улар билан қандай ишлашни режалаштиришини тасвирлашингиз керак. Манфаатдор томонлар ўзларининг фикрлари хисобга олинганлигини ва кутилмаган ҳодисалар юз бермаслигини билишлари керак. (Ички ва ташки манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат тўғрисида кўпроқ маълумот олиш учун 8-бобга қаранг.)

Мовий уммон гоялари индекси

Компания “фойда – нарх – харажатлар – амалга ошириш” кетма-кетлигигида мовий уммон стратегиясини яратиши керак бўлсада, ушбу тоифалар тијорат муваффақиятларини таъминлайдиган яхлит бирликни ташкил қиласди. Мовий уммон гоялари индекси

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғыр стратегик изчиллікка АМАЛ қилиш

(МУҒ) ушбу тизимли ёндашувни тез ва ишончли равища синаң күриш имконини беради (6.7-расм).

6.7. расмда нима учун “Philips”нинг “CD-i” ва “Motorola”-нинг “Iridium” маҳсулотлари мовий уммонларни очишдан узокда эмаслигини күришингиз мүмкин. “Philips” “CDi” орқали ажойиб фойдаланувчи хусусиятларини яратмади, балки мураккаб техник хусусиятлар ва чекланган дастурларни таклиф қилди. Юқори нарх ушбу маҳсулотни харидорлар учун маъқул келмаслигига ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаб ва кимматга тушишига сабаб бўлди. Колаверса, дизайннинг мураккаб кўринишдалиги сабаб харидорларга маҳсулот ҳақида кўнкма бериш ярим соатлаб вақтни талаб қиласди, бу эса “CD-i”нинг савдоси суст кечишига олиб келди.

Шунинг учун миллиардлаб сармоялар киритилганига қарамай “CD-i” МУҒни баҳолашнинг барча тўрт мезони бўйича муваффакиятсиз тугади.

Агар “Philips” маҳсулотни ишлаб чиқиши босқичида МУҒ индексининг ёрдами билан “CD-i” бизнес ғоясини синовдан ўтказганида қийинчиликларни олдиндан кўриши ва зарур ечимларга имкон топган бўларди. Маҳсулотни соддалаштириш, муваффакиятли дастурларни ишлаб чиқишида шерикларни таклиф килиш, мақсадли массага мақбул стратегик нархни белгилаш, савдо вақтини кискартириш мақсадида мижозга киска вақт ичиде маҳсулот хусусиятларини тушунтиришнинг содда усулини топиш – буларнинг бари муваффакият учун етарли бўлади.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғри стратегик изчилликка АМАЛ қилиш

6.7. расм. Мовий уммон ғоялари индекси (МУФ)

		Philips CD-i	Motorola Indium	DoCoMo “i-mode” Japan
Фойдалиқ	Алохіда ёрдам дастури борми? Сизніңг тақліфінгизни сотиб олиш учун бирон бир жозибали сабаб борми?	-	-	+
Нарх	Сизніңг нархингиз харидор-ларніңг мүлжалағы мосми?	-	-	+
Харажатлар	Харажатлар таркиби күзланған нархга әрішишга имкон берадими?	-	-	+
Амалга ошириш	Сиз үзінгизніңг ғоянгизни амалга ошириш билан боғылқ мұаммомларни тезкор ҳал қыла олдингизми?	-	-/+	+

“CD-i”даги муваффакиятсизлик холатини “Motorola”нинг “Iridium” маркалы уяли телефонида ҳам учратиш мумкин.

“Iridium” бинолар ёки машиналар ичіда ишлатыб бўлмаганилиги ва ўлчамлари катта, бесунакайлиги сабаб мақсадли мижозлар учун жозибали эмас эди. “Motorola” янги маҳсулотни тақдим этиш ва тарқатишда кўплаб чекловларни енгиб ўтди. Бир қанча мамлакатларда керакли ҳуқукларга эга ҳам бўлди. Компания ходимларни, шериларни ва жамиятни ушбу ғояни қабул қилишга унади. Аммо энг катта камчилик жахон бозорида савдо-сотикни ташкил қилиш ва маркетинг каналларнинг суст эканлиги эди. Энг ачинарлиси, керакли пайтда маҳсулот сотувга чиқарилмади, натижада мижозларнинг талаблари самарали кондирилмади. Қолаверса, коммунал хизматларнинг пастлиги, юқори нархлар ва катта харажатлар, шунингдек, ғояни амалга оширишнинг ўртача даражаси – буларнинг барчаси ташаббуснинг муваффакиятсизликка учрашига олиб келди.

Энди юқоридагилардан фарқли равиша “DoCoMo”нинг “i-

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Түғри стратегик изчилликка АМАЛ қилиши

“mode” лойихаси Японияда салмокли натижаларга қандай эришганини кўриб чиқайлик. Телекоммуникацион операторларнинг кўпчилиги симсиз овозли курилмалар технологиялари пойгаси ва нархлар ракобатига мутлақо иштиёқ билан карашди. Шулар қаторида энг йирик япон оператори “NTT DoCoMo” уяли телефонлардан интернетга киришни таъминлаш учун “i-mode” лойихаси устида иш бошлади. Тез орада бутун мамлакат ахолиси томонидан кенг ишлатиладиган дунёдаги биринчи смартфон пайдо бўлди.

“i-mode” пайдо бўлишидан олдин Японияда бир катор мобил телефонлар харакатчанлик, овоз сифати, фойдаланиш қулайлиги ва дизайнни жиҳатидан энг юқори даражага етганди. Шундай бўлса-да, бундай телефонлар Японияда ҳам, бошқа барча мамлакатларда ҳам электрон почта, маълумотларга кириш, янгиликлар, ўйин-лар каби компьютер ва интернет соҳасидаги иловаларни таклиф килиш билангина чекланарди. “i-mode” хизмати хамма нарсани ўзгартириди. У иккита мукоабил саноатнинг асосий афзалликлари, яъни уяли телефонлар ва шахсий компьютерлар учун интернет хизматларини бирлаштириди ҳамда япон мижозларининг мақсадли массаси учун жуда қулай нархда ноёб ёрдам дастурини яратади. “i-mode”га ойлик обуна бўлиш, овоз ва маълумотлар узатиш учун тўлов, шунингдек, контент хизматларининг нархи чўнтакбоп бўлганлиги маҳсулот савдосининг тезлашишига замин яратди.

“NTT DoCoMo” умум харидорлар учун нархни белгилап асносида фойда олиш учун хизматларнинг мақсадли нархини таъминлаш имкониятларини излай бошлади. Операторнинг анъанавий ролига эътибор қаратган ҳолда юқори тезликдаги тармокни ривожлантириш ва қўллаб-кувватлаш, бир вактнинг ўзида ўз таклифларининг бошқа муҳим элементлари устида иш олиб борди. Уяли телефон ишлаб чиқарувчилари ва ахборот етказиб берувчилар билан фаол ҳамкорлик ўрнатди.

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Тұғри стратегик изчиллукка АМАЛ қилиш

Үзаро манбаатли шериклик тармоғини ярата олган “NTT DoCoMo” стратегик нарх туфайли мақсадли нархга эришишга интилди. Бу ерда бир нечта жиҳатларға әзтийор беріш лозим. Бириңидан, “NTT DoCoMo” хар доим үз технологияларини шериклари билан баҳам күрди. Бу эса хамкорлар билан биргалиқда бошқа ракиблардан илгарилаб кетишлари мүмкінligини күрсатди. Иккинчидан, компания “i-mode” менюсидеги сайттар рүйхатини кенгайтириди ва янгилади, шу билан бирға таркибий провайдерларни хамкорлықда ишлашға жалб қилди. Натижада провайдерлар ўзларининг сайтларини “i-mode” менюсига кирилділар ва фойдаланувчылар трафигини кескін оширишга ёрдам берувчи тизим йүлге күйилди. Хусусан, компания кичик комиссиялар учун контент-проводдерларга биллинг хизматларини тақдым этиш орқали уларға үз биллинг тизимини яратыпда жиаддий тежаш имкониятини берди. Ана шундай ишларнинг тұғри йүлге күйилиши орқали ошиб борётгандаромад оқимига зәғ бўлинди.

Компания шу билан тұхтаб қолмади. “i-mode” сайтларни яратыпда ишлатыладын “WAP” стандартидеги “Wireless Markup Language” (“WML”) ўрнига “c-HTML”ни таклиф қилды ва бу қиска муддатда Японияда кенг тарқалған дастурлаш тилига айланди. Бу i-mode технологиясини контент провайдерлари учун янада жозибадор қилди, чунки ишлаб чиқилған сайтларни “c-HTML”даги “i-mode” учун сайтларға айлантиришда ишлаб чиқувчиларни кайта ўқитишиңға әктиёж туғилмасди ва бу күшимча харажатларнинг олдини олди. Энг муҳими, “NTT DoCoMo” йирик ташки шерик хисобланувчи “Microsoft” билан хамкорлықни йүлге күйиди. Бу умумий ривожланиш харажатларини камайтириш ва маҳсулотни самарали ишга тушириш учун зарур бўлған вактни камайтиришга имкон берди.

Лойихани амалга ошириш усули “i-mode” стратегиясининг

ИККИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

6-боб. Түрү стратегик изчилликка АМАЛ қилиши


яна бир мухим жиҳатларидан бири эди. Лойиха устида ишлаш учун аниқ бир миссия ва эркинликка эга бўлган маҳсус гурух тузилди. Жамоа раҳбари кўпчилик аъзоларни шахсан ўзи танлаб олди, уларни янги мобил маълумотлар бозорини яратиш варианtlарини очик муҳокама қилишга жалб қилди ва шу билан уларнинг лойихага қизиқиши ҳамда садоқатини ошириди. Қиска қилиб айтганда, “i-mode” ғоясини кабул қилиш учун қулай корпоратив мухит яратилиди. Лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишига компания томонидан ташкил этилган шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатлар ва Япония кенг жамоатчилигининг маълумотлар базаси хизматларидан фойдаланишга тайёрги ёрдам берди.

“i-mode” МУФ индексининг барча тўрт мезонига жавоб берди (6.7-расмга қаранг) ва, албатта, жуда катта муваффақият қозонди.

Текширишни МУФ индексидан фойдаланган ҳолда компания мовий уммон стратегиясини яратиши ва уни амалга оширишга ўтиши мумкин. Бу ҳамма учун жиддий ўзгаришларни англатса ҳам, бутун компанияни ушбу жараёнга қандай жалб қилиш тўғрисида ҳакли савол туғилиши, табиий. Ушбу саволнинг жавоби китобнинг иккинчи кисмида кўтарилган мавзуга ва мовий уммон стратегиясининг бешинчи принципи – асосий ташкилий тўсиқларни енгиги ўтишга етаклаб боради. Бу кейинги бобнинг асосий муҳокама мавзуси ҳисобланади.

УЧИНЧИ ҚИСМ

**МОВИЙ УММОН
СТРАТЕГИЯСИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ**



7-БОБ

АСОСИЙ ТАШКИЛИЙ ТҮСИҚЛАРНИ ЕҢГІБ ҮТИШ

Компания мовий уммон стратегиясини ва фойдали бизнес моделині ишлаб чикиб ўз ютукларини ҳаётга олиб чиқиши керак. Албатта, ҳар қандай стратегияни амалга оширишда қийинчиликлар мавжудлигини унутmasлик керак. Компаниялар хам, жисмоний шахслар хам фикрларни амалиётта күллаёттандыра алған ёки мовий уммонда нима бўлишидан қатъи назар кураш олиб бораве-ришади. Алған уммон стратегияси билан таккослагандага мовий уммонга кириш статус-квонинг жиддий бузилишини англатади. Ушбу стратегия харажатларни қисқартиришда конвергенциядан қиймат эгри чизигининг фарқланишига үтишга асосланган. Бу унинг тимсолини анча мураккаблаштирадиган тамойиллар. Бу енгил иш эмас. Менежерлар тўртта тўсиқни енгіб үтишлари керак. Биринчиси, ходимлар ўртасида ички диссонанснинг пайдо бўлиши хамда уларни стратегик ўзгартириш зарурлиги ва тўғрилигига ишонтириш керак. Алған уммонлар компанияни даромадли ўсишга хеч қачон етаклай олмайди, аммо улар одамларга ўзларини эркин хис қилишларига имкон беради.

Агар алғон сув компанияга ҳанузгача яхши хизмат килган бўлса, унда кемани чайқатишнинг нима кераги бор?

Иккинчи тўсиқ чекланган манбалардир. Компанияда қанчалик жиддий ўзгаришлар киритилса, уларни амалга ошириш учун

катта хажмдаги маблағлар керак бўлади, деган ҳадик бўлади. Аммо биз ўргангандан кўплаб ташкилотларда ресурслардан фойдаланиш камайган.

Учинчи түсик мотивацияни яратишдир.

Мавжуд муаммоли вазиятдан чиқиш учун жалб қилинган ходимларни тез ва мақсадли ишлашга қандай ундаса бўлади?

Бунинг учун бир неча йиллар талаб килиниши мумкин, аммо, эсда тутиңг, менежерларда бу борада вакт чегараланган.

Охирги – тўртинчи түсик эса сиёсий фитнадир. Менежерлардан бири таъкидлаганидек: “Бизнинг компаниямизда шундай: ҳали бирор бир сўз айтмасингиздан олдин сизни аллақачон йўкка ниқаришган бўлади”.

Ушбу түсиклар ўзига хос мураккаблик даражасига эга. Айтиш лозимки, компаниялар бир пайтнинг ўзида буларнинг барчасига бирдек дуч келавермайдилар, аммо уларни енгисп қобилиятига эга бўлиш ташкилий хавфни камайтириш учун зарурдир. Бу зарурят бизни мовий уммон стратегиясининг бешинчи – асосий ташкилий түсикларни енгіб ўтиш принципига олиб келади. Бунда мовий уммон стратегияси харакатлар жараённда мужассамланади.

Компания буларга самарали эришиши учун анъанавий ўзгаришларга бўлган карашни четга суриб қўйиши керак. Одатий ёнда шуввлардан келиб чиксак, ўзгаришлар канчалик мухим бўлса, натижаларга эришиши учун қўпроқ вакт ва маблағ сарфланиши керак деган қарашга дуч келамиз. Аслида, ушбу нуқтаи назар тубдан ўзгартирилиши керак.

Максадли раҳбарлик тўртта түсикни енгіб ўтишга тез ва юкори харажатларсиз имкон беради хамда амалдаги тартибни бузнишда ишчиларни кўллаб-кувватлайди¹.

Күзланған мақсадға ийналтирилған етакчилик

Ушбу масала бүйічада давлат секторида мовий уммон стратегиясини амалга оширган Нью-Йорк полиция бошқармасини (“New York Police Department” (“NYPD”)) мисол қилиб олайлык. Нью-Йоркта Билл Брэттон полиция бошлиғи сифатида иш бошлаганида жуда катта қийинчиликтерге дуч келген эди. 90-жылдарнинг бошларыда Нью-Йоркта қотилліктер билан боғылған жиноятлар сони рекорд даражага етганды. Газеталар күчалардагы талон-тарож, мафия босқынлари ва куролли хужумлар ҳақида хабарларға тұла эди. Мазкур шаһарда ўттиз йил давомида жиноятчиликнинг муттасил ўсіб бориши ортидан күплаб социологлар полиция вазиятни енгишга қодир эмас, деган холосада эдилар. Маошнинг пастлиги, хавфли иш шароитлари, узоқ иш куни ўттиз олти мингга яқын полиция ходимларининг кайфиятини тушкунликка олиб келганды.

Агар биз бизнес тилице айтадиган бўлсак, “NYPD” доимий равишда пул етишмовчилегини бошдан кечираётган ташкилот эди. Унинг ўттиз олти мингга яқын ишчилари вазиятга кўнишишган бўлсалар-да, аммо ишлаш жараёни доимий равища ёмонлашарди. Бунга жиноятчилик, кўркув ва тартибсизликнинг ўсиши янада йўл очар эди. Тизимнинг чалкашлiği ва сиёсий ўйинлар вазиятни янада чигаллаштириди. Хуллас, полиция ташкилотининг ракиблари, яъни жиноятчилар тобора кучайиб борар ва уларнинг сони муттасил ўсіб борарди.

Брэттон бюджетни кўпайтирмаган ҳолда иккى йил муддат ичида Нью-Йоркни Кўшма Штатларнинг энг тинч ва йирик шаҳарларидан бирига айлантириди. У алвон уммондан қочиб мовий уммон полициясининг стратегияси билан куролланди ва Америка полициясининг ҳозирғи нұқтаи назарини ўзgartира олди. Ташкилот ғалаба қозонишини бошлади: оғир жиноятлар сони 39% га, қотил-

ликлар 50 % га, ўғрилик 35 % га камайды. Мижозлар, яъни шаҳар ахолиси ҳам хурсанд бўла бошлади. Гэллап институти томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра ахоли орасида полицияга бўлган ишонч 37 фоиздан 73 фоизгача кўтарилди. Ходимларда ҳам ишга бўлган илиқ кайфият уйғонди. Буни ички сўровлар полиция-чиларнинг ўз ишларидан мисли кўрилмаган даражада мамнунлигини тасдиклаганидан ҳам билиш мумкин эди. Полиция зобитларидан бири: “Бу йигит учун (Брэттон назарда тутилмоқда) биз дўзахга тушиб соғ қайтишга рози эдик”, – деган эътирофи ҳам юқоридаги фикрни тасдиклайди. Эътиборлиси шундаки, ўзгаришлар Брэттоннинг обрўсидан ҳам юқори lab кетди (1996-йилда у кетганидан кейин жиноятлар сони камайишни давом этирди) ва бу воқеаларнинг барчаси “NYPD” маданияти ва стратегиясида туб ўзгариш бўлди.

Гарчи полиция ишлаши керак бўлган умумий ва сиёсий муҳит сезиларли даражада ўзгарган бўлса-да, Билл Брэттон 2014-йилда яна Нью-Йорк шаҳар полиция бошқармаси бошлиги этиб тайинланди.

Статус-квони бузган бир нечта корпоратив раҳбарлар Брэттон каби жиддий ташкилий түсікұларга дуч келишди. Таъкидлаш керакки, кийинчиликларга қарамасдан ҳар қандай ташкилий шароитда ҳам Брэттоннинг сифатидаги кескин ўсишни таъминлашга эришганлар кам эмас. Ҳатто шулардан бири бўлган Жек Уэлчга тизимни бутунлай ўзгартириш учун уни қайта ташкил этиш ва ўргатишга ўн йил ҳамда ўнлаб миллион доллар керак бўлган эса-да.

Эътироф этиш керакки, Брэттон ходимларнинг рухини қўтариш ва барча манфаатдор томонларга иштиёқ бериш билан бирга киска вақт ичида ҳамда жуда кам маблағ билан самарали натижаларга эришди. Брэттон учун стратегиянинг биринчи ўзгариши эмас, балки барчаси муваффакиятли амалга оширилди. Менежерларнинг

УЧИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

7-боб. Асосий ташкилий түсиқларни енгіб ўтиши

фикрига кўра, одатда, мовий уммон стратегиясини амалга ошириш имкониятларини чеклайдиган тўртта тўсиқни енгіб ўтиш зарурияти мавжуд.

Ушбу тўсиқлар қўйидагилардир:

- а) ходимларнинг тубдан ўзгартириш зарурлигини тушунмасликлари;
- б) дәярли барча компанияларга хос бўлган чекланган ресурслар;
- в) кам мотивация, ишдан бўшатиш;
- г) ўзгаришларга ички ва ташқи қаршилик кўрсатадиган сиёсий интригалар (7.1-расм).

7.1. РАСМ . “Тўртта ташкилий тўсиқ” стратегияни амалга ошириш



Асосий дастак: номутаносиб таъсир кўрсатилиши омиллари

Мақсадлы етакчилікнің калити тарқалиш эмас, балки диктатни жамлаш эканини асло ёддан чиқарманг. Фокусланған етакчилік камдан кам фойдаланиладиган корпоратив ҳақиқатта асосланаади. Унинг мохияти шундаки, ҳар бир ташкилотда иш самарадорлигига номутаносиб таъсир күрсатадиган одамлар, ҳаракатлар мавжуд. Анъянавий нұқтаи назардан фарқли ўлароқ кatta түсікни енгіб үтиш вакт ва маблагларни мутаносиб равишда сарфлаш оркали иш самарадорлигига эришилганды мухим чораларни күришден иборатдир. Бу ресурсларни тежаш вактни қысқартыриш имконини беради. Бунинг учун ташкилотда мавжуд номутаносиб таъсир этувчи омилларни вә кейин уларга бўлган таъсирни аниқлашга эътибор қаратиш ҳам талаб қилинади.

Күйидаги саволлар мақсадлы йўналтирилган етакчилар томонидан кўп бора берилган асосий саволлар сирасига киради:

1. Қандай ҳолатлар ёки ҳаракатлар статус-квога номутаносиб ижобий таъсир күрсатмоқда?
2. Ҳар бир ресурс бирлигидан максимал даражада фойдаланиш учун-чи?
3. Асосий иштирок этувчиларни ўзгаришларда фаол рағбатлантириш учун нималарга эътибор қаратиш даркор?
4. Доимий хавф-хатарни келтириб чиқарадиган түсіктерні олиб ташлаш учун қандай чораларни қўллаш мумкин?

Тўлиқ номутаносиб таъсир нұкталарига эътиборни қаратган ҳолда мовий уммон стратегиясини амалга оширишга халақит берадиган барча тўртта түсікни енгиш мумкин.

Келинг, барча тўртта түсікни бартараф этиш учун номутаносиб таъсир килувчи омилларга қандай таъсир килиш мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Тушунмовчилек түсікшарини енгіб үтшиш

Аксарият компания рахбарлари ўзгаришларнинг сабабларини тушунтириб рақамларни намойиш этадилар. Компания олдига янада каттароқ мақсадларни күйіб уларга эришишлари лозимлигиди, бунинг учун вазифаларни бажариш, керак бўлса, ортиғидан кўпроқ бажариш шарт эканлигини бот-бот таъкидлашади.

Унутмаслик керакки, рақамларни бошқариш, яъни уларга таъсир ўтказиш йўли йўқ эмас. Менежер мақсадли кўрсаткичларни кўпайтиришни талаб қилган ҳолда бюджетни тайёрлаш босқичида хукуқбузарликларга йўл қўйиши мумкин. Бу, ўз навбатида, компаниянинг турли бўлимларида келишмовчилек ва шубҳаларни келтириб чиқаради. Рақамлар сохталаштирилмаган тақдирда ҳам улар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Колаверса, рақамлар орқали айтилган фикр камдан кам ҳолларда эътиборни тортади.

Тушунмовчилекни бартараф этишга интилаётган мақсадли рахбарлик рақамларга таянмайди. Брэйттон каби ишга йўналтирилган рахбарлар тўсикни тезда енгиш учун номутаносиб омиллардан фойдаланишга эътибор беришади, яъни одамларга зиддиятли воқе-ликини бошдан кечиришларига имкон беришади. Нейрофизиология ва когнитив психология соҳасидаги тадқиқотлар одамларнинг ўзлари кўрган, эшигтан воқеаларни яхшироқ эслаб қолишиларини кўрсатмоқда. Бу ёки бошқа тажрибани тўплаш жараёнида ижобий рафбатлантириш маълум бир хатти-харакатни кучайтиради, салбийлар эса муносабат ва хатти-харакатларни ўзgartиради. Соддалаштириб айтадиган бўлсак, агар бола мураббо идишига бармогини тиқиб уни ялаганида мураббо қанча мазали бўлса, бола бу ишни шунча такрорлайди. Бундай қилиши учун ота-онасининг ундашини кутиб ўтиrmайди. Аксинча, иссиқ печкага теггандан эса бу ишини ыайтиб сира такрорламайди. Болалар ўзлари учун бундай салбий ҳолатлар-

да хатти-харакатларини ихтиёрий равища да ўзгартирадилар ва ота-оналарнинг насиҳатига эхтиёж сезмайдилар². Агар киши ўз ҳаракатларининг бевосита натижасини кўрмаса, хис килмаса ёки бошидан кечирмаса, унга шунчаки мавхум рақамлар кўрсатилиса, бу унга ҳеч қандай таъсир қилмайди ва орттирилган тажриба осонгина унутилади³.

Айнан шу тажриба йўналтирилган етакчиликка асосланади. Унинг вазифаси одамнинг ўз хоҳии-иродаси билан амалга оширадиган тезкор ўзгаришларни амалга оширишдир. Тушунмовчиликка қарши курашда ўз ишига эътиборли раҳбарлар рақамларнинг таъсирига таянишнинг ўрнига одамларни икки усулдан фойдаланиб ўзгартириш зарурлигини хис этадилар, уларни қуйида кўриб чиқамиз.

“Электроканализация”га саёҳат

Статус-квони бузиш учун ходимларнинг ўзлари энг оғир иш муаммоларига дуч келишлари керак. Бу ўринда юкори, ўрта ва бошка ҳокимиятларнинг вазиятни тахмин қилишига йўл қўйманг. Рақамлар тўғрисида баҳсласиши мумкиндири, чунки рақамлар иш жараёнинг жозиба олиб кирмайди. Самарасиз иш билан тўғридан тўғри дуч келиш катта муаммо, сиз ундан қочиб кутула олмайсиз, билингки, у ёқимсиз харакатни талаб қиласди.

90-йилларда Нью-Йорк метросида кўркув ва ҳадиксираш шунчалик кучли эдикни, уни “электроканализация” деб номлагандилар. Фуқаролар ушбу транспорт турига бойкот эълон қилишди, на-тижада метро фаолиятидан келадиган фойда тезда тушиб кетди. Колаверса, Нью-Йорк шаҳар йўл полицияси департаменти ходимлари бу борада ижобий харакат ҳам қилишмади. Бунинг сабаби шунда

әдики, шаҳардаги йирик жиноятларининг атиги З фоизи метрода содир бўларди.

Шаҳар ахолиси ҳокимиятга қанча мурожаат килмасин, улар бунга бефарқ қарашарди. Полиция стратегиясини қайта кўриб чикиш зарурлигини хеч ким англамади.

Брэттон полиция бошлиғи этиб тайинланиши билан бир неча ҳафта ичидаги мавжуд вазиятни ўзгартиришни мақсад қилди ҳамда шаҳар полициясининг кайфиятини бутунлай ўзгартириди.

У бунга қандай эришди дейсиз? Куч ёки рақамлар билан эмас, албатта. Шунчаки куннинг исталган вақтида “электроканализация”да юришни ўзидан бошлаб, буни юқори ва ўрта бошқарувга ҳам тавсия қилди. Брэттондан олдин бундай амалиёт мавжуд эмас эди.

Албатта, статистика полицияга метрода харакатланиш ҳавфсизлиги тўғрисида маълумот етказарди, аммо энди улар ўз кўзлари билан Нью-Йорк ахолиси ҳар куни дуч келадиган муаммоларини, яъни анархия ёқасида турган ер ости транспорт тизимидағи камчиликларни кўришди.

Вагонларда безорилар айланиб юришар, одамлар турникетлардан сакраб ўтишар, йўловчилар граффитдан, ўриндиқда ўтирган тажовузкор тиланчилардан ва маст-аласт безорилардан кочишга илож топишолмасди. Полициячилар эса ушбу вазиятни зудлик билан ўзгартириш зарурлигини ўйлаб кўрмаган эди.

Менежерларингизга воқеликнинг ёмон томонларини кўрсатсангиз, улар вазиятни тезда ўзгартиришга киришишлари аниқ. Шунинг учун раҳбарлар юқори менежерларни уларнинг талабларини қабул килишга мажбурлашлари керак. Тўғри, айрим раҳбарларгина тез ва кучли “уйгониш” воситаларига мурожаат килишади. Улар, одатда, бунинг тескарисини қилишади, аникрофи, ракамли хисоб-китоблар орқали ёрдам олишга ёки ўзларининг энг муваффа-

киятли лойихалари ҳақида хикоя қилишга интилишади. Ушбу усуллар самара бериши мүмкін, аммо уларнинг ҳеч бири жиноятни ошкор этиш каби тезкор ва ижобий үзгартериш заруриятини тушунмаган ходимлар билан курашолмайды.

Масалан, Брэттон Массачусетс штатидаги транспорт идорасыда (“Massachusetts Bay Transportation Authority”, “MBTA”) полиция бўлимига раҳбарлик килганида “MBTA” раҳбарияти айrim харажатларни камайтириш учун кичик полиция машиналарини со-тиб олишга карор килди. Бу Брэттоннинг янги стратегиясига тўғри келмади, у ушбу карорга эътиroz билдириши ёки бюджетни кўпайтиришни талаб қилиши мумкин эди, лекин буларнинг ўрнига ташкилот раҳбарини ўз бўлинмаси масъул бўлган худудда сайр ки-лишни таклиф қилди.

Брэттон “MBTA” раҳбарига шаҳардаги жиноятчилик хола-тини кўрсатиш учун шаҳарни биргаликда айланишга кўндириди. Брэттон бошлиқни бюртма килинадиган автомобилга ўхшашиб, лекин ундан кичик ва тор машинада жиноятлар кўп содир бўладиган ху-дудларга олиб борди. Шунингдек, “MBTA” раҳбарига машинада полиция анжомлари учун қанча бўш жой қолдирилганлигини билдириш максадида камарга кишин ва тўппончаси билан бирга унинг ғилофини кийгизиб кўйди. Икки соатдан кейин машинадан ташқа-рига чиқкан раҳбар қандай килиб бундай тор машинада шунчалик узоқ вақт юришганига ҳайрон колди ва Брэттоннинг ғоясини тўлик англаб етди. Натижада янги стратегияга мувофиқ зарур бўлган катта ва ичи кенгрок машиналар рақбарият томонидан етарлича ётка-зид берилди.

Норози миқзозлар билан сұхбат

Ишдаги турли англашылмовчиликларни бартараф этиш учун менежерларга оғисдан ташкарига чикиб барча нокулайликларни хис қилиш имкониятини бериш, шу билан бирга уларни инжік миқзозларнинг норозиликларини тинглашга мажбур қилиш керак.

Рахбарият бозорда нималар содир бўлаётганини шахсан кузатадими ва энг талабчан миқзозлар билан сұхбатда бўлиб уларнинг шикоятларини тинглайдими?

Савдо жараёни нима учун ўз маҳсулотингизга бўлган ишончингизга мос келмаслиги хақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

1970-йилларнинг охирида Бостон полициясининг 4- худудида жойлашган Симфония зали (Symphony Hall), “Христиан Илми Оналар Черкови” (“Christian Science Mother Church”) ва бошқа маънавий-маданий муассасаларда жиддий жиноятчилик муаммолари юз берган. Ўша вактларда ҳудуд ахолиси доимо қўркувда яшардилар; айримлар уйларини сотиб, кўчиб кетишган ва бу эса вазиятни янада оғирлаштирганди. Аммо ахолининг бундай кўчишига қарамай Брэттон бошчилигидаги полициячилар яхши ишлашларига ишонишган. Полиция ходимлари ўз ишларини бошқа полиция бўлимлари кўрсаткичлари билан таққослаганда анча юкори эди: куткарув хизматларига кўнғироклар сони камайиб, оғир жиноятлар учун хибсга олишлар сони кўпайди. Брэттон ушбу қарама-каршилик билан курашиб учун шаҳар ҳокимиятида полициячилар ва ахоли ўртасида қатор учрашувларни ташкил этди.

Тушунмовчилик сабаби тезда аник бўлди. Полиция воқеаларга тезкорлик билан муносабатда бўлганларни ва оғир жиноятларнинг фош этилганидан фаҳрланишган бўлса-да, шаҳар ахолиси уларнинг ҳаракатларини пайқамади ёки қадрламади. Ахолининг оз

қисмигина йирик жиноятлардан кўркишгап. Майда хукукбузарлар: иччиликка муккасидан кетганлар, тиланчилар, фохишалар, кўча безорилари вазиятни янада мураккаблаштириди. Шаҳар ахолиси билан учрашувлардан кейин полициянинг устувор йўналишлари тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Полиция харакати “синган деразалар” деб номланган мовий уммон стратегиясига қаратилди⁴. Шундан сўнг жиноятлар сони камайиб, худуд ахолиси тинчланишиди.

Стратегик ўзгартириш заруратидан олдин компанияни “уй-ғотиш” керак бўлса, ракамларга ишонасизми?

Ёки менежерларни, ходимларни ва менежментни (шу жумладан ўзингизни) ишдаги зиддиятларга дуч келишга мажбуrlайсизми?

Менежерларни бозор билан шахсан танишишга ва норози кайфиятдаги мижозларнинг шикоятларини тинглашга мажбуrlайсизми?

Ресурслар етишимовчилиги билан қураш

Компания ходимлари стратегияни ўзгартириш зарурлигини англаб етганида, шунинингдек, янги стратегиянинг мазмуни билан камроқ келишиб олгандан сўнг кўпчилик раҳбарлар чекланган манбаларга дуч келишади.

Керакли ўзгаришларни амалга ошириш учун маблағ етарлими?

Кўпчилик раҳбарлар ушбу боскичда ўзларининг амбицияларини чеклайдилар. Ишчилар сонини кисқартиришади. Ёки банкирлар ва акциядорлардан қўшимча маблағ олишга ҳаракат киладилар. Айтиш керакки, бу кўп вақт талаб килиши ва эътиборни устувор муаммолардан чалғитиши мумкин. Бундай ёндашув керак эмас, ам-

мо күшімча манбаларни топиш узоқ ва сиёсий мураккаб иш эканини унұтmasлик керак.

Чекланған манбалар билангина компаниянинг стратегияси-ни қандай үзгартыриш мумкин?

Ишга масъул раҳбарлар ўз дикқатини күшімча манбаларни излашга эмас, балки мавжуд манбаларга қаратадилар. Ресурсларнинг етишмаслиги хақида гап кетганда менежер бир томондан катта миқдордаги ресурсларни бўшатиш ва бошқа томондан уларнинг қийматини ошириш учун фойдаланиши мумкин бўлган номутано-сиб таъсирнинг учта омили мавжудлигини тилга олиш даркор. Ушбу омилларга қайноқ нуқталар, совуқ нуқталар ва ўзаро фойдали алмашинув киради.

Қайноқ нуқталар – бу оз миқдордаги маблағ сарфланадиган, аммо қайтиш учун катта имкониятларга эга бўлган фаолият.

Совуқ нуқталар, аксинча, жуда кўп маблағ сарфланадиган фаолиятдир. Аммо бу самарадорлик кўрсаткичларига таъсир кила-ди. Ҳар қандай компанияда совуқ ва қайноқ нуқталар кўп. Алмашиш пайтида сиз ўзингизнинг бирлигингиздаги ортиқча ресурслардан воз кечасиз ва бунинг учун бошқа бирликнинг ортиқча потенциали-га эга бўласиз. Шундагина ресурсларнинг етишмаслигини тўлдира-сиз. Компания ўз захираларини тўгри ишлатишни билиб олса, улар-нинг камомадини осонликча енгіб ўта олади.

Қандай фаолият энг кўп ресурсларни ўзлаштириб, иш сама-радорлигига озгина таъсир кўрсатади?

Ва аксинча, кайси фаолият ишлашга таъсир килади, аммо бунинг учун минимал ресурс керак бўлади?

Компания ушбу саволларга жавоб топиш натижасида тезда паст таъсирли ресурсларни чиқаришни ва уларни энг самарали соҳаларга йўналтиришни ўрганади. Хуллас, шу ишлар оқибатида кам харажат ва юқори қийматга эришади.

Ресурсларни қайнок нұқталарга йұналтириши

Нью-Йорк шаҳридаги йўл полициясида Брэттондан олдинги мансабдорлар метрода хавфсизликни таъминлаш учун ҳар бир йўналишда полициячи юриши, кириш ва чиқиши жойларида патрул хизмати бўлиши керак деб ҳисоблашган. Бунда "фойда"нинг кўпайиши (жиноятлар сонининг камайиши) "харажатлар"нинг (полиция ходимларининг) мавжуд бюджет доирасида мумкин бўлмаган дараҷада кўпайишини англатади. Ушбу ёндашувнинг мантифи аниқ эди: самарадорликни оширишга ресурсларни мутаносиб равишда ошириш орқали эришиш мумкин. Шунга ўхшаш мантиқ кўплаб компанияларнинг фаолиятида энг яхши кўрсаткичларига қандай эришиш тўғрисидаги фикрларини белгилайди.

Брэттон транспорт полициясининг бутун тарихи давомида полиция ходимларининг сонини кўпайтириш орқали эмас, балки уларни қайнок нұқталарга тарқатиш орқали жиноятлар сонининг рекорд даражага пасайишига эришди. Бреттон ўз тахлиллари оркали метро линиялари, кириш ва чиқишларда бир неча лабиринтлар бўлса ҳам, аммо жиноятларнинг аксарияти бир неча станцияларда ҳамда саноқли йўналишларда содир бўлганини аниклай олди. Шунингдек, ушбу қайнок нұқталарга етарлича эътибор берилмаганлигини, аксинча, деярли хеч качон тартиб бузилиши қайд этилмаган йўналишлар ва станцияларда худди шу микдордаги полиция ходимлари билан таъминланганligини аниклади. Албатта, жиноятчиликка қарши курашиш учун полиция кучларининг қайнок нұқталарга тарқатиш энг яхши ечим эди.

Иш худди шундай ташкил қилинди, натижада полиция ходимларининг умумий сони ўзгармаган ҳолда жиноятлар тез суръатлар билан пасая бошлади.

Брэттон “NYPD”га ўтгунга кадар бу ерда наркотиклар бўлимида ҳам вазият оғир эди. Бўлим ерталабги тўққиздан кечки бешгача ишлаган ва иш қунларидағина полиция бўлимининг 5 фоиздан камрок ҳодимлари жалб қилинган. Раҳбарлар билан манбаларнинг қайнок нукталарини аниқлаш бўйича ўтказилган учрашувлардан бирида Брэттоннинг жиноятчилик билан курашиш стратегияси бўйича ўринбосари Жек Мэйпл стол атрофидаги ҳодимлардан мавжуд жиноятларнинг қанчаси гиёхванд моддалар билан боғлиқлиги ҳакида сўрайди. Аксарият полициячилар 50 %, баъзилари 70 %, колганлари 30 % атрофига деб жавоб беради. Ҳа, жавоблар турлича эди.

Мэйпл ушбу рақамларга асосланиб гиёхванд моддалар бўлими “NYPD” ҳодимларининг 5 % дан камроғини иш билан таъминлайдиган жиддий кадрлар етишмовчилигини бошдан кечираётганини таъкидлаб ўтди. Маълум бўлишича, гиёхванд моддаларни назорат килиш бўлимларининг аксарияти душанбадан жумагача ишлаган. Гиёхванд моддаларнинг катта қисми эса дам олиш қунлари сотилган ва улар билан боғлиқ жиноятлар айни шу қунларда содир этилган.

Барча далиллар ҳамда қайнок нукталар аниклангандан сўнг Брэттоннинг ҳодимлар ва ресурсларни қайта таксимлаш тўғрисидағи таклифи тезда қабул килинди.

Брэттон керакли ҳодимларни қайнок нукталарга йўналтириди ва гиёхванд моддалар билан бօғлиқ жи-ноялтар сони камайди.

У бунинг учун зарур бўлган манбаларни қаердан олди?

Брэттон бунда ўз ташкилотининг совуқ нукталарини баҳолаган эди.

Совуқ нұқталардан манбаларни бўшатинг

Аники, раҳбар ресурсларни бўшатиш учун совуқ нұқталарни қидиради. Брэйттон метро масаласида энг совуқ нұқталардан бири жиноятчиларни судга кузатиб қўйиш эканлигини аниқлади. Полиция ходими бирор бир майда хукуқбузарлик билан боғлиқ бўлса ҳам, жиноятчини шаҳар марказига олиб бориши учун ўртача ўн олти соат вакт сарфлашга мажбур бўлган. Шубоис ушбу вақтда полициячи метрода хизмат олиб боролмайди. Брэйттон бутун тизимиň ўзгартирди. Жиноятчиларни судга олиб бориш ўрнига эски автобусларни кўчма полиция станциялариdek жихозлаб, жиноятчиларни шу автобусларда суддан олдин айбловларни рўйхатлаш марказига олиб келди. Энди жиноятчини шаҳар бўйлаб судга олиб бориш шарт эмас, балки белгиланган жойдан автобусгача олиб боришнинг ўзи етарли эди, холос. Ушбу янгилик айбордларни рўйхатдан ўтказиши муддатини ўн олти соатдан бир соатга туширди. Метрода патрул хизмати ҳамда жиноятчиларни ҳибсга олиш учун полиция ходимларининг кўпчилиги бўшатилди.

Фойдали айирбошлиши билан шугулланинг

Ишга масъул раҳбарлар ташкилот ичидағи мавжуд ресурсларни қайта тақсимлашдан ташкари ўзларига керак бўлмаган манбаларни кераклилариға муваффакиятли алмашадилар. Бу борада Брэйттонни эсланг. Давлат секторини ташкил қилишни бошқарган ҳар бир раҳбар унинг бюджети ва ищчилар сони хақида қизғин мунозаралар доим бўлишини билади. Чунки бу ерда чекланган манбаларнинг мавжудлиги айни ҳақиқатдир. Шунинг учун раҳбарлар ўзларининг ортиқча манбалари хақида гапиришни ёқтирумайдилар

хамда бошқа бўлинмаларга уларни ишлатишга рухсат беришмайди. Агар шундай килишмаса, ушбу манбаларни назорат килишни йў-котиши мумкин. Натижада баъзи ташкилотлар ортиқча манбалар билан тўлиб-тошган бўлади, ўз ўрнида эса керакли манбаларга эга бўлмай колишлари хам мумкин.


Брэттон Нью-Йорк шаҳар йўл полициясининг бошлиғи бўлганидан кейин унинг стратегия бўйича маслаҳатчиси Дин Эссерман (хозирги Нью Хейвен шаҳар полициясининг бошлиғи) алмашинувни ташкил этишда катта рол йўнади. Эссерман транспорт полициясига офис хоналарининг етарли эмаслигини аниқлади, аммо бошқа томондан, мазкур бўлинма ихтиёрида маркировкаси йўқ машиналар белгиланган миқдордан кўп эди. Нью-Йорқдаги шартли равишда озодликдан маҳрум килиш назорати бўлими, аксинча, транспорт воситаларига эга эмас эди, аммо уларда офис учун ортиқча жойлар бор эди. Эссерман ва Брэттон шартли равишда озод килиш бўлимига ўзаро фойдали алмашинувни таклиф килишди. Назорат бўлими ходимлари бу фикрни миннатдорчилик билан кутиб олишди. Албатта, транспорт полицияси шаҳар марказидаги чиройли бинонинг биринчи қаватини ўз ихтиёрига олганидан хурсанд бўлди. Ушбу келишув Брэттоннинг ташкилотдаги обрўсими мустаҳкамлади, бу эса жиддий ўзгаришлар жараёнини янада осонлаштириди. Колаверса, сиёсий нуфузли раҳбарлар Бреттон киёфасида муаммоларни қандай хал килишни биладиган одамни кўришди.

7.2. расмда Брэттон алвон уммонни тарқ этиш ва ўзининг мовий уммон стратегиясини амалга ошириш учун йўл полицияси бўлимининг ресурсларини қандай қилиб қайта тассимлаганилиги тасвиrlанган. Вертикал ўқда ресурсларни тассимлашнинг нисбий даражаси кўрсатилган. Горизонтал ўқда инвестициялар киритилган стратегиянинг турли элементлари келтирилган. Брэттон транспорт полицияси фаолиятининг айрим йўналишлари аҳамиятини камай-

тириш ёки ҳатто уларни бутунлай тарқ этиш, шу билан биргә, бошқа соҳаларнинг аҳамиятини ошириш ёки янгиларини яратиш ҳамда бу борада ресурсларни тақсимлашда катта үзгаришларни амалга ошириди.

7.2. расм. Үзгаришларнинг стратегик асоси: Брэйттон ресурсларини қандай ташкил қылди?

Юқори



Паст

Ерости йўлини оммавий патруль назорати	Судга чақи्रув қоғози берилгандан кейин келмаганларни кундузи хибсга олиш	Хибсга олиш	Ҳаёт даражасига таъсир кила диган жиноятларга эътибор қаратиш	Хибсга олиш олиш учун сайёр полиция пунктларидан (автобуслардан) фойдаланиш
Зобитларнинг хибсга олишдаги иштироқи	Чақириув қоғозларини бажариш (эътибор бермаган қоидабузларларга)	Оммавий хибсга олиш	Чақириув қоғози берилгандан кейин келмаганларни кечаси хибсга олиш	Хавфсизлик учун метро поездларини текшириш

Муайян омилларнинг таъсирини йўқотиши ёки камайтириш борасида қилинадиган чоралар харажатларни камайтиришга, янгиларини кўпайтириш ёки яратиш, аксинча, кўшимча инвестицияларни талаб қиласи. Шундай бўлса-да, стратегик режадан кўриниш

турибиди, ресурсларга инвестицияларнинг умумий даражаси деярли ўзгармади. Боз устига, шахар ахолисига тақдим этилаётган қиймат үсишни бошлади. Эътиборга молик томони шундаки, кенг тар-калган амалиётдан воз кешиш ва уни мақсадли концентрация страте-гияси билан алмаشتариш транспорт полициясига ер ости транспорт тизимидағи жиноятчиликка карши самараали курашишга имкон берди.

Эътироф этиш керакки, полициячиларнинг ҳибсга олиш ёки совук нұкталарда үтказған вактлари, шуннингдек, күчма полиция станцияларини яратында иштирок этиш даражасининг пасайиши полиция күчларининг ахамияттегі сезиларлы даражада ошириди. Негаки бу жараён ходимларга вактларини ва эътиборларини метрода патруллик қилишга қаратында имкон берішди. Катта жиноятларға карши курашга йўналтирилган инвестицияларнинг кўпайиши фуқароларнинг кундалик ҳаётига доимий таъсир кўрсатадиган жиноятчиликка эътибор қаратган холда полиция ресурсларини қайта таксимлашга имкон берди. Ушбу ижобий ўзгаришлар Нью-Йорк шаҳридағи йўл полицияси энди хирадашкан маъмурий фаолиятдан озод бўлган ва қандай хукуқбузарликлар билан шуғулланиш кераклиги ҳамда керакли вактда қаерда бўлиши лозимлиги ҳакида аник мажбурият ва кўрсатмаларга эга бўлган ходимларининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириди.

Ресурсларни қандай тақсим қиласиз: эскирган ғояларга амал қиляпсизми ёки қайнок нұкталарни аниқлашга ва ресурсларни жамлашга харакат қиляпсизми?

Қайнок нұкталарнинг каердалигини аниқлай оласизми?

Айтинг-чи, қайси фаолият иш самарадорлигига кўпроқ таъсир килади, лекин шу билан биргә ресурсларнинг етишмаслигини бошдан кечиради?

Совук нұкталарингиз қаерда мавжудлигини биласизми?

Қандай фаолият ресурсларнинг ортиқча миқдорига эга, аммо иш самарадорлигига зáйф таъсир күрсатмоқда?

Сизде манбалар алмашинувини қандай ташкил қилишни биладиган ходим борми ва шу ўринда алмашишни таклиф киладиган бирор бир манбангиз борми?

Мотивацион тұсіқни енгамиз

Компанияңзғы “қайтариб бўлмайдиган ўзгариш нұктаси”га етиб бориши ва мовий уммон стратегиясини амалга ошириши учун ходимларингизни “үйғотиши” керак. Ходимлар ўзгариш зарурлигини тан олишлари даркор ва чекланган манбалар олдида буни қандай бажариш кераклигини аниқ белгилай олмоғингиз лозим. Янги стратегияни амалга ошириш учун одамлар нафакат қандай ишлашлари кераклигини тушунишлари, балки доимий равишда ушбу билимларга амал қилишлари ҳам керак.

Ходимларни тез ва катта харажатларсиз қандай рағбатлантириш мүмкін?

Бизнес раҳбарларнинг күпчилиги статус-квони йўқ қилиш ва ўз компаниясینи ўзгартириш мақсадида улкан стратегик қарашларни шакллантирадилар ва юкоридан пастгача катта мобилизация ташаббусларини бошлайдилар. Раҳбарлар оммавий жавоб олиш учун тегишли чораларни кўриш керак, деган ишонч асосида ҳаракат киладилар. Аммо агарда кўпгина йирик компанияларда мотивацион эхтиёжларнинг хилма-хиллиги хисобга олинса, бундай қадамлар ортиқча вақт ва маблаг талаб қиласи. Юқоридан бошланган стратегик қараш одатда ҳаракатга эмас, балки бағищланишнинг самимий ифодасига олиб келади. Бунда бошқа йўл мавжудми? Ҳар бир

жойда саъй-харакатларга масъул етакчи бошқача харакат қилади ва оммавий концентрацияға эришади. У ходимларни рағбатлантирган ҳолда номутаносиб таъсирнинг учта омилига эътибор қаратади, биз уларни “бош кеглилари”, “аквариум бошқаруви” ва “атомизация” деб атайдыз

“Бош кеглилар”ни күриб чиқинг

Асосийси шуки, стратегик ўзгаришлар хақиқий натижа бериши учун барча даражадаги ходимлар биргаликда қилишлари керак. Бирок ижобий энергиянинг эпидемик ҳаракатини бошлиш учун сиз күч сарфламаслигингиз керак. Ўз кучингизни “бош кеглилар” билан, яъни компанияяда энг катта таъсирга эга бўлганлар билан ишлашга каратишингиз керак. “Бош кеглилар” – бу раҳбарларлик кобилиятига эга, хурматга сазовор бўлган, ишонтириш қобилиятига эга ёки асосий манбаларни очиш ҳамда ёпишга кодир бўлган ходимлардир. Бу боулинг каби бўлади: агар сиз бош пинни урсангиз, унда бошқалари бирга йикиласди. Содда килиб айтганда, сиз хар бири билан алохиди шуғулланишингиз шарт эмас, аммо охирида ҳамма ўзгаришга киришади. Компанияларнинг аксариятида кам сонли ходимларгина бошқакарга таъсир ўтказа оладилар ва бир вактнинг ўзида умумий муаммолар, хавотирларни бирга ҳал қиласдилар.

Шунинг учун раҳбар уларни аниклаши ва рағбатлантириши қийин эмас. Масалан, “NYPD”да Брэттоннинг асосий таъсир манбалари ва “кеглилари” етмиш тўртта полиция бўлимининг раҳбарлари бўлган.

Уларнинг хар бири икки юздан тўрт юзгача полиция ходимиға эга эди. Хуллас, етмиш тўртта бошлиқнинг хар бирини

“электрализация”си натижасида табиий занжирли реакция юзага келди ва үтгиз олти минг полиция ходими янги стратегияни амалга ошириш учун “қувватланади”.

“Бош кеглилар”ни аквариумга солинг!

“Бош кеглилар”нинг узоқ ва онгли мотивацияси учун уларнинг ҳаракатларини аник ва доимий равишда таъкидлаш керак. Буни аквариум менежменти деб атайды, чунки “бош кеглилар”-нинг хатти-харакатлари ёки ҳаракатсизлиги компанияда ҳаммага аник күриниб туради. Сиз аквариум баликлари билан нима содир бўлишини аник кўришингиз мумкин. Аквариумга “бош кеглилари”-ни жойлаштириш орқали уларнинг ҳаракатсизлик эҳтимолини сезиларли даражада камайтирасиз. Ортда қолғанлар эътибор остига тушадилар, ўзгаришга интилаёттганлар эса юлдуз бўлиш учун барча имкониятларга эга бўладилар. Аквариумни бошқариш фақат ошкоралик ва оқилона жараёнга асосланганда ишлайди.

“NYPD”даги фаолияти давомида иккى ҳафтада бир марта жиноятлар стратегияси бўйича йиғилиш Брэттоннинг аквариуми бўлди. CompStat (CompStat — Computerized Statistics – компьютерлаштирилган статистика)да шаҳар раҳбарлари янги стратегияни қандай амалга ошириш мумкинлигини муҳокама қилиш учун йиғилишарди. Полиция бўлимларининг барча раҳбарларидан йиғилишларда катнашиш шарт қилиб белгиланди. Шунингдек, улар Нью-Йоркнинг барча бешта туманида полиция бошликлари, комиссар ўринбосарларининг мажбурий равишда қатнашишини талаб килдилар. Брэттоннинг ўзи имкон кадар у ерда бўлишга ҳаракат қиласи. Полиция бўлимларининг хар бир бошлиғи жиноятчиликнинг ўсиши ёки камайиши ҳақидаги саволларга жавоб берганда компю-

терда яратылған улкан хариталар ва жадваллар намойиш этиларди. Бу унинг янги стратегияни амалга оширишдаги ишини яққол намойиш этди.

Сайт бошлуги хариталарга тушунтиришлар беришга, күл остидаги ходимлар баъзи муаммоларни қандай ҳал қылғанликларини ва нима учун иш самарадорлиги ошганини ёки пасайғанлигини тушунтиришлари керак эди. Кенг камровли учрашувлар натижасыда хар бир полиция бошлиғининг натижалари ва масъулияти барчага аён бўлди.

Натижада қисқа вақт ичида фаол ишлайдиган маданиятли раҳбар ходимлар шаклланди, чунки “бош кеглилар”дан ҳеч бири бошқалар олдида шарманда бўлишни хоҳламасди, балки ўз ҳамкаслари ва бошлиқлари олдида ажралиб туришни исташарди. Бундай аквариумда қобилиятсиз хўжайнилар энди ўзларининг хисобкитобларини яшира олмасдилар. Улар хато қилишдан ва нотўғри маълумотлар айтишдан кўркишарди, чунки ҳамкаслари залда бўлиб ушбу камчиликларни бир зумда илғай олишарди. Жиноятчиликка карши кураш стратегияси бўйича йиғилиш чоғида таркатилган маҳсус варакларнинг биринчи сахифасида полиция бўлими бошлиғининг сурати жойлаштирилган ва шу билан унинг иш натижалари учун хисоб бериши ҳамда жавобгарлиги таъкидланган эди.

Шунингдек, аквариум юкори самарали ишчиларга уларнинг яхши иши ва бошқаларга ёрдам бергани учун рағбатланишларига имкон берди. Бундан ташқари учрашувлар полиция раҳбарларига тажриба алмашиш учун замин яратди. Негаки Брэттон келишидан олдин станциялар раҳбарлари камдан кам ҳолатларда йиғилиб гурух бўлиб ишлашган. Вақт ўтиши билан аквариумни бошқариш кеинги босқичларда ҳам қўлланила бошланди: участка бошлиқлари ҳам ўзларининг ходимлари билан учрашувлар ўтказишга ҳаракат килишди.

Ишларининг кенг ёритилиши туфайли сайт менежерлари ўзларининг құл остидаги ходимларни янги стратегияни амалга оширишга етаклаш учун юқори турткы олдилар. Ушбу техниканинг ишлиши учун компаниялар бир вактнинг ўзида оқилона бизнес жараёнини амалга оширишни таъминлашлари шартдир. Бу нима дегани аслида?

Бу барча манбаатдор томонларни ишга жалб қилиш, муайян қарорлар асосида нималар ёттанлигини, хизматдаги ходимнинг лавозимини ошириш ёки уни ишдан бўшатиш учун қандай мезонлар мавжудлигини тушунтириш, шунингдек, ходимларнинг ишидан нимани кутаётганингизни аниқ баён этишдир. “NYPD”да жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ўтказилган йигилишларда иш жараёнлари адолатсиз бўлгани тўғрисида ҳеч ким шикоят қила олмади.

Аквариумда ҳамма “бош кеглилар” мавжуд эди. Ҳар бир раҳбарнинг фаолиятини баҳолаш, шунингдек, унинг асосида қилинган акциялар ёки бошқа ишларлар мутлақо шаффоф эди. Ҳар бир йиғилишда барча ходимлардан қандай натижалар кутилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар берилди.

Хуллас, оқилона жараён ходимларга олиб борилган ишларнинг оқилона эканлигини ва раҳбарлар барча ўзгаришларга қарамай бўйсунувчиларнинг интеллектуал ҳамда ҳиссий қадр-кимматини қадрлашларини кўрсатади. Бу холат, агар компания стратегияни ўзгартиришга харакат қилса, деярли ҳар доим ходимлардан келиб чикадиган шубха ва шубхалардан халос бўлишга имкон беради. (Оқилона жараён ва унинг мотивацияга таъсири ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун 8-бобга қаранг.)

*Компания үзини ўзгартириши учун вазифаны бўлакларга бўлиб
қўйинг*

Номуганосиб таъсир қўрсатадиган охирги омил бу стратегик вазифани унинг таркибий қисмларига бўлишидир. Аслида, ушбу “бўлиш” стратегик вазифани ишлаб чикишдир, шунинг учун ушбу жараён раҳбарлардан тегишли кўникмаларни талаб килади. Агар одамлар стратегик мақсадни юзага чиқариш мумкинлигига ишонишмаса, керакли ўзгаришлар ҳеч қачон амалга оширилмайди. Брэйттоннинг Нью-Йоркка нисбатан ташки стратегик вазифаси шунчалик имконсиз бўлиб туюлганки, ижобий натижаларнинг бўлишига ишониш кийин эди.

Дарҳақиқат, биргина одам улкан шаҳарни АҚШнинг энг хавфли худудидан энг хавфсизига айлантириши мумкинлигига ким ҳам ишонарди?

Бундай имконсиз бўлиб кўринган ишни амалга ошириш учун ким ҳам вакт ва куч сарфлашни хоҳларди?

Брэйттон вазифани уддалаш учун ишни кичик қисмларга ажратди, уларни амалга ошириш ҳар бир полициянинг ваколатларига кирди. Брэйттон сўзлари билан айтганда “NYPD”га Нью-Йорк кўчаларини “мавзе ортидан мавзени, туман ортидан туманни, махалла ортидан махаллани” хавфсиз килиш вазифаси юкланданди. Шундай килиб расмийлаштирилган вазифа бир вақтнинг ўзида кенг қамровли ва тўлиқ амалга оширилишини кўриб чиқди. Кўчалардаги полициячилар учун ўзларининг йўналиши ёки кварталида хавфсизликни таъминлаш мухим вазифа килиб белгиланган эди. Полиция бўлимлари раҳбарлари учун асосий вазифа худудда хавфсизликни таъминлашдан иборат эди. Нью-Йоркдаги полиция округлари раҳбарларига ҳам ўз ваколатлари доирасида ўз худудларида хавфсизликни таъминлаш вазифаси юкланди. Бирор бир ходим ўзидан жуда кўп

нарса талаң килинганини ёки улдаңаб бўлмас вазифага биритирилганни айтиб иддао килмади. Хулоса килиб айтадиган бўлсақ, Брэттоннинг таклиф этган мовий уммон стратегиясини амалга ошириш учун масъулият унинг ўзидан изчил тарзда ўттиз олти минг полиция ходимига топширилди.

Сиз барча ходимларни истисносиз мотивация қилишга ҳарекат қиляпсизми?

Ёки фақатгина таъсир қиласидиганларга, яъни “боз кеглилар”га эътиборингизни қаратаяпсизми?

Иш жараёни қандай кетаётганини ёрита оласизми?

“Боулинг кеглилари”ни оқилона жараён тамойиллари асосида ишлайдиган аквариумга кўясизми?

Ёки юкори кўрсаткичларни талаң қилиб кейинги чорак натижаларини кутиш билан вақт ўтказмоқдамисиз?

Сиз ўз ходимларингиз учун катта стратегик карашларни яратиш учун ҳаракат қиляпсизми?

Ёки ҳар бир босқичда буни амалга ошириш учун вазифани бўлакларга бўлиб ташладингизми?

Сиёсий фитнани йўқ қилиш

Айтишларича, ёшлик ва истеъод ҳар доим қарилек ҳамдаа хиёнат устидан ғалаба козонади. Бу, сизнингча, ҳақиқатми ёки йўқми? Бизнингча, ундей эмас. Ҳатто энг зукко ва акли одамлар ҳам сиёсий фитналар ҳамда маккор ниятлар туфайли четга чиқиб қолмоқдалар. Унутмангки, сиёсат корпоратив ва жамоат ҳаётининг ажralmas қисмидир. Агар ташкилот қайтариб бўлмайдиган ўзгаришга эришган бўлса ҳам, унда кучли мустаҳкам манфаатлар мавжуд бўлиб қолмоқда ва булар ўзгариш йўлида туришади (янги стратегик

ғояни кабул қилиш билан боғлиқ қийинчиликларни муҳокама ки-лиш учун 6-бобга қаранг). Ўзгаришлар қанчалик кўп бўлса, ички ва ташки салбий таъсир манбалари шиддатли ва баланд овоз билан ўз позицияларини химоя қилишга киришади. Уларнинг қаршилиги стратегияни амалга ошириш жараёнига жиддий зарар етказиши ёки ҳатто уни бутунлай йўқ қилиши мумкин.

Вазифага йўналтирилган раҳбарлар қарама-қарши сиёсий кучларга қарши туриш учун номутаносиб таъсир кўрсатиш омилла-рига эътибор беришади. Бу ўринда улар “манфаатдорлар”нинг ёрдами-га мурожаат қилиши, “муросасиз”ларни бўйсундириш ва юкори раҳбарият орасида консильєрини¹ қидириш назарда тутил-моқда. Консильєри – бу сиёсий фитнада тажрибали, компанияда обрўга эга бўлган, барча тузоклардан хабардор ва сизга қарши ким курашишини ҳамда сизга ким ёрдам беришни биладиган инсайдер-дир.

Топ менежерлар жамоасида консильєриларни топинг

Аникки, аксарият раҳбарлар маркетинг, операциялар, молия каби жиддий функционал кўнималарга эга бўлган юкори даражадаги менежмент гурухини яратишга эътибор беришади ва бу жуда муҳим ишдир. Аммо йўналтирилган етакчига рўйхатдаги бошқа “позиция” киради, буни, одатда, айрим раҳбарлар унугиб қўядилар. Масалан, Брэттон ҳар доим топ менежерлар жамоасида полициянинг янги стратегиясини амалга оширишда дуч келадиган барча тўсиқларни яхши биладиган обрўли одам бўлишига ишонч хосил қилди. Брэттон “NYPD”да Жон Тимонни ўз ўринbosари қилиб та-

¹ Консильєри (итальянча: consigliere – маслаҳатчи) – ишончили ва маслаҳатларга кулок соладиган киши.

йинлади. Тимони полициячиларнинг кумири ҳамда улар орасида катта обрұга зәди. У раҳбариятта содиклиги ҳамда ўз касбига масъулиятли эканлиги билан хурматтаға сазовор бўлган. Йигирма йиллик хизмати унга нафақат асосий ходимларни таниб олишни, балки уларнинг сиёсий қарашларда ўзларини қандай тутишларини ҳам ўргатди. Брэттонга топ менежментнинг “NYPD” полициясининг янги стратегиясига муносабати, яъни бу янгиликка қарши ким курашишини ёки уларни жимгина саботаж қилишини кўрсатган маърузаси Тимонининг ечган биринчи вазифалардан бири зәди.

**“Манфаатдор”ларни чақириң ва “муросасиз”ларни
тинчлантириңг**

Сиёсий тұсқыларни енгіш учун ўзингизга қуйидаги саволларни бериш фойдали бўлади.

“Жин”ларим кимлар?

Ким менга қарши чиқа олади?

Мовий уммон стратегияси туфайли келажакда ким кўпроқ йўқотади?

Улар, яъни менинг “фаришта”ларим кимлар?

Ким ихтиёрий равища менинг иттифоқчим бўлади?

Стратегияни ўзgartиришдан ким кўпроқ фойда олади?

Шуни ёдда тутингки, ўзингиз ёлғиз жанг қилманг. Жанг учун нуфузли, устун турувчи шахсларнинг қўллаб-кувватлашига эришиш мақсадга мувофиқ ишдир. Сизга ким қарши чиқишини ва ким сизни қўллаб-кувватлашини аниқланг. Ўртада бўлганларни унутинг ва ҳамма учун ўзаро фойдали натижани олишга ҳаракат килинг. Рақибларингизни жанг бошланишини кутмасдан ажратиб олинг ва бунда “манфаатдор”лар билан бирлашинг. Шундай килса-

нгиз, рақибларингиз кучайишни бошлашидан олдин жангни тұхтатасиз.

Нью-Йорк судлари Брэттоннинг янги полиция стратегиясинг амалга ошишидаги энг жиддий тұсындаридан бири эди. Судлар янги стратегияга қарши чиқишиган ва унинг (янги стратегиянинг) натижаси жамоат жойлариде фохишилик ёки мастилик каби майда хукуқбузарлыklар соҳасидаги процесслар оқимининг күпайшига олиб келиши мүмкін деб ҳисоблашган. Ушбу қарама-қаршиликка бархам бериш учун Брэттон уни күллаб-қувватлаганларнинг барчасига, шу жумладан, шаҳар ҳокими, туман адвокатлари ва қамоқхона раҳбарларига суд тизими ошиб бораётган ишларни күриб чиқа олиши мүмкінлегини аник ифодалаб берди. Қолаверса, агар ушбу жиноятларға катта эътибор берилсa, келажақда, аксинча, бу судларни енгиллашишига ёрдам бериши таъкидланды. Шаҳар ҳокими ушбу жараёнда катнашишга розилик берди.

Шаҳар ҳокими бошчилигіда Бреттон коалицияси матбуот орқали оддий ва аник хабар билан мурожаат килди. Хабарнинг асосида агар судлар керакли юкни бажара олмаса, шаҳардаги жиноятчилик даражаси пасаймаслигини таъкидлаш ётарди. Брэттон ҳоким ва матбуот билан иттифок тузиб судларни муваффақиятли равища яккалаб күйди. Судлар энди жиноятлар сонининг камайишига олиб келадиган ташаббусга қарши чиқа олмайдиган бўлдилар. Шаҳар ҳокими хаёт сифатини бузадиган жиноятларға қарши курашиш зарурлиги тұғрисида катыяйт билан нутқ қылғач, шаҳарнинг энг обрўли ва либерал газеталари полициянинг янги стратегиясини күллаб-қувватлашди. Натижада Брэттон ташаббусига қарши хар қандай ҳаракатлар кимматта тушиши мүмкін эди. Судлар ютқазишли. Ташаббуснинг амалдаги самараси ўлароқ жиноятчилик даражаси пасая бошлади.

Ракибларни ёки “муросасиз”ларни мағлуб этишнинг калити

бу хужумнинг барча эҳтимолий йўналишлари ва ўзгариб бўлмайдиган маълумотлар ҳамда мантиқ билан таъминланган қарши қуаршиш қобилиягини билишдир. Масалан, Нью-Йорк полиция бўлинмаларининг бошлиқларига жиноятларнинг жуғрофияси ва тафсилотлари тўғрисида батафсил маълумотларни тўплаш сўралганда улар бунга кўп вақт кетишини айтиб, қаршилик кўрсатишни бошлаганлар. Буни олдиндан сезган Брэттоннинг ўзи ҳам шунга ўхшаш ишни қанча вақтда бажарилиши мумкинлигини текшириб кўрди. Маълум бўлишича, буни бажариш учун кунига ўн саккиз дақиқа етарли бўлган. Ушбу вақт полиция бўлимлари раҳбарларига айтилган кунлик иш ҳажмининг атиги бир фоизидан камроғини ташкил етарди.

Сизда консильєри, хурматга сазовор инсайдер ёки шунчаки молия бўлими бошлиғи ва асосий функцияларни бошқарадиган бошқа топ менежерлар борми?

Сизга ким қарши чиқишини ва янги стратегияни ким қўллаб-кувватлашини биласизми?

Мухолифларни куршаб олиш учун иттифоқчиларингиз билан коалиция тузишга муваффак бўлдингизми?

Консильєрилар сизга энг катта “пиёда миналари”ни зааррасизлантиришга ёрдам бердими ёки кучингизни ўзгаришни истамайдиганларга сарфлашга тўғри келдими?

Анъанавий нуқтаи назарга қарши кураши бошлиймиз

7.3. расмда етакчилик қандай йўналтирилганлиги кўрсатилган. Анъанавий ташкилий ўзгаришларнинг назарияси массаларни ўзгаришишга таянади. Айни шу сабаб ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган харакатлар катта миқдордаги ресурслар ва вақтни ўзида жамлаган ҳашаматни талаб қиласди. Эътиборли раҳбар қара-

УЧИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

7-боб. Асосий ташкилий түсікшарнан енгіб үтиши

ма-қарши йұналишни танлайди. У массаны үзгартыриш учун үзга-ришга керагидан ортиқ эътибор қаратади. Иш самарадорлигига номутаносиб таъсир күрсатадиган одамлар, ҳаракатлар ва фаолият назардан четда қолмайди. Шу йүллар оркали тез ва арzon нархларда стратегик йұналишни үзгартира олади.

7.3. расм. Анъанавий нұқтаи назарға қарши йұналтирилган етакчилик

Анъанавий нұқтаи назар



Ташкилий үзгаришларнинг анъанавий назарияси күпчилекларнинг фикрини ва жойини үзгартыришга асосланған. Шунинг учун үзгаришларни амалға ошириш учун ҳаракатлар катта күчлар ва вақтни талаб қиласынан оммани үз жойларидан силяшыла каратылған.

Мақсадға йұналтирилган етакчилик



Стратегик йұналишингизни тезда арzon нархларда үзгартыриш учун кенг оммани үзгартыриш, экстремумларға эътибор қаратиш – иш самарадорлигига номутаносиб равишда таъсир қиласынан одамлар, ҳаракатлар ва фаолиятларға эътибор қаратиш демекдір.

(*Экстремум (потинча; четки) – бирор түрламда функцияның максимумы ёки минимум қызығы. Күп үззаруеччи функциялар учун ҳам экстремум түшүнчесини киритиш мүмкін. Вариацион қисебда функцияларны экстремуми сифатыда уларнанға энг күттә ёки энг кичик қызығылдары түшүніләді.*)

Стратегияның үзгартыриш хар доим қийин кечган. Уни тез ва чекланған ресурслар билан бажариш эса янада мұраккаб ишдір. Аммо бизнинг тадқикотларимизга күра, агар сиз етакчилик қобилятига эга бўлсангиз, бу жараён жуда осон кечади. Мабодо куч-тайратингизни номутаносиб таъсир кўрсатадиган омилларга эътибор қаратсангиз, уларга карши курашга йўналтирангиз, янги стратегияни амалга оширишдаги түсикларни енгишга эриша оласиз. Одаттый нуқтаи назардан узоклашинг. Ҳар қандай мұраккаб түсик мутаносиб ҳаракатни талаб қилмайди. Эътиборингизни номутаносиб таъсир кўрсатадиган ҳолатларга қаратинг. Шуни унумтмангки, бу мовий уммон стратегиясини амалга ошириш учун зарур бўлган етакчиликнинг ажралмас қисмидир.

Кейинги бобда ишончни, танланған йўналишга содиқликни ва ихтиёрий ёрдамни яратган ҳолда онг ва қалбда янги стратегияяга садоқатни қандай экиш кераклигини кўрсатадиган босқичга ўтамиз. Ушбу муаммонинг ечими сифатида агар одамлар ўз хоҳиш-иродалари билан ҳаракат килишса, стратегияни мажбуран амалга ошириш ва ихтиёрий равищда ҳаракат қилиш ўртасидаги фарқни кўришга муваффақ бўлишади.

VIII БОБ

АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИ СТРАТЕГИЯГА КИРИТИШ

Компания нафақат топ менежерлар ва ўрта менежерлардан, балки директордан тортиб мижозлардан телефон қўнғироқларини кабул қиласидан кичик ишчиларгача бўлган барча ходимлардан иборат тузилмадир. Барча ходимлари “қайғуда ҳам, қувончда ҳам биргамиз” стратегиясини қўллаб-қувватлашга тайёр бўлишса, компания бошқалардан ажралиб чиқиб ўзини ажойиб ва изчил ғояларни амалга оширувчиси сифатида қўрсатиши мумкин. Финиш чизигидан ўтища стратегиянинг ташкилий тўсиқларни енгиб ўтиши жуда муҳимдир. Охир-оқибатда компания ҳаракатларнинг энг асосий кисми, яъни барча ходимларнинг муносабати ва хулқ-атворини фоллаштириши керак. Сиз одамларни мавжуд стратегияни амалга оширишга ундейдиган ишонч ва садоқат маданиятини шакллантиришингиз керак. Стратегия онг ва қалбни ўз ичига олса, шундагина ҳар бир ходим уни амалга ошириш жараёнида ўз мажбуриятлари ва ишларидан ташқари ихтиёрий ҳамкорлик тамойилига таяниб сидкидилдан меҳнат киласиди.

Мовий уммон стратегияси ҳакида гапирилганда вазифанинг мураккаблиги ошишини унутманг. Ходимлардан ўzlари учун қулай бўлган зонадан чиқиб олдингисидан ёқимсиз ҳолда бўлган иш жараёнини таклиф қилсангиз, уларда зўрикиш пайдо бўлади. Ходим-

ларда ўзгаришнинг асл сабаблари нимада эканлиги борасида саволлар туғилади. Шунингдек, раҳбарият келажакдаги иш режаларини айтадими ёки бизни ортиқча ҳисоблаб ишдан бўшатмокчими, деган ўй-хаёллар ҳам пайдо бўлади.

Ходим компания раҳбариятидан қанчалик узок бўлса, у стратегияни яратиш жараёнида шунчалик кам иштирок этади ҳамда унда кўркув кучаяди. Илгарилаб кетганлар, яъни стратегияни амалга ошириш лаёқатига эга бўлган ходимларнинг фикрлари ва хиссиётларига эътибор берилмаса, улар янги жараёнлар (стратегияни амалга ошириш)дан воз кечишлари мумкин. Сиз ҳаммаси тўғри кетяпти, деб ҳисобласангиз-да, илгарилаб кетганларда (уларнинг кимлигини билдингиз, албатта) тўсатдан муаммолар юзага чиқмайди деб кафолат беролмаймиз.

Бу бизни мовий уммон стратегиясининг олтинчи принцип, яъни ходимларнинг ишончи ва садоқатини жалб қилиш ва уларни ихтиёрий ҳамкорликка илхомлантириш учун стратегияга киритиш зарурати томон етаклаб боради. Бунинг мухим жихати шундаки, агар мазкур принципнинг удласидан чиқилса, у холда компания ишончсизлик, ҳамкорлик қилишни хоҳламаслик ва ҳаттоқи ишчилар томонидан саботаж билан боғлик бошқарув хавфини анча камайтира олган бўлади. Бундай хавфлар стратегия алвон ва мовий уммонларнинг иккаласида ҳам юзага келади, аммо унинг пайдо бўлиши эҳтимоли мовий уммон стратегиясида юқори бўлади. Негаки ушбу стратегияни амалга ошириш анча жиддий ўзгаришларни талаб қиласди. Ушбу хавфни камайтириш жуда мухим эканини эсдан чиқарманг. Шунинг учун ҳам айтмокчимизки, компаниялар одатдаги ширин ёлғон ёки жазо сиёсатини тарк айлаб окилона жараён дарражасига кўтарилиши керак.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, мовий уммонга ўтиш йўлидаги муваффакиятли стратегик қадамларни муваффа-

киятсизлардан ажратиб олиш мүмкін бўлган асосий ўзгарувчи оқи-
лона жараёндир.

Нотўғри фаолият стратегияни амалга оширишига путур етказиши мумкин

Бу ўринда металл саноати учун совутиш суюклигини етка-
зиз беришда етакчилардан бири бўлган “Lubber” йирик компанияси
тимсолидаги бир мисолни кўриб чиқайлик. Металл буюмлар ишлаб
чиқарадиган соҳада ҳар хил қайта ишлаш турлари мавжуд бўлган-
лиги боисидан юзлаб мураккаб совутгичларнинг бўлиши талаб эти-
лади. Тўғри навни танлаш осон иш эмас. Даставвал маҳсулот ишлаб
чиқариш машиналарида синовдан ўтказилиши керак ва кейинги
ечим кўпинча жуда ноаниқ мантиққа асосланади. Натижада наму-
налар учун машина вакти ва пул сарфланади. Бу эса ҳам мижозлар,
ҳам компаниянинг ўзи учун қимматга тушади.

“Lubber” мижозларга кийматнинг ўзгаришини таклиф қи-
лиш учун стратегия ишлаб чиқди. Унинг максади синов босқичи-
нинг қийинчиликлари ва харажатларини бартараф этиш эди. Компа-
ния сунъий интеллектнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда са-
ноатнинг ўртача кўрсаткичи 50% бўлишига қарамай совутиш суви-
ни танлаб олишдаги хатолар сонини 10% гача камайтирган эксперт
тизимини яратди. Мазкур тизим вактни тежашга, бошқарувни сод-
далаштиришга ва ишлов бериладиган қисмларнинг умумий сифати-
ни яхшилашга имкон берди. “Lubber”нинг ўзи учун савдо жараёни
анча соддалаштирилди. Бу савдо вакилларига янги битимлар учун
вақт ажратиш ва савдо билан боғлиқ харажатларни камайтиришга
имкон берди.

Шундай бўлса-да, бундай стратегик қадам бошиданоқ му-
ваффакиятсизликка учради. Муаммо стратегиянинг ёмонлиги ёки

эксперт тизимининг ишламаслигига эмас эди, негаки тизим мукаммал ишларди. Аксинча, савдо ходимларининг қаршиликлари стратегиянинг барбод бўлишига бош сабаб эди.

Савдо вакиллари стратегияни яратишда иштирок этмаган ва йўналишни ўзгартириш сабаблари тўғрисида маълумот олмаган бўлишса-да, эксперт тизимида уни ишлаб чиқувчилар ёки менежерларнинг хеч бири ўйламаган хавфни кўра олдилар. Улар синов пайтида мос совутиш мосламасини чексиз излашни ушбу ишдаги энг қимматли ҳисса деб ҳисоблашди. Шов-шувдан ҳалос бўлиш, савдо-сотикини амалга ошириш учун кўпроқ вақт ажратиш, соҳада алоҳида мақомга эга бўлиш орқали бир қанча шартномалар тузиш имкониятларининг хеч бири сотувчилар томонидан қадрланмади.

Савдо вакиллари таҳдидни олдиндан сезиб эксперт тизимига қарши иш олиб боришиди ва харидорларга унинг самарадорлиги борасида шубҳа билдиришди. Натижада савдо улуши тушиб кетди.

Шундан сўнг раҳбарият бошқарув таваккалчилигини камайтириш ҳамда ўзларининг қайсарликларидан воз кечишига мажбур бўлдилар ҳамда эксперт тизимини бозордан олиб ташлашга ва савдо вакиллари орасида ишончни тиклашга киришди.

Оқилона жараённинг кучи

Хўш, оқилона жараён ўзи нима?

Ушбу жараён компанияларга уни амалга ошириш жараёнини стратегияга кўшишига қандай имкон беради?

Оқиллик ва холислик мавзуси асрлар давомида ёзувчи ва файласуфларни ўйлантириб келган. 1970-йилларнинг ўрталарида социологлар Жон Тибо ва Лоренсу Уокерг одил судлов психология-

сига бўлган қизиқишлиарини жараённи ўрганиш билан бирлаштирилар ва “процессуал адолат” атамасини яратдилар¹. Тадқиқот мавзуси сифатида юридик ҳаракатлар олинди. Олимлар одамларни қонунга ишониш ва унинг талабларига мажбурлашсиз итоат этишга ундейдиган нарсани тушунишга ҳаракат қилдилар. Тадқиқот давомида кишиларни суд қарорининг ўзи ҳам, у олиб борган жараённинг оқилона эканлиги ҳам ташвишлантираётгани маълум бўлди. Қабул қилинган қарордан қоникиш даражаси ва процессуал адолат қарор топганда эса уни бажаришга тайёрлик ўсди².

Оқилона жараён – бу процессуал адолат назариясининг менежерлари томонидан қўлланилишидир. Қонунчилик соҳасида бўлгани каби оқилона жараён стратегияни амалга оширишни бирлаштиради ва бошиданоқ ишчиларни ўз томонига жалб қиласди. Оқилона жараён стратегияни яратишида ўзини кўрсата олса, одамлар бундай жараёнларга, албатта, ишонишади. Бу уларни якуний стратегик қарорларни амалга ошириш учун ихтиёрий равишда биргаликда ишлашга илҳомлантиради.

Ихтиёрий ҳамкорлик шунчаки одамларга керак бўлган нарсани бажарганда механик равишда ишлашдан кўпроқ нарсани англатади.


Ихтиёрий ҳамкорлик орқали инсон ўз мажбуриятлари доирасидан ташкарига чикади. Ишга ўзининг максимал кучи ва қобилиятини беради ҳамда ҳатто жараёнга ўзининг шахсий манфаатларини бўйсундиради³.

8.1. расм бизга оқилона жараён, одамлар-нинг муносабати ва хулқ-атвори соҳасида кузатган сабаб-тергов алоқаларни кўрсатади.

УЧИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

8-боб. Амалга ошириш жараёни стратегияга киритиш

8.1. расм. Оқилюна жараён одамларнинг муносабати ва хулқ-авторига қандай таъсир қиласиди



УЧТА “Е” ОҚИЛОНА ЖАРАЁН ТАМОЙИЛИ

Ўзаро кучайтирувчи учта элемент: жалб қилиш (Engagement), тушунтириш (Explanation) ва кутиш (Expectation) оқилюна жараён учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга хисобланади⁴. Дўкондаги топ менежер ҳам, сотувчи ҳам биз учта “Е” оқилюна жараён тамойилига бирлаштирган элементларга эътибор беришади.

Иштирок этиши – бу ходимларни уларга таъсир этадиган стратегик қарорларга жалб қилишни англатади. Ходимлар нафакат ўзларининг таклифларини беришади, балки ҳамкасларининг гоя-

лари ва таклифларини кўриб чиқиши ҳамда мухокама қилиш имкониятига эгадирлар. Иштирок этиши ходимларда ўзларининг ҳам, гояларининг ҳам менежерлар томонидан хурмат қилинаётганини англата олади. Мунозара жараёни фикрлаш тарзингизни уйғотади ва оқилона қарор топиш йўлида биргаликда ишлашга имкон беради. Натижада менежерлар барча учун маълум бўлган стратегик қарорлар қабул қилишади. Асосийси, уларни амалда қўллаш керак бўлганларнинг ҳар бири ўз танлаган йўналишига содик қолади.

Тушунтириши барча иштирокчилар ва манфаатдор томонлар нима учун бу ва бошқа якуний стратегик қарорлар қабул қилин-маслигини тушунишларини таъминлаш учун ишлаб чиқилган. Одамлар қарорларнинг сабаблари тўғрисида тушунтиришлар олгандан сўнг менежерларнинг фикрларини инобатга олганликлари ва компаниянинг умумий манфаатларига жавоб берадиган оқилона қарор қабул қилишларига ишонч ҳосил қилмоқдалар. Тушунтириш, агар ходимларнинг ўзларининг гоялари рад қилинган тақдирда ҳам, раҳбарларнинг мақсадларига ишонишлари учун имкон беради. Қолаверса, тушунтириш – бу билим олишга туртки берадиган кучли тескари алоқа.

Кутилаётган натижаларнинг *равшанлиги* шундан иборатки, менежерлар стратегияни танлагандан сўнг жараённинг янги қоидаларини аниқ баён этишади. Ходимлар кутиши жуда юкори бўлиши мумкинлигига қарамай ўз ишларини қандай стандартлар асосида баҳолайдилар ва агар вазифалар бажарилмаса, қандай жазо чорала-ри кўрилишини билишлари керак.

Компаниянгизнинг стратегик мақсадлари қандай?

Режаларингизнинг тактик мақсадлари ва босқичлари нималарда акс этади?

Бу жараёнларда кимлар қандай ишлар учун масъул этиб белгиланган?

УЧИНЧИ ҚИСМ. МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

← 8-боб. Амалга ошириши жараёнини стратегияга киритиш →

Оқилона жараённи таъминлаш учун янги максадлар, умидлар ва мажбуриятлар нимадан иборат бўлиши муҳим эмас, аксинча, ходимларнинг уларни тўлик тушунишлари жуда муҳимдир. Одамлар улардан нимани кутаётганларини аниқ тушунгандарига сиёсий фирибгарлик ва юзаки муносабат камаяди. Шунда янги стратегияни амалга оширишингиз йўлида хеч нарса тўскинлик килмайди. Ушбу учта элемент биргаликда оқилона жараён бор ёки йўқлигини аниклашга ёрдам беради.

Икки завод хақида ҳикоя

Учта “Е” оқилона жараён тамойили компаниянинг ичидаги стратегияни амалга оширишга қандай таъсир қиласди?

Фикримизнинг давомини ўтиш даврини енгиги чиккан лифт ишлаб чиқарувчи “Elco” компанияси мисолида кўриб чиқайлик. Тилга олинаётган йилларда соҳада савдо-сотик барқарор равишда пасайиб борди. Негакиофис хоналари керагидан кўпроқ эди. Ҳатто АҚШнинг баъзи йирик шаҳарларида бўш офис майдони 20 % га етганди.

“Elco” ички талаб пасайиб боргани учун ҳам мижозларга янги талабни рағбатлантириш ва ракоботчилардан узоклашиш учун ўз харажатларини камайтирган холда нархларни пасайтиришни таклиф қилди. Компания мовий уммон стратегиясини яратиш ҳамда амалга ошириш имкониятларини излаш жараёнида ўз-ўзини бошқариш жамоалари янада самарали ишлаши учун партияларни ишлаб чиқариш тизимини мослашувчан тизим билан алмаштириш керак, деган хуносага келди. Раҳбарият жамоаси бу масалада ўзаро келишиб олдилар ва харакатни бошладилар. Стратегиянинг асосий элементини амалга ошириш учун топ менежерлар бошқаларга қара-

ганды тезроқ ва яхшироқ деб хисобланган йүлни танлашга қарор қилишди.

Улар дастлаб Честер шаҳридаги “Elco” заводида янги тизимни жорий этиш ва буни кейинчалик Хайпаркдаги иккинчи заводга қўлламоқчи бўлдилар. Честердаги заводнинг раҳбарияти ходимлар билан илиқ муносабатга эга эдилар. Алоқалар яхшилигидан ишчилар ўз касаба уюшмаларини-да тарқ этишди. Раҳбарият янги ишлаб чиқариш стратегиясини амалга оширишда ҳамкорликка умид боғлашларига ишонишли. Компания уларни идеал ишчилар деб хисобларди. Раҳбарият бу ердаги жараённи Хайпаркда ҳам ёймоқчи эдилар. У ерда кутилганидек бу ёки бошқа ўзгаришларнинг олдини оладиган кучли иттифоқ мавжуд эди.

Назарий жиҳатдан ҳамма нарса ажойиб туюлди, аммо амалда эса барчаси кутилмаган тарзда ўзгариб кетди. Честер заводида янги ишлаб чиқариш жараёнининг жорий этилиши ғалаён ва норозиликларни келтириб чиқарди. Бир неча ой ичида харажатлар ошди ва сифат кўрсаткичлари пасайди. Ходимлар касаба уюшмасининг тикланиши ҳақида гапира бошлашди. Вазият устидан назоратни йўқотган менежерлар “Elco” психологига мурожаат қилишгача боришли.

Хайпаркдаги заводда эса, аксинча, ишлаб чиқариш жараёнида стратегияни ўзгартириш ҳайратланарли даражада тинч ўтди. Завод раҳбари норозилик намойишини кутиб кунни таҳликада ўтказарди, лекин намойишлар бўлмади. Ишчилар қарорларни ёктиримаган тақдирда ҳам улар раҳбарларнинг ўзларига нисбатан окилонга муносабатда бўлишларини хис қилишди. Шу сабабли янги стратегиянинг марказий таркибий қисми бўлган янги ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда иштирок этишди.

Стратегияни ўзгартириш қандай амалга оширилганлигини батафсилрек кўриб чиқиш орқали ушбу аномалияларнинг сабабла-

рини тушунишимиз мумкин бўлади. Честердаги завода “Elco” менежерлари оқилона жараённинг барча уч тамойилларига эътибор бермай кўйдилар. Биринчидан, улар тўғридан тўғри таъсир қила-диган стратегик қарорларни қабул қилиш учун ходимларни жалб қила олмадилар. Компания мослашувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда етарлича тажрибага эга бўлмагани учун ҳам конверсион режани ишлаб чиқишини консалтинг компаниясидан илтимос килдилар. Улар маслаҳатчилардан тезроқ ишлашни ва ишлаб чи-килган режа ходимларга иложи борича кам муаммолар туғдиришини ҳамда янги стратегияни тез ва оғриқсиз амалга оширилишини таъминлашларини сўрашди. Маслаҳатчилар олинган кўрсатмаларга катъий амал килдилар. Честер фабрикаси ходимлари навбатдаги иш кунларининг бирида заводга келар эканлар бу ерда ғайриоддий, қора костюм кийган, ўзаро бир-бирлари билан сухбатлашаётган нотаниш одамларни учратищди. Ушбу нотаниш кимсалар завод ишчи-ларига халакит бермаслик учун улар билан мулоқот қилмадилар ва ўз ишлари билан банд бўлишди. Кечкурун ишчилар уйга қетганидан сўнг нотаниш одамлар фабрика бўйлаб айланиб юришгани, ишчиларнинг иш жойидан бирор бир нарса излашгани, бир-бирлари билан баҳслашишгани тўғрисида миш-мишлар тарқалди.

Маслаҳатчилар заводда айланиб юришганида завод раҳбари заводда нисбатан кам кўринадиган бўлди. У кўп вақтини “Elco”нинг бош оғисида маслаҳатчилар билан мулоқотда ўтказарди. Ишчи-ларни чалғитмаслик учун йиғилишларни атайлаб ташқарида ўтка-зарди. Аммо бу ҳол, яъни раҳбарнинг иш жойида йўқлиги тескари натижани берди. Ишчилар тобора ташвишлана бошлагандилар. Улар маслаҳатчилар завод ходимларини қисқартиришни режалаштиришган деб ўйлашар ва ишларидан айрилиш арафасида эканлиги-га ишониб колишганди. Завод раҳбарининг иш жойида ҳеч қандай изоҳсиз йўқлиги, эҳтимол, ўз қўл остидагиларидан яширган бў-

лиши мумкин ва раҳбарият “бизни алдамокчи” деган хулосага келган ишчиларнинг ишончи ва садоқати тобора сусайиб борар эди.

Одамлар кўп ўтмасдан бир-бирларига маслаҳатчилар пайдо бўлганидан кейин мамлакатдаги бошқа фабрикаларнинг ёпилгани ҳакида ёритилган газеталарни қўрсатишни бошладилар. Ишчилар мукаррар равишда оммавий ишдан бўшатиш истаги қурбони бўлишларига қарор қилишди. Аслида, “Elco” менежерлари заводни ёпиш ниятида эмас эдилар. Улар кераксиз операциялардан халос бўлиб тез ва арzon нархларда юқори сифатли лифтларни ишлаб чиқариш ҳамда шу билан компанияни рақобатчилардан узоклаштиришга ёрдам бериши учун ишчиларга иш шароитларини яратиб беришини хоҳлашганди. Афсуски, ходимлар бу ҳақда ҳеч нарса билмасдилар.

Айтиб ўтиш керакки, Честер заводи раҳбарлари корхонада олиб борилаётган ўзгаришларнинг сабабларини бошиданоқ тушунтиришмаганди. Қабул килинган қарорлар одатий иш усулларига ва ходимларнинг кейинги мартабаларига қандай таъсир қилишини ишчиларга очиклаб бермадилар. Ўзгариш режаси ишчиларга ўттиз дакиқалик йиғилишда тақдим этилди. Қатнашувчилар факат вақт синовидан ўтган ишни ташкил қилиш усуллари бекор қилинганини ва уларнинг ўрнида мослашувчан ишлаб чиқариш деган усул пайдо бўлганлигини эшлишди, холос. Ҳеч ким мазкур йиғинда стратегияни ўзгартириш нега кераклигини, компания рақобатчилардан қандай килиб узоклашиши мумкинлигини ва нима учун ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзгариш стратегиянинг асосий элементи эканлигини тушунтирмади. Ҳайрат ичида қолган ишчилар бу ўзгаришларнинг маъносини тушунмай жимгина ўтиришарди. Менежерлар ишчилар сукутини розилик деб ўйлашди. Мослашувчан ишлаб чиқаришга ўтиш ғоясини амалга ошириш учун канча вақт керак бўлишини ҳисоблаб чиқишмади ҳам.

Менежерлар қуруқ режанинг ўзи билангина заводни қайта ташкил этишга киришишди. Ходимлар ушбу фаолиятдан мақсад нима эканлигини сўрашганда самарадорликни оширишдан бошқа гап айтилмасди. Менежерлар самарадорликни ошириш сабабларини тушунтиришга вакт ажратмадилар. Албатта, улар ишчиларни хавотирга туширишни хоҳламадилар, лекин нима бўлганини тушунтириб бера олмаганликлари сабабли фабрикага келган баъзи ишчилар ўзларини нокулай ҳис қилишарди.

Қолаверса, менежерлар ишчиларга янги ишлаб чиқариш жараёнида улардан нимани талаб қилишларини батафсил сўзлаб беришмади. Улар энди шунчаки индивидуал ишлаш эмас, балки гурухнинг фаолияти баҳоланади, деб айтишганди. Шунингдек, менежерлар тезроқ ишлайдиган ёки кўпроқ тажрибага эга бўлганлар тажрибаси кам ва секинроқ ишлаётган ҳамкасларига ёрдам беришлари кераклигини уқтиришди. Хуллас, менежерлар тафсилотларни ошкор қилмадилар ва қандай қилиб ишни гурухларда ташкил этиш кераклигини тушунтишмади.

Оқилона жараён тамойилларининг бузилиши ходимларнинг ўзгарувчан стратегия ва етакчиликка бўлган ишончига зиён етказди. Аслида, гурухларга янги бўлиниш ишчиларга катта афзаликлар берди. Жумладан, таътилни тақсимлаш осонлашди, кўникмаларни кенгайтириш ва янада кўпроқ ишни бажариш имконияти ҳам ўси. Муаммолардан бири шундаки, ишчиларнинг ўзлари жараённинг фақат салбий томонларини кўришган. Улар бир-бирларига ғазаб ва таҳдид сочишни бошладилар. Фабрикада турли келишмовчиликлар бошланди. Ходимлар “ўз ишини тугата олмайдиган даңгаса одамлар”га ёрдам беришдан бош тортишар, ёки ёрдам беришга уринган одамларнинг гапини бўлиб “...бу менинг ишим, ўз жойинг бор, ўша ерда ишла” қабилидаги даҳанаки айтишувлар ҳам содир бўла бошлади.

Честер фабрикасининг намунали ходимлари ҳаммнинг кўз олдида инқирозга учради. Завод бошқарувчисининг ҳаётида илк бора қўл остидаги ходимлар, агар ишдан бўшатиш таҳди迪 бўлса ҳам, буюрилган ишларни бажармасликларини айтиб унинг кўрсатмалигига риоя қилишни рад этишди. Ишчилар илгари обрўга эга бўлган раҳбарга энди ишонмасликларини очикча айтишди ва шунинг учун тўғридан тўғри бош идорага мурожаат қила бошладилар. Честер шахридаги завод ишчилари оқилона жараён йўқлиги сабабли ўзгаришларга қаршилик кўрсатдилар ва янги стратегияни амалга оширишда иштирок этишни истамадилар.

Хайпарт заводи маъмурияти, аксинча, оқилона жараённинг барча учта тамойилларига риоя килган ҳолда иш олиб боришиди. Завод раҳбари маслаҳатчилар келганида уларни барча ишчилар билан таништирди. Раҳбарият ишчиларни улар учун бир қатор умумий йиғилишларни ташкил этиш орқали жалб килди, уларда бизнес шароитларининг ёмонлашиши ва ракобатчилардан узоклашиш, юкори нарх ҳамда харажатларни келтириб чиқариш учун стратегик йўналешни ўзгартириш зарурлиги очик мухокама қилинди. Маслаҳатчилилар ишчиларга бошқа компаниялардаги ютуклар ҳақида айтиб беришди ва агар ходимлар гурухларга бўлинниб ишлашса, иш унумдорлигини ошириш мумкинлигини батафсил тушунтириб беришиди. Бошқарувчилар бу жараёнлар компаниянинг янги стратегиясини амалга оширишда ҳал килувчи омил эканлигини таъкидлашдан чарчашмади. Ишчиларни ишдан бўшатишнинг қонуний кўркувидан халос қилиш учун заводда фаол сиёsat олиб борилди. Менежерлар иш самарадорлигини баҳолашнинг эски усуслари энди яроқсиз бўлганлиги учун ишчилар билан биргаликда янгиларини яратишга, шунингдек, ҳар бир гурух учун техник вазифаларни аниқлашга ҳаракат қилишди. Ходимларга мақсадлари ва умидлари очик-ойдин тушунтирилди.

Оқилона жараённинг барча учта тамойилларини биргаликда амалга ошириш раҳбарлар томонидан ишчиларга тушуниш ва қўл-лаб-қувватлашга имкон берди. Ишчилар ўз навбатида завод директори ҳақида ҳурмат билан гапириб “Elco” раҳбариятига янги стратегияни амалга оширишда ва гурухларда ишлашда дуч келган қийинчиликларда ҳамдардлик билдиришди. Ишчилар якинлашиб келаётган ўзгаришлар уларга керакли ва фойдали тажриба олиб келишини тушунишди.

“Elco” менежерлари бугунги кунгача ушбу вазиятни фаолиятларидағи энг оғир воқеиликлардан бири сифатида эслашади. Раҳбарлар қўйи даражадаги ходимлар жараённинг тўғри ўтиши учун самарали меҳнат қилишларига ишонч ҳосил қилдилар. Менежерлар янги курсни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда оқилона жараённи бузган ҳолда энг яхши ишчиларни энг ёмон томонга айлантириши, уларни ишонч ва қаршилик томонга олиб келиши мумкин. Аксинча, оқилона жараён туфайли ёмон ишчилар энг яхши ва фаол бўлишлари мумкин, улар жараёнларнинг ижобий эканлигига ишониб, стратегияни ўзgartiriш устида ишлайдилар.

Оқилона жараён нега шунчалик мухим?

Оқилона жараён одамларнинг муносабати ва хулк-авторини шакллантиришда нима учун катта рол ўйнайди?

Хусусан, нега стратегияни яратишда оқилона жараённи таъминлаш муваффакият ёки муваффакиятсизликка олиб келиши мумкин?

Булар барча муаммолар охир-окибат ходимларнинг интеллектуал ва хиссий жиҳатдан тан олиниши билан боғлик.

Шуни унутмангки, ҳар бир ходим ҳиссий жиҳатдан ўз қадр-

кимматини “ишли кучи”, “ходимлар” ёки “кадрлар” сифатида эмас, балки хизмат иерархиясидаги мавқейидан қатын назар, ўзининг шахсий фазилатлари асосида ҳурмат қилинадиган ва баҳоланадиган шахс сифатида тан олишга интилади. Ҳар бир ходим интеллектуал текисликда ўз ғояларининг тан олинишини хоҳлайди. Яъни, ўз фикрлари билан корхона раҳбарлари ва бошқа аъзолар ҳам қизиқишини, уларни дикқат билан муҳокама қилишларини ҳамда атрофидагилар унинг ақли тўғрисида етарлича юкори фикрга эга ва у билан фикрларини муҳокама қилишлари лозимлигини истайди.

Aқслий ва ҳиссий тан олиш назарияси

Стратегияни яратишда оқилона жараёндан фойдаланиш интеллектуал ва ҳиссий тан олиш билан чамбарчас боғлиқ⁵. Менежмент муайян хатти-ҳаракатларни бошқариш унинг одамларга ишониш ва уларга ғамхўрлик қилиш истагини, шунингдек, ҳар бир ходимнинг билимига, истеъодидига ва тажрибасига чукур ишончни исботлайди.

Агар одамлар ўзларининг интеллектуал салоҳиятини тан олишларини ҳис килсалар, улар билимларни баҳам кўришга доим тайёр бўлишади. Бундан ташқари улар ижобий таассурот қолдиришни ва ўзларининг интеллектуал қобилиятлари тўғрисида юкори фикрни тасдиқлашни истайдилар. Шу боисдан ҳам ғоялар ва билимлар алмашинувини фаол таклиф қилмоқдалар⁶. Худди шу тарзда агар ходимлар ҳиссий тан олинишини ҳис килсалар, улар у ҳолда стратегияни яратиш ва амалга оширишда иштирок этишларини биладилар ҳамда қўлларидан келган барча ишларни қилишга тайёр турадилар. Фредерик Гертсбергнинг мотивация бўйича классик тадқиқотида тан олиниш кучли ички мотивацияни келтириб чиқа-

риши қайд этилган. Инсон унинг таъсири остида ўз мажбуриятлари асосида нима килиш кераклигини билмайди ва ихтиёрий равища ҳамкорлик қила бошлайди⁷. Оқилона жараён интеллектуал ва хиссий тан олинишини таъминлаш учун аниқ ишлаб чиқилганлиги сабабли ходимлар ўз билимлари ва тажрибаларини янада самарали кўлладидилар. Шунингдек, компания стратегиясини муваффакиятли амалга ошириш учун кўнгилли ҳамкорликка интиладилар. Бу эса кенг қамровли муваффакиятлар учун фойдали бўлади.

Шундай бўлса-да, бу ҳодисанинг камчиликлари ҳам мавжуд. Агар ходимларга кўпроқ эътибор берилмаса, оқилона жараёнга бепарвоник ва инсоннинг интеллектуал ва хиссий фазилатларини инкор этиш юзага чиқиши мумкин бўлади. Фикрлаш ва хатти-хараткларнинг билими қадрланмаса, унда ушбу ҳолат “интеллектуал ғазаб”ни вужудга келтириши аниқ. Бу одамлар ўз ғоялари ва тажрибаларини баҳам қўришни истамасликлари ёки ўзларининг энг яхши ғояларини ошкор қилишни яширишлари билан изоҳланади. Қолаверса, улар бошқа одамларда интеллектуал фазилатлар мавжудлигини инкор эта бошлайдилар. Гўёки “Сиз бизнинг ғояларимизни қадрламаймиз, шунинг учун биз ҳам сизнинг фикрингизни эъзозламаймиз, сизнинг стратегик карорларингизга ишонмаймиз ва уларга қизикмаймиз!”, қабилида иш тутадилар.

Бир сўз билан айтганда, агар ходимларнинг хиссий ютуклари тан олинмас экан, бу аччиқликка ва ўз харакатларига энергия сарфлашни хоҳламасликка олиб келади. Бундай ҳолда ишчилар Честердаги “Elco” заводида содир бўлганидек, барча тўсиқларни, шу жумладан, жараённи ҳам тўхтатиб кўйишлари мумкин. Одатда, хиссий тан олинишнинг етишмаслиги одамларни адолатсиз тарзда киритилган стратегиялардан воз кечишини талаб килишга ундаши мумкин. Гарчи бу стратегиялар жуда оқилона бўлса ва компания-

нинг муваффақияти уларга боғлиқ бўлса ёки улар ходимлар ҳамда бошқарувга фойда келтирса ҳам, аклий салоҳияти эътироф этилмас экан уларнинг фикрини ўзгартириб бўлмайди. Агар одамлар стратегияни яратиш жараёнига ишонишмаса, унда унинг натижаларига ҳам ишонч бўлмайди. Бу оқилона жараённинг ҳиссий кучидир. Мабодо оқилона жараён бузилса ва одамлар ғазабланса, улар нафақат адолатни тиклашни хоҳлашади, балки қонунбузарларни жазолаш учун имконият қидира бошлайдилар. Назариётчилар буни “жазоловчи адолат” деб атashади. 8.2 расмда ушбу сабаблар ва оқибатлар оқимларининг визуал тасвирини кўрсатилган.

8.2. расм. Стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида оқилона жараённинг мавжуд ва мавжуд эмаслигининг оқибатлари.



Оқилона жараён ва ташкилотнинг номоддий капитали

Садоқат, ишонч ва ихтиёрий ҳамкорлик нафақат муносабат ёки хатти-харакатлар, балки номоддий капитал ҳамдир. Агар ўртада садоқат бўлса, одамлар бир-бирларининг ниятлари ёки харакатларига кўпроқ ишонадилар. Агар фидокорлик бўлса, улар шахсий манфаатларини компания манфаати учун қурбон қилишга тайёр бўладилар.

Мовий умон стратегиясини яратган ва амалга оширган ҳар

қандай компаниядан муваффакиятнинг сабаблари ҳақида сўрасангиз, унинг менежерлари, биринчи навбатда, номоддий капиталнинг бебаҳо ўрни ҳақида гапириб беришади. Мовий уммон стратегиясини амалга ошира олмаган компанияларнинг менежерлари эса сизнинг эътиборингизни ушбу капиталнинг етишмаслиги ва шунинг ортидан муваффакиятсизликка учраганига қаратадилар. Бундай компаниялар стратегияни ўзгартиришга кодир эмас эдилар, чунки улар ходимларнинг ишончи ва содиклигини йўқотдилар. Ушбу етишмовчиликлардан ҳоли компаниялар стратегияни амалга ошириши жараёнининг тезлиги, сифати ва изчиллиги билан умумий фондан ажralиб чиқиши имкониятига эгадирлар. Улар ўзларининг стратегик йўналишини тез ва арzon равишда ўзгартиришга муваффақ бўладилар.

Барча компаниялар ҳал килишда кийналаётган савол шуки, ишонч, садоқат ва ташкилот ичидаги кўнгилли ҳамкорликка қандай эришиш мумкин?

Стратегияни яратишда кўнгилли ҳамкорликни амалга оширишдан ажратиб қўйишлиари муваффакиятсизликка сабаб бўлади. Кўпгина компаниялар ушбу ёндашувни қўллашларига қарамай бу секин ва ноаниқ амалга оширилишнинг ва энг яхши ҳолатда меҳаник тараққиётнинг ишончли белгиси бўлиб хизмат қилади. Албатта, анъанавий имтиёзлар, яъни куч ва пул – ширинлик ва хивчин – асқотиши мумкин. Аммо улар одамни фақат шахсий манфаатларидан қониқмайдиган нарсага илҳомлантира олмайдилар. Хулкатурорни ишончли кузатиб бориш имконияти бўлмаган жойларда дангасалик ва саботаж учун кенг имконият туғилади.

Оқилона жараён ушбу муаммоларни енгиб чиқади. Стратегияни унинг тамойилларига мувофиқ яратсангиз, уни амалга ошириш жараёнини бошиданок бирлаштира оласиз. Бундай ҳолда ходимлар яратилган стратегияни охиригача ишончли тарзда қўллаб-

кувватлайдилар. Ҳатто бу жараён яхши кўринмаса ҳам ёки уларнинг бўлинмаси учун стратегик тўғри йўналиш ҳакидаги ғояларидан четга чиқса ҳам, улар фикрларидан қайтишмайди. Одамлар кучли компания куриш учун қурбонликлар қилишингиз ва муросаларга рози бўлишингиз кераклигини тушунишади. Улар корпорациянинг узоқ вақт давомида манфаатларини ҳимоя қилиш учун қисқа муддатли шахсий қурбонликлар зарурлигини қабул қиласидар. Бироқ бу факат оқилона жараёнда содир бўлиши мумкин. Мовий уммон стратегиясини амалга ошириш қайси контекстда бўлишидан қатъи назар у доим самара беради.

Оқилона жараён ва ташқи манфаатдор томонлар

Бугунги кунгача оқилона жараённинг таъсири, асосан, компания ичидаги манфаатдор томонлар нуқтаи назаридан мухокама килинди. Бироқ бизнинг дунёмиз ўзаро янги боғликлар билан тўлиб тошган ва муваффакият баъзан ташқи манфаатдор томонларга боғлиқ бўлишини ҳам таъкидлайди. Ички ва ташқи манфаатдор томонларни таққослаб шуни таъкидлаш мумкинки, стратегияни амалга ошириш учун ташқи томонларга нисбатан оқилона жараён амалиёти жуда мухимдир. Чунки улар иерархиядан ташқаридадилар. Уларнинг кизиқишилари ва қарашлари компаниянинг манфаати ҳамда қарашларига тўғри келмайди. Шубҳасиз, ташқи манфаатдор томонлар билан шартномалар тузиш ва уларга риоя қилиш ҳар доим мухимдир, аммо компанияларнинг ахборот асиметрияси туфайли ўз манфаатларини табиий таъқиб қилиш билан бир қаторда оқилона жараён ҳамон биринчи ўринда туради. Ҳар қандай режани амалга ошириш ташқи манфаатдор томонларнинг ёрдамисиз ва фаол қўллаб-кувватлашисиз ўtkазиб юборилган муддатларнинг зерикарли

8-боб. Амалга ошириши жараёнини стратегияга киритиш

қаторига айланиши мүмкін. Жараёнда ташки манфаатдор томонларнинг роли қанчалик мураккаб ва ахамиятли бўлса, жараённинг амалга ошиш эҳтимоли шўнча юкори бўлади.

5-бобда муҳокама килинган “F-35” дастурини эсланг. Ушбу дастур ҳарбий самолётлар ишлаб чиқариш соҳасида катта ютуққа эга бўлди ва уни ишлаб чиқувчилар юкори самарадорлик ҳамда арzon нархлардаги мовий уммонга яқинлашиши. 2001-йилда “Lockheed Martin” ўзи тақдим этган прототип асосида “F-35” қиравчи самолётини яратишга шартнома олди. Пентагон ушбу дастур катта муваффакият бўлишига ишонч билдири.

Шунга қарамай, 2014-йилга келиб “F-35” дастури фойдасиз ва жуда ачинарли кўринарди. Лойиҳада харажатларнинг сезиларли ўсиши, муддатларнинг кечикиши ва мижозга таъминланиши ваъда қилган қўйматнинг пасайиши кузатилди. “F-35” дастури ишлаш камчиликлари туфайли натижа бермаган мовий уммоннинг яхши намунаси бўлиши мүмкін. Омадсизликларнинг сабаблари сифатида турли хил талқинлар айтиб ўтилди: дастурнинг кўлами ва мураккаблиги, “Lockheed” раҳбариятининг қиска муддатли бизнес вазифаларига ҳаддан ташқари эътибор бериши, якуний натижага ахамият бермаслик ва бошқалар. Ушбу сабаблар оқилона жараён жуда мухим эканлигини амалда кўрсатиб берди, десак хато қилмаган бўламиз. Эътибор бериб кузатсангиз, “F-35” лойиҳаси дуч келган муаммоларнинг аксарияти ҳарбийлар, компания ва ташки манфаатдор томонларнинг жалб килинмаслиги, уларнинг хабардорлиги ва натижа тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслиги билан боғликлиги ни кўришингиз мүмкін. Аникланишича, учта “E” оқилона жараёнлар принципига риоя кильмаслик ахборот алмашинувига ҳам, ихтиёрий ҳамкорликка ҳам салбий таъсир кўрсатди.

“F-35” лойиҳаси эндиғина бошлаганда Пентагон пудратчига максимал мустақилликни таъминлаш тамойилига, яъни 90-йиллар-

нинг тугатилишини бекор қилиш тўлқинининг меросига амал қилди. Унинг мақсади менежментга камрок маблағ сарфлаш ва шу билан бирга пудратчиларга кўпроқ эркинлик бериш эди. Аммо “F-35” холатида масала жиддийлашганилиги учун “Lockheed” ўз ишини самарали бажара олмади. Айтиш керакки, “F-35”ни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш, ва ишлаб чиқариш соҳасидаги энг муҳим қарорларнинг деярли учдан икки қисми компания томонидан Пентагоннинг фаол иштирокисиз қабул қилинди. Армия, денгиз флоти ва денгиз пиёдалари томонидан ажратилган техник мутахассислар ушбу жараёнда иштирок этишга унчалик кизиқиш билдирилмадилар. Ишлаб чиқиш, имкониятларни муҳокама қилиш, кизикувчиликларнинг турли ғояларини аниқлаш ва уйғунлаштириш бўйича муҳим қарорлар уларсиз қабул қилинди. Мутахассисларнинг бўлининиши, шунингдек, учта харидор ўз талаблари бўйича бирор бир имтиёз беришни хоҳламасликларига олиб келди. Бу лойиҳанинг қиймати доимий равишда ўсиб боришини англатади.

Харидорларнинг тахминлари хам аниқ эмас эди. Шу сабабли турли манфаатдор томонлар шартнома шартларини бошқача талқин қилишди. Компаниялар самолётнинг оддий бўлиши, кичкина аэропортдан учиши, овоз чикармаслиги ва олинадиган қуролларга эга бўлиши борасида умумий кўрсатмалар беришди, холос⁸. Батифсил тафсилотлар йўқ эди. Қолаверса, Пентагонда кайта-қайта пудратчи шартномани шарҳлаганлиги ва унга бириктирилган ҳужжатлар буюртмачидан мутлако фарқ қилиши аниқланди. Генерал-майор Кристофер Богдан (у 2012-йил декабр ойидан бери “F-35” дастуридаги Пентагон вакили ҳисобланади) ҳарбийлар “F-35” “X”, “Y” ва “Z” функциялари билан жихозланиши кераклигини айтганда “Lockheed Martin” шартнома шартларига мувофиқ жавоб берган. Кутилаётган натижаларнинг чалкашлиги текширувларга, харажатлар ва жазоларга олиб келди. Субпудратчиларнинг мураккаб тар-

моғи ҳам вазифалар ҳакида аниқ тасаввурга эга эмас эди. Масалан, Пентагон бош инспектори “F-35” дастурининг раҳбарларини пудратчилар ва субпудратчиларга лойиҳанинг хавфсизлиги, сифати ва техник тавсифларига қўйиладиган асосий талабларни аниқ тушунтирасликда айблади. Субпудратчиларнинг ишини мувофиқлаштириш учун жавобгарлик “Lockheed Martin” зиммасига тушади деб кутилди. Натижада ишлаб чиқарилган жиҳозлар ва дастурий таъминот керакли даражага етмади, чунки компания ва унинг субпудратчилари Пентагон лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва сифатни бошқариш жараёнларидан кутган ҳолатда эмас эди. Бир хил талаблар мавжуд бўлмагандан етказиб берувчилар жараёнларни керакли даражада баҳолаб билмайдилар ва тегишли қисмларни етказиб беришни таъминлай олмайдилар. Камчиликлар экспонент сифатида ўсиб борди. Хусусиятлар, сифат ва стандартлар бўйича камчиликлар сони ўсишда давом этди, бу эса самолётни жуда қиммат ва узок вакт давомида ўзгартириш зарурати тобора кескинлашиб боришини англатади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, оқилона жараённинг эътиборсизлиги, ички ва ташқи манбаатдор томонлар ўртасидаги ёмон алоқа “F-35” лойиҳаси муваффакиятсизлигининг сабабларидан бири бўлди. Унинг раҳбариюти ҳанузгача ушбу муаммони ҳал қилишга интилмоқда. Бу борада жараёнларда қўпроқ иштирок этишни, батафсилроқ тавсифларни ва аникроқ тушунтиришлар беришни кидирмоқда. Богдан 2013-йил сентябр ойида: “Биз қоникарли натижаларга эришдик. Одамлар бир-бирларини тинглай бошлашганда улар қўшнини айлашни бас қилишади ва муаммони ҳал қилиш йўлларини топишади”¹⁰, – деган эди.

Пентагон фаол иштирок этиш маданияти, тушунтириш ва аниқ тахминлар маданиятини шакллантира оладими ва ушлаб туроладими, буни, албатта, вакт кўрсатади. Аммо хозирда бир нарса

аниқ ва тажриба шуни күрсатадики, Пентагон оқилона жараёнга ҳамда ихтиёрий ҳамкорлик ва билим алмашиш каби мұхим ҳолаттарға бепарвөлик қила олмайды.

Биз энди нихоят ўрганган нарсаларимизни бирлаштиришга ва келгуси бобда мұхокама қилинадиган стратегик келишувнинг мұхим масаласини ҳал қилишга тайёрмиз. Стратегик үйғунлик – бу олдинги бобларда мұхокама қилинган барча асосий фикрларни бирлаштирган мұраккаб түшунча. Бунинг ёрдамида компания стратегиясисининг барча жиһатлари, яъни фойда омилидан тортиб инсон омилига қадар бир-бирини ўзаро мустаҳкамлайды ҳамда биргаликда самарали ва ишончли стратегияни таъминлайди.

9-БОБ

ҚИЙМАТ, ФОЙДА ВА ИНСОН ОМИЛИНИНГ МУВОФИҚЛИГИ

Одатда, агар инсонлардан мовий уммон стратегияси нима эканлигини ва унинг муваффақиятини тушунтиришларини сўрасак, кўйидаги учта жавобдан бирини оламиз. Баъзиларнинг фикрича, мовий уммон стратегиясида энг муҳим нарса бозор чегараларини ўзgartаришиш ва харидорларга кескин ошган нархни таклиф қилишдир.

Бошқалар эса бу борада янги мижозларни фойда келтириши учун стратегик нархлаш, мақсадли харажатлар ва бошқалар орқали бизнес моделини инновация қилишнинг муҳим эканини айтишади. Қолганлар мовий уммон стратегияси ходимлар ва шерикларга тўғри муносабат туфайли мумкин бўлган ижодий ёндашув, билимлар алмашинуви ва одамларнинг ихтиёрий ҳамкорлигига асосланганлигига ишонишади. Аслида учала жавоб ҳам тўғри. Дарҳаққиат, биз ушбу жиҳатларнинг барчасини ўз навбатида мухокама килдик ва сизга минимал хавф билан максимал имкониятларни кўлга киритишингиз мумкин бўлган воситалар ва моделларни таклиф килдик. Аммо шуни унутмангки, ушбу учта жавобнинг ҳар бири етарлича тўлиқ эмас.

Биз мовий уммон стратегиясининг охирги тамойили – муво-

фикалик тамойилига келдик. У мовий уммонни яратишдан унинг ривожланишигача бўлган йўлни тугатади, доирани ёпади ва барча ҳаракатларимизни барқарор, юкори самарали стратегияга айлантиради.

Уч стратегик таклиф

Энг юкори даражадаги бутун бир стратегиянинг муваффакияти учта омилга боғлиқ. Булар қиймат таклифи, фойда таклифи ва инсон омили билан баглиқ бўлган таклифлардир¹. Компания стратегия муваффакиятли ва барқарор бўлиши учун харидорларни жалб киласиган таклифни яратиши керак. Бунинг учун ушбу таклиф бўйича пул ишлашга имкон берадиган бизнес моделини вужудга келтирмок керак ҳамда ўзи билан ишлаётганларни унинг стратегиясига амал килишга ундаши керак. Яхши стратегиянинг мазмуни, биринчи ҷавбатда, мижозлар учун жозибадор нарх таклифи ва компания учун етарлича фойда таклифига асосланган бўлиши кундай равшан.

Аммо стратегияни амалга оширишнинг давомийлиги, асосан, одамларни рағбатлантириш қобилиятига боғлиқдир. Барча тўсикларни енгиш ва оқилона жараён орқали ишчилар ишончини қозониш мотивация учун етарли эмас. Қолаверса, у тегишли оқилона рағбатларга муҳтож бўлади.

Биз айтмоқчи бўлган учта стратегик таклифлар компанияда стратегияни шакллантириш ва амалга оширишга комплекс ёндашувни таъминлайдиган тузилмани яратишга имкон беради². Акс ҳолда, компаниянинг стратегиясини қисқа муддатли муваффакият ёки аста-секин келадиган муваффакиятсизлик кутаётган бўлади. Кўпчилик ушбу тузоққа тушади. Компания стратегия тўғрисида

тўлиқ тушунча бўлмаган тақдирда битта ёки иккита стратегик тақлиф билан ишлашни бошлайди. Нарх таклифини ёки фойда таклифини тўғри тайёрлаш учун курашаётган аммо инсон капиталини жалб қилишни истамайдиган компанияни тасаввур қилинг. Компания қабристонларида бундай ташкилотлар кўп. Бу ёмон бошқарувнинг классик ҳолати сабабидандир. Худди шу қўринишда ёмон таркибга эга бўлган стратегияни муваффақиятли амалга ошириш аслида муваффақиятсизликка олиб келади.

Баъзан стратегияни яратишда бир эмас, балки бир неча манфаатдор томонлар бўлади. Бундай ҳолларда улар учун стратегик тақлифни кўриб чиқиши керак. Хуллас, агар стратегияни муваффақиятли амалга ошириш факат компания ходимларининг фаол иштирокига боғлиқ бўлса, унда тақлиф факат уларга қаратилиши керак. Аммо мабодо компанияга ёрдам керак бўлса, масалан, дейлик, таъминотчи шерик, у ҳолда потенциал шерикка стратегиянгизни қўллаб-қувватлаш учун яхши рафбатни тақлиф қилишингиз керак. Бундай пайтда компания ходимларга ва етказиб берувчининг шеригига алоҳида эътибор қаратадиган тақлифни тайёрлаши ўринли бўлади. Корпоратив мижозлар билан ишлашда иккита қиймат тақлифлари бўлиши мумкин. Булардан бири мижоз компанияси учун, иккинчиси эса ушбу компания мижозлари учун тегишли саналади.

Стратегик мувофиқликни таъминлаш маркетинг, ишлаб чиқариш, кадрлар ва бошқа соҳалардаги менежерларнинг эмас, балки компания топ менежерларининг вазифасидир. Агар раҳбарнинг мояиллиги бирор бир соҳага кучли қаратилса, одатда, стратегик уйғунликка эриша олмайди, чунки учта стратегик тақлифнинг ўрнига у кўпи билан битта ёки иккитасига эътибор қаратади, холос. Охир оқибат, ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи харидорларнинг эҳтиёжларини қондириши ёки одамларни оддий ўзгарувчан харажатлар деб хисоблаши мумкин. Маркетинг менежери нарх тақлифига

эътибор қаратиши мумкин, аммо қолган иккита таклифни ҳа деганда хисобга олавермайди.

Агар компанияда мавжуд бўлган учта стратегик таклифни ишлаб чиқсангиз ва бирлаштирангиз, сиз юқори самарали ва барқарор стратегияга эга бўласиз.

Албатта, компания жойлашган уммон рангидан қатъи назар унга тушунарли стратегик таклифларнинг тўлиқ тўплами зарур бўлади. Фарқли томони уларнинг изчиллигига қандай эришмоқликдадир. Қисқа уммон шароитида сиз тафовут фойдасига ёки кам харажатлар фойдасига ҳал қилувчи қарор қабул қилишингиз керак ва шу билан бирга соҳада мавжуд бўлган шарт-шароитларга амал қилишингиз керак. Бундай ҳолатда дифференциация ва паст нархлар соҳадаги муқобил стратегик позициялар ҳисобланади.

Компания мовий уммон стратегиясининг бир қисми сифатида ўзининг учта стратегик таклифларини ҳар иккала табақалаштириш ва харажатларни камайтиришга йўналтирган тақдирдагина юқори самарадорликка эришиши мумкин. Айнан шу дастур муваффакиятли ва барқарор мовий уммон стратегиясини яратишга имкон беради (9.1.расм). Бир ёки иккита стратегик таклифлар ҳали ҳам ён томондан кўчирилиши мумкин, бироқ учаласини бирдай олиш мураккаб кечади. Бу, айниқса, инсон омили билан bogliq бўлган таклифга тааллуклидир, чунки у одамлар ўртасидаги муносабатларга таянади. Бундай муносабатлар эса бир кечада пайдо бўлмайди, албатта.

Агар содир бўлаётган нарсага жиддий таъсир кўрсатадиган ташқи манфаатдор томонлар бўлса, инсон омили билан bogliq тўғри тузилган таклифни нусхалаш янада қийинлашади ва бунинг учун кўпроқ вакт талаб этилади, яъни келишилган стратегия янада барқарор бўлади.

9.1. расм. Стратегик уйғунлик



Мовий уммонда стратегик уйғунликка қандай эришиш мүмкін

Компания юқори самарали барқарор мовий уммон стратегиясини ишлаб чиқишида қандай қилиб бирдамлыкка эришиш мүмкінлегини күриш үчүн Британиянинг “Comic Relief” хайрия ташкилоти тарихига бир күр назар таштаймыз. 1985-йилда ташкил этилған ушбу ташкилот дархол Британиядаги бошқа хайрия ташкилотлари орасыда ўз ўрнини эгаллади. У киска вақт ичиде шұхрат қозонди. Бу соҳадаги энг жам жаражаттар унга шон-шараф көлтирди. Буюк Британияда “Comic Relief”нинг тан олиниш даражаси 96% ни ташкил килди және ташкилотнинг ўзи 950 миллион фунт стерлингдан

кўпроқ маблағ тўплади. Айтиш керакки, ташкилот бадавлат хомийлардан ва илгари хеч қачон хайрия қилмаган кишилардан шунча маблағ ола билди. Британиядаги хайрия ташкилотларида олинган маблағларнинг ўртача ҳисобда атиги 45 фоизи хусусий хайрия маблағлари, қолган қисми давлат грантлари ва корпоратив бадаллардир. “Comic Relief” барча маблағларни жисмоний шахслардан олди. Энг қизиги ташкилот маркетинг кампанияларини ўтказмади ва хайр-эҳсон килишни сўраб тегишли жойларга хат ҳам юбормади. Ташкилот ўттиз йилдан бери мавжуд, аммо у яратган мовий уммонда ҳали ҳам унинг ўрнини эгаллайдиган шериги топилганича йўқ. Бундай юкори ва доимий самарадорлик, таъкидлаб ўтиш керакки, стратегияларнинг уйғуналигидан келиб чиқади. Келинг, “Comic Relief” кандай қилиб аниқ натижага эришганлиги билан танишиб чиқайлик.

Ушбу соҳада жозибадор қиймат таклифи билан жалб қилиниши мумкин бўлган эҳсон қилувчилар мижозлар ролини бажаради, десак хато қилмаган бўламиз. Ушбу таклиф ташкилот ўзининг “даромадини” ошириш, яъни харажатларни копладиган ва кейинчалик хайрия фаолиятига йўналтириш учун курган бизнес моделига бевосита боғлиқдир. Одатда, инсон омили билан боғлиқ бўлган таклиф ходимларни, кўнгилли хайрия ташкилотчиларини, корпоратив шерикларни ва таникли кишиларни рағбатлантиришга қаратилган бўлади.

“Comic Relief” таклифлари Британиядаги бошқа хайрия ташкилотларининг ўхшаш таклифларидан нимаси билан фарқ қилади?

Энди уларни таққослаймиз. Таққослаш натижасида барча учта стратегик таклифлар келишилган ҳамда фарқланиш ва паст харажатларга йўналтирилган вазиятда битта таклифнинг асосий омиллари кўпинча бошқаларни кўллаб-кувватлаш вазифасини ба-

жаргани кўзга ташланади. Масалан, ташкилот имтиёзлар ва инсон омилига оид ўз таклифларини кучайтирадиган нарх таклифини тайёрлаши мумкин. Олинган дизайнни нусхалаш жуда кийин бўлади. Бу “Comic Relief”да айнан шундай кўринишда юз берди.

Қиймат таклифи

Буюк Британиянинг хайрия ташкилотлари ўзларининг компанияларида одатий анъянага биноан одамларда ачиниш, айбордлик туйғуларини уйғотиш ва хайр-эҳсон қилишни рағбатлантиришга мўлжалланган қайғули ёки хайратланарли тасвирлардан фойдаланадилар. Асосий ургу, одатда, бадавлат кекса эҳсон килувчилардан келадиган катта микдордаги маблагни излаш ва олишга қаратилади. Энг кенг тарқалган усуллардан бири зоқ реклама компаниялари ва доимий мақсадли хабарлардир.

“Comic Relief” ачиниши ва айбордлик туйғуларидан фойдаланмади. Ушбу ташкилот “Кизил бурун куни”, яъни мамлакат бўйлаб нишонланадиган кўнгилочар хайр-эҳсонлар тўпламидан, кўнгиллилар пул йиғиши учун кулгили саҳналарни ўйнашадиган кунлардан фойдаланишди. “Кизил бурун куни” кўнгилочар телемарафонида кино ва телевидение юлдузлари ҳам иштирок этади. “Қандай ачинарли, нима ҳақда гапиряпсиз! Келинг, янада кулгили томошалар килайлик, бунинг учун пул йиғиб дунёни ўзгартирайлик”, каби чақириqlар асосий планга чиқарилди.

“Comic Relief” эҳсон килувчилардан катта маблағларни кутмади. Унинг кампаниясида иштирок этиш жуда оддий ва қизикарлиdir. Бир фунт учун кичкина кизил поролон бурунни сотиб олишнинг ўзи кифоя. Ҳар қандай кишини табассум қилишга ундейдиган ушбу матохни ҳамма жойдан топиш мумкин эди. Бундан ташқари

сизга кулгили томоша кўрсатган дўстингиз, кариндошингиз, кўшнингиз ва ҳамкасбингизга пул тўлаш орқали хайр-эҳсон қилишингиз мумкин бўларди. Масалан, Лондон сайёхлик агентида ишлайдиган йигит ҳар қандай вазиятда ҳам умуман гапирмасликка ҳаракат қиласи ва ушбу қизиқ жараённи томоша қилган дўстлари, ҳамкаслари унинг бу томошаси учун 500 фунтдан кўпроқ хайр-эҳсон йиғишиди.

“Comic Relief”нинг одамлардан хайр-эҳсон йиғищдаги ўзига хос ёндашуви нафақат кулаётган одамларга тегишли, балки унинг атрофидаги барчага тааллукли эди. Бошқа ташкилотлардаги эҳсон йиғиши жараённида нотаниш одамлар сиздан пул сўрайди. Бу ерда эса дўстингиз, севимли инсонингиз, ҳамкасб, хуллас, сизга бефарқ бўлмаган барча кишилар жараёнда бирдек қатнашадилар .

“Comic Relief” анъанавий хайрия ташкилотларидан фаркли равишда ҳатто энг камтарона хайр-эҳсонларни ҳам кадрлайди. Масалан, “Кизил бурунлар” марафонида бир маърузачи жажжигина кизчадан “унинг чўнтак пуллари” яъни 1,9 фунт стерлинг берса, бу билан етти нафар африкалик болани бокишига ўз хиссасини қўшиши мумкинлигини айтганида тўпланган одамлар ўз пулларининг бехуда нарсаларга сарф қилинмаслигини ва кимгадир ёрдам беришлари мумкинлигини тушунишади. Шу сабабли ҳатто энг қашшоқ ва энг ёш болалар ҳам муҳим ишга ҳисса қўшиши ва шахсан “дунёни ўзгартириши”да қатнашиши мумкинлигини англаб етадилар.

Анъанавий хайрия ташкилотлари йил давомида маблаг тўплашади. “Comic Relief” компанияси эса одатий зерикарли намойишларни хохламайди ва ҳар икки йилда бир марта пухта тайёрланган тадбирни ўтказади. Бу ерда муҳим жиҳатлардан бири шуки, бошқа ташкилотлар каби эҳсон қилувчилар доимий сўровлардан чарчамайдилар, аксинча, улар Буюк Британияда деярли миллий байрамга айланган навбатдаги “Кизил бурунлар куни”ни интиқлик билан ку-

тишади.

Албатта, “Comic Relief” тўплланган пулларнинг барчаси хайрия ишларига сарфланшишига ва бунда кичик ҳисобдаги пул ҳам кўшимча харажатларга ёки ишчиларга сарфланмаслигига кафолат беради (бу анъанавий хайрия ташкилотларининг одатий амалиёти). Одамлар шаффофоникни яхши кўрадилар. Негаки улар йиғилган маблағларнинг ҳақиқатан ҳам эҳтиёжманд кишилар кўлига қандай етиб бориши ҳақида бош котириб ўтиришлари шарт эмас. “Comic Relief” кўллаган услубнинг натижаси шуки, бун нафақат кулгили кўринишларга эга, балки одамларда ҳаётга қизиқиш уйғотади ва ҳар кимга: боладан кекса одамгача, камбағалдан бойгача бўлган ҳар қандай одам учун қиймат таклифини яратса олди.

Фойда таклифи

“Comic Relief” шундай ажойиб ютуқларга қандай эришади?

Йиғилган барча эҳсонлар фақат хайрия учун сарфландими?

Унутмангки, жозибадор нарх таклифи имтиёзларнинг қизиқарли таклифи билан қўллаб-кувватланади. Бу сизга арzon нархлардаги тузилмани олиш ва шу билан бирга ҳар бир ракобатчиникидан бошқача маблағ тўплаш имконини беради.

Анъанавий хайрия ташкилотлари хайр-эҳсонларни бир нечта манбалардан йиғадилар ва бунинг учун турли усусларни қўллайдилар. Турли давлат ташкилотларига, трестларига ва фондларига грант олиш учун ариза юборишади. Бадавлат ва обрўли одамлар ҳамда компаниялар учун хайрия гала концертларини ташкил килишади. Почта орқали сўров юбориш ёки телевидение орқали мурожаат килиб хайр-эҳсонларни очиқ сўрашади, шунингдек, хайр-эҳсон дўконларни ҳам юритишади. Ушбу усусларнинг деярли

барчаси ортиқча харажатларни ўз ичига олади, яъни ходимлар, раҳбарлар, қолаверса, биноларни ижарага олиш ёки керакли мулкни сотиб олиш учун тўловлар талаб қилинади.

“Comic Relief” бу усулларнинг барчасидан воз кечди. У вақт ва пулни бехуда сарфламади: қимматбаҳо хайрия концертларини ташкиллаштиrmади, грант олиш учун мурожаат қилмади ва давлат ташкилотлари ҳамда фондларидан пул сўрамади. Қолаверса, ташкилот хайрия дўконларга эга эмас. Буларнинг ўрнига мавжуд бўлган чакана савдо дўконларига, супермаркетларга, бутикларга кизил поролон бурунларни сотишни таклиф килди. “Comic Relief” гавжум бозорда рақобатга кирмади, аксинча, бошқа хайрия ташкилотларига маблағ етказиб берди, шунинг учун маблағ билан ишлаш нархи унинг учун кескин пасайди. Баъзи маълумотларга кўра, “Comic Relief” хайрия ташкилоти учун одатий операцияларнинг 75 фоизидан воз кечишга муваффақ бўлди.

Таъкидлаш керакки, ташкилот маблағларни ноанъанавий тарзда тўплади ва шунинг учун унинг харажатлари ҳам кам бўлди. Ташкилот асосчилари эҳсон қилувчилар орқасидан пул сўраб юришни эмас, балки эҳсон қилувчининг ўзи бу жараёнда иштирок этадиган вазиятни юкори баҳолашди. Маблағнинг асосий қисми кўнгилочар саҳналарни ўйнаётган кўнгиллилар хиссасига тўғри келишини ҳисобга олсак, “Comic Relief” ходимларининг харажатлари ҳам жуда паст эканлиги аён бўлади. Анъанавий хайрия ташкилотлари оддий одамларга камдан кам ва тизимсиз равишида мурожаат қиласидилар. “Comic Relief” эса “Қизил бурун куни” билан, биринчи навбатда, оддий одамларга қаратилган ва маблағ олиш учун барқарор каналга эгадир. Анъанавий хайрия ташкилотлари маблагларни, асосан, бой ва кекса ёшдаги эҳсон қилувчилардан йиғади.

Энг муҳими шундаки, “Қизил бурун куни” марафони – одамларни хайрия учун маблағ йиғишига жалб қилаётган юлдузлар

иштирокидаги комедик экстравагант телевизион намойиши “Comic Relief”дан катта маблағ талаб қилмайди. Барча иштирокчилар (теле-компания эгалари ва студия ходимлари, меҳмон юлдузлар) текин хизмат қилишади. “Comic Relief” анъанавий хайрия ташкилотларидан фарқли равища улкан маркетинг харажатлари билан тўлиб-тошган бозорга чиқиши йўлида реклама учун пул сарфламайди, балки “Қизил бурунлар куни” атрофида мунтазам равища оммавий ахборот воситаларида ва оғзаки рекламага таянади, холос.

“Comic Relief” ўзининг темир қоидаларига амал қилиши учун корпоратив шериклар ташкилотнинг харажатларини қоплашади ёки уни зарур нарсалар билан таъминлайдилар. Шу боисдан ҳам “Comic Relief” нафақат нархнинг жозибадор таклифини, балки минимал нархда имтиёзларнинг фарқланган таклифини ҳам амалга ошириши мумкин.

Инсон капитали бўйича таклиф

“Comic Relief” ташкилотида ходимлар сони кам, улар юқори мотивацияга эга ва қиймат таклифи билан илҳомланган кишилардир.

“Қизил бурунлар куни” гояси дастлаб ҳар қандай кишига озгина бўлса-да ақлдан озиш ҳиссини беришга мўлжалланган эди. Бунда иштирок этиш қоидалари жуда оддий: сиз ҳар икки йилда атиги бир марта қандайдир қизиқарли томошаларни бажаришингиз керак. Ташкилот веб сайтида сизнинг тасаввурингизни уйғотадиган ва кулгили фокуслар билан илҳомлантирадиган, шунингдек, дўстларни қандай қилиб кўнгилочар тадбирга қўшилишга таклиф қила-диган фоялар тўплами мавжуд, албатта.

“Comic Relief” маблаг тўплашда фаол иштирок этишни так-

лиф қилиш, бунинг учун бир нечта “аҳмоқона” саҳналарни ўйнаш оркали нафакат одамларга дам олиш учун асос яратади, балки уларга катта ташкилотнинг бир қисми эканлини хис қилишларига ёрдам беради. Шунингдек, одамлар дунёни янада яхшироқ қилишга ёрдам беришларини тушуниб борадилар. Хайрия мақсадлари учун пул йигиш асносида актёрга айланган одам дўстлари, қариндошлари ва ҳамкаслари томонидан хурматга сазовор этилади. Мазкур ташкилотнинг кўнгиллилари, яъни маблаг йигадиган артистлар, бир кунлик муваққат актёрлар дунёни ўзгартиришга ўз хиссаларини қўшади ва бундан катта завқ оладилар.

Хуллас, эътироф этмоғимиз ўринлики, “Comic Relief” катта сармояларни талаб қилмайдиган ва Буюк Британиядаги одамларни ўз номидан маблағ йиғишига илҳомлантирадиган инсон капитали соҳасида жозибадор таклифни ярата олди. Буни анъанавий ташкилотлар билан таккосласангиз, уларда кўнгиллилар тинимсиз меҳнат қилишганини ва қўпинча катта қурбонликлар юз берганини кўрасиз.

Инсон капитали соҳасидаги арzon, аммо табақалаштирилган “Comic Relief” таклифи корпорацияларга ҳам, юлдузларга ҳам тегишилдири. Фақатгина кўнгиллилик оддий кишиларга келтирадиган имтиёзлардан ташқари ҳомийлик корпорациялари ва меҳмон юлдузлари бутун мамлакат бўйлаб улкан бепул реклама олишади. Бунинг сабаби шундаки, “Comic Relief” томонидан ишлаб чиқилган киймат таклифи кўплаб оммавий ахборот воситаларини лойихада “Comic Relief” иштирок этишга ундейди ва бу телевидение оркали эфирда юз соатдан ошиқ ва матбуотда эса минглаб маколалар билан ёритилади. Натижада ташкилотнинг корпоратив ҳомийлардан ёки юлдузлардан уларнинг дастурида иштирок этишларини сўрашига эҳтиёж қолмайди. Олинган маблағларнинг мухтожларга 100% топширилиши хақидаги ваъданинг бажарилиши ва ҳамма бундан

фойда кўриши учун улар ўзлари тайёр ҳолда ёрдам берадилар. “Comic Relief” томонидан қилинган ишлар шуни кўрсатадики, тафовут ва харажатларни қисқартиришга йўналтирилган қиймат, фойда ва инсон капиталининг бирлиги вақт ўтиши билан сусаймайдиган ҳамда барча томонлар учун фойдали бўлган кучли тўлкинни келтириб чиқармоқда.

Агар стратегия еталича мувофиқлаштирилмаган бўлса

Мовий уммоннинг эътибор билан мувофиқлаштирилган стратегияси, дейлик, “Comic Relief” стратегияси ички ўзини ўзи таъминлаш қобилияти билан ажralиб туради ва унга тақлид килишнинг имкони деярли йўқ. Акс ҳолда, ҳатто мовий уммон ҳақидаги энг истиқболли фоя – янги бозорга тезкор кириш стратегияни жозибадор қила олмайди ва компания ҳеч бўлмаганда ўзининг асл суръатини саклаб қолиш учун кўп куч сарфлашига тұғри келади. Ёки охир-окибатда бутунлай муваффакиятсизликка учраши мумкин бўлади. Шунинг учун тез-тез бу ёки бошқа янгилик қандай килиб янги бозорларни очаётганини, ҳаяжонни туғдираётганини, аммо якунда эса ишдан чиқишининг гувоҳи бўламиз. Фикримиз исботи сифатида “Tata Nano”ни олайлик. Дастлаб, ушбу лойиҳа “халқ автомобили” сифатида кенг реклама қилинди. Оммавий ахборот воситалари ушбу моделни ўша пайтда бозордаги бошқа автомобилларга қараганда фаолрок ёритиб боришли. 2009-йил март ойида ушбу модел оммага тақдим этилди ва кейинги икки ҳафта ичida унга икки юз минг буюртма берилди. Хуллас, “Tata Nano” автомобилсозлик тарихида янги савдо рекордини ўрнатди.

Бу ўринда қиймат таклифи мовий уммонга хос бўлган барча

хусусиятларни ўз ичига олган. “Tata Nano”ни бозорга олиб чиқиш учун “Tata Motors” йўловчи автомашиналари ва икки ғилдиракли харакатланиш мосламалари бозорида мавжуд бўлган мижозларнинг асосий омилларини ўзгартирди. “Tata Nano” енгил автоулов сифатида хинд оиласига ҳар кандай об-ҳавода ҳайдаш учун хавфсиз, муаммосиз транспорт воситасини тақдим этди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу машина кўпчилик хиндларнинг ҳар куни ишлата-диган энг арzon икки ғилдиракли мопедидан қиммат турмаган. Оддий қилиб айтганда, компаниянинг қиймат таклифида фарқ ва паст нарх мавжуд эди. Бу кўпчилик хиндлар учун уларнинг талабини ҳар томонлама қондирувчи биринчи машина эди.

“Tata Motors” жозибадор қиймат таклифига илтифотли фойда таклифини ҳам қўшди. “Tata Group” раҳбари Ратан Тата бошчилигига “Tata Nano”да ишлайдиган жамоа дизайн, ишлаб чиқариш, маркетинг ва техник хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиришнинг бир неча усууларини таклиф қилди. Хуллас, машинанинг икки цилиндрли двигател билан жиҳозланиши ва орка ғилдиракка эга бўлиши нафакат унинг нархини пасайтиришга, балки машинани бир хил ўлчамларда тежамкор ва қулайроқ қилишга имкон берди. Икки цилиндрли двигател пўлатдан эмас, алюминийдан ясалган эди, шунинг учун енгилрок, арзонрок ва ёнилғини тежаши юкори бўлди. Компания, шунингдек, бошқа барча элементларни сезиларли даражада соддалаштириди. Чунончи, эшик тутқичидаги қисмларнинг 70 % олиб ташланди.

Мазкур компания иктисадиёт учун ҳашаматнинг зарур бўлмаган элементларидан воз кечган ҳолда ҳатто лойиҳанинг нархини пасайтириш учун керакли томонларни сақлаб қолишга харакат қилди. Жумладан, автоуловдаги эшиклар сонини иккитага камайтириш орқали харажатларни сезиларли даражада камайтириши мумкин эди, лекин бундай қилмади. Чунки бир неча кишилардан иборат

бўлган ҳинд оиласи бунақа машинадан фойдаланишга қийналарди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: икки эшикли машинада кекса аёл орқа ўриндикка қандай ўта оларди?

Хуллас, компаниянинг харажатларни қисқартириш ишлари нарх таклифини кучайтирди ва натижада арzon нархлар билан бирга имтиёзларнинг келишилган дифференциал таклифи олинди.

Шундай бўлса-да, жозибадор нарх таклифи ва имтиёзларнинг жиддий таклифига қарамай “Tata Nano”нинг дастлабки муваффакияти тезда издан чиқди ва компания ўз савдо режасини бажара олмади ҳамда мижозларнинг талаблари қондирилмади.

Хўш, нега бундай бўлди?

Текширув натижасида аникланишича, муваффакиятсизликнинг бош сабаби лойиха муваффакияти ҳамкорларга юборилган инсон капитали соҳасидаги таклиф жуда суст тайёрланганлиги бўлган. Компания энг яхши ниятлар ва барча саъй-харакатларга қарамай ўз заводларини курган Сингур (Фарбий Бенгалия) аҳолиси билан ҳамкорлик кила олмади. Бунда асосий тўсиқ маҳаллий аҳолининг саноат зонаси учун ўз ерларини беришни истамаслиги эди. Қолаверса, ерларини беришга рози бўлганлар билан эса уларга тўланиши керак бўлган компенсация борасида хам тортишувлар келиб чиккан. Натижада “Tata Nano” заводларини бошқа ҳудудга ўтказиш бўйича ҳаракатлар зое кетди. Ҳозирги вақтда компания “Nano” лойихасини қайта тиклаш устида иш олиб борадиган янги жамоани шакллантирган. Айтиш керакки, агар ушбу жамоа йўл қўйилган камчиликлар ва омадсизликларни енгиб ўта олса, олдинги хатоларни такрорламаса, ўз олдига қўйган муваффакиятга эришишлари мумкин.

Юқори самарали ва барқарор мовий уммон стратегиясини яратиш учун ўзингизга бир нечта савол беришингиз керак.

Сиз учта стратегик таклиф келишилган ҳамда тафовут ва харажатларни камайтиришга қаратилган деб айта оласизми?

Айтинг-чи, барча асосий манфаатдор томонларни, шу жумладан, ташки томонларни, яъни стратегиянгизни самарали амалга оширилишига боғлиқ бўлганларни аниқлай олдингизми?

Хар бир ҳамкорингиз ва ўзингиз учун янги режангизни амалга оширишга ёрдам берадиган бундай жозибали таклифни ишлаб чиқардингизми?

Барчасини жамлаштирамиз

Ушбу хусусиятни тўғри англаб етишишимиз учун рақамли мусиқа саноатининг мисолларига мурожаат қиласак, бу ҳақда тўлик тасаввурга эга бўламиз. Келинг “Napster” ва “iTunes” лойиҳаларининг йўлга қўйилишига дикқат қиласлик. Иккала ҳолатда ҳам стратегияга эътибор қаратган бўламиз. Яъни бунда рақамли мусиқа бозо-рида ишлатилмаган улушни яратиш ва эгаллаш истагини кўрамиз. “Napster” каашшоф имтиёзидан фойдаланди, унинг қиймат таклифи хаммага ёқди, лекин у танлаган стратегия умуман нотўғри эди. Аммо “iTunes”, аксинча, таъсирчан муваффакиятга эришди, рақамли мусиқа бозорида етакчи ўринни эгаллади ва уни янада кенгайтирди. Уларнинг ўртасидаги бу стратегиялар, авваламбор, мувофиқлик билан фарқ қиласли.

“Napster”га стратегияни тўлик тушуниш қобилияти етишмас эди, шу сабабдан шериклар олдидаги компаниянинг яратилган ва жуда жозибадор қийматини қўллаб-куватлаш учун ташки таклифи шакллантира олмади. Овоз ёзиш компаниялари даромадларни таксимлаш билан ҳамкорлик қилишни таклиф қилганида, яъни ўзаро манфаатли ечимни ўргатга ташлаганида “Napster” қайсаарлик билан иш тутди. компаниянинг менежменти шунчалик тез ўсиб борар эдики, у асосий капитал шерикларига, яъни рекорд компания-

ларга табақалаштиришни ҳам, ҳаражатларни камайтиришни ҳам таъминлайдиган инсон капитали соҳасида бундай ташки таклифни яратиш зарурияти тўғрисида мулоҳаза юритмади. Ўз бизнесига кириш ва ўзаро фойдали таклифни ишлаб чиқиш ўрнига, овоз муҳандислари қўллаб-кувватламаслигидан қатъи назар мақсадга эришман деган хаёлда бўлди. Натижа эса аянчли якун топди: компания муалифлик ҳуқуқларини бузиш ва фаолиятни тўхтатишига мажбур бўлди. Ўз мижозларининг йирик сонини ҳисобга оладиган қиймат таклифини ишлаб чиқишга ҳам вақт тополмади. Бундай нотўғри стратегия “Napster”нинг муваффақиятини бузди.

“Apple” эса, аксинча, ишлаб чиқилган ва келишилган стратегик таклифларнинг бутун тўпламини тайёрлади. Харидорлар учун қилинган мавжуд таклиф инсон капитали соҳасидаги жозибадор таклиф билан тўлдирилди, яъни ташки шериклар – йирик овоз ёзиш компаниялари ишга жалб этилди. Шу сабабли “Apple”нинг таклифини бешта энг йирик компаниялар: “BMG”, “EMI Group”, “Sony”, “Universal Music Group” ва “Warner Brothers Records” қўллаб-кувватлашди. “iTunes” юкланган ҳар бир кўшиқ учун овоз ёзиш компанияси юклаб олиш нархининг 70 фоизини ўзига олади. Ушбу қўриниш ҳам “Apple”, ҳам унинг бизнес шериклари учун фойдали бўлди. “iTunes” ўзининг яратилгунига қадар аллақачон оммалашишга улгурган “iPod” сотувларининг ўсишига ёрдам берганлигини назарда тутиб шуни айтиш мумкинки, компания томонидан яратилган таклиф кучайтирилди ва натижада иккала платформани ҳам бирлаштирадиган фойдали, кенг қамровли фойда айланиши яратилди.

Хўш, якуний натижа қандай бўлди?

Киймат, фойда ва инсон омили соҳасидаги таклифларнинг уйғунлиги мусиқада янги даврни очди ҳамда “Apple”га бозор-нинг мутлақо янги сегментини яратишга, эгаллаб олишга ва бўйсун-

диришга имкон берди.

Үз стратегиянгизни тўлиқ тушунииб ишлайпсизми ва буни қандай уddaляяпсиз?

Янги стратегия учта стратегик таклифни тўлиқ бирлаштириб мослаштира олади деб айта оласизми?

Ёдда тутингки, стратегиянгизнинг келажаги шуларга боғлиқ.

Эндиғи сухбатимиз вақти-вақти билан мовий уммонларни янгилаш қанчалик мухимлиги ҳакида боради.

10-БОБ

МОВИЙ УММОННИ ЯНГИЛАШ

Мовий уммонни яратиш бир марталик ютуқ эмас, балки динамик жараёнлигини унутмаслигингиз керак. Мовий уммонни яратган компания эртами-кечми ўз уфкида тақлидчиларнинг пайдо бўлишига дуч келади.

Улар қанчалик тез (ёки секин) пайдо бўлади?

Мовий уммон стратегиясини тақлид қилиш қай даражада осон ёки қийин?

Оддий тил билан айтганда, тақлидчилар нимани тақлид қилишлари мумкин?

Компания ҳамдаа унинг дастлабки тақлидчилари муваффақият қозониб, мовий уммонни кенгайтирас экан, унга янгиларнинг келиши ва доиранинг кенгайиши кундан кун ортиб бораверади. Уммон янада кизий бошлайди. Шу ўринда иккинчи савол туғилиши табиий: компания ўз бизнесини ёки бизнесларини янгилаш учун кейинги мовий уммонни қачон яратиши керак?

Ушбу бобда тақлид қилиш ва мовий уммон стратегиясини қандай янгилаш хақида сухбатлашамиз. Янгиланиш жараёнини тушуниш жуда муҳим омилдир. Бунинг натижасида мовий уммонни тасодифий муваффақият туфайли яратиш қайта-қайта тақрорланиши мумкин бўлган яхши ўрганилган жараёнга айланади.

Тақлид қилувчилар учун тўсиқлар

Мовий уммон стратегиясининг асосларида тақлид қилувчи-ларнинг “нусха олиши”га қаршилик қиласидиган ва уларнинг фаолиятига жиддий таъсир этувчи тўсиқлар мавжуд. Бу хусусда айтадиган бўлсак, мувофиқлик, ташкилий тузилма ва бренд билан боғлиқ тўсиқларни, шунингдек, иқтисодий ва хукуқий тусдаги тўсиқларни санаб ўтишимиз мумкин. Одатда, ўзига хос мовий уммон стратегиясининг эгалари кўп йиллар давомида жиддий муаммосиз ҳаракат қилишади. Чунончи, “Cirque du Soleil” мовий уммони йигирма йилдан кўпроқ вақт давом этгани ёки “Comic Relief” мовий уммонининг деярли ўттиз йил ёхуд “iTunes”нинг ўн йилдан бери мавжуд эканини эслаш кифоядир. Буларнинг бундай барқарорлигини тақлид қилувчиларнинг йўлида учрайдиган тўсиқларнинг борлиги билан изоҳлаш мумкин. Хусусан:

- **Тўсиқларнинг уйғунлиги.** 9-бобда айтиб ўтганимиздек, учта тақлифнинг ҳаммаси – қадриятлар, имтиёзлар ва инсон капитали – уларни ҳаражатларни фарқлашга ва камайтиришга йўналтирилган ягона тизимга бирластиради. Бу, табиийки, стратегияни нусхалашга фаол тўсқинлик қиласи.
- **Когнитив ва ташкилий тўсиқ.** Анъанавий стратегик мантиқа асосланган қиймат инновацияси мантиқий эмас. Масалан, “CNN” пайдо бўлганда “NBC”, “CBS” ва “ABC” янгиликларни кун давомида таниқли бошловчилар иштирокисиз трансляция қилиш ғоясини масхара қилишди. Қолаверса, “CNN” “Chicken Noodle News” (Товуқли лағмон янгиликлари) лақабини олди. Эътибор берсангиз, калака қилинган кишида тақлид қилувчилар тез пайдо бўлмайди, бу когнитив тўсиқнинг мавжудлигидир. Шунингдек, муваффақиятли компанияни тақлид қилиш учун тақлид қилувчилар ўзларининг амал-

даги бизнес амалиётига жицдий ўзгартиришлар киритишли-
ри керак, бунга кўпинча ташкилотнинг сиёсати аралашади ва
шунинг учун мовий уммон стратегиясига тақлид қилиш қа-
рори кўп йиллар давомида кечиктирилади. Масалан,
"Southwest Airlines" авиакомпанияси, ёдингида бўлса, ўз
фойдаланувчиларига авиарейслар хизматини автомобиллар-
даги хизмат нархи баробарида таклиф қилган эди. Компа-
ниянинг хизматларига тақлид қилувчилар бунинг учун пар-
воз йўналишларини тубдан алмаштиришлари, ходимларни
қайта тайёрлашлари, маркетинг схемаси ва нархларни ўзгар-
тиришлари керак бўлади. Хизмат маданияти ҳақида гапир-
масак ҳам бўлади. Хуллас, жуда оз компанияларгина қисқа
вақт ичиди шундай катта ташкилий ўзгаришларни амалга
oshiришлари мумкин, холос.

- **Бренд тўсиги.** Бренд имижи билан юзага келадиган зиддият
компанияларга мовий уммон стратегияларини тақлид қи-
лишни тақиқлайди. Масалан, гўзал моделлардан, абадий
гўззалик ва ёшликни тараннум этувчи қиммат қадоқлардан
воз кечган "The Body Shop" стратегияси дунёдаги энг йирик
косметик компанияларни бир неча йил давомида ортда
қолишга мажбур қилди. Негаки рақобатчиларининг тақлид
қилиши ўз бизнес-моделларининг ишдан чиқишига олиб
келиши мумкин эди. Унутмаслик керакки, компаниянинг
сезиларли даражада ошган бренди дарҳол овоза бўлади
ҳамда улкан муҳлислар аудиториясига эга бўлади. Бу эса жуда
катта реклама бюджетига эга бўлган энг ашаддий тақлидчи
ҳам уни шоҳсупадан тушира олмаслигига кафолатdir. Яна
бир мисол: "Microsoft" қарийб ўттиз йил давомида "Intuit"-
нинг инновацион таклифи бўлган "Quicken" ўрнини эгалаш-
га ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ ишлар (тақлид) ўхшамади ва
2009-йилда "Quicken"га рақобатчи сифатида яратилган
"Microsoft Money" лойиҳасини ёпишга мажбур бўлди.

- **Иқтисодий ва ҳуқуқий характердаги тұсик.** Агар бозор үзининг кичиклиги сабабли бошқа иштирокчини жойлаштирмаса, табиийки, монополия томонидан тақлид қилиш тақиқланади. Масалан, Белгиянинг "Kinopolis" кино компанияси Брюсселда биринчи мегаплекс кинотеатрини яратди ва катта муваффақиятта эришди. Эътиборлisisи шуки, деярли ўттиз йилдан бери ушбу шаҳарда компаниянинг тақлидчилари пайдо бўлмади. Бунинг сабаби шундаки, Брюсселнинг ўлчамлари иккинчи мегаплексни жойлаштиришга имкон бер-мас эди, бу эса тақлидчининг пайдо бўлиши нафақат "Kinopolis" учун, балки унинг ўзи учун ҳам нокулай бўлар эди. Шунингдек, қиймат инновациялари натижасида пайдо бўлган катта ҳажмлар харажатларнинг тез пасайишига олиб келади ва шунинг учун потенциал тақлидчилар, шубҳасиз, нокулай аҳволга тушишади. Масалан, "Walmart" товарларни сотиб олиш ҳажмини сезиларли даражада тежашга эришиш йўли орқали үзининг мовий уммон стратегиясига бошқа компанияларнинг тақлид қилишига йўл қўймади. Тармоқ омиллари, шунингдек, компанияларнинг мовий уммон стратегиясини оддий ва аниқ нусхалашига тўсқинлик қиласди. "Twitter" ижтимоий тармоғи худди шундай ҳимояланган. Ху-лоса қилиб айтиш мумкинки, фойдаланувчилар қанчалик кўп бўлса, ижтимоий тармоқ шунчалик жозибадор бўлиб қолади, натижада тақлидчилар пайдо бўлган тақдирда ҳам мижозлар улар томон үтишга рози бўлмайдилар. Патент ёки инноватор мутлақ ҳуқуқларига эга бўлган турли хил рухсатномалар тақлид қилувчиларга халақит бериши аниқ. Қиймати ўсишини таклиф қилган компания тезда ўз брендининг шон-шуҳратини излайди ва бозорда ўз тарафдорларига эга бўлади. Катта реклама бюджетига эга бўлган тажовузкор тақлидчилар камдан кам ҳоллардагина новатор бренд атрофидаги шовшувларга қарши турға олаишлари мумкин.

10.1. расмда тақлид қилувчилар олдида турган барча түсикларнинг қисқача рўйхати келтирилган. Улар кўп ва уларнинг аксарияти жуда нотривиал. Шу сабабли кўплаб соҳаларда мовий уммонни яратган компания йиллар давомидаги жиддий рақобатсиз яшаши мумкин. Бирок тақлидчиларнинг тезлиги турли соҳаларда хар хил бўлади.

10.1. расм. Мовий уммон стратегиясидан нусха қўчиришга тўсқинлик қиласиган тўсиқлар

Уйғунлик тўсиғи

- Нархларни фарқлаш ва камайтиришга йўналтирилган қиймат, фойда ва инсон омили тақлифларининг мувофиқлиги стратегияянинг барқарорлигини таъминлайди ва тақлид қилувчилар учун жиддий тўсиқ ҳисобланади.

Когнитив ва ташкилий тўсиқ

- Қийматли янгилик компаниянинг одатий фикрлаш тарзига зид келади.
- Стратегияни нусхалаш кўпинча ташкилий жараёнда катта ўзгаришларни талаб қиласиди.

Бренд тўсиғи

- Мовий уммон стратегияси тақлидчи брендининг имиджи билан зид келиши мумкин.
- Қиймат инноваторининг бренди яхши маълум ва содиқ мижозлар тақлид қилувчилардан қочишади.

Иқтисодий ва ҳукуқий тўсиқлар

- Табиий монополия. Бозор бошқа иштирокчига тоқат қилмайди.
- Катта ҳажм новаторга харажатларни тезда камайтиришга имкон беради ва тақлидчилар ушбу бозорга кира олмайдилар.
- Тармоқ омиллари нусхалашни қийинлаштиради.
- Патентлар ва турли хил рухсатномалар тақлид қилишни имконсиз қиласиди.

Янгилаш

Албатта, қатор тўсиқларнинг мавжудлигига қарамай эртами-кечми мовий уммоннинг деярли ҳар қандай стратегиясига тақлид қилувчилар топилади. Тақлидчилар мовий уммоннинг бир қисмини эгаллашга ҳаракат қилганида компаниялар мижозлар базасини химоя қилиш учун хужумга ўтишади. Тақлидчилар, одатда, жуда матонатли бўладилар. Компания ўз бозоридаги улушкини сақлаб қолиш учун ракобат тузоғига тушиб қолиши ва янги рақиблар билан пойга қилишга шошилиши мумкин. Аста-секинлик билан компаниянинг стратегияси ва ҳаракатлари энди харидор атрофида эмас, балки рақобатчининг атрофида курилади. Компания буни ўз вақтида сезмаса, унинг стратегик йўналиши ёки қиймат эгри чизиги босқичма-босқич ракобатчининг профилига ва эгри чизигига тўғри келади. Рақобат тузоғига тушмаслик учун ўз вақтида стратегиянгизни янгилашингиз керак.

Агар компанияда факат битта иш бўлса, қийматни қайси нуқтада янгилаш керак?

Мабодо компанияда кўплаб фаолият турлари мавжуд бўлса, уларнинг барчасини қандай янгилаш ва мовий уммонда қолиш керак?

Алоҳида бизнес даражасида янгиланиши

Маълум бизнес даражасида рақобат хавфининг олдини олиш учун стратегик асосдаги қиймат эгри чизигига амал қилишингиз шарт. Қиймат эгри чизигини қузатиш орқали қиймат инновацияларида қачон иштирок этишингиз ва, аксинча, қачон эса қатнашмаслик кераклигини билиб олишингиз мумкин. Компаниянгиз

кыймат эгри чизиги рақобатчиларнинг эгри чизиги билан бирлашишни бошлаганда, билингки, янги мовий уммон ҳақида бош қотишингизнинг вақти келган бўлади.

Агар компаниянгизнинг ҳозирги таклифи ҳали ҳам етарли фойда келтириши мумкин бўлса ва бунга ишонсангиз, муддатидан олдин бошқа мовий уммон излашингиз шарт эмас. Аникроқ қилиб айтганда, агар компаниянинг қыймат эгри чизиги ҳали ҳам эътиборли, бошқалардан ажралиб турувчи ва жозибали шиорга эга бўлса, унда қиймат инновацияларини яратишга шошмасангиз ҳам бўлади. Бундай вақтда бозор ҳажмини ошириш, операцион яхшиланиш ҳамда географик кенгайтириш билан даромадлар оқимини кўпайтириш ва чуқурлаштиришга эътибор қаратганингиз маъкул. Мовий уммонда имкон қадар сузиш, харакатланиш, биринчи тақлид қилувчилардан узоклашиш ва уларга халақит бериш керак. Вазифангиз, иложи борича, тақлид қилувчилардан қочиб мовий уммонда устун мавқени сақлаб колиши эканини асло унутманг.

Рақобат кучайиб, талаб таклифдан ошиб борар экан, шиддатли рақобат кучайиб уммон алвон рангга бурканаверади. Рақобатчиларнинг қийматлари компаниянгиз эгри чизиги билан бирлашишни бошлаган бўлса, билингки, навбатдаги мовий уммонни яратиш учун янги қиймат инновацияларига йўл очиш вақти келган хисобланади. Бир сўз билан айтганда, компаниянинг қиймат эгри чизигини стратегик асосда тасвирлаб, вақти-вақти билан рақобатчиларнинг қиймат эгри чизигини тузиб уларни ўзингизники билан таққослаб кўрсангиз, тақлидчиларнинг сизга қанчалик яқинлашиб қолганига гувоҳ бўласиз. Ана шунда эгри чизиқларингиз қанчалик мос келишини аниқлаб оласиз ва мовий уммон алвон рангга айланганлигини тушуниб етасиз.

“The Body Shop” ўн йилдан ортиқ вақт мобайнода ўзи яратган мовий уммонда устун мавқени эгаллаб келган. Аммо

хозирда ушбу компаниянинг самарадорлиги пасаймоқда. Мазкур компания ракобатчиларнинг қиймат эгри чизиги ўзининг эгри чизиги билан бирлашганда янги қиймат янгиликларини киритмади. “yellow tail” бренді үн йилдан ортиқ вақт давомида яратылған мовий уммонда хукмронлик килди ва дунёнинг барча мамлакатларыда ўз фаолиятини кенгайтирди. У ракобат тузоғидан қочишга муваффак бўлди, натижада ўсишни бошлади, унинг фойдаси ҳам ошди. Таклид килувчиларининг қиймат эгри чизиги ўзиникига ўхшаш бўлгунга қадар “Casella Wines” ўзи учун янги қийматни яратади ва бу компанияга узоқ муддатли муваффакиятни тақдим этди. Шу ўринда тан олиб айтиш керакки, “Cirque du Soleil”, “Curves” ва бошқа компаниялар учун янги уммонларни қидириш вақти келди. Кўриб турганингиздек, асосий масала доимий янгилашишнинг динамик жараёнини қандай бошқаришни ўрганишдир.

“Salesforce.com” динамик янгилашиш жараёни тавсифининг яхши намунасиdir, десак янглишмаймиз. B2B “Salesforce.com” учун мижозлар билан муносабатларни бошқариш (“CRM”) мовий уммонини янгилаш борасида бир катор муваффакиятли стратегик қадамларни қўйди. Ушбу компания ўз стратегиясини 2000-йилларнинг бошларида ишлаб чиқара бошлаганди ва тахминан үн беш йилдан буён “CRM” тизимларининг мовий уммонида етакчиликни ракобатчиларига бермай келяпти. Албатта, компания жуда тез ўзгаришлар юз бераётган юкори технологиялар соҳасида ишлашини хисобга олсак, унинг фаолияти мақтovга арзийди. Бой тарихга эга бўлган йирик компаниялар ҳам, янги очилганлари ҳам мазкур компанияни бозордан сиккиб чиқаришга ҳаракат килишди, аммо “Salesforce.com” бундай хужумларга жавоб бера олди. Ҳақиқат ва эътиборли томони шундаки, ракобатчиларнинг қиймат эгри чизиги унинг эгри чизиги билан мос кела бошлаганини сезган заҳоти компания яна бир мухим янгиликларга қўл ураверди. Хуллас, ракобат

түзогидан муваффакиятли чиқиб мовий уммонда қолди. Энди бунинг қандай юз бергани билан танишамиз.

2001-йилда “Salesforce.com” “CRM” учун анъанавий дастурий таъминот саноатини бутунлай ўзгартирди. Айтиш керакки, одамлар мураккаб ўрнатиш жараёни ва доимий равишда қиммат хизмат ҳамда янгиланишларни талаб қиласиган қимматбаҳо дастурларга муҳтож эмас эди. Компания буларнинг ўрнига корпоратив фойдаланувчиларга барча зарур функцияларга эга бўлган, обуна бўлганингиз заҳотиёқ ишга тушадиган, жуда ишончли, фойдаланишга қулаги ва универсал киришни таъминлайдиган “CRM” тармоқ тизимларини таклиф қилди. Шундай қилиб “Salesforce.com” мутлақо янги талабнинг мовий уммонини яратди ва илгари ушбу соҳада мижоз бўлмаган кичик ва ўрта компанияларни ўз бизнесига жалб кила олди.

Аммо вакт ўтиши билан ракобатчилар ҳам фойда олишни кўзлаб уммонга сузуб киришни бошладилар. Катта ракобатчилар гибрид ечимларни таклиф қилишдилар. Қолаверса, “CRM” тизимлари бозорида кўплаб кичик ракобатчилар ҳам пайдо бўлди. Улар ҳам катта ракибларига ўхшаш ечимларни таклиф қилдилар. “Salesforce.com” ракобатчилардан ўзиб кетиш учун янги мовий уммонни яратди ва стратегик юриш қилди. Бу эса унга ўзининг асл киймати таклифини янгилашга имкон берди.

Янги қадамлардан бири сифатида модулли дастурларни ишлаб чиқиши учун булутли асбобларга асосланган “Force.com” ва онлайн дастурлар бозори “AppExchange” ишга туширилди. “Salesforce.com” бу лойиҳалари билан корпоратив мижозларига хар хил индивидуал дастурларни арzon нархларда сотиб олиш имкониятини берди ва шу билан бирга соддалиги, кулагилиги, ишончлилиги ва паст таваккалчиликни таъминлади. Хуллас, компания ушбу омиллар ортидан дифференциацияга ҳам, паст нархга ҳам эришди.

“Salesforce.com” бу билан чекланиб колмади. Ракобатчила-ри жиддий каршилик килишни давом эттираётган бир вактда, шунингдек, таклид қилувчиларни тўхтатиш ва мовий уммонни яна-да чукурлаштириш учун яна бир қадам олға ташланди: “Chatter” хизмати жамоатчиликка тақдим этилди. Ушбу хизмат дастури бир компания ходимларига реал вакт режимида маълумотларни юбо-риш, олиш ва кузатиш имконини берадиган шахсий алоқа хизмати ҳисобланади. Натижада нафакат мижозлар янада самарали ҳамкор-лик қилиш имкониятига эга бўлишди, балки анъанавий “CRM” тизимларидан фойдаланишга халакит берадиган маълумотни қисм-ларга ажратиш муаммоси ҳам ҳал қилинди. Хуллас, “Salesforce.com” ҳам киймат эгри чизифини ракобат эгри чизифи билан бирлашишдан саклади, ҳам мовий уммонини кенгайтирди. Негаки энди мазкур компанияга “CRM” дастурларига муҳтоҷ бўл-ган йирик корпорациялар мурожаат кила бошлади. Ушбу жараёнга ўз вактида кийматни инновация қилиш учун бир неча изчил қадамлар қўйиш дейилади.

Корпоратив даражада янгилаши (қўп тармоқли компания учун)

Агар бир бизнес таклифи ёки маҳсулоти бўлган компания-нинг стратегиясини янгилаш учун шунчаки унинг киймати эгри чизифини маълум вакт давомида стратегик асосдаги ракобатчилари-ники билан тақкослашингиз мумкин бўлса, у холда ўз портфолио бир нечта турли хил бизнес таклифларига эга бўлган компаниядан қўшимча воситаларни талаб қиласди. Стратегия учун менежерлар корпоратив манфаатларини хисобга олган холда бизнес портфолио-ни янгилашни кузатадилар ва режалаштирадилар. Бунга 4-бобда

танишган “кашфиётчи – мустамлакачи – мухожир” харитасининг динамик версияси (КММ) ушбу мақсадга жуда мос келади ва ундан фойдаланиб, корпоратив портфолионинг битта визуал тасвирини олишингиз мумкин. Шунда вакти-вакти билан факат бизнес таклифларнинг мақомини тузатиш кифоя қилади.


КММ динамик харитасига кашфиётчиларни, мустамлакачи ва мухожирларни кўя олган менежер портфолиони янгилаш учун янги мовий уммонни яратиш зарурати туғилганда корпоратив бизнес портфолионинг тортишиш маркази қаерда жойлашганини ва қандай ҳаракатланишини дарҳол билиб олади. Тўртинчи бобда мухокама қилинганидек, мустамлакачилар – тақлид қилувчи корхоналар; мухожирлар – таклифи бозорга қараганда яхшиrok бўлган бизнес; кашфиётчилар – қимматбаҳо инновацияларни таклиф қиладиганлар. Мустамлакачилар умуман асосий маблағ йигувчилар хисобланиб, уларнинг ўсиш имкониятлари чекланган бўлади. Кашфиётчилар юқори ўсиш потенциалига эга, аммо улар кенгайтиришнинг бошида катта миқдордаги пул инъекцияларини талаб қилиши мумкин. Мухожирлар учун даромадни ошириш потенциали ўртада бўлади.

Шуни тўғри англаб етиш лозимки, компаниянинг ўсиши ҳамда ёрқин истиқболларни таъминлаш учун кашфиётчилар (келажакдаги ривожланиш), мухожирлар ва мустамлакачилар (хозирда пулга эга) ўртасида мувозанат сақланиши керак. Вакт ўтиши билан хозирги кашфиётчилар мухожирларга айланишади ва кейинчалик мустамлакачиларга тобора кўпроқ тақлид қилишади. Фойда ўсишининг доимий бўлиши учун кашфиётчилар мухожир бўлган пайтдаёқ янги уммон яратиш ёки мавжуд бизнеслардан бирини ўзгартириш ёхуд янги бизнес таклифини шакллантириш жараёнини бошлиш мақсадга мувофиқдир. Бунга “Apple”ни мисол қилиб келтириш мумкин.

10.2. расмда “Apple” бизнес портфолионинг динамик КММ харитаси кўрсатилган.

Ушбу компания мовий уммон томон бир қатор қадамларни ташлади. “iMac”, “i-Pod”, “i-Tunes Store”, “iPhone” ва “iPad” – компаниянинг турли хил бизнес бўлинмалари томонидан яратилган бўлса-да, аммо барчасида ягона стратегик ёндашув қўлланилган: улар мавжуд бозорларни ўзгартириб, янги талабни шакллантирган. Ушбу қадамларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш алоҳида бўлинмалар томонидан ишланган бўлса ҳамки, корпоратив даражада, портфолиодаги барча ўзгаришлар “Apple” томонидан режалаштирилган ва амалга оширилган.

10.2. расм. “Apple” бизнес портфолиосини акс эттирувчи КММ динамик харитаси



Доиралар ҳажми компаниянинг асосий фаoliят соҳаларида олган фойда миқдорига тўғри келади. Белгиланмаган нуқталар фойдани кўрсатмайди, аммо улар “Apple” компаниясининг ташики маҳсулотлари ва хизматларини акс эттиради. “Apple Store” чакана савдо соҳасида мовий уммон ҳисобланади, аммо у харитада йўқ, чунки унданаги савдо кўрсаткичи ҳозирда мавжуд бўлган товарлар индикаторларида ҳисобла олинган.

10.2. расмда кўриниб турибдики, “Apple”нинг доимий равишда ўсиши қашфиётчилар, мухожирлар ва мустамлакачиларнинг мувозанати туфайли (ҳатто собиқ ашфиётчилар бошқа тоифаларга ўтгандан кейин ҳам) узок вақт давомида сакланиб қолди. Компания бундай ютуққа ҳар сафар ашфиётчи бизнесларда тақлидчилар пайдо бўлиши билан мовий уммонда янги бизнесни бошлиши ортидан эришди. Агар “Apple” портфолиоси динамикасини эътибор билан кўрсангиз, унда биринчи даромад ўсиши 1998-йилда компания “Macintosh” маҳсулотлар қаторини сезиларли даражада соддалаштирганда ва қимматли инновацияларнинг ўзига хос белгилариға эга бўлган “iMac” – рангли ноутбукни ишга туширгандан сўнг юз берганига гувоҳ бўласиз. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, “iMac” одамларга том маънода завқ улаша олди. Айнан унинг пайдо бўлиши компьютерларнинг замонавий ва эстетик обьектга айланishiга замин яратди. Шу ўринда “iMac”нинг яратилиши билан “Macintosh”нинг бирлиги фаол мухожирлар сифатида қайта малакага эга бўлди дея оламиз. Буни олдиндан пайқай олган “Apple” қисқа вақт ичиди “iPod” дастурини ишга туширди. Ушбу янги қурилма рақамли мусиқа бозорида инқилоб қилди ва улкан мовий уммонни очди. Бу ерда унга рақобат туғдириши мумкин бўлган ҳеч қандай ракиб йўқ эди. Мазкур дастур икки йил ўтгач, “iTunes Music Store” пайдо бўлиши билан янада кучайтирилди. Таклид килувчилар “iPod”нинг нусхасини яратиб, уни мухожирлар тоифасига киритаётган бир маҳалда “Apple” оммага “iPhone”ни танишириб, соҳада ўзининг навбатдаги янги мовий уммонини очишга муваффақ бўлди.

Ҳа, “Apple” бир неча бор мовий уммонларни оча олди, чунки мовий уммонда рақобатчиларнинг пайдо бўлиши компанияяга янги мэрраларни кўзлашга туртки бўляпти. КММ динамик харитаси “Apple”ни факат мовий уммонларда ишлайди, деб тахмин қиласи. Аслида бу тахмин эмас, айни ҳақиқатдир. Ҳар қандай компания-

нинг корпоратив портфели турлича бўлиши керак. Турли хил портфолиолиларга эга компаниялар: “Apple”, “General Electrics”, “Johnson & Johnson” ёки “Procter & Gamble”ларнинг ҳар бири алвон ва мовий уммонларнинг иккисида ҳам суза олишлари ҳамда корпоратив даражада муваффақиятли бўлишлари керак. Улар алвон уммон стратегиясининг асосини ташкил этувчи рақобат тамойилларини тушунишлари ҳамда ундан фойдалана билишлари лозим. Жумладан, таклид қилувчилар “iPod”ни ўзлаштирганларида “Apple” дарҳол қарши қадам қўйди ва ҳар қандай ҳамёнга ўз маҳсулотининг турли хил янги вариантларини: “iPod mini”, “shuffle”, “nano”, “touch” ва бошқаларни ишга туширди. Бу нафақат рақобатчиларга қарши қасос зарбаси сифатида амалга оширилди, балки мавжуд уммон кенгайиб ривожланаётган бозор маконида фойда ва ўсишдаги шерикларнинг улуши рақобатчиларга эмас, балки айнан “Apple”нинг ўзига тушди.

Шундай қилиб, “Apple” корпоратив портфолиони муваффақиятли бошқариши сабаб ўсишга эриши ҳамда даромадни оширди. Таъкидлаш ўринлики, “Apple” ҳар доим ўзининг портфолисини янгилашни давом эттиришга тўғри келади, негаки ҳозирги кашфиётчилар кун келиб муҳожирлар ва мустамлакачиларга айланишини бошлайдилар. Компания айнан шу йўллар билан ҳозирги ва кела-жакдаги даромадларини мувозанатлаши мумкин. Эсласангиз, “Microsoft”нинг бир неча йилдан бери бу муаммони ҳал қила олмаётганини юкорида кўриб ўтгандек. Гарчи ушбу компания ўз фаолиятидан етарлича фойда олаётган бўлса ҳам, кашфиётчилар, муҳожирлар ва мустамлакачиларнинг мутаносиб нисбатларига эриша олмади. “Microsoft” бизнес колоннистлари билан ишлаши, ушбу соҳада рақобатлашиши ва фойда олиши мумкинлигини амалда исботлади, аммо у на “Google” кидирув механизми, на “Facebook” ижтимоий тармоғи, на “Wii” ўйин приставкаси ва на оммабоп

“Twitter” веб-хизмати каби янги кашибофларни яратмади. Шунинг учун ҳам корпоратив портфелини янгиламайди. Салбий томонлардан яна бири сифатида “Office” ва “Windows” каби мустамлакачи-ларга қаттиқ боғлиқлик корпорацияга кимматга тушганини кўрса-тиб ўтиш мумкин. Фойдалар олинди, лекин ўн йилдан кўпроқ вақт-дан бери “Microsoft” акцияларининг нархи одатдаги нархда қолиб кетди. Шунингдек, компаниянинг ўзи илгари машҳур бўлган энг малакали ва иқтидорли одамларни топа олиш ҳамда уларни жалб қилиш қобилиятини йўқотди. Корпорациялар тузокка тушмаслик-лари учун бизнес портфолиони мувозанатлашлари талаб этилади. Ана шундагина нафакат уммондаги рақобатчилар билан кураша-дилар, балки мовий уммонларни ҳам яратадилар. Бу ўз брендлари-нинг кийматини янгилаш, кенгайтириш ва шакллантиришга ёрдам бериши кундай равshan.

Ушбу китобда таклиф қилинган мовий уммон стратегияси-нинг саккизта принципи ўз бизнесининг ривожланиши ҳақида ўй-лаётган ҳар қандай компания учун (агар у тобора гавжум бўладиган бизнес оламида етакчи бўлишни хоҳламаса) муҳим ёритгич бўлиши аник.

Албатта, биз компаниялар дарҳол рақобатдан воз кечиши-лари керак ёки рақобат тўсатдан тўхтайди, деб айтишдан йироқмиз. Аксинча, рақобат кучаяди, у бозор ҳақиқатининг энг муҳим омили бўйиб қолаверади.

Динамик КММ харитаси шуни аниқ кўрсат-моқдаки, алвон ва мовий уммонларнинг стратегиялари бир-бирини уйғун равишда тўлдиради, чунки уларнинг ҳар бири ўзининг муҳим мақсадига хизмат қиласди.

Мовий ва алвон уммонлар доимо ёнма-ён яшаб келганлиги учун ҳам компаниялардан иккала уммонларда муваффақият қозо-ниш ва уларнинг ҳар бирига мос келадиган стратегияларни тўғри

тандай билиш талаб қилинади. Компанияларнинг аксарияти уммонларнинг рақобати билан аллақачон танишган бўлади, шунинг учун улар рақобатнинг шафқатсиз доирасидан қандай чиқиб кетишни ўрганишлари керак.

Эслатиб ўтмоқчимизки, қўлингиздаги ушбу китоб мовий уммон стратегиясини яратиш ва амалга ошириш алвон сувлардаги рақобат каби аниқ кўринишга эга бўлган тарозиларни мувозанатлаш учун ёзилган.

11-БОБ

АЛВОН УММОН ТУЗОҚЛАРИ: УЛАРДАН ҚАНДАЙ ҚҰТУЛИШ МҮМКИН?!

Ушбу китобнинг биринчи нашрида сиз билан мовий уммон стратегиясining аслида нима эканлиги, унинг моҳияти ҳакида гаплашгандик. Шунингдек, савдо соҳасида жуда муҳим бўлган янги бозор маконини яратиш учун таклиф килинган модел ва таҳлилий воситалар: стратегик асос, тўртта харакат модели, олти йўл модели ва бошқалар ҳакида ҳам фикрлашгандик. Китобнинг иккинчи нашри оркали биз мовий уммон стратегияси бўйича ўз нутказ назаримизни аник ифода эта олган ҳамда ушбу китобни ўқиганларга ўз фикр ва тажрибаларимизни батағсил етказган бўлсак, бундан хурсандмиз. Бирок йиллар давомида ўз қарашларимиз ҳар доим ҳам тўғри бўлавермаслигини аниқладик. Инсонлар ўтмишдаги хатолар, ҳаёт тажрибаси ёки ўзлаштирилган билимларидан келиб чикадиган турлича фикрлаш шакллари замирида мовий уммон стратегиясини эски тушунчалар призмаси оркали талқин килишади. Улар шу тарика алвон уммон тузоғига тушиб колғанларини сезмайдилар ҳам. Шу ўринда мовий уммонни яратишга ҳалакит берадиган ва компанияни кизил сувларда ушлаб турадиган кенг таркалган ўнта тузоқларни санаб ўтсак айни муддао бўлар.

Билиб олингки, ушбу тузоқларни билиш жуда муҳим, чунки

улар компания фаолиятига салбий таъсир күрсатиши аниқ. Агар ушбу хатолардан бири компаниянгизда күрингудек бўлсаса, зудлик билан уни тузатишга киришинг. Мовий уммонни очиш учун сизга тўғри муносабат керак ҳамда муваффакият учун истиқбол мухимлигини ҳам ёддан чиқарманг. Эски муносабат сиз ўйлаганингиздан кўпроқ нарсани талаб қиласди. Шунинг учун ушбу нашримизни алвон уммоннинг кенг тарқалган ўнта тузоқлари рўйхати билан тугатамиз (булар компанияни алвон сувларда ушлаб турадиган ва унинг кўкка тушишига йўл қўймайдиган тузоқлар). Мовий уммон стратегиясининг усуллари ҳамда воситаларидан максимал даражада фойдаланишингиз учун уларни тўғри қўллашга bogliq bўlgan тушунчаларни яхши идрок килишингиз керак.

Биринчи рақамли тузоқ: мовий уммон стратегияси харидорларга йўналтирилган ва бу мижозга эргашишдан иборат. Мовий уммон учун стратегияни ишлаб чиқкан ҳар бир компания мавжуд мижозларни кўриб чиқаётганда эмас, балки мижоз бўлмаганларни ўрганаётганда бозор чегараларини ўзgartиришнинг кутилмаган усулларини излаб топади. Агар компанияда мовий уммон стратегияси мижозга эргашиш орқали яратилади, деган нотўғри тушунча бўлса, унинг ходимлари барча кучларини автоматик равишда аввалгидек (яъни алвон умонда бўлганидек), соддароқ айтганда, мавжуд мижозлар билан ишлаш ва уларни баҳтли қилишга сарфлайдилар. Албатта, ушбу позиция мавжуд мижозларга қиймат кўшиш усулларини топишга ёрдам беради, аммо бундай ҳаракатлар билан янги талабни асло яратиб бўлмайди. Компания янги талабни яратиш учун мижоз бўлмаганларга мурожаат қилиши ва уларнинг нима учун ушбу соҳа таклифларидан фойдаланишини хоҳламаётганини ўрганиши керак. Харидор бўлмаганлар ушбу соҳанинг ҳажми чеклайдиган ҳамда унинг кенгайишига тўсқинлик қиласди.

камчиликлар ва омилларни аниқ айтиб бера олишади. Шунинг учун янги талабларни яратиш, мижоз бўлмаган учта даражани ўрганиш ва билиш мовий уммон стратегиясининг энг муҳим элементлари хисобланади. Компаниялар асосан мавжуд мижозларга эътибор қартишгани учун деярли бир хил қадамларни қўйишади, гарчи улар мовий уммонга киришни хоҳлашса-да, барибир саёзликда қолиб кетишади.

Иккинчи рақамли түзөк: мовий уммонни яратиш учун асосий фаолият доирасидан ташқарига чиқши керак деган ишонч. Айрим компаниялар алвон уммондан чиқиб мовий сувларга кириш учун ўзлаштирилган фаолият доирасидан ташқарига чиқиш керак, деган нотўғри фикрда юрадилар. Албатта, бундай фикрлаш мутлақо хатодир. Тўғри, баъзи компаниялар ўз тармоғидан чиқиб бошқасига ўтиши мүмкін. Хусусан, “Apple” сўнгги йилларда компьютер ишлаб чиқарувчисидан майший техника ва мультимедия гигантига айланиб мисли кўрилмаган ютукларни кўлга киритди. Аммо бундай “кўчиб ўтишлар” доим омадли кечавермайди.

Мовий уммонларни компаниянинг аллақачон фаолияти бошланган ҳудудида ҳам очиш учун мүмкін. Келинг, ортга қайтиб муваффақиятга эришган компанияларнинг фаолиятига бир курс назар ташлайлик. “Casella Wines” “yellow tail” (виночилик) билан, “Apple” “iMac” билан ва ҳатто Нью-Йорк полиция бошқармаси Брэттоннинг хоҳиши-иродаси билан мовий уммонга қадам ташлагани ва бунда ўзидаги фаолиятни тарқ этмаганини кўрамиз. Ҳа, ушбу компанияларнинг барча янги маҳсулотлари алвон уммонларнинг қалбидаги пайдо бўлди. Аникланишича, янги бозор узок сувларда бўлиши шарт эмас. Қайси соҳада ишлашингиздан қатъи назар ҳар бир жойда ўзининг мовий уммони борлигини унутманг. Асосийси

масала буни амалга оширишингиздир. Агар компаниялар мовий уммонни яратиши учун ўз фаолият доирасидан ташқарига чиқишига мажбур бўлади деб ўйлашса, унда улар алвон уммон чегараларини тарқ этишдан кўркишади ёки жуда узокқа қарашиди. Бу билан ўзларидан узок бўлган худудларни, билимларни, кўникмаларни ва ваколатларни танлаган бўлишади. Бундай шароитда муваффакиятга эришиш жуда қийин ва муваффакиятсизлик яна алвон уммон томон тортиб кетади.

Учинчи рақамли түзок: мовий уммон стратегияси чиндан ҳам янги технологиялар билан чамбарчас боғлиқдир. Шуни билингки, мовий уммонга кириш стратегияси ҳар доим ҳам техник инновациялар билан боғлиқ эмас. “Comic Relief”, “yellow tail”, “JCDecaux” ёки “Starbucks”ларнинг фаолиятини эслай оласизми? Уларнинг барчаси мовий уммонга сўнгги технологияларсиз чиқиб боришиди. Ҳатто технологияни тарқатиб бўлмайдиган жойларда ҳам (“Salesforce.com”, “Quicken”, “Intuit”, “iPhone”лар назарда тутилмоқда) харидорлар мовий уммондаги сўнгги технологияларни эмас, балки таклиф қилинаётган маҳсулот ёки хизматни яхши кўришиди. Ушбу маҳсулотлар ва хизматлар шунчалик содда, улардан фойдаланиш осон, ёкимли ва фойдалидирки, мижозлар уларга ошик бўлишди. Демак, фақат технологиягина ҳамма нарсани ҳал қила олади, дейиш хатодир. Сиз мовий уммонни технологиялар билан ҳам ёки уларсиз ҳам яратишиңгиз мүмкін. Аммо агар бу жараён юқори технологияларга тегишли бўлса, улар қиймат билан боғлиқ бўлиши кераклигини англаб еting. Ўзингизга менинг маҳсулотим юқори даражадали хизматни таъминлайдими, содда ва ундан фойдаланиш осон, кулайми ҳамда у экологик тозами, деган саволларни беринг. Агар буларга ижобий жавоб беролмасангиз, унда ҳатто энг янги технологиялар ҳам тижорат имкониятларининг

11-боб. Алвон уммон тузоқлари: улардан қандай құтулиш мүмкін?!

мовий уммонини очолмайды. Технологик янгилик эмас, балки қиймат инновацияси компания учун жозибадор янги бозорларни очади. Агар компания мовий уммон стратегияси, албатта, янги технологияларға таяниши керак деган янглиш фикрда бўлса, янги бозор майдонларини очиш учун ҳаддан ташқари мураккаб бўлган маҳсулотлар ёки хизматларни қабул қиласи.

Тўртингчи рақамли тузоқ: мовий уммонни яратиш учун бозорда биринчи бўлиши керак деган ишонч. Мовий уммон стратегиясининг бозор раҳбарияти билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сиз биринчи навбатда инновацияни қиймат билан қандай боғлаш кераклигини ўйлаб топишингиз керак. Яна “Apple”ни олайлик. Унинг “iMac” и биринчи шахсий компьютери эмасди. “iPod” биринчи MP3 плеер, “iTunes” илк рақамли мусиқа дўкони, “iPhone” биринчи смартфон ёки “iPad” ҳам компаниянинг биринчи планшети эмас эди.

Бироқ муҳими шу эдикни, ушбу маҳсулотларнинг барчаси инновацияларни қиймат билан муваффакиятли боғлади. Агар компания мовий уммон стратегиясini амалга ошириш учун бозорда биринчи бўлиш керак, деб нотўғри тушунган бўлса, демак, у ҳолда фойдаси йўқ устуворликларга эга. Бундай ҳолда тезлик қийматдан устундир. Инкор этмаймиз: тезлик муҳим, лекин шунинг ўзи билан гина мовий уммонни очиб бўлмайди. Бозорга инновацион қийматга мансуб бўлган таклифларсиз киришга интилган компанияларнинг сони кўп¹.

Компания ушбу тузоққа тушмаслик учун тезлик муҳим бўлса-да, инновацияни қиймат билан боғлаб туриши жуда муҳимдир. Билингки, қийматнинг янгиликларига эришилмагунча киши тинчланмайди.

11-боб. Алвон уммон түзөкләри: улардан қандай құтулиш мүмкін?!

Бешинчи рақамлы түзөк: мовий уммон стратегияси, табақалаш стратегияси билан бир хиллигига иионч. Анъанавий рақобатбардош стратегия доирасыда компания учун харажатларни күпайтириш ва мижозлар учун нархларни ошириш пайтида эңг юкори қийматни таклиф килиш орқали табақалаштиришга эришилади. Маълум бир бозор таркибидаги қиймат ёки харажатларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатадиган стратегик танловга *табақалаш* дейилади. Мовий уммон стратегияси, бир сўз билан айтганда, белгиланган қоидаларга амал қилишдан бош тортиш ва янги бозор майдонини очиш истаги эканини билиб олдик. Мовий уммонда сиз табақаланишни ҳам, харажатларни камайтиришни ҳам ҳисобга оласиз.

Ўйлаб кўринг-чи, “Casella Wines” томонидан ишлаб чиқарилган “yellow tail” ичимлиги ёки “Comic Relief” томонидан ихтиро килинган “Кизил бурунлар куни” уларга бошка одамларнинг профилларидан фарқли бўлган стратегик профил яратишга ёрдам берди дейиш мумкинми?

Албатта, ха. Унда харажатлар ҳақида нима дейиш мумкин? Бу ерда харажатларнинг сезиларли даражада камайганини айта оламиз. Шуни билингки, мовий уммон стратегияси иккиланиш эмас, балки олға давом этишдир. Агар компания мовий уммон стратегиясини фарқлаш стратегияси билан бир хил деган хато ўйда бўлса, у мовий уммон стратегиясининг икки томонли эътиборини йўқотиши мумкин. Ва окибатда бунинг ўрнига умумий фондан ажralиб туриш учун яна нимани тарғиб қилиш ва яратиш ҳақида ўйлашни бошлайди. Энг ачинарлиси, бундай компания реклама билан бир вактнинг ўзида харажатларни камайтириш учун нималарнинг кискартирилиши ёки умуман бекор қилиниши мумкинлигига ахамият бермайди. Натижада компания муқаррар равищда кучли рақобатдош мавқега ёки мавжуд соҳада машхурликка эрипса-да, аммо

рақобат аҳамиятсиз бўлиб қоладиган қиймат инновацияларини яратада олмайди.

Олтинчи рақамли тузоқ: мовий уммон стратегияси кам харажат ва нарх пасайишига асосланган деган ишонч. Шубҳа-сиз, ушбу тузоқ бешинчи тузокнинг бурилиш томонидир. Бундай тушунчалар тез-тез кузатилади. Шуни алоҳида ёдда сақлангки, мовий уммон стратегияси бозор чегаралари ўзгариши сабабли табақаштиришга ва харажатларни камайтиришга қаратилган бўлади. Қолаверса, харажатларни қисқартириш ўрнига харидор учун арzon нархларда қийматнинг кескин ошишини ҳам англатади. Булардан ташқари мовий уммон стратегиясини амалга оширишда максадли аудиторияни кам харажатлар орқали паст нархлар эмас, балки стратегик нархлар жалб қилган. Бу ерда эътиборга молик жиҳат айни бир соҳадаги рақобатчиларнинг нархларини кузатиб бориш эмас, балки уларнинг нархларини ҳозирги вақтда соҳангизнинг мижозла-ри бўлмаганлар томонидан ишлатиладиган, алмаштириладиган маҳсулотлар ва муқобил товарлар ёки хизматларнинг нархларига ўрнатиш масаласидир.

Албатта, стратегик нархлаш мовий уммон бозорнинг энг арzon сегментида яратилиши керак дегани эмас. Сиз буни “Cirque du Soleil”, “Starbucks” ёки “Dyson” сингари құммат сегментда ҳам, “Southwest Airlines” ёки “Swatch” каби энг арzon нархларда ҳам, икка нархнинг ўртасида ҳам очишингиз мүмкін. Мовий уммон энг арzon сегментда яратилган бўлса ҳам (ўз навбатида, йўловчилар ташиш ва соат ишлаб чиқариш соҳасида энг паст нархлар, харажатларни таклиф этадиган “Southwest Airlines” ва “Swatch” каби), ушбу компаниялар хақида ўйлаётганингизда ёдингизга биринчи келгани паст нархлар бўладими? Шу ҳақда ўйлаб кўринг. Аксарият одамлар ва, эҳтимол, сиз ҳам бутунлай бошқа нарсани хаёл қылсангиз керак.

11-боб. Алвон уммон түзөкләри: улардан қандай құтулиш мүмкін?!

Эң қизиғи, компаниялар харидорларнинг нүктәи назаридан аник ажралиб туришади. “Southwest Airlines” ўз мижозларига самимийлиги, саёхат тезлиги ва самолётда гүё автоулов билан саёхат қилиш имкониятини яратгани билан машхур. “Swatch” – замонавий ва қизиқарлы ажайиб күренишлар орқали соатни дизайнер аксессуарига айлантира олди. Олиб борилган сўровномалардан маълум бўлишича, ҳатто бозорнинг энг арzon сегментида ишлаётган бўлса ҳам, “Southwest Airlines” ва “Swatch” компаниялари бошқалардан умумий фонда ажралиб турган ҳолда харажатларни камайтирган компаниялар имижига эга.

Агар компания ушбу принципни тушунмаса ва мовий уммон стратегиясини, аввало, паст харажатлар ва паст нархлар деб нотўғри тушунса, у саноатда муқаррар равишда энг паст нархларни таклиф қилиш учун барча кучини нотўғри сарфлайди. Энг ёмони, компания бундай вактларда фарқлаш учун нима ишлаб чиқилиши ва яратилиши кераклигини сезмайди.

Еттинчи рақами тузоқ: мовий уммон стратегияси янгилик билан бир хил эканлигига ишониш. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мовий уммон стратегиясини бундай янгилик билан тенглаштириб бўлмайди. Инновация қийматнинг кескин ўсишини таъминлай оладими ёки харидорларни жалб қила оладими, йўқми, бундан катъи назар, ўзига хос ва фойдали ғояга асосланган жуда кенг тушунча ҳисобланади. “Motorola” компаниясининг “Iridium” лойихасини олинг. Ушбу ривожланишни инновация деб ҳисоблаш мумкинми? Албатта. Негаки бу илк сунъий йўлдош телефони ва жуда муҳим алоқа воситаси саналарди. Аммо қийматнинг янгилиги мавжуд эдими? Афсуски, йўқ. Мазкур компания ўрганиши керак бўлганидек технологиянинг кашф этилиши харидорларнинг максадли массасини жалб килган ҳолда қийматнинг кескин ўсишини англат-

майды. “Iridium” дунёning исталган нұқтасидан ҳатто Гоби чүлигача бўлган алоқани таъминлайдиган фойдали техник янгилик бўлсада, аммо автомобиллар ва бинолар ичидаги ишламади. Йирик халқаро корпорациялар раҳбарлари ўзларининг кўп вактларини айнан автомобил ёки катта биноларда ўтказишини ҳисобга олсак, улар учун бундай телефон фойдасиз бўлди. Содда қилиб айтганда, компания мақсадли харидорлар, яъни йирик компанияларнинг топ менежерлари учун маҳсулот қийматини кескин ошира олмади. Ҳа, техник янгиликларни жорий этишга уринганларнинг кўплари мовий уммонни кўлга кирита олмадилар, чунки улар технологик инновацияларни қиймат инновацияси – мовий уммон стратегиясининг пойдевори билан адаштириб кўйдилар. Шунчак инновация асосида ўзига хос ва фойдали нарсаларни яратиш кифоя қилмайди ва бундай компания ҳаттоки тадқикот муваллифлари Нобел мукофотига сазовор бўлишса ҳам, мовий уммонни очолмайди. Жозибадор мовий уммонни яратиш учун компанияга тафовут ва харажатларни камайтириш орқали қиймат, фойда ва инсон омили таклифини бирлаштирган стратегия керак бўлади. Мабодо компания қиймат инновацияларини шундай инновациялардан ажрата олмаса, алвон уммонлардан нарига ўта олмайди, керак бўлса, шу ерда ёлғиз қолиб кетади.

Саккизинчи тузоқ: мовий уммон стратегияси маркетинг назарияси ва туб стратегияси билан бир хил эканлигига ишониш. Албатта, алвон уммондан чиқишига ҳаракат қилаётган компаниялар мовий уммон стратегиясининг моделлари ва воситаларидан турли маркетинг муаммоларини таҳлил қилиш ва ҳал қилишда фойдаланишлари мүмкін. Мовий уммондаги қиймат таклифини яратиш билан боғлиқ масалалар мұхим аҳамиятта әгадир (бундай масалалар китобнинг биринчи бобида мұхокама қилинган).

Лекин мовий уммон стратегияси учун жозибадор нарх таклифининг ўзи етарли эмас. Юқорида айтиб ўтганимиздек, узлуксиз, бардавом муваффақиятларга компаниянинг қиймат таклифи уни амалга оширишда иштирок этадиган асосий ички ва ташқи иштирокчилар томонидан кўллаб-қувватланганда эришиш мумкин. Бунда кучли қиймат таклифи ҳам талаб қилинади. Хуллас, мовий уммон стратегияси ва маркетинг назарияси ўртасидаги тенглик ташкилий муаммоларни енгиб ўтишга, манфаатдор томонларнинг ишончини ва садоқатини қозонишга ҳамда етарли мотивация тизимини яратишга ёрдам берадиган ишончли, юқори самарали стратегияни шакллантириш учун зарур бўлган яқинлик ва тизимли ёндашувнинг йўқлигидан далолат беради.

Мовий уммон стратегиясини нотўғри талқин қилиш кўп ҳолларда учта стратегик таклиф – қадриятлар, имтиёзлар ва инсон капиталининг етишмовчилигига олиб келади.

Мовий уммон стратегиясини туб стратегияси билан аралаштириб юбормаслигингиз лозим. Борди-ю маркетингни олиб боришида бозорни кичик сегментларга бўлиш уларни самарали бошқариш учун муҳим шартлардан бири деб ҳисобланса, у холда мовий уммон стратегияси умуман бошқача кўринишда ишлайди. Бу ҳолат, тушунарли килиб айтганда, харидорларнинг турли гурухлари ўртасида умумий фазилатларни излаш натижасида бозорни ажратишни, - ушбу аудитория орасида энг юқори талабни таъминловчи хусусиятлардан қандай фойдаланиш кераклигини англатади. Агар менежер мовий уммон стратегиясини туб стратегияси билан адаштиrsa, у харидорларнинг турли гурухларига таккосланадиган ўжашшликларни излаш ва янги мовий уммонни кашф қилиш ўрнига мавжуд саноатнинг мижозлари ўртасидаги тафовутларни топиш хавфига дуч келади.

11-боб. Алвон уммон тузоқлари: улардан қандай құтулиш мүмкін?

Тұққизинчи рақамли тузоқ: рақобат мовий уммон стратегиясида ёмон эканлигига ишониши, гарчи бу компания учун жуда яхши бўлса ҳам. Шуни билингки, мовий уммон стратегиясида рақобатни тарқ этиш керак фикри илгари сурисла-да, лекин бу билан унга (рақобатга) салбий муносабатда бўлинмайди. Шунчаки, анъанавий иқтисодий карашлардан фарқли ўлароқ мовий уммон назарияси ракобатни аниқ манфаатлар деб хисобламайди. Илгарилари иқтисодчилар рақобат бўлмаса, ишлаб чиқарувчи маҳсулот ёки хизматни яхшилаш учун ҳеч қандай сабабга эга бўла олишмайди деб таъкидлашарди. Рақобатнинг бўлгани яхши, албатта, лекин бу фақат маълум бир чегарагача бўлсагина дурустдир. Таъминот даражаси талабдан ошиб кетадиган бўлса (бу турли соҳаларда тобора кўпроқ содир бўлганда), шиддатли рақобат компаниянинг даромадлари ўсиши ва ҳажмига салбий таъсир қиласади. Негаки бундай пайтда кўплаб ишлаб чиқарувчилар бир хил турдаги мижозлар пулини йиғишга киришадилар. Натижада нархлар босими бошланади, рентабеллик пасаяди, ўсиш секинлашади. Масалан, бир тасаввур килиб кўрайлик: агар компания пирогнинг кўпроқ кисмини тортиб олишга ҳаракат қиласа-ю, лекин пирогнинг ҳажмини катталаштиришга ёки янгисини пиширишга ҳаракат қиласа, бундай рақобат муқаррар равишда салбий иқтисодий оқибатларга олиб келади.

Шу боисдан мовий уммон стратегиясига кўра, компания рақобатчилар билан курашда чекланмаслиги ҳамда ортиқча тўйинган соҳада маҳсулот ёки хизматни яхшилашга уриниши керак. Компания янги бозорларни очиши ва ракобатчилардан ҳоли қолиши учун киймат янгиликларини излаши тўғри йўлдир. Инкор этмаймиз: мавжуд бозорлардаги рақобатчилар билан қандай курашишни билиш жуда мухим, аммо мовий уммон стратегияси саноат сизга қандай таъсир киласа, саноат чегараларини қандай ўзgartириш ва янги

бозор маконини яратиш кераклигини таъкидлайди, ўргатади, уктиради.

Ўнинчи рақамли тузоқ: мовий уммон стратегияси ижодий ҳалокат билан бир хил. Айрим инновациялар аввалги технологияларни, маҳсулотларни ёки хизматларни четга суреб мавжуд бозорни бузганда пайтда ижодий ҳалокат юз бериши шубҳасизdir. “Четга суреш” сўзига алоҳида эътибор беринг: четга чикмасдан ҳеч қандай ҳалокат бўлмайди. Келинг, фотография соҳасидаги мисолга мурожаат қиласлик. Рақамли технологияларнинг ривожланиши кино бозорини бузди, чунки рақамли камералар кино камераларидан кўра сифатли, қулай эди ва уларнинг ўрнини эгаллай олди. Бугунги кунда рақамли фотография мъёрий ҳолатда ва фотоплёнка нисбатан кам ишлатилади. Айтиш керакки, четга суреш ғояси, асосан, Шумпетернинг ижодий ҳалокати тушунчасига мос келади. Унда эскилар доимий равишда четга сурилади ёки янгиси билан алмаштирилади. Аммо мовий уммон стратегияси ҳалокатни англатмайди, аксинча, у кенг қамровли тушунча бўлиб, ижодий ҳалокат чегарасидан ташкарига чиқади. Мовий уммон стратегиясига вайронагарчиликсиз яратилиш хосдир (аслида, у четга чикмасдан яратишга қаратилган эканлиги маълум).

Яна бир мисолни ҳаёт лаззатини тараннум етувчи дорилар ичидан ўз мовий уммонини кашф эта олган “Виагра” тимсолида кўриб чиқсан.

Айтинг-чи, ушбу дори мавжуд технологиялар, маҳсулотлар ёки хизматларни ташлаб саноатни четга чиқардими?

Йўқ, албатта. Уни мазкур дорини яратган компания ўз мовий уммонини вайронагарчиликларсиз ҳолда очди. Мовий уммон стратегияси бозорнинг чегараларини ўзгартиради ва мавжуд саноат ичida ҳамда ундан ташкарида янги бозор маконини яратади.

11-боб. Алвон уммон тузоқлари: улардан қандай құтулиши мүмкін?!

“Виагра” ҳолатида бўлганидек мавжуд саноат чегараларидан ташқарида янги бўшлик пайдо бўлса, вайронагарчиликсиз яратиш тарзи юзага келади. Мавжуд саноат доирасида янги бозор макони пайдо бўлса (дейлик, мавжуд вазиятни бузадиган янгилик вужудга келса), янги маҳсулот аввалгиларининг ўрнини эгаллаб олади. Аммо саноатнинг чегаралари ўзгарса-да, баъзи ҳолларда мовий уммон стратегияси вайронагарчиликсиз барпо этишга имкон беради. Худди шу ҳолатда “Nintendo” компаниясининг “Wii” ўйин консоли видео ўйин саноатида мовий уммонни яратди. Бунда ижодий бузишнинг элементлари бўлиши мүмкін эди, аммо бир вақтнинг ўзида очилган оиласвий видео ўйинларнинг янги бозор майдонини вайрон қилмасдан яратилишнинг кучли зарядини ўз зиммасига олди. Натижада мавжуд тузилмани майдалашдан кўра ўйинларни бозорда ривожлантиришга турткі берилди.

Мовий уммон стратегияси ўз муваффақиятини қайси омиллар таъсирида вайрон қилмасдан яратади?

Бунда, алоҳида таъкидлашимиз керакки, мовий уммон стратегияси соҳадаги муаммоларни янада қулай ёки фойдали ечимини топишга интилмаслиги долзарб масаладир, чунки уларнинг бундай ёндашуви мавжуд маҳсулотлар ва хизматларни йўқ қилиш ҳамда алмаштиришга олиб келиши мүмкін. Бу вазифани ислоҳ қилиш, мавжуд маҳсулот ҳамда хизматларни алмаштириш ўрнига, янги талаб ёки таклифни яратишдан иборат. Айни шу ерда олтита йўналишли модел мухим рол ўйнайди, чунки ушбу моделлар соҳадаги муаммоларни мунтазам равишда кўриб чиқишга ва янги бозор майдонларини очишга имкон беради.

Китобда илгари сурилган гоялар ва усууллардан фойдаланиш учун нафакат мовий уммон стратегиясининг нимадан иборатлигини, балки алвон уммонларнинг тузоқлари ўсиб чиқадиган нотўғри эътиқодларни ҳам тушунмоғингиз керак. Ушбу тузоқлар онгга яна-

11-боб. Алвон уммон тузоқлари: улардан қандай құтулиш мүмкін?!

да кучли таъсир қиладими ёки кучсизми, фарқи йўқ, сиз уларнинг барчасини билишингиз шарт (албатта, мовий уммон стратегиясининг стратегик воситалари ва техникасидан фойдаланмоқчи бўлсангиз ва улар яратилган мақсадларга эришмоқчи бўлсангиз). Китобнинг янги нашрини қизил уммонларнинг тузоқлари рўйхати билан якунлашга қарор қилганимиздан мақсад ҳам шу. Ушбу билимлар асосий мақсад сари, аниқроқ айтганда, мовий уммон стратегиясини назарий ва амалий текисликка ўтказиш йўлида яна бир қадам ташлашингизга имкон беришига ишончимиз комил.

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-илюса. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

1-ИЛОВА

МОВИЙ УММОНЛАРНИНГ ТАРИХИЙ КЎРИНИШЛАРИ

Биз ушбу масалани хаддан ташқари соддалаштириш ортидан Америкадаги учта саноатнинг тарихи ҳақида кискача маълумот беришни лозим топдик. Тилга олмоқчи бўлганларимиз автомобилсозлик, компьютер саноати ва кинотеатрлар фаолиятидирдир. Бунда янги бозор маконини очган ва муҳим янги талабни яратган асосий маҳсулот ҳам хизмат таклифларига алоҳида эътибор бериш кераклигини ҳисобга олинг. Кузатишлар ушбу соҳаларнинг шаклланиш даврини 2005-йилгача қамраб олади ва қамрови кенг ёки мазмун жиҳатидан кенг қамровли деб даъво қилмайди. Тадкиқотдан кўзда тутилган мақсад мовий уммоннинг асосий таклифларида мавжуд бўлган умумий стратегик элементларни аниқлаш ҳисобланади. Айнан Америка саноатларини танланлашимизнинг сабабини эса кузатишларимиз давомида уларнинг энг катта ва энг кам бошқариладиган эркин бозорларни намойиш эта олишгани билан изоҳлаймиз.

Ушбу кузатишлар мовий уммонлар пайдо бўлиши йўлидаги тарихий нақшнинг қисқагина кўриниши бўлишига қарамасдан ҳар уч вакиллик тармоқларида ҳам бир нечта характерли нақшлар ажралиб туради.

1-илова. Мовий үммөнларнинг тарихий кўринишлари

- Ҳеч қандай мукаммал саноат йўқ. Тадқиқот давомида барча соҳаларнинг жозибадорлиги ошди ёки пасайди.
 - Мукаммал компанияларнинг ўзи йўқ. Саноат сингари компаниилар ҳам ўзларининг юксалиш ва пасайишларига эга бўлиши аниқ (демак, дастлабки иккита хулоса барқарор компаниялар ва соҳалар мавжуд эмаслигидан далолат беради).
 - Мовий уммонни яратиш йўлидаги стратегик қадам саноат ёки компаниянинг кучли даромадли ўсишга олиб боришини белгиловчи асосий омилдир. Мовий уммонни яратиш саноатнинг ўсиш ѹйлига кириш ва даромадни ошириш учун асосий катализатор ҳисобланади. Эътибор қаратиш керакки, бу даромадли ўсишни ёки унинг пасайишини, бошқа компанияни етакчилек ролига ўтказиб янги мовий уммонни яратища компаниянинг асосий ҳал қилувчи омилдир.
 - Мовий уммонлар тажрибали компаниялар ва саноат наваторлари томонидан яратилган ва бу шунчаки эски фойдаланувчиларга нисбатан табиий устунликка эга эканлигига шубҳа туғдиради. Шунингдек, тажрибали компаниялар томонидан яратилган мовий уммонлар асосий фаолият доирасига киради. Амалиётдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, мавжуд мовий уммонларнинг аксарияти алвон уммонлар чегараларидан ташқарида эмас, балки ичкаридан яратилган. Онгли равишда ёвузликдан қутулиш ёки ташкил этилган компанияларни ижодий равишда йўқ қилиш қўрқуви биринчи даражали муболаға бўлди¹. Мовий уммонлар янги даромадларни яратди ва янги бошловчи ёки тажрибали бўлишидан қатъи назар уларни очган ҳар бир компаниянинг ўсишига ҳисса қўшди.

1-илова. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишилари

- Мовий уммонларнинг яратилиши ҳар доим ҳам технологик янгиликларга олиб келмайди. Баъзида илғор технологиялар қўлланилган бўлса ҳам, бу, кўпинча, мовий уммоннинг ўзига хос хусусияти эмас эди. Ушбу фикрни ҳатто тадқиқотчилар компьютер технологиялари каби илғор технологиялар билан ишлайдиган соҳаларнинг эътиборига тушганини ҳисобга олсан ҳам, хато ҳисобланмайди. Мовий уммонларнинг асосий хусусияти қийматнинг янгилигидир.
- Мовий уммонларнинг яратилиши нафақат кучли ўсишга ва даромадларни кўпайтиришга ёрдам беради, балки ушбу стратегик қадам компаниянинг мавжуд брендини мижозлар онгига бирлаштиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Келинг, юкорида айтилганларнинг асосли эканлигини учта вакиллик саноати мисолида кўриб чиқайлик. Мсиолларни автосанаат соҳасидан бошлай қолайлик.

Автомобилсозлик

Маълумки, Американинг автомобилсозлик саноати 1893-йилда ака-ука Дуреаларнинг АҚШда битта силиндрли двигателни ишлаб чиқаришни бошлаганида пайдо бўлди. Ўша кезларда мамлакатнинг асосий транспорт воситаси от ва арава эди. Машина пайдо бўлганидан кўп ўтмай Америкадаги юзлаб ишлаб чиқарувчилар автомобилларни буюртма асосида яратишни бошладилар.

Ўша пайтларда ишлаб чиқарилган автоуловларга ҳашаматли безаклар сифатида ҳам қараашган. Ҳатто бир моделнинг орқа ўринидигига электр бигудининг ўрнатилганлиги сўзимизнинг исбо-

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-илюса. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

тидир. Шу давр автомобиллари сифат томондан ишончсиз ва қиммат нархда эди (хар бир машина таҳминан 1500 доллар атрофида бўлиб, бу ўртача оиланинг йиллик даромадидан икки баравар кўп бўлган). Энг қизиғи, машиналар учналик машҳур бўлмаган. Мухолифат фаоллари транспорт йўлларига зарар етказар, машиналар атрофига тиканли симларни ўраб қўйишарди. Ҳатто аҳолини машиналардан фойдаланган бизнесмен ва сиёсатчиларга карши бойкот килишга ундашардилар. Автомобил транспорти туфайли юзага келган оммавий норозилик шу қадар кучли эканлигидан ҳатто бўлғуси президент Вудро Вильсон ҳам “Автоуловидан бошқа қудратли социалистик кайфият тарқатувчи куч йўқ... автомобил бойлар тақаббурлигининг тимсоли”, деган фикларни айтишига тўғри келганди². “Literary Digest” эса “одатий отсиз аравалар (машиналар назарда тутилмоқда) бугунги кунда бойлар учун ҳашаматдир, гарчи келажакда унинг нархи тушиш мумкин бўлса-да, лекин улар хеч қачон велосипед каби кўп тарқалмайди”, деб хисобларди³.

Қисқаси, ушбу саноат илк пайдо бўлган даврида илиқ кутиб олинмаганди ва бошқа соҳаларга нисбатан жозибасиз кўринарди. Аммо Генри Форд бунга рози бўлмади.

“T” Модели

1908-йилда беш юзга яқин корхоналар буюртма асосида янги машиналарни ишлаб чиқараётган бир пайтда Генри Форд ўзининг “T” моделини бозорга чиқарди ва уни “энг яхши материаллардан тайёрланган ҳамда омма учун ишлаб чиқарилган машина” деб атади. Эътиборлиси, ушбу автомобил факат битта рангда (қора) ва битта модификацияда ишлаб чиқарилган эди. Бошқа автомобилларга нисбатан ишончли, бардошли ва таъмирланиши осон ҳамда, энг муҳими, нархининг чўнтакбоплиги сабаб кўплаб америкалик-

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-илюва. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

лар-нинг эътиборини жалб қила олди. 1908-йилда ушбу моделни 850 долларга сотиб олиш мумкин эди. Бу нарх бошқа машиналарга караганда ярим баравар арzon саналарди. 1909-йилда унинг нархи 609, 1924-йилда эса 290-долларгача арzonлашди⁴. Эътибор беринг: ўша дамларда от араванинг нархи яъни 400 долларни ташкил этган. 1909-йилда компания шундай рекламани эълон қилди: “Ford” – юқори сифатли машиналар паст нархларда”.

“Ford” стандартлаштиришнинг юқори даражаси, чекланган миқдордаги варианtlар ва алмаштириладиган қисмлар таклифи туфайли ўз конвеерларини хар бир кичик операцияни тезроқ ва самаралирок бажарадиган оддий ишчиларга алмаштириди. Натижада бир машинани ишлаб чиқариш учун олдингидек йигирма кун эмас, балки тўрт кун кифоя киладиган бўлди ҳамда бу билан иш вакти 60% га кисқартирилди⁵. Компания ички харажатларини пасайтириши ортидан оммавий харидорлар учун қулай нархни белгилашга эришди.

“T” моделини сотиш сони кескин ўсди: “Ford”нинг бозордаги улуши 1908-йилдаги 9 % дан 1921-йилда 61 % гача ўсди: натижада 1923-йилга келиб Американинг аксарият оиласлари ўз автомобилларига эга эдилар⁶. Мазкур модел автомобилсозлик саноатининг хажмини кескин ошириб, улкан мовий уммонни яратди. Ушбу уммон шу қадар катта эдики, “T” модели барча от араваларни четга чиқарди ва АҚШдаги асосий транспорт воситасига айланди.

General Motors

1924-йилга келиб Американинг ўрта даражадаги ахолиси-нинг фаровонлиги сезиларли даражада ўсди ва автомобил уй хўжалигига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Айни йили “General Motors” (“GM”) автомобилсозлик саноатида янги мовий уммонни яратиши

1-илюва. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

керак бўлган автомобил линиясини тақдим этди. Бир рангли моделга эга бўлган “Ford”нинг функционал стратегиясидан фарқли равишда “GM” “ҳар қандай эҳтиёж ва ҳар қандай ҳамён учун машиналар”ни таклиф қилди.

Директорлар кенгаши раиси Алфред Слоан томонидан ишлаб чиқилган стратегия “оммавий синф” бозори деб аталган Америка умум бозорининг ҳиссий хусусиятларига таъсирини ўтказа олди.

“Ford” функционал “от-аравасиз” автомобил концепциясini илгари суришда давом этаётган бир маҳалда “GM” автомобилни кизиқарли, ҳаяжонли, қулай ва замонавий килишга эришди. Мазкур компания ҳар йили турли хил моделлар, ранглар ва услубдаги автомобилларни ишлаб чиқаради. “GM”нинг “Йил модели” эътирофини йўлга киритган навбатдаги автомобили янги талабни яратди. Харидорлар эндиликда машинанинг ташки кўриниши ва қулайлиги учун кўпроқ пул тўлай бошладилар. Одамлар автоуловларни тез-тез ўзгартира бошладилар ва натижада эски автомобиллар бозори пайдо бўлди.

Хуллас, замонавий ва эмоционал равишида баҳоланган “GM” русумли автомашиналарга талаб ортиб бораверди. 1926-йилдан 1950-йилгача АҚШда компания томонидан сотилган автомобилларнинг умумий сони йилига икки миллиондан етти миллионгача ўсади. “GM” эса бозор улушкини 20 фоиздан 50 фоизга ошириди, “Ford”нинг улushi эса 50 фоиздан 20 фоизга тушиб кетди⁸.

Таассуфлар бўлсинки, янги мовий уммон пайдо бўлганидан кейин АҚШ автосаноатининг жадал ўсиши абадий давом эта олмади. “GM”нинг муваффакиятларидан рухланган “Ford” ва “Chrysler” компаниялари қиска фурсатда “GM” томонидан яратилган мовий уммонга туша олишди. Натижада “Катта учлик” ҳар йили янги моделларни чиқариш ва истеъмолчиларнинг ҳар қандай турмуш тарзига мос келадиган ва ҳар қандай эҳтиёжни кондирадиган услубларни

1-илюеа. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

яратиш бўйича умумий стратегияга амал қила бошлаши. “Катта учлик” аъзолари бир-бирларига тақлид қилиш ва стратегияларни нусхалашни тугатиши билан улар ўртасида шиддатли рақобат авж ола бошлади. Ушбу компаниялар биргаликда АҚШ автомобил бозорининг 90% дан ортигини эгаллашган⁹.

Япониянинг тежамкор кичик автомобиллари

Албатта, автомобилсозлик бир жойда тўхтаб қолмади. Ушбу соҳада 70-йилларга келиб японлар янги мовий уммонни яратдилар: Америка автомобилсозлик саноатига янги чакирик ташланди ва кичик, ёнилғи тежайдиган машиналар ишлаб чиқарилди. Японияликлар автомобилсозлик тармоғида ёзилмаган “қанча кўп бўлса, шунча яхши” коидасига риоя қилишмади, хашаматга эътиборни қаратган холда ўз мижозларига бенуқсон, тежамкорлиги юкори бўлган автомобилларни таклиф қилишди.

70-йилларда АҚШда нефт инкирози юзага келди. Бу эса америкаликларнинг “Honda”, “Toyota” ва “Nissan” (ўша пайтда “Datsun” деб номланган) томонидан ишлаб чиқарилган ишончли, тежамкор машиналарни сотиб олишларига сабаб бўлди.

Бир-биридан нусха кўчиришдан нарига ўтмаган “Катта учлик” аъзоларидан хеч бири функционал, ихчам, тежамкор автомобилларни яратишга аҳамият бермади. Улар янги мовий уммонни яратиш ўрнига мусобақанинг кейинги боскичига йўл олишиди, фақат бу сафар японлардан нусха кўчиришга харакат қилинди. Шундан кейингина “Катта учлик” компаниялари янада ихчам ва тежамкор автомобиллар ишлаб чиқаришга катта сармоялар киритишни бошладилар.

Бироқ ўша дамларда “Катта учлик” ҳали ҳам автомобил сав-

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-илюса. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

досининг пасайишини бошдан кечираётган эди. Ачинарлиси шуки, 1980-йилда умумий йўқотишлар тўрт миллиард долларни ташкил этди¹⁰. Бунда, айниқса, “Chrysler” энг кўп азоб чеккан ва факат ҳукумат ёрдами сабаб катта қийинчиликлар билан банкротликдан кутулган эди. Япониялик автомобил ишлаб чиқарувчилар ўз мовий уммонларини шу қадар самарали яратдилар ва ўзлаштириларки, америкалик ҳамкасбларининг ўз ҳукмронлик мавқеини тиклашлари қийин кечди. Дунё автомобилсозлик мутахассислари америкалик-ларнинг ракобатбардошлиги ва узок муддатли ҳаётйлигини шубха остига олдилар.

“Chrysler” минивени

Келинг, 1984-йил воқеаларига назар ташлайлик. “Chrysler” инкиroz арафасида турганига қарамай микроавтобусларнинг чиқарилишига эришид ва шу билан автомобилсозликда янги мовий уммонни яратди. Компания ишлаб чиқарган минивен автомобил ва микроавтобус ўртасидаги чегарани йўқ қилди, натижада янги турдаги автомобил пайдо бўлди. Ушбу автомобиль қариялар, эрхотин ва фарзандлардан иборат бўлган оила учун велосипеди, ити ва бошқа зарур нарсалари сиғиши мумкин бўлган транспорт воситаси бўлиб колди. Минивенни бошқариш юк машинасига караганда осонроқ эди.

Минивен оддий автоуловга караганда анча кенг эди. Тўғри, тан олиш керакки, “Chrysler” ушбу концепцияни ишлаб чиқкан биринчи компания эмас. Минивенларнинг расмлари “Ford” ва “GM” ходимларининг чизилган таҳталарида кўп йиллар давомида осиб қўйилганди. Ўшанда компаниялар шундай машина яратишиша, ўзларининг универсал автомобилларининг сотувини йўққа чиқаришидан хавфсирашган.

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-илюстрация. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

Хуллас, ушбу русумдаги машинанинг биринчи йилдаёқ катта хажмда сотилиши “Chrysler”га “Катта учлик”да ўз мавқейини тиклашга ёрдам берди. Компания уч йил давомида минивенларни сотишдан 1,5 миллиард доллар ишлаб олди¹¹.

Минивенларнинг муваффакияти 90-йилларда пайдо бўлган “Chrysler” мовий уммонининг чегараларини кенгайтирган “SUV” (sport utility vehicle) авж олишига ёрдам берди. Юк автоулови шасиси асосида қурилган ушбу автоуловлар оддий автоуловдан умумий мақсадлар учун мўлжалланган енгил юк машинасига қўйилган навбатдаги қадам эди. Улар, даставвал, ҳар-хил йўлларда хайдаш ва қайиқ тиркамаларини ташиш учун мўлжалланган эди. Бироқ кўп ўтмай оддий автоуловларга ўхшашибги, минивенга нисбатан йўловчилар ва юк жойларининг кўплиги ҳамда тўрт ғилдиракли функциялари билан уйғун ички безаги, чидамлилик ва ишончлилик туфайли ёш оиласидар орасида ҳам машҳур бўлди. 1998-йилга келиб бундай янги енгил автомобиллар (минивенлар, ва пикаплар) савдоси 7,5 миллион донага ўсида ва деярли 8,2 миллион дона шутурдаги автомобиллар сотилишига тўғри келди¹². 2005-йилга келиб янги енгил юк машиналарининг умумий хажми 9,3 миллионга етди. Ушбу ракамлар янги автомобиллар савдосидан (7,7 миллион) анча юқоридир¹³.

Агар АҚШда автомобилсозлик саноатининг тарихи синчковлик билан ўрганилса, мовий уммонларнинг яратилиши даврида “GM”, “Chrysler” ва япониялик ишлаб чиқарувчилар ушбу соҳада етакчи ўринни эгаллашга муваффак бўлганлиги ташланади. Аммо яратилган уммонлар кўп жиҳатдан технологик янгиликларга асосланмаганди. Асосий технология атрофдагилар учун очиқ эди: ҳатто инқилобий “Ford” конвеери гўшт қадоқлаш саноатида аллақачон мавжуд эди¹⁴. Автомобил саноатининг жозибадорлиги мовий уммон билан боғлиқ бўлган стратегик ҳаракатлар туфайли ўсида, туш-

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-илюва. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

ди ва яна ўсди. Ушбу соҳадаги компаниялар даромадларининг ортиши ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин. Фойда ва ўсиш ушбу компаниялар мовий уммонини яратишга муваффақ бўлдими ёки йўқми шунга боғлиқ эди.

Уларнинг деярли барчаси ўзлари яратган мовий уммонлар туфайли узок хотирага арзийдилар. Масалан, “Ford” баъзида жиддий кийинчиликларни бошдан кечирди, аммо юз йил олдин яратилган “T” модели туфайли унинг бренди ҳанузгача маълум.

Компьютер саноати

Суҳбатимизни дунёдаги иш муҳитининг асосий таркибий қисмини таъминлайдиган компьютер саноатини кўриб чиқиши билан давом эттирамиз. Балки кўпчиликка маълум эмасдир: Америка компьютер индустриси 1890-йилда Герман Холлерит АҚШ ахолисини рўйхатга олиш чоғида маълумотларни ёзиш ва тахлил қилиш жараёнини соддалаштириш максадида перфокарта билан ишлайдиган табуляторини яратган пайтда пайдо бўлди. Холлеритнинг ушбу янгилиги – табулятори маълумотларни қайта ишлашни аввалги жараёнларга нисбатан тезроқ якунлашга имкон берди.

Холлерит ахолини рўйхатга олиш ишларини тезда якунлади ва “Tabulating Machine Company” (TMC)га асос солди. У ўз табуляторларини АҚШ ҳамда бошқа мамлакатларнинг давлат идораларига сотди. Ўша пайтнинг бизнес оламида Холлерит табуляторлари учун ҳакиқий бозор йўқ эди. Негаки маълумотлар қалам ва гроссбух ёрдамида ишланган ҳамда улар ўз даври учун содда, арzon ва ишончли хисобланган. Холлерит табулятори жуда тез ва аниқ ишлаган бўлса ҳам, уни ишлатиш жуда кийин ҳамда нархи ҳам анча киммат эди. Қолаверса, доимий техник кўрикни талаб қиласарди. Холлерит патентининг амал қилиш муддати тугаган заҳоти бошқа

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-илюст. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

ракобатчиларга дуч келди. Бундан-да даҳшатлиси АҚШ ҳукуматининг юқори нархлар туфайли “TMC” билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиши бўлди.

Натижада Холлерит учун ўз компаниясини сотищдан бошқа йўйл йўқ эди. Кейинчалик ушбу компания яна иккита компания билан бирлаштирилди ва 1911-йилда уларнинг асосида “Computing Tabulating Recording Company” (“CTR”) пайдо бўлди.

Табулятор

XX асрнинг иккинчи ўн йиллигига ҳам “CTR” табуляторлик бизнеси кичик ва даромадсиз бўлиб қолаверди. Компания вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилди ва илгари “National Cash Register Company”ни бошқарган Томас Уотсонга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Уотсон табуляторларга катта талаб мавжудлигини олдиндан қўра билди, чунки ушбу машиналар ёрдамида компаниялар товар ва бухгалтерия хисобини сезиларли даражада яхшилашлари мумкин эди. Уотсон, қолаверса, қалам ва гроссбухлар билан ишлаган ташкилотлар учун янги технология жуда киммат ва мураккаб эканлигини аллақачон англаб етганди.

Уотсон табуляторнинг афзалликларини қалам ва гроссбухларининг соддалиги, арzonлиги билан бирлаштириб компьютер саноатида стратегик қадам ташлади. Уотсон бошчилигига “CTR” сода модулли табуляторларни ишлаб чиқаришни бошлади. Энг муҳими шундаки, компания ўз хизматларидан фойдаланувчи мижозларни ўқитиши ва қўллаб-кувватлашни таклиф қила бошлади. Харидорлар тезкорлик ва самарадорлик каби ёрликларнинг афзалликларидан фойдаландилар. Енди уларга бузилган машиналарни тузатиш учун усталарни жалб қилишининг ҳожати қолмаганди.

Уотсон кейинчалик табуляторларни ижара асосида тарқа-

1-илюса. Мовий уммонларнинг тарихий күринишилари

тиш йўлларини хам жорий қилди. Ушбу янгилик табулятор бизнеси учун янги нарх моделини яратишга ёрдам берди. Айтиш керакки, мазкур ҳолат компанияларга катта сармояларни жалб қилмаслик ва шу билан бирга бозорда пайдо бўлган энг замонавий моделлардан фойдаланишга имкон берди. Бошка томондан олиб қарасак, бу қадам “CTR”ни мижозларга бир-биридан ишлатилган машиналарни сотиб олиш имкониятини қолдирмасдан кайта-қайта фойда олиш имкониятини очди.

Мазкур янгиликларнинг жорий этилишидан олти йил ўтиб компаниянинг фойдаси уч бараварга ошди¹⁵. “CTR” 1920-йилларнинг ўрталарига келиб Кўшма Штатлардаги табулятор бозорининг 85 % эгалик қилди. Уотсон 1924-йилда компаниянинг ўсиб бораётган ҳалқаро иштирокини акс эттириш учун “CTR” номини “International Business Machines Corporation” ёки кисқача “IBM”га ўзгартирди. Табуляторларнинг мовий уммони очиқ ва аниқ эди.

Электрон компьютер

1952-йилга келиб “Remington Rand” дунёдаги биринчи тижорат электрон рўйхатга олиш идораси компьютери – “UNIVAC”-ни ишлаб чиқди. Ўша йили компания мазкур компьютердан факат уч донагина сотди, холос. Мовий уммонга эришиш у ёқда турсин, у ҳатто қўзга кўринмас бўлиб қолди. Бу орада эса “IBM” асосчиси Уотсон, унинг ўғли кичик Томас Уотсонлар эътиборга молик бўлмаган бозор никоби остида яширинган талабни пайқай олишди. Кичик Уотсон электрон компьютерлар бизнесда муҳим рол ўйнашини тушунди ва “IBM”ни такомиллаштириш ишларини бошлаб юборди.

1953-йилда “IBM” биринчи ўрта хажимдаги бизнес компьютери бўлган “IBM 650”ни ишлаб чиқарди. “IBM” агар компаниялар

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-илюва. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

электрон компьютерлардан фойдаланишни бошласалар, у ҳолда мураккаб машиналарни сотиб олишни истамасликларини, лекин факат ўзлари учун зарур бўлган янги технологияга эса пул сарфлашга тайёр эканликларини англаб етди. Шу боис ўзининг “IBM 650”ни “UNIVAC”га қараганда анча содда ва кам қувватлироқ қилди ҳамда ўз маҳсулотини атиги 200 минг долларга баҳолади. Таккослаш учун айтадиган бўлсақ, “UNIVAC” бир миллион долларга тенг эди. Натижада 1950-йилларнинг охирига келиб “IBM” бизнес компьютерлар бозорининг 85% ни эгаллади. 1952-1959-йиллар орасида унинг даромади қарийб уч баравар кўпайди ҳамда 412 миллион доллардан 1.16 миллиардгacha кўтарилиди¹⁶.

Компаниянинг мовий уммондаги кашфиёти 1964-йилда компания тизимни алмаштириш дастурлари тўпламлари, периферия ускуналари ва хизмат пакетлари билан жиҳозланган биринчи йирик “System/360”ни ишга туширганда янада кучли кўриниш касб этди. Бу “ҳамма учун битта ўлчам” туридаги монолитик мейнфреймдан тўғридан тўғри чиқиб кетиш эди. Ушбу компания 1969-йилдан эътиборан компьютерларни сотиш усулини ўзgartирди. Хизматлар ва дастурний таъминотни таклиф килишдан воз кечилди. “IBM” компьютерларни таркибий қисмларга ажратди ва уларни алоҳида сотишни бошлиди.

Хуллас, дастурний таъминот ва хизматларнинг кўп миллиардлик саноат соҳаси вужудга келди ва “IBM” дунёда компьютер билан боғлиқ хизматларнинг энг йирик таъминотчисига айланди.

Шахсий компьютер

Маълумки, 1960-1970-йилларда компьютер саноати жадал ривожланиб борди. Ушбу соҳада “IBM”, “Digital Equipment Corporation” (DEC), “Sperry” ва бошқа компаниялар бутун дунё бўй-

1-илюва. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

лаб ўз фаолиятларини кенгайтирдилар. Улар ўз маҳсулотларини сифат томонлама яхшиладилар. Бироқ 1978-йилга келиб мазкур компаниялар бизнес учун янада каттароқ ва кучли машиналарни яратишга эътибор беришаётган маҳалда “Apple Computer” ўзининг “Apple II” уй компьютерини ишга туширди ва дунёда янги бозор майдонини яратди.

Таъкидлаш керакки, “Apple” бозорда биринчи шахсий компьютер эмас эди. Унинг яратлишидан икки йил олдин “Micro Instrumentation and Telemetry Systems” (“MITS”) “Altair 8800”ни ишга туширганди. “Altair” компьютер ишқибозлари орасида катта умидга эга эди.

Аммо “MITS” мовий уммонни яратади. Мазкур компаниянинг компьютерларида монитор, доимий хотира, дастурний таъминот, клавиатура йўқ эди, фактгина 256 оператив хотира бор эди, холос. Фойдаланувчилар маълумотни киритиш учун кутининг олд панелидаги алмаштириш тугмачаларини алмаштирсалар, дастур натижалари олд панелда маълум бир тартибда ёниб турадиган лампалар қўринишида намойиш этиларди. Шунинг учун хам у муваффакиятга эришолмади. Ушбу компьютерларнинг хизмати шу кадар содда эдики, ўша йили “Digital Equipment” президенти Кен Олсен: “Уйда одамга компьютер керак эмас”, дейишгача борганди.

“Altair 8800” ишлаб чиқарилганидан икки йил ўтгач, “Apple II” уй компьютерларининг мовий уммонини яратди ҳамда Олсенни ўзи айтган сўзларидан пушаймон бўлишга ва уялишга мажбур қила олди. “Apple II” аслида ўша пайтдаги мавжуд технологиялар ва дизайнга асосланниб, фойдаланиш учун қулай пластик корпус, ўрнатилган клавиатура, кувват манбаи ва график дисплейли қурилмани ишга туширди. Мазкур компьютер модели турли хил дастурний таъминот билан бирга келди. Хусусан, ўйинлардан тортиб бизнес дастурларигача, “Apple Writer” матн мухаррири ва “VisiCalc” электрон

1-илюса. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

жадваллари ушбу компьютерни оммавий истеъмолчига етказиш имконини берди.

Муҳими шуки, “Apple” ўша пайтда компьютерлар ҳақида айтилган умумий фикрларни ўзгартира олди. Компьютер худди автомобил саноатидаги “Т” модели сингари америкаликларнинг ажралмас қисмига айланди. “Apple II” яратилганидан атиги икки йил ўтгач, сотувлар сони йилига 200 мингдан ошди. Унинг акциялари сотила бошланганидан уч йил ўтгач эса компания “Fortune 500” рўйхатига киритилди¹⁷.

1980-йилда йигирмага яқин компания 724 минг дона шахсий компьютерларини сотдилар ва 1,8 миллиард доллардан кўпроқ даромад кўрдилар¹⁸. Кейинги йили бозорда яна йигирмага яқин компания пайдо бўлди ва сотувлар сони икки бараварга ошди. Эътироф этиш лозимки, бунда сотилган компьютерлар 1,4 миллион донага етди ва деярли уч миллиард доллар маблағ келтирди¹⁹.

“IBM” эҳтиёткорлик билан бозор ва технологияни ўрганиб бир неча йилларни кутиш билан ўтказди. Мазкур компания 1982 йилга келиб уй компьютерларининг мовий уммонини сезиларли даражада кенгайтирди. Шунингдек, бошқа компанияларга дастурларни ёзиш ва плагин ускуналарини ишлаб чиқишига имкон берадиган янада очиқ архитектурани тақдим этди. “IBM” дастурий таъминот ва периферик воситаларни яратиши мумкин бўлган стандартлаштирилган операцион тизимни таклиф қилиш орқали нархлар ва харажатларни паст даражада ушлаб туришга ҳамда мижозларга катта қийматни таклиф қилишга муваффак бўлди. Компания ишлаб чиқариш ҳажми ва ҳажмининг тежамкорлиги туфайли оммавий харидор учун мақбул нархни белгилашга муваффак бўлди²⁰. Биринчи йилда “IBM” 200,000 шахсий компьютерларни сотган бўлса, бу кўрсаткич 1988-йилга келиб 1,3 миллионга етди²¹.

Сомрақ компьютер серверлари

Америка корпорациялари компьютерларни сотиб олиш ва ўрнатганларидан сўнг ўз навбатида ушбу техникалар билан бевоси-та алоқадор бўлган файлларни узатиш ёки принтерлар тармоғига хам эҳтиёж ортиб борди. Айтиш керакки, “IBM”, “HP”, “DEC”, “Sequent”, шунингдек, бошқа кўплаб компаниялар сизнинг энг муҳим корпоратив вазифаларингизни хамда сон-саноқсиз операци-он тизимлар ва дастурий таъминотларни бажаришга имкон беради-ган юқори даражадаги тизимларни таклиф этиб келмоқда. Бироқ бу машиналарнинг аксарияти илк бора яратилган пайтларида жуда оддий ва уларга керакли бўлган вазифаларни юклаш жуда мураккаб эди.

Бу, айникса, кичик ва ўрта компанияларда яққол кўзга таш-ланарди.

Чунки улар ходимларига битта принтер бериши ва файл-ларни бир-бирлари билан бўлишиш имкониятини беришларига тўғри келарди.

1992-йилда “Сомрақ” сезиларли ўзгаришларга эришди ва энг оддий вазифаларни бажариш учун оптималлаштирилган “Pro-Signia” – содда серверни ишга тушириб компьютер серверларининг мовий уммонини муваффақиятли яратди. Ушбу сервер туфайли асосий функцияларга бегона бўлган “SCO UNIX” ва “OS/3” дан “DOS”га кадар турли хил операцион тизимлар билан уйғунлик зарурати бартараф этилди. Компьютернинг янги сервери мижоз-ларга мини компьютерга нисбатан функцияларни хам, тезликни хам икки баравар оширди. Эътиборлиси, уларнинг нархи бошқаларидан уч бараварга арzon эди. “Сомрақ”нинг дастгохларни сезиларли да-ражада соддалаштириши маҳсулот таннархининг сезиларли дара-жада пасайишига олиб келди. “ProSignia” ва унга эргашган учта

1-илюва. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

компьютер серверининг яратилиши нафакат компьютер савдосига янги турткি берди, балки тўрт йилга яқин вақт ичидаги сервер ишлаб чиқаришни 3,8 миллиард долларга эга бўлган йирик соҳага айлантириди²².

“Dell Computer”

1990-йилларнинг ўрталарида “Dell Computer Corporation” компанияси компьютер саноатида янги мовий уммонни яратди. Одатдагидек, ўша вақтларда ҳам компьютер ишлаб чиқарувчилар кўп сонли хусусиятлар ва дастурий таъминотга эга тезкор компьютерларни таклиф килиш орқали ўзаро ракобатлашардилар. Бироқ “Dell” бундан ташкарига чиқди ҳамда компьютерни сотиб олиши ва мижозларга етказиб бериш жараёнини ўзгартирди. Ушбу компания компьютерларни истеъмолчиларга тўғридан тўгри сотиши ортидан “IBM” дилерларига караганда 40 фоизга арzon нархга эришди.

Албатта, компьютерларнинг тўғридан тўғри сотилиши мижозларга маъқул келди, негаки бунда компания қисқа вақт ичидаги етказиб беришни таклиф килди. Масалан, “Dell” учун буюртма берилиган компьютерни эгасига етказиб бериши учун тўрт кун етарли эди.

Ракобатчилар эса бу хизматни ўртача ўн хафтадан кўпроқ вақт ичидаги бажаришарди. Шунингдек, онлайн ва телефон орқали буюртма бериш тизимлари ёрдамида ўз таъбларига мос компьютерни танлаш имконияти яратилганидан мижозлар миннатдор эдилар. Энг муҳими, буюртма асосида компьютерларни йиғиш компанияга саклаш харажатларини сезиларли даражада камайтиришга замин яратди.

“Dell” мовий уммонни яратиб компьютер савдосида, шубҳасиз, етакчига айланди. Унинг даромади 1995-йилда 5,3 миллиард

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-илюса. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

долларни ташкил этган бўлса, 2006-йилга келиб 43 миллиард долларга етди²³.

Албатта, компьютер саноатидаги мовий уммонларга эга чиқиши тўхтаб қолмади. Компания етакчиликни кўлдан бермаслик учун мижозларнинг тасаввурлари ва ҳамёнларини жалб этадиган янги мовий уммонни яратишга мажбур бўлади. Акс ҳолда, компания қонли рақобатнинг алвон уммонида колишига маҳкум бўлади ва бу ҳолатни компания ҳозирги кунда бошидан ўтказмоқда.

Таъкидлаб ўтиш керакки, автомобилсозлик саноатида бўлганидек компьютер саноатидаги мовий уммонлар ҳам инновацион технологиялар билан очилмади. Аммо технологияни мижозлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган элементлар билан бирлаштириш орқали катта ютуклар забт этилди. “IBM 650” ва “Compaq” шахсий компьютер серверларида технологияни соддалаштириш орқали қиймат янгиликларига эришилди. Бундан ташқари биз саноатнинг тажрибали ишлаб чиқарувчилари “CTR”, “IBM”, “Compaq”, “Apple” ва “Dell” каби ўз мовий уммонларига эга компанияларни кўришимиз мумкин.

Хар бир мовий уммон уни очган компаниянинг маркасини унинг ўсишига ва умуман бутун компьютер саноатининг ўсишига катта ҳисса қўшди.

Кинотеатрлар

Ана энди хаммамиз учун бирдай севимли бўлган кинотеатрлар ҳақида гаплашиш фурсатига етдик. Америка Кўшма Штатларида ушбу саноатнинг пайдо бўлишини 1893-йилга этиб тақашимиз мумкин. Ўша пайтда Томас Эдисон жамоатчилик эътиборига кинотоскоп (ёғоч кути бўлиб, унинг ичидаги ёруғлик орқали сурат киноплёнкага ўтган)ни эълон килди.

1-илова. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

Орадан икки йил ўтгач, Эдисоннинг ходимлари экранда ҳаракатланувчи расмларни кўрсатадиган проекцион кинетоскопни ишлаб чиқдилар. Бироқ ўшбу жиҳоз жиддий ишлатилмади. Театрларда бир неча дақиқага чўзилган қисқа метражли фильмларгина намойиш этиларди, холос. Бундай бўлишига сабаб шу эдики, ушбу чеклов орқали актёрлар иштирокидаги спектаклларнинг қийматини ошириш ва алоҳида қўнгилочар тадбирлар ташкил қиласликка ҳаракат қилинган. Технология кино саноатига жон бағишлади, аммо шундай бўлса ҳамки, мовий уммонни яратиш ғояси ҳали ҳеч кимнинг фикрига келмаган эди.

Nickelodeon

Гарри Девис 1905-йилда Питсбургда биринчи арzon кинотеатр – “никелодеон”ни очиб ушбу соҳадаги вазиятни ўзгартирди. АҚШда кино саноатини яратишда никелодеоннинг роли жуда катта ва шунинг ортидан улкан мовий уммон кашф қилинди, деб ишонилади. Гарчи кўпгина америкаликлар XX аср бошларида ишчилар синfigа мансуб бўлишса-да, спектакллар, операларни таклиф этадиган театр юкори элита учунгина мўлжалланган эди. Икътисодий даражаси ўртacha ҳисобланган оилалар ҳафтасига атиги 12 доллар маош олганлиги сабабли кўпчиликнинг театр томошаларига бориш имкони йўқ эди. Опера учун чиптанинг ўртacha нархи икки долларни ташкил этарди.

Спектакллар ҳафтада бир неча маротаба намойиш этилсада, кўпгина театрлар шаҳарнинг бой туманларида жойлашганлиги сабабидан ҳам, чипталарнинг баҳоси юкори бўлгани боисидан ҳам ишчиларнинг бу ерга бориши қийин эди. Хуллас, америкаликларнинг аксарияти учун театр ўйин-кулгиси бегона эди.

Девис никелодеонига чипталар нархи атиги беш цент килиб

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

1-илюва. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

кўйилган эди (беш центлик танга nickel деб аталади, шунинг учун кинотеатр номи ҳам шундан олинган). Девис учун шу беш цент етарли эди, чунки унинг фаолияти катта харажатларни талаб килмаганди.

Фақат ўриндиклар муаммосини хисобга олмасак, албатта. У кинотеатрларни ишчилар ишлайдиган жойларга жойлаштириди ҳамда сеансларнинг қулай вақтда бўлишига ҳаракат қилди. Девиснинг кинотеатрлари эрталаб саккизда очилар, сеанс кетидан сеанслар бўлиб, иш вақти ярим кечагача давом этарди. Никелодеонларда кулгили, бироқ оддий комедиялар намойиш этиларди. Бундай комедиялар деярли ҳар қандай томошабин учун унинг маълумоти, тили ва ёшидан катъий назар тушунарли эди.

Никелодеонларга, асосан, ишчилар тўпланишарди ва кунига етти юзга яқин киши кино томоша киларди. 1907-йилда “Saturday Evening Post” газетаси кинотеатрларга ташриф буюрувчилар сони кунига икки миллиондан ошганини хабар қилди²⁴. Никелодонлар киска вақт ичидан мамлакат бўйлаб тарқалди. 1914-йилга келиб АҚШда кунига ўн етти миллион кишининг эҳтиёжини қондира оладиган ўн саккиз минг никелодеон мавжуд эди²⁵.

Palace Theater

1914-йилда никелодонлар ўз мовий уммонларининг чўккисига чиқкан эди. Сэмюэл Ротапфель ҳаракатланаётган суратларнинг жозибасини янги пайдо бўлган ўрта ва юқори синф ҳаётига жалб килишга қарор қилди ва Нью-Йоркда биринчи АҚШ кинотеатрини (*Palace Theater*) очди. Ротапфелнинг бунгача бутун мамлакат бўйлаб кўплаб никелодонларга эгалик қилганини алоҳида эслатиб ўтишимиз керак, албатта. Паст даражали ва ибтидоий муассасалар хисобланган никелодеонлардан фарқли ўлароқ Ротапфелнинг киносарой-

1-илюса. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

лари гайриоддий қандиллар, ойнаванд заллар ва улкан эшиклари бўлган нафис кинотеатрлар эди. Автоуловларни тўхташ жойига олиб борадиган ходимлар хизмати, икки ўринли юмшоқ диванлар ва театр саҳналари акс этган узоқ давом этадиган фильмлар театр ва опера ихлосмандларини кинотеатр мижозига айланишига сабаб бўлди, десак янглишмаймиз. Боз устига чипталар нархи ҳам қиммат эмас эди.

Ха, киносаройлар тижорат муваффакиятидан завқланишиди. 1914-1922-йилларда АҚШда тўрт юзга яқин янги киносаройлар очилди. Ҳар бир америкаликнинг ҳаётида, унинг даромадидан қатъи назар, кинотеатрга ташриф буюриш борган сари мухим рол ўйнай бошлади. Киносаройлар опера уйининг атрофини ва никелодеонларнинг таркибини муваффакиятли бирлаштира олди. Бу уларга ўз саноатлари учун янги мовий уммон очиш ва юқори ҳамда ўрта синфга тегишли янги томошабинларни жалб қилиш имконини берди²⁶.

1940-йилларнинг охирида ҳалқнинг фаровонлиги оша бошлагач, америкаликлар шаҳар атрофига кўчиб ўтишни бошладилар. Натижада киносаройлар ўсишида концепцияни чекловчи омиллар хис этила бошланди. Чунки шаҳар атрофи йирик шаҳарлар ёки метрополиялардан фарқли ўларок кино саройларининг ажралмас кисмига айланган таъсирчан катталик ва ажойиб ички маконни таъминлай олмади. Рақобат натижасида шаҳар атрофидаги кичик кинотеатрлар пайдо бўлди ва буларда ҳафтасига битта фильм намойиш этилди. Гарчи бундай кинотеатрлар киносаройлар билан таккосланганда “нархлар бўйича етакчи” бўлишига қарамай, улар ташриф буюрувчиларни ҳайратда қолдира олмадилар. Бунинг сабаби оддий эди: одамларга марокли оқшом туйғусини беролмадилар. Уларнинг муваффакияти тўлиқ намойиш қилинаётган фильмгагина боғлик эди. Борди-ю фильм кизикарли бўлмаса, у ҳолда одамлар киноте-

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

← → **1-илюса.** Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

атрга бориши учун ҳеч қандай сабаб кўрмасдилар. Кинотеатрлар тобора одатий бўлиб борди, натижада уларнинг даромадлари ўсишдан тўхтаб қолди.

Multiplex

Бироқ янги мовий уммонни яратиш сабаб саноат яна даромадли ўсишга қайтди. 1963-йилда Стэн Дюрвуд стратегик ҳаракатни амалга ошириди ҳамда бутун саноатни тубдан ўзгартириди. 1920-йилда Канзас Сити шаҳрида Дюрвуднинг отаси биринчи оиласий кинотеатрларини ган бўлса, унинг ўзи шу шаҳардаги савдо марказида биринчи мултиплекс кинотеатрини яратди ва ушбу соҳага янги ҳёт бағишилади.

Тан олиш керакки, мултиплекс бирпасда оммалашди. Эътиборлиси, у томошабинларга фильмларнинг кенг танловини таклиф килди. Бунда турли ўлчамдаги бир нечта кинотеатрларни бир жойга тўплаган ҳолда муайян фильмларга бўлган талабга қараб фаолият юритишнинг йўли топилди ва шу билан соҳа истиқболидаги хавфлар ва харажатлар камайтирилди. Натижада, Дюрвуднинг “American Multi Cinema” (AMC) компанияси мамлакатдаги кино тарқатувчилар орасида иккинчи ўринни эгаллади. Бир сўз билан айтганда, Американи мультиплекс мовий уммони эгаллади.

Megaplex

Мултиплекснинг пайдо бўлиши билан соҳада янги даромадли ўсишнинг мовий уммони пайдо бўлди. Аммо 1980-йилларга келиб видеокассеталар, видеомагнитафон ва сунъий йўлдош ҳамда кабел телевидениесининг тарқалиши натижасида кинотеатрларга ташрифлар камайди. Кино саноатдаги вазият янада оғирлашди, чун-

ки эътибори пасайган бозорнинг катта қисмини эгаллашга уриниш пайтида кинотеатр хужайинлари ташриф буюрувчиларга иложи бо- рича кўпроқ фильмларни таклиф қилиш учун ўз даргоҳларини ки- чикроқ ва ихчамроқ залларга ажратишга мажбур бўлишди. Натижада уйдаги ўйин-кулгига нисбатан саноатнинг асосий устунликлари- дан бири ҳисобланган катта экранлар йўқ қилинди. Янги фильмлар яратилганидан кўп ўтмай кабел телевидениясида ва видеокассета- ларда пайдо бўларди. Айнан шу ҳолат ҳам кишиларнинг кинотеатр- ларга ташрифини узиб қўйди, десак тўғри бўлади. Хуллас, саноатда кучли пасайиш бошланди.

1995-йилда “АМС” театрларни жонлантиришга ҳаракат килди ва АҚШдаги йигирма тўртта кинотеатр экранларида биринчи мегаплексни яратди. Тор, ифлос ва кўримсиз мултиплекслардан фарқли ўлароқ мегаплекс енгил ва қулай креслоларни (яхшироқ жойлашиб олиш ва кўриш учун), шунингдек, ажойиб тасвир ва товушга эга фильмларнинг катта танловини тақдим эта олди. Ушбу қулайликлар ва қўшимча хизматларга қарамай мегаплекснинг фой- даланиш харажатлари мултиплексга караганда анча арzon эди. Мегаплекслар шаҳар марказида жойлашмаганлиги ҳам ва уларга пулни тежашга имкон берган (чунки марказда ҳудудни ижарага олиш киммат бўлган). Комплекснинг ҳажми харидлар ва операция- ларни тежашга имкон берди, шунингдек, кино тарқатувчиларга таъсир кўрсатувчи восита бўлиб хизмат килди. Барча фильмлар на- мойиш этилган йигирма тўртта экранни ҳисобга олсанк, томошабин- ларни ўзига хос фильмлар эмас, балки намойиш ўтказиш жойлари жалб килганига гувоҳ бўламиз.

90-йилларнинг охирида “АМС” мегаплексларидағи ўртача даромад мултиплексдан 8,8% юкори эди. Кино қамров зонаси, яъни ахолининг кинотеатрларга ташриф буюрадиган ҳудуди 90-йиллар- нинг ўрталарида бўлгани каби икки милдан ошди ва “АМС” мега-

плексларида бештага этди²⁷. 1995-йилдан 2001-йилгача кино томошабинларининг умумий сони 1,26 миллиарддан 1,49 миллиардгacha ўсди. Мегаплекс Америка кинотеатрларининг атиги 15 фоизини ташкил этса-да, аммо улар чипталар савдосининг 38 фоизини ташкил этди.

“AMC” томонидан яратилган мовий уммоннинг муваффакияти ушбу соҳанинг бошқа иштирокчиларига тақлид қила бошланглиги эди. Бироқ мегаплекслар жуда тез кўпая бошлади. Аммо уларнинг аксарияти иктиносидий инқироз туфайли 2000-йилга келибгина ёпилди. Айтиш лозимки, кино саноат яна янги мовий уммон пайдо бўлишига тайёр. Унутмаслик керакки, инсонлар кўнгил очишни доим яхши кўрадилар. Аммо “Netflix”, “iTunes” ва “Amazon” сингари хизматлардан юклаб олиш осон бўлган фильмларнинг устунлиги шароитида кинотеатрлар томошабинларнинг ишқини ўзига тортиши учун жуда қаттиқ меҳнат қилишларига тўғри келади.

Кўриб чиқканларимиз шунчаки Америка кинотеатр саноатида содир бўлган воеаларнинг хилма-хил тасвиридир. Аммо бундай манзара бошқа мисолларда ҳам худди шундай кўриниши мумкин. Ушбу учта соҳага бағишлиланган тадқиқотларни ўрганар эканмиз, компаниянинг доимий даромадли ўсишга кодирлиги кўп жиҳатдан мовий уммонларни яратиб, доимий равища биринчи ўринга чиқа олишига боғлиқ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Тўғри, ҳеч ким доимий равища мукаммалликни сақлаб қолиши мумкин эмас. Фикримиз исботида сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунга қадар компанияларнинг ҳеч бири узоқ вақт давомида мовий уммонларни кашф этишда етакчи бўлиб қола олмадилар. Таъкидлаш керакки, таникли компанияларгина, одатда, ўзларини ўзгартиришга қодир бўлган ва доимий равища янги бозор маконини яратган. Албаттa, бугунги кунда идеал компания-

1-илюстров. Мовий уммонларнинг тарихий кўринишлари

ларнинг ўзи йўқ, аммо компаниялар мукаммал стратегик амалиётларни қўллаш орқали мукаммалликка эришишга умид қилишлари мумкин. Ушбу китобда баён қилинган мовий уммон стратегиясининг тамойиллари, шунингдек, уни амалга оширишга имкон берадиган воситалар ва моделлар бизнес тарихини ўзгартирисига сидқидидан ёрдам беради ва мовий уммонларини яратиш жараёнини чексиз такрорланадиган энг оддий ва содда нарсага айлантиради.

2-ИЛОВА

ҚИЙМАТ ИННОВАЦИЯСИ. СТРАТЕГИЯГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Соҳанинг таркибий тузилиши ҳамда ундаги иштирокчиларнинг стратегик ҳаракатлари билан қандай боғликлиги тўғрисида иккита асосий фикр мавжуддир. Стратегиянинг таркибий кўриниши саноат ташкилоти иқтисодиётида илдиз отган¹. Ўз навбатида саноат ташкилоти таҳлили модели (“таркиб – хулқ – иш самарадорлиги”) бозор таркибидан хулқ-автор ва меҳнат самарадорлигига мажбурий равишда ўтишни таклиф қиласди. Талаб ва таклиф шартлари асосида яратилган бозор тузилиши харидор ва сотувчиларнинг хулқ-авторини белгилаб беради, бу эса ўз навбатида умумий кўрсаткичларни белгилайди². Бутун тизимдаги ўзгаришлар асосий иқтисодий шароитлардаги глобал ўзгаришлар ва технологик ютуқлар каби бозор тузилишига ташки омилларнинг таъсири туфайли юзага келади³.

Маълумки, стратегияга янгича ёндашув эндоғен ўсиш назариясига асосланади. Ушбу назария Жозеф Шумпетернинг кузатишлари натижасида юзага келган. Жозеф ўз изланишлари орқали иқтисодиётнинг тузилишини ва соҳадаги вазиятни ўзгартирувчи кучлар тизим ичидан келиб чиқишини аниқлади⁴. У инновациялар эндоғен бўлиши мумкинлигини ва унинг асосий манбай ижодий тадбиркор эканлигини таъкидлайди⁵. Бироқ унинг олиб борган тад-

2-илюва. Қиймат инновацияси. Стратегияга янгича ёндашув

қиқотларига қарамай шумпетерча инновацион ғояси ҳанузгача тасдиқланмади ва ўз ўрнида рад ҳам этилмади. негаки инновация тадбиркор ижодий фикрининг маҳсулидир ва уни доимий равишда тақрорлашнинг имкони йўқ. Шунингдек, Шумпетернинг фикрича, янгилик йўқ қилишни англатади, чунки янгиларнинг босими остида эскилар одатий тарзда унуттирилади.

Яқинда мазкур соҳада янги ривожланиш назарияси пайдо бўлди. Назариянинг муҳим томони шу бўлдики, у инновация эндоғен равишда унинг асосини ташкил этувчи накшларни ёки рецепторни тушуниш орқали тақрорланиши мумкинлигини исботлади⁶. Ушбу назарий ёндашувнинг моҳияти инновация рецепти ёки унинг асосидаги билим ва ғоялар шаблонини Шумпетер тадбиркорлигидан ажратиб туриш ҳамда шунинг ортидан инновацияларни мунтазам равишда тақрорлашга йўл очищдан иборат. Аммо мазкур муҳим ёндашув мавжуд бўлишса-да, биз хали ҳам ушбу рецептлар ёки накшларни тушунмаймиз. Шуни унутмангки, буларсиз инновациялар ва компания даражасида ривожланишга етакловчи ғояларни амалга ошириб бўлмайди.

Қайта қуриш ёки тахлилий жараёнлар (янгича ёндашув) янги ўсиш назарияси тугаган жойда бошланалиши ҳаммага маълум. Янгича фикрловчиларга ҳамфикр бўлганлар ушбу назарияга таянган ҳолда компаниянинг эндоғен ўсишини яратиш жараёнида билимлар ва ғояларнинг қандай қўлланилиши ҳақида тахминлар қилишади. Хусусан, ушбу ёндашувга биноан когнитив жиҳатдан қайта қуриш мақсадида мавжуд маълумотлар ва бозор элементларини яратиш жараёни хар қандай ташкилотда исталган вақтда бошланиши мумкин.

Ушбу структуралист ва янгича қарашлар компаниянинг стратегик ҳаракатларига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Аниқки, структуравий қараш (ёки атроф-муҳитга таъсир қилиш), одатда,

рақобатта асосланган стратегик фикрлашга олиб келади. Шунингдек, бундай қараш бозор тузилмасини одатий ҳолга келтиради ва компанияни мавжуд бозор маконида рақобатчилардан ҳимоя қилишни кучайтиришга мажбур килади. Ушбу стратегиянинг тарафдорлари бозорда муқим қўпим топиш учун, асосан, рақобатчиларнинг қилган ишини таҳлил қилишади ҳамда улардек ҳаракатланишади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, бозорнинг каттароқ улушкини эгаллаб олиш бир компаниянинг фойдаси бошқасининг йўқолиши натижасида қўлга киритилган бўлса, унда бу ҳаракатларни нолга тенглаштирасак бўлаверади. Юқорида гилардан кўриняптики, таққослашга олиб келадиган рақобат стратегиянинг аниқланадиган ўзгарувчисига айланади.

Тўғри, бундай стратегик фикрлаш компанияларни жозибадор ва жалб қилмайдиган тармоқларга ажратишга ҳамда муайян соҳада ишлаш кераклиги тўғрисида карор қабул қилишга ундаши аниқ. Бунда компания ҳаражатлар ёки тафовутларга йўналтирилган ҳамда ўзининг ички тизимлари ва рақобатчиларини мағлуб этиш имкониятларига мос келадиган позицияни танлайди⁷. Таъкидлашимиз керакки, бу ерда ҳаражатлар ва қиймат бир-бирига мұқобил сифатида кўриб чиқилади. Компания ушбу соҳадаги умумий фойда даражаси ҳам экзоген тарзда аниқланганлиги ва таркибий омилларга bogлиq бўлганлиги сабабли, асосан, капитални эгаллаб олиш ва уни қайта тақсимлашга интилади. Қолаверса, ўсиш имкониятлари доимий равишда камайиб борадиган алвон уммонни иккига бўлиш учун бор кучини сарфлайди.

Қайта қуриш мутахассиси учун стратегик вазифа бошқача кўринади. Янгича қарашларга эга бўлган менежерлар учун бозорнинг тузилиши ва чегаралари асосий ўринда турганини ҳисобга олсак, амалиётлар бозор тузилмалари ҳакида фикрларимизни чеклай олмайди. Бундай одамлар доимо бирор бир жойда талаб

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

← 2-илова. Қиймат инновацияси. Стратегияга янгича ёндашув →

борлигини ва унинг деярли кондирилмаслигини доимо эслашади. Муаммонинг моҳияти талабни қандай келтириб чиқаришдадир. Бу, ўз навбатида, бизнинг эътиборимизни таклифдан талабга, ракобатдан қийматнинг инновациясига, яъни янги талабни очиш учун инновацион қиймат яратишга мажбур қиласиди. Компания бундай янги йўналишда рақобатнинг белгиланган чегараларидан доимий равишда ташкарига чиқади ва турли бозорларнинг мавжуд элементларини қайта ташкил этади. Албатта, уларга янгилangan талаб даражасида янги бозор майдонини яратиш йўлидан боришлирига умид килиши мумкин⁸.

Қайта куриш мутахассислари тармоқларнинг ўзигина жозибадор ёки жалб этувчи бўлолмайди, чунки жозибадорлик даражасига компаниянинг қайта тикланишига қаратилган онгли характеристлари таъсир кўрсатиши мумкин, деган фикрни илгари суришади. Дарҳакиқат, қайта куриш жараёнида бозор таркиби ўзгаради. Натижада аввалги ракобат долзарблигини йўқотади. Қийматли инновацион стратегия талабни рағбатлантириши ортидан мавжуд бозорларни кенгайтиради ва янгиларини яратади. Ушбу назариянинг тарафдорлари анъанавий бойлик билан эмас, балки ракобатчилар хисобидан янги бойлик яратиш орқали қийматнинг юқорилашини кидирадалар. Шундай экан, қиймат инновацияси мавжуд бозорларда иштирокчиларнинг сикиб чиқарилиши ёки ижодий ҳалокатларга йўл қўймайди. Бунда биз бозор чегараларининг кенгайтирилишига ёки янги бозор майдонларининг яратилишига имкон берувчи жараёнга гувоҳ бўламиз. Эсдан чиқармаслик керакки, бундай стратегия компанияга, асосан, самарали ҳамда ғалаба қозониш эҳтимоли юкори бўлган ракобатларда иштирок этишгазамин яратади.

Айтинг-чи, “Cirque du Soleil” билан боғлиқ қайта куриш янгиланиш мавзусидаги китобларда муҳокама қилинган “бирлаштириш” ва “рекомбинация”дан қандай фарқ қиласиди?⁹

Шу ўринда Шумпетернинг инновацияларни “ишлаб чиқариш воситаларининг янги комбинацияси” дегани ёдимизга келади.

“Cirque du Soleil” мисолида урғунинг кўпроқ талабга берилганини, рекомбинация эса мавжуд технологиялар ёки ишлаб чиқариш воситаларини қайта тартибга солиш билан боғлиқлиги хамда эътиборнинг, асосан, таклифга қаратилганини кўришимиз мумкин. Қайта куришнинг асосий таркибий қисмлари истеъмолчилар қийматининг элементлари бўлиб, улар соҳанинг мавжуд чегараларидан чиқиб кетади. Ушбу элементлар технологияга ҳам, ишлаб чиқариш усулларига ҳам тегишли эмас.

Рекомбинация таклифга эътиборни қаратиб мавжуд муаммонинг инновацион ечимини излашга олиб келади. Бунда ечим пайдо бўлиши билан сиқилиш ва унинг ортидан ижодий ҳалокат содир бўлади. Қайта қуриш эса, аксинча, талабга эътибор қаратади, мавжуд рақобат қоидалари томонидан яратилган когнитив алоқаларни бузади. Асосий эътибор мавжуд муаммони аниклашга қаратилади ҳамда ушбу аникланган муаммони бир вақтнинг ўзидаемас, балки яратувчилик йўли билан бартараф этади¹⁰. Эсланг: “Cirque du Soleil” бирданига энг яхши цирк хизматини таклиф қилмади ҳамда спектакллар ва цирк фаолияти билан боғлиқ мавжуд билимларни ёки технологияларни қайта йиғишини таклиф қилмади. Аксинча, харидор учун мавжуд бўлган қиймат элементларини қайта тиклаш билан шуғулланди, циркнинг қизикарли, хаяжонли ва театр интеллектуал жиҳатдан ривожлантирадиган янги кўнгилочар турларини яратишга ҳаракат қилди.

Ха, хозирда ҳам янгича ташкил этилган саноатнинг чегаралари ва тузилишини ўзgartирмоқда ҳамда янги бозор маконининг мовий уммонини яратмоқда. Рекомбинация эса, аксинча, мавжуд муаммога инновацион ечимларни топиш учун технологик имкониятларни максимал даражада оширади¹¹.

3-ИЛОВА

ҚИЙМАТ ИННОВАЦИЯЛАРИНИНГ БОЗОР ДИНАМИКАСИ

Тадқиқотлардан кўринадики, қиймат инновациясининг бозор динамикаси технологик инновацияларнинг анъанавий амалиётiga мутлақо зиддир. Технологик инновациялар юқори нархларга олиб келади. Шунингдек, киришни чеклайди, кейинчалик бозор улушини саклаб қолиш хамда тақлид қилувчиларга карши туриш мақсадида нархлар ва харажатларни пасайтиришга имкон беради.

Аммо рақобатбардош бўлмаса-да, дейлик, билимлар ва ғоялар дунёсида даромадининг ўсиши учун тежаш имкониятига эга бўлган маҳсулотлар ҳажми, нархи ва қийматининг аҳамияти мисли кўрилмаган даражада ўсиб бормоқда¹. Бундай шароитда компания аввалданоқ катта қиймат таклиф қиласиган бозор ҳажмини қўпайтириш учун мақсадли харидорларни жалб қилиши фойдали хисобланади.


1-расмда кўрсатилганидек қиймат инновацияси талаб эгри чизигини D1 дан D2 га ўзгартириб маҳсулотнинг жозибадорлигини тубдан оширади. Бунда нархлар стратегия асосида белгиланади ва “Swatch” мисолида бўлгани каби кенгайтирилган бозорга қўплаб харидорларни жалб қилиш учун P1 дан P2 га ўтказилади. Натижада сотилган товарлар микдори ўсади (Q1дан Q2 га айланади) ва бренд-

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

З-илова. Қиймат инновацияларининг бозор динамикаси

нинг тан олиниши таъминланади. Бу эса энг юқори кўрсаткичга олиб келади.

1- расм. Қиймат инновацияларининг бозор динамикаси



Айтиш керакки, компания LRAC₁дан LRAC₂га кадар узок муддатли ўртача харажат чизигини бир вақтнинг ўзида камайтириш, бунинг ортидан эса фойда олиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, қарокчилар ва таклидчилардан ҳимояланиш учун мақсадли харажатларни амалга оширади. Бунинг натижасида харидор қийматга эга бўлади ва истеъмолчи учун қўшимча имтиёзлар

ахъдан eyfга ўтади. Компания даромад зонасини **abcd**дан **efgh**га ўзгартириб фойда ва ўсиш суръатларига эришади.

Компания томонидан бозорга таклиф этилмаган улкан қиймат натижасида яратилган бренднинг тан олиниши харажатларнинг пасайиш тенденцияси билан биргаликда рақобатни аҳамиятсиз ҳолга келтиради. Ана шунда миқёс иктисади, ўқитиш ва даромадларнинг ўсиши каби омиллар кучга киради². Натижада ўзаро манфаатли бозор динамикаси юзага келади ва бунда компаниялар устун мавқега эга бўлишса, харидорлар катта ютукларга эришадилар.


Одатда, монополист компаниялар жамият фаровонлигига зарар етказувчи иккита фаолиятга кўп жиҳатдан алокадор бўлиб келишган. Биринчидан, компаниялар ўз даромадларни кўпайтириш учун нархларни кўтаришади. Бу эса истеъмолчиларнинг маҳсулотни хоҳлашса-да, лекин уни сотиб ололмаганликлари учун бозорни тарқ этишига сабаб бўлади. Иккинчидан, агар эркин рақобат бўлмаса, монопол корхоналар унумдорлик ва харажатларни камайтиришга эътибор беришмайди, ресурслардан ҳам оқилона фойдаланилмайди.

2-расмда кўрсатилганидек, анъанавий монополияга хосланган амалиётга кўра, нарх даражаси **P1** индикаторидан монополия шароитида **P2** кўрсаткичига кўтарилди. оқибатда талаб **Q1**дан **Q2**га тушди. Талабнинг ушбу даражасида монополист ўз даромадларини эркин рақобат шароитида **R** майдонини қўшиб кўпайтиради. Маҳсулотни сунъий равишда юқори нархда сотиб олиш таклиф этилаётганлиги сабабли истеъмолчилар учун қўшимча фойда **C+R+D**дан **C** бўлимигача камаяди. Жамиятнинг ресурсларини ортиқча истеъмол қиласидиган монополистлар уларни **D**да ортиқча йўқотишларга олиб келади. Хуллас, монополист ўз даромадини истеъмолчилар ва харидорлар орқали жамият ҳисобидан олади.

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

3-илюса. Қиймат инновацияларининг бозор динамикаси

2- расм. Шафқатсиз рақобатдан монополияга қадар



Албатта, мовий уммон стратегияси аньанавий монополистлар учун одатий холга айланган бундай текинхўрликка чек кўяди. Таъкидлаш лозимки, ушбу чеклов маҳсулотни юкори нархларда ишлаб чикаришни тўсмайди, балки харидорлар учун арzon нархларда қиймат ўсишини ошириш орқали янги талабни яратишга қартилган бўлади. Бу эса ўз навбатида нафакат бошланғич харажатларни минимал даражагача камайтиришга, балки потенциал кўчириувчиларга тўскинилк қилиш учун ҳам уларни доимо бир хил даражада ушлаб туришга кучли туртки яратади. Бунда харидорларнинг ғалаба қозониши ва жамиятнинг самарадорликдан фойдаланиши учун йўл очилади. Хуллас, ўзаро фойдали сценарий юзага келади, яъни қийматдаги ютуқ ҳам мижозлар, ҳам компаниялар ва умуман жамият манфаати учун ҳам бирдек фойдали бўлади.

ИЗОҲЛАР

Воӣ дод! Менинг уммоним алвон тус олмоқда!

1. www.blueoceanstrategy.com. электрон кутубхонасидан ушбу мавзуга алоқадор, жаҳон миқёсида йиғилган мақолалар тўпламини топиш мумкин.
2. "Kim and Mauborgne"га қаранг (1997a, 1997 b).
3. "Kim and Mauborgne"га қаранг (1999 b).
4. Масалан, "Kim and Mauborgne"га (1996, 1997b, 1998a) қаранг, шунингдек, оқилона жараён ва оқилона ишлаш ҳақидаги бошқа қатор мақолаларимизни кўринг (библиография).

1-боб

1. "Бозор чегаралари қандай аниқлангани ва ўйиннинг рақобатбардош қоидалари қандай ўрнатилишини муҳокама қилиш", Harrison C. White (1981), Jose Porac ва Jose Antonio Rosara (1996) қаранг.
2. Gary Hamel и C. K. Prahalad (1994), ҳамда James Mooreга (1996) қаранг. Улар рақобатнинг ва бизнесдаги савдо жараёни-нинг тобора кучайиб бораётганини таъкидладилар. Бу бозорни яратишни компаниянинг ўсиши учун муҳим шартга айлантирадиган иккита тенденциядир.

3. Майкл Портер ўзининг инқилобий асарини нашр этганидан бери рақобат стратегик фикрлаш марказига кириб борди. Michael Porter (1980, 1985), шунингдек, Paul Auerbah (1988), George S. Day (1997) ва бошқаларга қаранг.
4. Масалан, "Hamel ва Prahalad"га (1994) қаранг.
5. "Standard Industrial Classification Manual" (1987) ва "North American Industry Classification System"га (1988) қаранг.
6. "Standard Industrial Classification Manual" (1987) ва "North American Industry Classification System"га (1988) қаранг.
7. Классик ҳарбий стратегия ва унинг асосий йўналишини чекланган худуддаги рақобат тўғрисида Carlvon Clausewitz (1993) дан топиш мумкин.
8. Ушбу масалани муҳокама қилиш учун Richard A. D'Aveni ва Robert Guntherra (1995) қаранг.
9. Глобаллашув ва унинг иқтисодий таъсири ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун Kenichi Ohmae (1990, 1995a, 1995b) қаранг.
- 10.БМТ статистика бўлими (2002).
- 11.Масалан, "Copernicus and Market Facts"га (2001) қаранг.
- 12.Масалан, "Copernicus and Market Facts"га (2001) қаранг.
- 13.Richard T. Pascale (1990).
- 14.Richard Foster ва Sarah Kaplan (2001).
- 15.Питер Друкернинг таъкидлашича, компаниялар рақобатчилар нима қилаётганига қараб бир-бири билан рақобатлашишга мояил. Қаранг: Peter Drucker (1985).
- 16.Kim ва Mauborgne (1997a, 1997c, 1997d) қаранг. Ўзини рақобатчилар билан таққослаш ва уларни мағлуб этишга эътибор қаратиш бозорни инновацион ёндашишдан кўра кўпроқ тақлид қилишга олиб келади. Бу эса аксарият ҳолатларда нархларнинг пасайишига ва навбатдаги товарлаштиришга сабаб бўлади. Компания бунга йўл қўймаслиги учун бошқача йўл тутиши, рақобатни аҳамиятсиз

қилишга ҳаракат қилиши керак. Бунинг учун эса харидорларга нархнинг кўтарилишини таклиф қилиш керак. Гэри Хэмелнинг сўзларига кўра, соҳадаги янги бошловчиларнинг ҳам, ундаги тажрибали кишиларнинг ҳам муваффақияти рақобатдан қочиш ва мавжуд саноат моделига янгича қараш қобилиятига боғлиқ. Кейинчалик Хэмел муваффақият формуласи рақобатга қарши туриш эмас, балки уни четлаб ўтишдир, деган фикрни ҳам таъкидлаганди. Gary Hamelga (1998) ва (2000) қаранг.

- 17.Стратегик концепция сифатида қиймат яратиш жуда кенг доирага эга. Негаки қиймат яратиш жараёнини белгилайдиган чекловлар йўқ. Масалан, компания нархларни 2% га тушириш орқали қиймат яратиши мумкин. Аммо буни бозорнинг янги маконини очиш учун зарур бўлган қиймат инновацияси дейиш қийин. Қийматни шунчаки худди шу таомилни тақрорлаш орқали яратиш мумкин бўлса-да, лекин янада мукаммал тарзда яратиш учун эса қийматнинг инновациясини олдинги ҳаракатлар ва янги қадамларни ташламасдан юзага чиқариб бўлмайди. Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, қиймат яратишнинг стратегик мақсади бўлган компаниялар эътиборларини аста-секин яхшиланишларни шакллантиришга жалб қилмоқдалар. Аммо бундай босқичма-босқич қиймат яратиш компанияни танлаб олиш ва юқори иш самара-дорлигига эришиш учун етарли эмас.
- 18.Gerard J. Tellis ва Peter N. Golder (2002) бозор кашфиётчиларининг дўйонлардан кўпроқ нарсани таклиф қилишга тайёр бўлган мисолларини кўринг. Ўн йиллик тадқиқотлар давомида улар кашфиётчиларнинг 10 %дан камроғи бизнесда ғолиб бўлишган, қолган 90 % муваффақиятсизликка учраган.
- 19.Ушбу ақида ҳақида илгари ўтказилган мунозарали тадқиқотлар тўғрисида маълумот олиш учун, масалан, Charles W. L. Hill (1988), ҳамда R. E. Whitera (1986) қаранг.
- 20.Дифференция ва паст нархлар ўртасидаги танловни танлаш зарурати ҳақида Porter (1980, 1985) қаранг. "Қийматнинг харажатлари"

савдосини намойиш этиш учун Портер унумдорлик эгри чизигидан фойдаланади.

21. Тадқиқотларимиз давомида маълум бўлдики, инновацион аҳамиятлилик мавжуд муаммоларга ечим топишга эмас, балки соҳага йўналтирилган муаммоларни аниқлаш билан кўпроқ боғлиқдир.
22. Стратегия нима эканлиги ҳақида муҳокама қилиш учун Porter (1996) қаранг. Унинг таъкидлашича, стратегия бутун компанияни қамраб олиши керак бўлса ҳам, қуйи тизим даражасида бўлса-да, ишда операцион яхшиланишлар юз бериши мумкин.
23. Porterra (1996) қаранг.
24. Структурристик қарашларнинг асосчиси Joe S. Bain (1956, 1959) эди.
25. Турли контекстларда бўлса ҳам, номаълум томонга ўтиш ҳар доим хавфли ташаббус ҳисобланади. Масалан, Steven P. Schnaars (1994) таъкидлаганидек, бозор қашфиётчиларининг мавқеи уларнинг тақлидчиларига қараганда ёмонроқ. Chris Zook (2004) (2004) таъкидлашича, компания бизнесини янада кенгайтириш ҳамда асосий бизнесдан қочиш хавфли ва муваффақиятга эришиш эҳтимоли кам.
26. Inga S. Baird ва Howard Tomasgra (1990) қаранг. Масалан, муаллифлар ҳар қандай стратегик қарор таваккал қилишни талаб қиласди, деб ўйлашади.

2-бөл

1. Альтернатив – бу шунчаки ўрнини босувчи эмас. Масалан, ресторон кинотеатрга муқобил бўлиб хизмат қиласди. Ресторон кечқурун мазали таомларни тановвул қилиб дам олишни истаган потенциал мижозларни жалб қилишга ҳаракат қиласди. Аслида, ресторон кинотеатрга функциялари нуқтаи назаридан тўғридан тўғри рақиб ҳам, унинг ўрнини босувчи ҳам эмас. Бир компанияя

эътибор бериши мумкин бўлмаган мижозларнинг учта қатлами мавжуд. Муқобиллари, ва мижоз бўлмаганлар тўғрисида кўпроқ маълумот олиш учун ушбу китобнинг 3- ва 5-бобларига қаранг.

2. 2008-йилдан 2013-йилгача "yellow tail" бутун дунёдаги энг нуфузли вино брендлари қаторига кирди (қаранг: The Power 100 — The World's Most Powerful Spirits and Wine Brands) тўғрисидаги ҳисобот. Қўшимча маълумот: www.drinks.powerbrands.com. Худди шу ҳисоботда "yellow tail" Австралиянинг ўша йиллардаги энг таъсирили вино бренди деб топилди.

3-боб

1. www.fractionalnews.com/comparisons/fractional-programcomparison.html. Онлайнга қаранг.
2. J. Balmer (2001).
3. Berkshire Hathaway, Inc. компаниясининг йиллик ҳисоботи. 2010-йил учун.
4. Рақамлар "Curves" АҚШдаги бир қатор франчайзаларни ёпиб қўйганидан кейин олинган, чунки тез суръатлар билан кенгайиш бир-бирига жуда яқин бўлган франчайзаларнинг пайдо бўлишига, шунингдек, уларни институтни бошқариш учун зарур кўникмаларга эта бўлмаган одамларга қайта сотилишига олиб келди.
5. Kim and Mauborgne (1990c) қаранг. Бошқа мижозлар гурухларига мурожаат қилиб, мовий уммонларни яратишга олиб келадиган стратегик қарорларнинг қўшимча мисолларини кўринг.
6. Венгриянинг ушбу компанияси мовий уммонни кашф этди ҳамда ўзи, шаҳар маъмурияти ва фуқаролар учун ютуқ олиб келди. Кейинчалик "NABI" валюта ўзгариши ва қонунчиликдаги ўзгаришларга дуч келди ва "New Flyer" томонидан сотиб олинди, аммо

мовий уммонни яратиш бўйича стратегик қадамлари ҳурматга сазовордир.

7. Kris Herbst (2002).
8. Kris Herbst (2002).

4-боб

1. Стратегик режалаштиришни ўрганиш учун Henry Mintzberg (1994)га қаранг.
2. Турли хил идрок билан сезгиларимизнинг ўтказиш қобилиятининг (сониясига бит) фарқига қаранг: таъм билиш (1000 бит/с), ҳид билиш (100 000 бит/с), эшитиш (100 000 бит/с), сезиш (1 000 000 бит/с), кўриш (1000000 бит/с). Манба: T. Norrentanders (1998). Визуал алоқаларнинг кучи тўғрисида кўпроқ маълумот A. D. Baddely (1990), J. Larkin ва H. Simon (1987), P. Lester (2000) ва E. R. Tuftera (1982) қаранг.
3. Экспериментал ўрганиш тўғрисида кўпроқ маълумот олиш учун L. Borzak (1981) ва D. A. Kolbga (1983) қаранг.
4. Bloomberg рақиблардан узоқлашиш учун мовий уммонни яратиша олтита усулдан бирини қандай ишлатгани ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун 3-бобга қаранг.
5. Мижоз бўлмаганлар мавзусини муҳокама қилиш учун 6-бобга қаранг.
6. Бу ерда ишлатиладиган моделни батафсил муҳокама қилиш учун 3-бобга қаранг.
7. "Korea Economic Daily" (2004)га қаранг.
8. "Fortune" (2005)га қаранг.
9. "Korea Economic Daily" (2004)га қаранг.
10. Interband, Best Global Brands 2013 (2014-йил 1 июль ҳолатига кўра).

5-боб

1. 2001-йилда "Pret A Manger"нинг ўсиш потенциали шу қадар юқори эдики, "McDonald's" ушбу компаниянинг 33% улушини 50 миллион фунт стерлингга сотиб олди. Мазкур суммани олгач, компания халқаро бозорга чиқди. Афсуски, тез орада йўқотишлар рўй берди, чунки компания ҳаддан ташқари тез кенгайиши туфайли тарқаб кета бошлади. Чет элда операцияларни қисқартириш ва буларнинг барчаси бошланган жойга қайтиш билан компания қисқа муддатда тикланди ва савдо даражаси яна ўсишни бошлади. Компания фақат инқироз даврида ўсишни секинлаштирди. Мовий уммонни яратгандар учун муҳим сабоқ; бозорда ҳаяжонланишига ва мовий уммоннинг товарлари ёки хизматларига талаб юқори бўлса ҳам, компания ҳушёрликни ва дам олишни йўқотмаслиги ҳамда ўз таклифининг стандартларини пасайтирумаслиги керак.
2. "JCDecaux", шунингдек, а'ропортлар ва транспортда реклама беरувчи дунёдаги энг йирик провайдер. Компанияда миллиондан ортиқ реклама стендлари мавжуд ва ҳар куни тахминан 300 миллион киши унинг рекламаларини кўришади. 2013-йилда ушбу компания 2.676 миллиард евро даромадга эга бўлди.
3. Committee on Defense Manufacturing (1996), James Fallows (2002) ва John Birkleretal (2001)га қаранг
4. Department of Defense (1993)га қаранг
5. "JSF"нинг нима учун ташкил этилганлиги тўғрисида кўпроқ маълумот олиш учун Bill Breen (2002), Fallows (2002), Federation of Atomic Scientists (2001), David H. Freedman (2002), Nova (2003) ва АҚШ ҳаво кучлари (2002)га қаранг
6. Масалан, Miller (2003) ва Gasiorek-Nelsonга (2003) қаранг. Ўша пайтда АҚШ ҳарбий-денгиз флоти вице-адмирали унвонига эга бўлган Миллер 2003-йилги мақоласида шундай ёзган эди: " "Joint Strike Fighter" самолётининг яратилиши бошиданоқ ҳукumat ташкилотлари, саноат ва ҳарбийларнинг яқин ҳамкорлигига асослан-

ган эди. Асосий эътибор талабларнинг бирлигига қаратилди. Бу эса фаол синов учун харажатларни камайтиришга олиб келди. Дастур муваффақиятли чиқиши шарт". Мудофаа вазирининг техник тараққиёт бўйича ўринбосари Эдвард С. Олдридж-кичкина, 2003-йилда қайта жиҳозлаш ва логистика бўйича конференцияда нутқ сўзлаган "GasiorekNelson" (2003) мақоласида таъкидлаганидек, "Joint Strike Fighter" муваффақиятли халқаро дастур намунасиdir".

7. "JSF" "F-35" концепциясини яратиш ва уни 2010-йилда амалга ошириш ўртасидаги деярли ўн йиллик бўшлиқни, шунингдек, армия иерархиясидан ташқаридаги ташқи томонларнинг мураккаб тармоғига ғоят катта боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу концепциянинг ўзи, биринчи нашрда айтиб ўтганимиздек, муваффақиятсиз бўлиш эҳтимолига эга эди. Раҳбарият жуда кўп қийинчиликларга дуч келди: армия ва Пентагонда қарорлар қабул қилиш учун масъул бўлган шахслар ўн йил ичida ўзгарган ва ташқи манбаатдор томонлар бу масалада турли хил қизиқиш ва қарашларга эга бўлишган. 8-бобда "F-35" лойиҳасини янада ривожлантириш ва унинг ички ҳамда ташқи манбаатдор томонлар билан боғлиқ бўлган бошқарув муаммолари нуқтаи назаридан қандай ўзгарганлиги ҳақида гапирдик.

6-боб

1. Rohlfs (1974)га қаранг. Ролфс биринчи бўлиб тармоқ ташқи хусусиятларини аниқлаб, уларни тавсифлади. Бу борадаги ишларни ўрганиш учун Kanz ва Shapirora (1994) қаранг.
2. Kenneth J. Arrow (1962) ва Raul Romerra (1990) қаранг. Бу уларнинг рақобатбардош бўлмаган ва зарур маҳсулотларни технологик инновациялар билан чеклашлари муҳим эмас, чунки бу иқтисодиётда мавжуд бўлган анъанадир. Инновация тушунчаси янги таъриф-

ни олганда ва компаниянинг микроиқтисодий даражасида кўпроқ аҳамиятга эга бўлган қийматнинг инновацияси деб номланганда рақобатбардошлик ва эҳтиёжнинг аҳамияти янада ошади. Бунинг сабаби шундаки, технологик инновациялар одатда кўпроқ "чиқариб ташланган" таркибий қисмга эга. Бу патент муҳофазасини олиш имконияти ва қиёсий қулайлиги билан боғлиқ.

3. Ford Motor Company (1924) ва William J. Abernathy ҳамда Kenneth Waynega (1974) қаранг.

7-боб

1. Мақсадли етакчилик ғояси эпидемиология ва пасайтириш нуқталари назариясидан келиб чиқади. Концепцияда айтилишича, энергия ва шунга ўхшаш қарашларга эга одамларнинг танқидий массаси мавжуд бўлганда, мақсадга интилиш эпидемияси юзага келиши мумкин, шундан сўнг ҳар қандай ташкилотда ҳар қандай туб ўзгаришлар бўлиши мумкин. Илк бор ижтимоий хатти-ҳаракатларга нисбатан “мақсадли етакчилик” атамаси 1957-йилда сегрегацияни ўрганишда (Morton Grodzins, 1957) ишлаб чиқилган ва кейинчалик Мериленд университетининг иқтисодчиси Томас Шеллинг томонидан якунланган (Thomas Schelling, 1978). Кейинчалик бу атама Малcolm Гладуэлл томонидан “Мақсадли етакчилик” (2000) китобида оммалашган. Шундан кейин бу ибора қатъий фойдаланишга кирган. Таъкидлаш керакки, биз мақсадли етакчилик назариясини Гладуэлл каби бир хил тушунмаймиз. Агар Гладуэлл жамиятда эпидемияни келтириб чиқарадиган сабаблар ҳақида ўйласа, биз компанияни ўзgartириш контекстида етакчиликдан манфаатдормиз. Аникроғи, раҳбар қандай стратегияни амалга оширишда муҳим бўлган тўртта ташкилий тўсиқни енгиб ўтишини тушунишни истаймиз. Натижада биз кўриб чиқадиган асосий ҳаракатлантирувчи кучлар ёки паст харажатлар билан тезкор

ташкилий ўзгаришларнинг асосий манбай деб ҳисоблайдиган но-мутаносиб таъсир этувчи омиллар Гладуэлл (мутахассислар, воси-тасиилар, савдо ходимлари) томонидан айтиб ўтилганлардан фарқ қиласди. Бизнинг тадқиқотларимиз Гладуэлл олиб борган тадқи-қотдан контекстда ҳам, ўзгариш эпидемиясини яратиш восита-сида ҳам фарқ қиласди.

2. Joseph Ledoux (1998) ва J.S. Morris ва бошқалар. (1998)га қаранг.
3. Baddely (1990) ва Kolbga (983) қаранг.
4. Синган ойналар назариясини муҳокама қилиш учун James Q. Wilson и George L. Kellingra (1982) қаранг.

8-боғ

1. Thibault and L. Walker (1975).
2. Том Тайлер ва Аллан Линд каби тадқиқотчилар оқилона жараён-нинг кучини ва унинг турли маданиятлар ҳамда ижтимоий вазият-ларга таъсирини намойиш этдилар. Тадқиқотлар тавсифи ва у билан боғлиқ ишлар учун E.A. Lind and T. R. Tyler (1988)га қаранг.
3. Ихтиёрий ҳамкорлик ҳақида: C. O'Reilly ва J. Chatman (1986), D. Katz (1964) ва P. M. Blaura (1964) қаранг.
4. Kim and Mauborgnera (1997b) қаранг.
5. Kim and Mauborgnera (1998a) қаранг.
6. Kim and Mauborgnera (1995) қаранг.
7. E. Herzbergдаги мунозараага қаранг (1966).
8. A. Ciralskyга (2013) қаранг.
9. Генерал-майор Кристофер Богданнинг A. Ciralsky эслатмаларига қаранг (2013).
10. Генерал-майор Кристофер Богданнинг "AFA Air and Space Technology Exposition"га (Вашингтон, 2013-йил сентябр) қаранг, Air Force Associationра (2013) қаранг.

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

Изоҳлар

9-бөл

1. Kim and Mauborgne. Қаранг (2009).
2. Уч стратегик таклиф компаниянинг анъанавий йўналишларига мос келади. Пировард мақсади харидорга қиймат бериш ва фойда олиш ҳисобланади. Бунинг учун компания инвестициялар (харажатлар) ва инсон капиталини сарфлайди. Бундай пайтда компаниянинг ишчи тизимининг моҳияти харидор учун қиймат, фойда (даромадни минус харажатлари) ва инсон капитали нисбатига камайтирилади. Яхши стратегия нафақат маркетинг, ишлаб чиқариш, инсон ресурслари ва бошқаларни қамраб олиши керак, балки компаниянинг барча фаолиятига тегишли бўлиши керак. Маркетинг бўлими қиймат таклифига эътибор қаратиши ва бошқа иккита таклифга эътибор бермаслиги мумкин. Ишлаб чиқариш бўлими харидорнинг эҳтиёжларини эътиборсиз қолдириши ёки одамларга кўплаб ўзгарувчан кўрсаткичлардан бири сифатида муносабатда бўлиши мумкин. Шу сабабли мовий уммоннинг мустаҳкам стратегиясини тузиш пухта ишлаб чиқилган ва келишилган учта таклифни талаб қиласди.

11-бөл

1. Tellis and Golderra (2002) қаранг.

1-илюса

1. "Ижодий ҳалокат" ҳақида Joseph A. Schumpeterra (1934; 1975) қарнг.
2. "New York Times"га (1906) қаранг.
3. "Literary Digest"га (1899) қаранг.
4. "Bruce McCalley"га (2002) қаранг.
5. William J. Abernathy and Kenneth Waynera (1974) қаранг.
6. Antique Automobile Club of Americага (2002) қаранг.

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

Изоҳлар

7. Alfred P. Sloan (1965), с. 150 га қаранг.
8. Mariana Mazzucato ва Willi Semmlerra (1998) қаранг.
9. Lawrence J. Whitera (1971) қаранг.
10. Economistrara (1981) қаранг.
11. Sanghoon Ahnra (2002) қаранг.
12. Walter Adams ва James W. Brock (2002). 5–1 расм, 116–117-бет. га қаранг
13. Автомобил сотувчилар миллий ассоциациясининг маълумотларига кўра (2014йил 19 июн).
14. Andrew Hargadon (2003), с. 43 га қаранг.
15. International Business Machines (2002).
16. Regis McKenna (1989), с. 24 га қаранг.
17. A+ Magazine (1987), с. 48–49; Fortunera (1982) қаранг.
18. Otto Freidrichга (1983) қаранг.
19. Otto Freidrichга (1983) қаранг.
20. "IBM" "Apple"дан бир оз кўпроқ харажат қилди (1565 доллар ва 1200 доллар, лекин "IBM"да монитор бор эди, "Apple"да эса йўқ).
21. "History of Computing Project"га (2002-йил 28-июнь) қаранг.
22. "Financial Times"га (1999) қаранг.
23. "Hoovers Online"га (2003-йил 14-март) қаранг.
24. "Digital History"га (2004) қаранг.
25. "Screen Source"га (2002) қаранг.
26. Қизиги шундаки, 1924-йилда томошибинлардан кинотеатрда нимани кўпроқ ёқтиришлари тўғрисида сўралган. 28 фоизи мусиқа, 19 % ходимларнинг хушмуомалаги, 19 фоизи қулай интерер ва 15 фоизи жозибадорликни деб жавоб беришган. Фақатгина 10 фоизи мижозлар фильмларни танлашган (R. Koszarski,, 1990). 1922-йилда сўровда қатнашганларнинг 24 фоизи намойиш этилаётган фильм-

нинг сифати чипта нархига мос эмаслигини таъкидлашган. Ўша даврнинг афишаларида фильм мусиқасига ҳам катта эътибор берилган. 1926-йилда овозли фильмларнинг пайдо бўлиши билан кинотеатрда жонли мусиқанинг роли кескин пасайди (гуруҳ ёки оркестр ва шунга ўхшаш харажатлар). Ажойиб декорация, ҳашаматли мебел ва хизмат кўрсатувчилари, масалан, кинотеатр ходимлари томонидан томошабин автоуловларини тўхтаб туриш жойларига олиб боришлар фойдали бўлган ва ўн йил давомида америкаликлар шаҳар атрофига (Иккинчи жаҳон урушидан кейин) кўучиб ўтишгача таклиф қилинган янгиликлардан фойда олишган.

27. Screen Sourcera (2002) қаранг.

2-илюса

1. Саноат иқтисодиётининг структуралистик мактаби Джо Бэйннинг (Joe Bain) "тузилма – хулқ – иш самарадорлиги" парадигмасидан келиб чиқади. Бэйн тармоқлараро эмпирик тузилмани қўллаган ҳолда, асосан, структуранинг иш самарадорлигига бўлган таъсирiga эътиборни қаратди. Мавзу бўйича қўшимча маълумот олиш учун Bainга (1956, 1959) қаранг.
2. Шерер Бэйннинг ишини ривожлантиради ва оралиқ ўзгарувчи сифатида "хатти-ҳаракатлар"дан фойдаланиб "структурна" ва "иш самарадорлиги" ўртасидаги анъанавий йўлни ҳисоблашга интилади. Қўшимча маълумот олиш учун Schererra (1970) қаранг.
3. Қўшимча маълумот олиш учун Schererra (1970) қаранг.
4. Масалан, Joseph A. Schumpeterra (1975) қаранг.
5. Масалан, Joseph A. Schumpeterra (1975) қаранг.
6. Эндоген ривожланиш ва янги ўсиш назарияси ҳақида қўшимча маълумот олиш учун Paul Romer (1990, 1994) ва G. M. Grossman ва E. Helpmanга (1995) қаранг.

7. Рақобат стратегиясини батафсил муҳокама қилиш учун Porterra (1980, 1985, 1996) қаранг.
8. Kim va Mauborgnera (1997a, 1999a, 1999b, 2009) қаранг.
9. Joseph Schumpeter (1934) ва Andrew Hargadonra (2003) қаранг.
10. Мавзу ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун алвон уммонларнинг тузоқлари тўғрисидаги 11-бобга қаранг.
11. Бу икки хил тушунчалардир, аммо улар билан боғлиқ усуllар бир вақтнинг ўзида ишлатилиши ва бир-бирини тўлдириши мумкин. Мовий уммон стратегиясини қайта тиклаб муаммони ўзгартириш орқали сиз "Кашфиётчилик муаммоларни ечиш назарияси" ("КМЕН") каби техникаларни қўллашшингиз ҳамда уларни модификацияланган муаммонинг инновацион ечимларини топиш учун турли хил ресурслар комбинацияси бўйича саралашда фойдаланишингиз мумкин. "КМЕН" тизимининг муаллифлари Гейнрих Альтшуллер ва унинг собиқ СССРдаги ҳамкаслариидир. Ушбу олимлар уч миллиондан ортиқ патентларни ўрганиб чиқишиди ҳамда маълум бир муаммонинг инновацион ечимини башорат қилишга имкон берадиган тузилмаларни ажратиб олишга муваффақ бўлишди.

З-илюва

1. Қиймат инновациясининг бозор динамикаси тўғрисида кўпроқ маълумот олиш учун Kim and Mauborgera (1999b) қаранг.
2. Даромадларни кўпайтириш имкониятларини муҳокама қилиш учун Paul Romer (1986) ва W. B. Arthurra (1996) қаранг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. A+ Magazine. 1987. "Back In Time". February, 48-49.
2. Abernathy, William J., and Kenneth Wayne. 1974. "Limits to the Learning Curve". Harvard Business Review 52, 109-120.
3. Adams, Walter, and James W. Brock. 2001. The Structure of American Industry. 10th edition. Princeton, NJ: Prentice Hall.
4. Ahn, Sanghoon. 2002. "Competition, Innovation, and Productivity Growth: A Review of Theory and Evidence". OECD Working Paper 20.
5. Air Force Association. 2013. "F-35 Program Update." Air and Space Technology Exposition. Washington, DC. September 17. www.af.mil/Portals/1Zdocuments/af%20events/AFALtGenBogdan.pdf Accessed January 20, 2014.
6. Altshuller, Genrich. 1999. The Innovation Algorithm: TRIZ, systematic innovation, and technical creativity. Worcester, MA: Technical Innovation Center.
7. Andrews, Kenneth R. 1971. The Concept of Corporate Strategy. Homewood, IL: Irwin.
8. Ansoff, H. Igor. 1965. Corporate Strategy: An Analytic Approach to Business Policy for Growth and Expansion. New York: McGraw Hill.
9. Antique Automobile Club of America. 2002. Automotive History — A Chronological History. www.aaca.org/history. Accessed June 18, 2002.
10. Arrow, Kenneth J. 1962. "Economic Welfare and the Allocation of Resources for Inventions," in The Rate and Direction of Inventive

Activity, edited by R. R. Nelson. Princeton, NJ: Princeton University Press, 609-626.

11. Arthur, W. B. 1996. "Increasing Returns and the New World of Business". Harvard Business Review 74, July-August, 100-109.
12. Auerbach, Paul. 1988. Competition: The Economics of Industrial Change. Cambridge: Basil Blackwell.
13. Baddeley, A. D. 1990. Human Memory: Theory and Practice. Needham Heights, MA: Allyn & Bacon.
14. Bain, Joe S. 1956. Barriers to New Competition: Their Character and Consequences in Manufacturing Industries. Cambridge, MA: Harvard University Press.
15. Bain, Joe S., ed. 1959. Industrial Organization. New York: Wiley.
16. Baird, Inga S., and Howard Thomas. 1990. "What Is Risk Anyway? Using and Measuring Risk in Strategic Management," in Risk, Strategy, and Management, edited by Richard A. Bettis and Howard Thomas. Greenwich, CT: JAI Press Inc.
17. Balmer, J. 2001. "The New Jet Set". Barron's, November 19.
18. Bettis, Richard A., and Howard Thomas, eds. 1990. Risk, Strategy, and Management. Greenwich, CT: JAI Press Inc.
19. Birkler, J., et al. 2001. "Assessing Competitive Strategies for the Joint Strike Fighter: Opportunities and Options". Santa Monica, CA: Rand Corporation.
20. Blau, P. M. 1964. Exchange and Power in Social Life. New York: Wiley.
21. Borzak, L., ed. 1981. Field Study: A Source Book for Experiential Learning. Beverly Hills, CA: Sage Publications.
22. Breen, Bill. 2002. "High Stakes, Big Bets". Fast Company, April.
23. Chandler, Alfred. 1962. Strategy and Structure: Chapters in the History of the Industrial Enterprise. Cambridge, MA: The MIT Press.
24. Christensen, Clayton M. 1997. The Innovator's Dilemma: When New Technologies Caused Great Firms to Fail. Boston: Harvard Business School Press.
25. Collins, Jim, and Jerry Porras. 1994. Built to Last. New York: Harper

Business.

26. Ciralsky, Adam. 2013. "Will It Fly?" *Vanity Fair*, September 16.
27. Committee on Defense Manufacturing in 2010 and Beyond. 1996. *Defense Manufacturing in 2010 and Beyond*. Washington, DC: National Academy Press.
28. Copernicus and Market Facts. 2001. *The Commoditization of Brands and Its Implications for Marketers*. Auburndale, MA: Copernicus Marketing Consulting.
29. D'Aveni, Richard A., and Robert Gunther. 1995. *Hypercompetitive Rivalries: Competing in Highly Dynamic Environments*. New York: Free Press.
30. Day, George S., and David J. Reibstein, with Robert Gunther, eds. 1997. *Wharton on Dynamic Competitive Strategy*. New York: John Wiley.
31. Department of Defense Press Conference. 1993. "DOD Bottom Up Review". Reuter's Transcript Report, September 1.
32. Digital History. 2004. Chronology of Film History. www.digitalhistory.uh.edu/historyonline/film_chron.cfm. Accessed February 4, 2004.
33. Drucker, Peter F. 1985. *Innovation and Entrepreneurship: Practice and Principles*. London: William Heinemann.
 - . 1992. *Managing for the Future: The 1990s and Beyond*. New York: Dutton.
 - . Economist. 2000. "Apocalypse Now". January 13.
 - . 1981. "Detroit Moves the Metal". August 15.
 - . 2001. "A New Orbit". July 12.
34. Fallows, James. 2002. "Uncle Sam Buys an Airplane". *Atlantic Monthly*, June.
35. Federation of Atomic Scientists. 2001. "F-35 Joint Strike Fighter". www.fas.org/man/dod-101/sys/ac/f-35.htm. Accessed October 21, 2002.
36. Financial Times. 1999. "Compaq Stays Top of Server Table". February 3.

37. Ford Motor Company. 1924. Factory Facts from Ford. Detroit.
38. Fortune. 1982. "Fortune Double 500". June.
–. 2005. "The Secrets of Samsung's Success". September 5.
39. Foster, Richard, and Sarah Kaplan. 2001. Creative Destruction. New York: Doubleday.
40. Freedman, David H. 2002. "Inside the Joint Strike Fighter". Business 2.0, February.
41. Friedrich, Otto. 1983. "1982 Person of the Year: The Personal Computer". Time. www.time.com/time/poy2000/archive/1982.html. Accessed June 30, 2002.
42. Gasiorek-Nelson, Sylvia. 2003. "Acquisition and Logistics Excellence". Program Manager, May.
43. Gladwell, Malcom. 2000. The Tipping Point: How Little Things Can Make a Big Difference. New York: Little Brown & Company.
44. Grodzins, Morton. 1957. "Metropolitan Segregation". Scientific American 197, October.
45. Grossman, G. M., and E. Helpman. 1995. Innovation and Growth. Cambridge, MA: The MIT Press.
46. Hamel, Gary, and C. K. Prahalad. 1994. Competing for the Future. Boston: Harvard Business School Press.
47. Hamel, Gary. 1998. "Opinion: Strategy Innovation and the Quest for Value". MIT Sloan Management Review 39, no. 2, 8.
–. 2000. Leading the Revolution. Boston: Harvard Business School Press.
48. Hankyung Business. 2011. "Value Innovation and Goal-Oriented Management Made Samsung TV the Global No. 1". December 21.
49. Hargadon, Andrew. 2003. How Breakthroughs Happen. Boston: Harvard Business School Press.
50. Herbst, Kris. 2002. "Enabling the Poor to Build Housing: Cemex Combines Profit and Social Development". Changemakers Journal, September/October.
51. Herzberg, F. 1966. Work and the Nature of Man. Cleveland, OH:

World Publishing.

52. Hill, Charles W. L. 1988. "Differentiation versus Low Cost or Differentiation and Low Cost". *Academy of Management Review* 13, July, 401-412.
53. Hindle, T. 1994. *Field Guide to Strategy*. Boston: The Economist Books.
54. History of Computing Project. "Univac". www.thocp.net/hardware/univac.htm. Accessed June 28, 2002.
55. Hofer, Charles W., and Dan Schendel. 1978. *Strategy Formulation: Analytical Concepts*. St. Paul, MN: West Publishing.
56. Hoovers Online. www.hoovers.com/. Accessed March 14, 2003.
57. International Business Machines. 2002. *IBM Highlights: 1885-1969*.
58. www-1.ibm.com/ibm/history/documents/pdf/1885-1969.pdf.
59. Accessed May 23, 2002.
60. Interbrand. Best Global Brands 2013.
61. www.interbrand.com/libraries/branding_studies/best_global_brand
Accessed July 1, 2014.
62. Kanter, Rosabeth Moss. 1983. *The Change Masters: Innovation for Productivity in the American Corporation*. New York: Simon & Schuster.
63. Katz, D. 1964. "The Motivational Basis of Organizational Behavior". *Behavioral Science* 9, 131-146.
64. Katz, Michael, and Carl Shapiro. 1994. "Systems Competition and Network Effects". *Journal of Economic Perspectives* 8, no. 2, 93-115.
65. Kim, W. Chan, and Renee Mauborgne. 1993. "Procedural Justice, Attitudes and Subsidiary Top Management Compliance with Multinational's Corporate Strategic Decisions". *The Academy of Management Journal* 36, no. 3, 502-526.
 - . 1995. "A Procedural Justice Model of Strategic Decision Making: *Strategy Content Implications in the Multinational*". *Organization Science* 6, February, 44-61.
 - . 1996. "Procedural Justice and Manager's In-role and Extra-

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

Фойдаланылган адабиётлар рүйхаты

role Behavior". Management Science 42, April, 499-515.

- . 1997a. "Value Innovation: The Strategic Logic of High Growth". Harvard Business Review 75, January-February, 102-112.
- . 1997b. "Fair Process: Managing in the Knowledge Economy". Harvard Business Review 75, July-August, 65-76.
- . 1997c. "On the Inside Track". Financial Times, April 7.
- . 1997d. "When 'Competitive Advantage' Is Neither". Wall Street Journal, April 21.
- . 1998a. "Procedural Justice, Strategic Decision Making, and the Knowledge Economy". Strategic Management Journal, 323-338.
- . 1998b. "Building Trust". Financial Times, January 9.
- . 1998c. "Value Knowledge or Pay the Price". Wall Street Journal Europe, January 29.
- . 1998d. "A Corporate Future Built With New Blocks". New York Times, March 29.
- . 1999a. "Creating New Market Space". Harvard Business Review 77, January-February, 83-93.
- . 1999b. "Strategy, Value Innovation, and the Knowledge Economy". MIT Sloan Management Review 40, no. 3, Spring.
- . 1999c. "The Bright Idea that Conquered America". Financial Times, May 6.
- . 2000. "Knowing a Winning Business Idea When You See One". Harvard Business Review 78, September-October, 129-141.
- . 2002. "Charting Your Company's Future". Harvard Business Review 80, June, 76-85.
- . 2003. "Tipping Point Leadership". Harvard Business Review 81, April, 60-69.
- . 2004. "Blue Ocean Strategy". Harvard Business Review 82, October, 75-84.

- . 2005. "Blue Ocean Strategy: From Theory to Practice". California Management Review 47, March, 105-121.
- . 2009. "How Strategy Shapes Structure". Harvard Business Review 87, September, 72-80.
- 66. Kolb, D. A. 1983. Experiential Learning: Experience as the Source of Learning and Development. New York: Prentice Hall Press.
- 67. Korea Economic Daily. 2004. April 20, 22, 27; May 4, 6.
- 68. Koszarski, R. 1990. An Evening's Entertainment: The Age of the Silent Feature Picture, 1915-1928. New York: Scribner and Sons.
- 69. Kuhn, Thomas S. 1996. The Structure of Scientific Revolutions. Chicago: University of Chicago Press.
- 70. Larkin, J., and H. Simon. 1987. "Why a Diagram Is (Sometimes) Worth 10,000 Words". Cognitive Science 4, 317-345.
- 71. Ledoux, Joseph. 1998. The Emotional Brain: The Mysterious Underpinnings of Emotional Life. New York: Simon & Schuster.
- 72. Lester, P. 2000. Visual Communication Images with Messages. 2nd ed. Belmont, CA: Wadsworth Publishing Company.
- 73. Lind, E. A., and T. R. Tyler. 1988. The Social Psychology of Procedural Justice. New York: Plenum Press.
- 74. Literary Digest. 1899. October 14.
- 75. Markides, Constantinos C. 1997. "Strategic Innovation". MIT Sloan Management Review, Spring.
- 76. Mazzucato, Mariana, and Willi Semmler. 1998. "Market Share Instability and Stock Price Volatility during the Industry Life-cycle: US Automobile Industry". Journal of Evolutionary Economics 8, no. 4, 10.
- 77. McCalley, Bruce. 2002. Model T Ford Encyclopedia, Model T Ford Club of
- 78. America, May. www.mtfca.com/encyclo/index.htm. Accessed May 18, 2002.
- 79. McKenna, Regis. 1989. Who's Afraid of Big Blue? New York: Addison-Wesley.
- 80. Miller, Jerry. 2003. "JSF Sets the Standard for Aircraft Acquisition".

МОВИЙ ҮММОН СТРАТЕГИЯСИ

Фойдаланылган адабиётлар рүйхаты

Proceedings Magazine, June.

81. Mintzberg, H. 1994. The Rise and Fall of Strategic Planning: Reconceiving Roles for Planning, Plans, and Planners. New York: Free Press.
82. Mintzberg, H., B. Ahlstrand, and J. Lampel. 1998. Strategy Safari: A Guided Tour through the Wilds of Strategic Management. New York: Prentice Hall.
83. Moore, James F. 1996. The Death of Competition: Leadership and Strategy in the Age of Business Ecosystems. New York: HarperBusiness.
84. Morris, J. S., et al. 1998. "Conscious and Unconscious Emotional Learning in the Human Amygdala". *Nature* 393, 467-470.
85. National Automobile Dealers Association. "State-of-the-Industry Report 2012". www.nada.org/NR/rdonlyres/C1C58F5A-BE0E-4E1A-9B56-1C3025B5B452/0/NADADATA2012Final.pdf. Accessed June 19, 2014.
86. NetJets. 2004. "The Buyers Guide to Fractional Aircraft Ownership". www.netjets.com. Accessed May 8, 2004.
87. New York Post. 1990. "Dave Do Something". September 7.
88. New York Times. 1906. "'Motorists Don't Make Socialists,' They Say". March 4, 12.
89. Norretranders, T. 1998. The User Illusion: Cutting Consciousness Down to Size. New York: Penguin Press Science.
90. North American Industry Classification System: United States 1997. 1998. Lanham, VA: Bernan Press.
91. Nova. 2003. "Battle of the X-Planes". PBS. February 4.
92. Ohmae, Kenichi. 1982. The Mind of the Strategist: The Art of Japanese Business. New York: McGraw-Hill.
 - . 1990. The Borderless World: Power and Strategy in the Interlinked Economy. New York: HarperBusiness.
 - . 1995a. End of the Nation State: The Rise of Regional Economies. New York: HarperCollins.

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

Фойдаланылган адабиётлар рүйхаты

93. Ohmae, Kenichi, ed. 1995b. *The Evolving Global Economy: Making Sense of*
94. *the New World Order*. Boston: Harvard Business School Press.
95. O'Reilly, C., and J. Chatman. 1986. "Organization Commitment and Psychological Attachment: The Effects of Compliance Identification, and Internationalization on Prosocial Behavior". *Journal of Applied Psychology* 71, 492-499.
96. Pascale, Richard T. 1990. *Managing on the Edge*. New York: Simon & Schuster.
97. Peters, Thomas J., and Robert H. Waterman Jr. 1982. *In Search of Excellence*:
98. *Lessons from America's Best-Run Companies*. New York: Warner Books.
99. Phelps, Elizabeth A., et al. 2001. "Activation of the Left Amygdala to a Cognitive Representation of Fear". *Nature Neuroscience* 4, April, 437-441.
100. Porac, Joseph, and Jose Antonio Rosa. 1996. "Rivalry, Industry Models, and the Cognitive Embeddedness of the Comparable Firm". *Advances in Strategic Management* 13, 363-388.
101. Porter, Michael. E. 1980. *Competitive Strategy*. New York: Free Press.
 - . 1985. *Competitive Advantage*. New York: Free Press.
 - . 1996. "What Is Strategy?" *Harvard Business Review* 74, November- December.
102. Prahalad, C. K., and Gary Hamel. 1990. "The Core Competence of the Corporation". *Harvard Business Review* 68, no. 3, 79-91.
103. Rohlfs, Jeffrey. 1974. "A Theory of Interdependent Demand for a Communications Service". *Bell Journal of Economics* 5, no. 1, 16-37.
104. Romer, Paul M. 1986. "Increasing Returns and Long-Run Growth". *Journal of Political Economy* 94, October, 1002-1037.
 - . 1990. "Endogenous Technological Change". *Journal of Political Economy* 98, October, S71-S102.
 - . 1994. "The Origins of Endogenous Growth". *Journal of*

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Economic Perspectives 8, Winter, 3-22.

105. Schelling, Thomas C. 1978. *Micromotives and Macrobbehavior*. New York: W. W. Norton and Co.
106. Scherer, F. M. 1970. *Industrial Market Structure and Economic Performance*. Chicago: Rand McNally.
 - . 1984. *Innovation and Growth: Schumpeterian Perspectives*. Cambridge, MA: The MIT Press.
107. Schnaars, Steven P. 1994. *Managing Imitation Strategies: How Later Entrants Seize Markets from Pioneers*. New York: Free Press.
108. Schumpeter, Joseph A. 1934. *The Theory of Economic Development*. Cambridge, MA: Harvard University Press.
 - . 1975 (originally published 1942). *Capitalism, Socialism and Democracy*. New York: Harper.
109. Screen Source. 2002. "US Movie Theater Facts". www.amug.org/~scrnsrc/theater_facts.html. Accessed August 20, 2002.
110. Sloan, Alfred. 1965. *My Years with General Motors*. London: Sidgwick & Jackson.
111. Standard Industrial Classification Manual. 1987. Paramus, NJ: Prentice Hall Information Services.
112. Tellis, G., and P. Golder. 2002. *Will and Vision*. New York: McGraw Hill.
113. Thibault, J., and L. Walker. 1975. *Procedural Justice: A Psychological Analysis*. Hillsdale, NJ: Erlbaum.
114. Tufte, E. R. 1982. *The Visual Display of Quantitative Information*. Cheshire, CT: Graphics Press.
115. United Nations Statistics Division. 2002. *The Population and Vital Statistics Report*.
116. United States Air Force. 2002. "JSF Program Whitepaper". www.jast.mil. Accessed November 21, 2003.
117. von Clausewitz, Carl. 1993. *On War*. Edited and translated by Michael Howard and Peter Paret. New York: Knopf.

МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

Фойдаланылган адабиётлар рүйхами

- 118.** von Hippel, Eric. 1988. *The Sources of Innovation*. New York: Oxford University Press.
- 119.** White, Harrison C. 1981. "Where Do Markets Come From?" *American Journal of Sociology* 87, 517-547.
- 120.** White, Lawrence J. 1971. *The Automotive Industry after 1945*. Cambridge, MA: Harvard University Press.
- 121.** White, R. E. 1986. "Generic Business Strategies, Organizational Context and Performance: An Empirical Investigation". *Strategic Management Journal* 7, 217-231.
- 122.** Wilson, James Q., and George L. Kelling. 1982. "Broken Windows". *Atlantic Monthly* 249, no. 3, March, 29.
- 123.** Zook, Chris. 2004. *Beyond the Core: Expand Your Market Without Abandoning Your Roots*. Boston: Harvard Business School Press.

МИННАТДОРЧИЛИК

Шуни алоҳида эътироф этмоғимиз керакки, ушбу китобни тайёрлашда “INSEAD” ноёб тадқиқот мухитини яратиб бизга жиддий ёрдам берди.

Албатта, “INSEAD”да мавжуд бўлган назария ва амалиёт, шунингдек, факултет талабалари, ўқитувчилари ва раҳбарларининг хаммаслак бўлишлари биз учун жуда фойдали бўлди. Антонио Борхес, Габриэль Хававини ва Лудо ван дер Хейденлар тадқиқотлар давомида бизни илҳомлантиридилар ва қўллаб-қувватладилар. Бу эса тадқиқот ва машғулотни яқиндан бирлаштиришга имкон берди. “Pricewaterhouse Coopers” (“PwC”) ва “Boston Consulting Group” (“BCG”) бизнинг лойиҳамизни молиявий томондан қўллаб-қувватлагани хурматга лойикдир. “PwC”дан Фрэнк Браун, Ричард Бэйрд ва Рене Абате, Жон Кларксон, Жорж Столклар, “BCG”дан Оливье Тарди биз учун кимматли хамкорлар бўлишди.

Иктидорли тадқиқотчилар гурухи бир неча йиллар давомида бизга ёрдам бериб келишди. Айниқса, улар орасидаги бизнинг энг содик ёрдамчиларимиз: Жейсон Хантер ва Чжилар ҳакида алоҳида тўхталишни лозим топдик. Ушбу китобни яратишида уларнинг садоқати, ишга масъулият билан ёндашишлари ва мукаммалликка интилишлари мухим рол ўйнади.

Бизнес мактабдаги ҳамкасларимиз ҳам ушбу китоб учун ўз ғояларини тақдим этишди. “INSEAD” ходимлари, айниқса, Субраманьян Ранган ва Лудо ван дер Хейден фикрларни қайта ишлашга ёрдам беришли. Шунингдек, қимматли изоҳлар қолдиришди ва бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар. “INSEAD”нинг кўплаб ўқитувчилари мазкур китобнинг ғоялари ва тушунчаларини компа-

ния раҳбарлари ҳамда “МВА”ларга сўзлаб беришди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари-да муҳим аҳамият касб этди. Бошқалар интеллектуал томондан қўллаб-кувватлашни таклиф қилишди ва меҳр бера олишди. Рон Аднер, Жан-Луи Барса, Бен Бенсау, Анри-Клод де Беттиње, Майк Бrimm, Лоренс Капрон, Марко Чекканьоли, Ка-рел Кул, Арна Де Мейер, Ингемар Дирикс, Гарет Диаз, Жорж Ипен, Пол Эванс, Чарли Галуника, Аннабелле Гоуэр, Хавъяра Химено, Доминик ОНил Жонс, Филипп Лассерра, Жан-Франсуа Манзони, Женс Меер, Клод Микой, Деган Моррис, Куй Нгуен Хюи, Субраманян Ранганд, Джонатан Стори, Хайнц Танхайзер, Дэвид Янг, Питер Земски, ва Миня Цзенлардан миннатдор эканимизни таъкидлашдан мамнунмиз.

Хуллас, бутун дунё амалиётчилари ва назариётчилари билан танишишга муваффак бўлдик. Улар ушбу китоб ғояларини амалда намойиш этишда катта хисса қўшдилар ва тадқиқот учун материал тўплашга ёрдам бердилар. Биз билан бирга ишлаган ва 4-бобга жиддий хисса қўшган ҳамда ғояларимизни компанияларда қўллаш тажрибаларини ташкиллаштирган Марк Бовэ-Коладонга алоҳида раҳмат айтмоқчимиз. Шунингдек, Франсис Гуйяр ва унинг ҳамкасларидан ҳам миннатдормиз. Гэвин Фрэзер, Уэйн Мортенсен, Брайан Маркс, Кеннет Лау, Ясус Сини, Джонатан Лэндри, Чжунан Чжан, Ральф Тромбетту, Габор Бурт, Шантарам Венкатеш, Мики Кавав, Атул Синья, Арнольд Исак, Фолькер Вестерманн, Мэтт Уильямсон, Кэролайн Эдвардс, Марк Спелман, Омар Аббош, Джим Сэйлз ва бу инсонларнинг барча ҳамкасларига катта раҳматлар айтиб қоламиз. “Accenture” билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганимиздан бағоятда хурсандмиз. Бизни қўллаб-кувватлагани учун “Lucent Technologies”га ташаккурлар.

Тадқиқот давомида дунёдаги компаниялар ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан учрашишга эришдик. улар кимматли

вактларини биздан кизғанишмади ва китобдаги ғояларга сезиларли таъсир күрсатган фикрлари билан ўртоқлашишди. Биз улардан жуда миннатдормиз. Ғояларимизни амалда татбиқ этишга уринган кўплаб хусусий ва жамоат ташаббуслари орасидан “Samsung Electronics” компаниясининг “Value Innovation Program (VIP) Center” ва Сингапурдаги “Value Innovation Action Tank” (VIAT) ташкилотлари бизнинг илҳом ва билимимизнинг асосий манбасига айланишди. “Samsung Electronics”дан Жонг Йонг Юн ва Сингапур хукуматининг доимий котиблари бизга ҳамкорлик қилишди. Шунингдек, қадриятлар инновацион ғояларини амалга оширувчи глобал ҳамжамият – “Value Innovation Network” (VIN) аъзоларига ва, айниқса, бу ерда тилга олинмаган барча ҳамкорларимизга миннатдорчилик билдиromкчимиз.

Шу ўринда мухарриримиз Мелинда Меринога оқилона изохлари ва нашриёт шархлари учун ҳамда “Harvard Business School Publishing” нашриёт жамоасига уларнинг сайд-харакатлари, кўллаб-куvvatлашлари ва иштиёқлари учун ташаккурлар айтамиз.

“Harvard Business Review”даги ҳозирги ва олдинги мухаррирларга, айниқса, Девид Чемпион, Том Стюарт, Нан Стоун ва Жоан Магреттгалардан ҳам миннатдормиз. Айтишимиз керакки, “MBA”, “PhD” ва “INSEAD” раҳбарларидан жуда катта карздормиз. Стратегия курслари ва “Value Innovation Study Group” иштироқчилари матонат кўрсатишди, негаки ушбу китобнинг кўплаб ғояларини уларда синаб кўрдик. Улар томонидан берилган мураккаб саволлар ва айтилган мулоҳазали фикрлар бизнинг ғояларимизни аниклаштириш ва бирлаштиришга ёрдам берди

Мазкур китобнинг биринчи нашрида номлари тилга олинмаган олимлар ҳам мана, ўн йилдирки, бизга кўп бора ёрдам бериб келишди. Уларнинг беминнат ёрдамларидан хурсандмиз ва ташаккурлар айтамиз. Таъкидлаш ўйринлики, Фрэнк Браун узоқни кўриб иш тутди: “INSEAD” (IBOSI) мовий уммон стратегияси институтини очди ҳамда деканлар Илиян Михов ва Питер Земскийлар ушбу ташаббусни қатъий кўллаб-кувватладилар. Уларнинг қараашлари ва кўллаб-кувватлашлари туфайли “INSEAD”да ўқиётган менежерлар ҳамда “MBA” талабалари учун кўплаб мовий уммон стратегиялари (BOS) дастурларини ишлаб чиқдик. Уларнинг кўмагида синфда муҳокама килинадиган ҳақиқий холатларнинг анъанавий тавсифларини тўлдиришга қаратилган назария, таълимга янгича ёндашув ҳақидаги фильмларни киритдик. Менежерлар “MBA” ва “EMBA” учун “INSEAD” дастурларида мовий уммон стратегиялари назарияси, амалий машғулотлари ва ўкув курсларини ўқитган барча ўқитувчиларимизга миннатдорчилик билдирамиз. Биз Эндрю Шипилов, Фаре Булу, Жуоли Чен, Цзи Ми, Майл Шил, Жеймс Костантини ва Лорен Матиснинг исмларини алоҳида айтмиб ўтмоқчимиз. Биз аллақачон ҳамкаслар ва тадқиқотчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдиридик, аммо бунга алоҳида эътибор қаратишга лойик бўлганлар: Зинайре Мунир, Оу Янг Ку, Катрине Линг ва Майл Оленикуларга улкан миннатдорчилик билдирамиз. Биз улардан мовий уммон стратегияси бўйича ўкув материаллари, тадқиқотлар ва дастурларни тайёрлашда кўрсатган ёрдамлари учун қарздормиз. Тадқиқотларимизни сахийлик билан молиялаштирган “Beaucourt Foundation” фондига катта раҳмат.

Қолаверса, ғояларимизни ҳаётга татбиқ этгани учун кўплаб жамоатчилик ва нотижорат ташкилотларига ҳам миннатдорчилик билдирамиз. Мовий уммон стратегияси институтини (MBOSI) ва Президент Обаманинг “White House Initiative on Historically Black

Colleges and Universities” бўйича ташаббусини алоҳида таъкидла-мокчимиз. Бу иккала ташкилот бизга янги туртки берди, мовий уммонлар назариясини етакчилик, тадбиркорлик ва хусусий сектор каби соҳаларда қўллаш ҳамда тарқатишда ёрдам берди. Қолаверса, Малайзия расмийлари ва ишбилармонлари, шунингдек, Президентнинг “President’s Board of Advisors on Historically Black Colleges and Universities” бўйича маслаҳатчиларига миннатдорчилик билдирамиз. Же Вон Парк ва унинг “MBOSI” ҳамкаслари: Роберт Бонг ва бошқаларга, шунингдек, Питер Ндж ва унинг ҳамкасларига раҳмат. “MBOSI”да “BOS” дастурининг менежерлари Касья Дуда ва Жули Лига иштиёқи, қўллаб-қувватлаши ва фидокорлиги учун, шунингдек, Крейг Уилкига илмий ёрдами учун миннатдорчилик изхор этамиз. “IBOSI”да бизни қўллаб-қувватлаган Мелани Пипино ва Мари-Франсуаз Пикереларга доимий ёрдамлари ва садоқати учун ташаккурлар айтиб қоламиз.

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

В. Чан Ким – профессор, “INSEAD”нинг стратегия ва халқаро менежмент бўлими бошлиғи. Дунёдаги энг таникли бизнес маслаҳатчиларидан бири. Сингапурдаги “Value Innovation Action Tank” директорлар Кенгаши аъзоси.

В. Чан Ким дунёдаги кўплаб халқаро корпорацияларда маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Ҳозирги кунда Европа Иттифоқининг маслаҳатчи аъзоси ҳисобланади. Кўп миллатли корпоратив бошқарувига оид бир нечта мақолалар муаллифи. Унинг ишлари деярли барча таникли бизнес журналлари томонидан нашр этилган. Профессор Кимнинг “Harvard Business Review” томонидан нашр этилган бошқарув стратегиялари ҳақидаги мақолалари доим диккат марказда бўлиб келган. Унинг мақолалари чоп этилган нашрлар йиллар давомида ўқувчилар ярим миллиондан ортиқ нусхада етказиб берилган.

Профессор Ким Халқаро Бизнес Академияси ва “Элридж Хейнс Мемориал Фонди” томонидан халқаро бизнесдаги энг яхши асари учун мукофотга сазовор бўлди.

Классик бизнес хитга айланган “Мовий уммон стратегияси”нинг муаллифи (Рене Моборн билан биргаликда). Мазкур Китоб дунёнинг 43 тилига таржима қилинган ва 3,5 миллион нусхада сотилган.

Рене Моборн – “INSEAD”нинг фахрий тадқиқотчиси. “INSEAD” стратегияси ва менежменти профессори, Давосдаги Жаҳон иқтисодий форумининг аъзоси. Халқаро корпорацияларда менежментга бағишланган бир қатор мақолалар муаллифи ҳисобланади.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ХАЛҚАРО
БЕСТСЕЛЛЕРИ

В. Чан КИМ, Рене МОБОРН
МОВИЙ УММОН СТРАТЕГИЯСИ

Таржимонлар:
Алишер РАВШАНОВ
Эргашбай МАТЁҚУБОВ

Бош мухаррир:
Алишер РАВШАНОВ

Нашрга тайёрловчи:
Эргашбай МАТЁҚУБОВ

Мусаххих:
Лолаҳон ҚЎЗИБОЕВА

Кўшимча иқтибослар ва изоҳларни тайёрловчи:
Эргашбай МАТЁҚУБОВ

Компьютерда саҳифаловчи:
Лолаҳон ҚЎЗИБОЕВА

ДИҚҚАТ!!! “Мовий уммон стратегияси” китобининг ўзбек тилидаги ушбу таржимасини ёки унинг бир кисмини нашрга тайёрловчи нинг маҳсус (ёзма) руҳсатисиз китоб ҳолида ёки газета ва журналларда чол этиш, электрон кўринишида тарқатиш, интернетта жойлаштириш, шунингдек, асарда келтирилган изоҳ ва иқтибослардан ижодий фойдаланини катъиян такиқланади.

Лицензия раками АI № 274. 15.07.2015. да берилган

Босишига 15.04.2021 йилда руҳсат этилди. Бичими 60/84. 1/16.

Босма тобоги 24. Шартли босма тобоги 27

Гарнитура “Times New Roman” оғсет коғози.

Адади 3 000 нусха. Буюртма № 11.

Баҳоси келишилган нархда.

“BOOK MEDIA PLUS” Ҳусусий корхонасида тайёрланди.
Манзил: Тошкент, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 28 А.